



ШУБХАШ МУКЕРЖИ

# ҒАЛАЁН

РОМАН

Тошкент  
Ғафур Ғулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
1981

И (Инд)  
М 85

Русчадан  
Эркин Бойсинов ва  
Маҳмуд Сатторов  
таржимаси

70304 — 124  
С ————— 139 — 81      4703000000  
М 352 (04) — 81

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981 й. (Тарж.)

## ЖУМА

Ўтган кунги тун бағоятда даҳшатнок эди. Халигача ўзимга кела олмаяпман.

Ётоқ эшиklarини кеча бир мартагагина — эрталаб ўртоқларимизнинг жасадларини ўликхонага олиб чиқиб кетишгаётганда очишди. Уларни охирги марта кўриб қолишимизга рухсат беришди. Бунгача эса биз долон йўлагида бир неча соат мотам сукутига чўмиб ўтирдик.

Замбилларни ерга кўйишди. Кейин кўтаришди-да, олиб кетишди. Чойшаблар юз-кўзларни бекитмасди. Коканнинг юзлари шепхали гулининг пояси каби заъфарон эди. Кўз ёши чиқарадиган газлар тонгга довур тўла таркалиб кетмаган экан шекилли, кўзларимиз ҳали ҳам намланар эди. Шундай бўлса ҳам, бизнинг «У-нут-май-миз!» деган қичқириғимиздан бутун камокхона ларзага келди.

Сўнгра биз ўз камераларимизга таркалишиб кетдик. Чарчокдан танларимиз зирқирарди. Мен кун бўйи ўликдай донг қотиб ухлабман.

Бу ҳаммаси қандай содир бўлганлигини биз халигача аниқроқ била олмаймиз: ахир ётоқлар бири иккинчисидан маълум масофада турарди, бизнинг ётоғимиз эса — энг чеккадаги бурчакда эди. Ётоқлар олдида торгина ховли саҳни чўзилиб кетганди. Унинг бир этагида тергов зонаси томон чиқиладиган дарвоза; карама-қарши томонида эса, ғарбий дарвоза жойлашган бўлиб, у камокхона бошқармасидан бошланиб то посбон турадиган соатли минорага келиб туташадиган камокхона ичкари-сидаги Памела-авеню деган кўчагача чиқарди. Буларнинг

хаммаси ўтган кунни ўша ғарбий дарвоза томонида юз бериб ўтган эди.

Биз воқеанинг фақат бошланишини кузатиб турган эдик, боз устига у узокрокда эди. Саккизинчи ётоғимиз энг охирида бўлганлиги учун, биз ҳамманинг орқасида туриб қолганимиз туфайли ҳам воқеанинг охири нима билан тугаганини кўра олмадик.

Очлик эълон қилиш эртадан бошланиши керак эди, бу олдиндан келишиб қўйилганди. Бунда эса, уч кун илгари бошқа қамоқхонадаги маҳбусларга қарата ўк отишгани ҳақидаги миш-мишлар бизгача етиб келган эди. Бошлиқларимиз буни биздан яширишга уриниб, бизга газеталарни ҳам тарқатишмади.

Аммо биз барибир билиб олдик.

Ўтган кунни эрталаб митинг қилдик ва маъмуриятга кечкурун блок ва камераларнинг эшигини беркитишга йўл қўймаслигимизни маълум қилиб қўйдик. Қамоқхона қонунларига кўра бу жуда даҳшатли жиноят эди. Улар бизга куч ишлатишларини билар эдик. Биз ҳам уларга қаршилик кўрсатишимизни билишар эди.

Тушдан кейиноқ дарҳол бизнинг хосхоналаримиздан куролли соқчиларни олиб кетишди. Кечкурунга бориб жиноятчиларни барча монаткалари билан бирга ўзларининг зоналарига жўнатиб юборишди. Иш жиддийлашиб бораётган эди. Қоровуллардан бири навбатдаги кўришувга рухсат этилганларнинг рўйхатини олиб, дарвоза томон келаётган эди, лекин уни ҳайдаб юборишди.

Ўтган кунни менинг кўришув навбатим эди. Аммо бобом билан гаплашиш мен учун жуда қийин бўларди. Мен уни, бизда ҳаммаёқ хотиржамлик, ҳеч қандай тартибсизлик кутилаётгани йўқ, деб лақиллатишимга тўғри келарди. Дарвоқе, бу бобомга жуда хуш келарди: кўнгли қандай гапни тусаб турган бўлса, у худди шу гапни мендан эшитган бўларди.

Қўришув вақти тугагандан сўнг, тергов бўлимидаги камераларнинг эшиклари бекилди. Мен иккинчи қаватда панжарага ёпишиб турган халишоҳорлик йигитни кўриб қолдим. Ўзиникига кирмасдан олдин темир тўсиқ ортида туриб бир неча соат суҳбатлашгандим. Мен уни эркинликда юрган пайтларимизда ҳам яхши билар эдим. Икки-уч марта газетамиз редакциясига кириб ўтган эди. Ўзи билан жуда яхши шеърлар олиб келган эди. Бир қанча вақт уни полиция участкасида ушлаб туришди-да, тўппа-

тўғри ўтган кунни эрталаб қамоқхонага олиб келишганди. Аксига олгандай, тагин ўша кунни. Мен у билан гаплашаётганимда шунинг англаб қолдимки, у чўчинкираб қолган эди. Шунинг учун ҳам ўзимни шундай тутдимки, у мени ҳеч ҳам кўркмаяпти деб ўйласин дедим. Менинг барча ўй-фикрларим қамоқхона дарвозаларида эканлигини у хаёлига ҳам келтирмасди. Ўзимни бобомдек тасаввур қилардим — у мен билан кўришувга ноил бўлолмаса кўрқувдан оғизлари куруқшаб каловланиб қайтиб кетарди. У қамоқхонани қуролли полиция томонидан қуршаб олинганлигини, эҳтимол, кўрган бўлса керак. Буларнинг ҳаммасини кўнглимдан ўтказар эканман, мени ҳам кўрқув босиб кетди.

Қоронғи тушиши билан ҳамма ўз катагидан ташқарига чиқиб, торгина ҳовлида тўпланишди. Мен у ёққабу ёққа бориб-келиб, ўртоқларим билан гаплашиб юрдим. Оёқларим чарчаса, ошхона долонига яқинроқ келиб олардим-да, гап сотганим гап сотган эди. Ичимда эса: «Нимадир бўлармикан?», «Нимадир бўлармикан?» деган савол тинч қўймас эди. Вақти-вақти билан мен дарвозалар томон қараб-қараб кўярдим. Халишоҳорлик йигит эса ҳали ҳам тергов ётоқнинг иккинчи қаватидаги панжара яқинида туриб бизга чўчинкираб қарарди.

Унинг ёшида мен ҳам шунақа кўрқардим. Момақалди роқ каттикроқ гулдираб юборса ҳам мени кўрқув босарди. Қоронғида эса илон ва қурт-қумурсқалардан кўрқардим. Бора-бора тушундимки, кўрқинчли нарсалар тўғрисида қанча кўп ўйласанг, шунча кўп кўрқаркансан. Гап момақалди роқ пайтида, албатта, яшин уриб кетиши ё қоронғида сени албатта илон чақиб олиши мумкинлигида эмас. Охир-оқибат ҳадеб кўрқувни ҳис этиб юрарганлигимдан, у билан гўё топишиб кетдим.

Қутилмаганда, ўйларимни бузиб, кимдир кўлимдан ушлаб олди. Бу олтинчи ётоқдан Қонок эди. У, афтидан, мени кўпдан излаб юрган бўлса керак. Мен ҳам уни оломон ичидан бир неча бор нигоҳим билан қидирган эдим. Қонок ичимизда энг кичиги. Колледж студенти. Уни икки ой бурун ушлашган. Қонокнинг юзлари нозик ва хушсурат эди. Аммо, ўша кеча фонарлар ҳовлида ёнмаган эди, шунинг учун ҳам имкон қадар бир-биримизга яхши разм сололмадик. Қалтираб турган кўлларини ушлаб оқ англадимки, Қонок беҳад ҳаяжонда эди. Бир хил тарзда ўтаётган бу қамоқхона ҳаёти унинг жонига тек-

кан ва у охир-оқибат нимадир юз бераётганлигидан мамнун эди.

Биз шу кўйи ҳовлида сандироклаб юрдик. Тун гўё бехараша ўтадигандай, улар бизга қўлларини ҳам теккиза олмайдигандек туюлар эди. Бизга тегиб ҳам кўрсинчи, у ёқда, очикда юрганлар шу захотиёқ тўс-тўполон кўтариб юборишар. Буни, афтидан, улар ҳам тушунишарди.

Ўзинг гапирмай турсанг борми — ғовур-ғовур гаплардан ҳовли қандай гувиллаётганини баралла эшитардинг. Биз оз эмасмиз! Бешала ётоқда — қарийб олтмиштача кишимиз. Ҳовли эса — чамаси, бўйига юз эллик метр келади. Олма отсанг, ерга тушмайди.

Бирдан олдида турганлар жимиб қолишди. Биз саккизинчи ётоғимиз олдида турган эдик. Оломон ичида қандайдир бир янги ҳаракат бошланиб кетди. Конок: «Пока, Оробиндо-да»<sup>1</sup> дея қичқириб олдинга суқилди. Ҳамма ўз ётоғи олдида сафланиши ҳақида буйрук қилинганини англадим мен.

Бизнинг ётоғимиздан дарвозагача анчагина масофа бор. Дарвозадан чиққан ёркин нур кўзни басир қилгудек. Совуқ бошланиши билан ҳамиша кечаси тушадиган туман ҳам халақит берапти. Тагин олдида қора бошлар девори ҳам бор.

Ҳовли чети бўйлаб ўтказилган сув қувурининг устига чиқдим-да, бутун гавдам билан олдинга чўзилиб, у томонда нималар бўлаётганлигини билиб олишга ҳаракат қилдим. Дарвозаларнинг нариги томонида сўйил таёқлари билан қуролланган миршаблар сафини кўрдим.

Дарвоза олдида турган ўртоқларимиздан кимдир биров ўзи ясаб олган рупорни оғзига яқин келтириб гапир бошлади. У ҳинду тилида гапирарди. Нега деганда қоровуллар бенгаллардан эмасди. Унинг нималар деганини тушунмадим у лекин у менимча бир соатлар чамаси гапирди. Дарвозанинг нариги томонидан кимдир кутилмаганда бақириб унинг нутқини бўлиб қўйди. Бақирган одам офицерлик мундирида эди. Сал ўтгач, офицер қўлини кўзларига яқин келтирди. Афтидан, у соатига қараган бўлса керак.

---

<sup>1</sup> «Да» — кўшимча, катта акасига ёки катта оғасига мурожаат қилганда қўшилади. (Таржимон изоҳи.)

Боз устига бутунлай коронғи тушиб колди. Тергов ётоғининг биринчи қаватида турувчиларнинг кўпчилиги чивиндан сақланадиган тўрларни устларига ёпишиб, аллақачон тиррайдай қотишганди. Холишоҳорлик йигит ҳам энди дераза панжарасида кўринмай қолган эди.

Олдинги қатордагилар: «Инқилоб зиндабод!», «Саркор мурдабад!»<sup>1</sup>—деб хитоб қила бошладилар ва бу бир тарзда давом этиб келаётган кутиш ҳолатига бир оз жон киритди. Сўнгра яна рупордан ҳинду тилида нутк янгради.

Бирдан очилаётган дарвозаларнинг ғийчиллаши эшитилиб колди. Олдинги қатордагилар икки кадам орқага тисарилишди. Миршабларнинг сўйил таёқлари ялтирай бошлади, аммо шу заҳоти ҳовлидан уларга тошлар қорёғирдай ёғилди. Таёқлилар довдираб қочиш тараддуди-га тушиб колдилар! Биз ёқда ғолибона товушлар янгради. Дарвоза олдидаги майдон бўшаб колди.

Шу пайтда ҳаво очик қуни момақалдирак хуруж қилгандай: «Трах-тарарах» янграб колди. Кимдир: «Отишаяпти!» дея қичқирди. Ҳамма ётоқлар аро яширинишга шошилди.

Ётоқларнинг эшиклари жуда тор. Қўққисдан кирганда икки кишидан ортик киши сиғмайди. Саккизинчи ётоқнинг шундайгина эшиги олдига келиб теккан ўқ деворни ялаб ўтди. Ҳовлида эса яширинадиган жой йўқ. Ётоққа кириб олмасанг — тамом бўлдим деявер. Имконим бўлса, шу заҳотиёқ сакраб ўтиб кетардим. Аммо шундоққина рўпарамда қари Жамол пайдо бўлиб колди. У гўё ҳеч нима бўлмагандай бепарво эди. Жамол соҳиб<sup>2</sup> ўз одати бўйича ётоқдан чиқишда қандай шошилмаган бўлса, ҳозир ҳам у худди ўшандай эшик томон имиллаб бораётган эди. Ахир, ҳовлида ҳатто бир дақиқа ҳам тўхтаб туриш мумкин эмас. Энди нима қиламан?! Наҳотки қари Жамолни итариб ташлаб, ундан олдинроқ ётоққа кирман? Йўқ, бу ҳеч ҳам ақлга сиғмайдиган иш. Кейин одамларнинг кўзига ҳеч қачон қарай олмайдиган бўлиб қоламан-ку.

Ҳар тугул унинг орқасида туриб нималар ҳақида

<sup>1</sup> «Яшасин революция!», «Йўқолсин ҳукумат!» (ҳиндча.)

<sup>2</sup> Соҳиб — «жаноб» (арабча), европаликлар ёки мусулмонларнинг исмларига қўшиб айтиладиган сўз.



ўйлаётганимни пайқамади. Буни оллонинг ўзигина билади, илло айтмайди. Кейинги лаҳзада ўзимни сал дадил тута бошладим. Хўппа семиз Шуротх биздан орқада қолиб келаётганди. Мен уни бор кучим билан силтаб ўз томонимга тортдим-да, қари Жамол изидан ётоққа кириб олдик. Орқага қайтиб ташқарига бир қараб олдим-да, у томонда бизникилардан ҳеч ким қолмаганлигига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг, ётоққа кирадиган эшикни маҳкам бекитиб қўйдим. Биз ҳаммамиз бир бўлиб эшикка ичкаридан оғир бир темир каравотни тираб, уни маҳкамладик ва хоналардаги каравотларни олиб чиқиб юқорига чиқадиган зинапояларни бошидан охиригача қалаб ташладик, ўзимиз эса учинчи қаватга чиқиб яшириниб олдик. Зинапояга чиқиладиган жойдаги ғамлаб қўйилган бутилкаларни ва ғишт парчаларини ҳар эҳтимолга қарши бир жойга тўплаб ҳам қўйдик. Юқорига — пастга чопиб, каравот ташиб юрганимизда бир неча марта миямга шундай фикрлар келдики, асти қўяверасиз. Ботирлик ҳам кўрқув сингари — юқумли нарса бўлар экан. Нега десангиз, мен бошқалар билан бирга ётоққа кириб олдим-у, менда кўрқув деган нарса йўқолди. Аммо мен фақат шунинг учунгина ўзимни жасур деб ҳисоблай олмаيمان-ку!

\* Мен фақат шу ерда, камоқхонадагина ўз-ўзимни тергайдиган бўлиб қолдим.

Яқингинада Тагорнинг таваллуд кунини байрам қилинадиган вақтларда мен билан бир дахшатли воқеа бўлиб ўтди. Мен аввалдан шундай қарорга келиб қўйган эдимки, мабодо менга сўз берадиган бўлсалар, унда мен Тагорни шармандаю шармисор қилмоқчи эдим. У буржуалашиб кетган, биз эса буржуазия ва буржуалашишга қарши қатъий равишда кураш олиб боришимиз керак, демоқчи эдим. Чиқиш учун мен яна бир қанча ўткир, узиб оладиган сўзлар ҳам топиб қўйган эдим, аммо менга ҳаммадан бурун сўз беришларини сира кутмаган эдим. Шундоққина ўрнимдан турдим-у, аввалдан ўйлаб қўйган фикрларимга тамоман зид гапира бошлабман. Худди, чойхона дастәри патнисда тўнтарилган пиёлаларни шундоққина чойхўрларнинг бурни тагида ағдариб қўйгандай. Хўш денг! Қуру<sup>1</sup> майдонида ростмана жанг бошланди!

---

<sup>1</sup> Куру майдонидаги жанг — қадимги хинд эпоси «Мабахарата»да таъсирланган марказий воқеа.

Ўта мурасасиз кайфиятда юрган группа мени дўппослаб кетишига оз колди. Улардан бири мажлисдан кейин ховлида ёқамдан олды, деворга сиқиб тиради-да, сўради: «Демак, сиз, ўртоқ, мустабид-зайиндорлар тарафдори экансиз-да»<sup>1</sup>. Аммо ўша куни заррача ҳам кўркканим йўк.

Бир неча кундан сўнг у томондан Тагор масаласи хақида партиянинг тутган йўли тўғрисида тушунтириш хати келиб колди. Бу кўрсатмани ўқиганимдан кейин қандай кайғурганимни тасвирлаб бера олмайман. Кечаси билан ухлай олмадим. Ўртоқларимнинг лаънатлашларидан эмас, ўзимдан кўрқардим. Гап шундаки, мен шу пайтгача марксизмни билмас эканман. Мен шу маҳалгача майда буржуа позициясида юрган эканман.

Эндиликда ҳаммасини яхшилаб тушуниб олдим. Хатоларимнинг боиси майда буржуазиядан келиб чиққанимда экан. Ожизлигимнинг бутун илдизи эса бобом экан.

Ўтган куни фақат бир кеча учун кураш олиб бордик. Ўзимизни бир марта бўлса ҳам камераларга қамаб қўйишларига йўл бермаслик — бу демак ҳукуматнинг китиғи пирига тегишдек сўз эди.

Бошқа ётоқларда нималар бўлаётганлигини билмас эдик. Узатилиб юборилаётган темир каравотларнинг жанраги тинди. Демак, баррикада ва тўсиқлар қуриш ишлари битибди. Қимдир ховлида қутурган ит каби изғир ва ақиллаб, бизларни энг ёмон сўзлар билан ҳақоратларди. Бундай сўкишлардан кейин нахот бизни жаҳлимиз чиқса? Қуролсиз ҳолда ташқарига отилайликми? Уларнинг ўқларига тўшимизни тутиб берайликми? Э, йўк! Улар эшикларни итариб кўришди. Баррикадалар мустаҳкам эканлигини пайкагач, ҳар бир ётоқ эшигини милтиқларининг қўндоклари билан тақиллатиб чиқишди.

Учинчи каватда хонага кириладиган эшикни мудофаа қилиш учун биз тўрт нафар одам ажратдик. Орқанда туриб яна бир группа уларга зарур бўлиб қолганда «қурол» (бутилкалар, гиштлар ва бошқа нарсалар) бериб туришлари лозим эди. Ҳолдан тойган ва ярадор бўлиб қолганларнинг ўрнига-ўрин яна бир эҳтиёт группа ҳам бор эди. Бошқалар эса ярадор бўлганларга ёрдам

---

<sup>1</sup> З а м и н д о р — йирик ер эгаси. Р. Тагор ҳам ўзининг ижтимоий чиқиши жиҳатидан йирик заминдор бўлган.

бериши ва умуман «ҳар қандай зарурат»га доим тайёр бўлиб туришлари лозим эди. Ихтиёримизда батареяли иккита чироқ, икки пакет пахта ва яраларни боғлаш учун тайёр қилиб қўйилган дхоти ҳамда бир шиша йод бор эди.

Улар биринчи зарбани қаердан ва қаерга беришлари хали номаълум эди. Олд томонданми, орқаданми, ё тўртинчи ёки саккизинчи ётоқданми, билиб бўлмасди. Кўп ўтмай, узоқдан қайсидир ётоқнинг эшигига зарб билан урилгани ва унга тираб қўйилган каравотларнинг шарақ этиб ағдарилиб кетганлиги эшитилди.

Еттинчи ётоқдан Нитои Сардорнинг: «Ўртоқлар! Тўртинчи ётоқнинг эшиги синиб кетди! Хушёр бўлинглар!» деган хитоби янгради.

Тўртинчи ётоқдагилар тинимсиз равишда хитоб қилишарди. Кейин овозлар тиниб қолди ва қандайдир оғир буюмларни итқитиб ташланаётганлиги эшитилди. Сўнгра яна шиорлар янгради. Ва яна хиёл вақтга кадар жимлик чўкди. Тўсатдан кетма-кет бир неча марта милтик отилди. Биз олдин буни «Ўқ!» деб ўйладик. Аммо, сўнгра унинг вишиллаб чиқаётган характерли товушига қараб, унинг кўз ёши чиқарадиган газ эканлигини пайқаб қолдик.

Еттинчи ётоқдан яна овоз келди: «Ўртоқлар! Улар кўзни ёшлантирадиган газ итқитишмоқда. Цистернадаги сувни полга қуйиб юборинглар!» Биз ҳам шундай қилдик.

Кўзни ёшлантирадиган яна қанча снарядлар портлатилганлигини эслай олмайман-у, аммо кўп ўтмай бурун ва кўзларимиз ачишиб кетаётганлигини ҳис этдик. Аввалдан билганимиз учун, хўл сочиқларимизни юзларимизга ёпиб олдик.

Шу пайтда тергов бўлмаси томидан бирдан прожекторларнинг кучли шуъласи келиб урилди. Бадшанинг: «Ётинглар, ўртоқлар, ётинглар!» деган овози келди. Ҳаммамиз долоннинг жиққа хўл поли устига таппа-таппа ётиб олдик. Бизга қараб отилган бир неча снарядлар долон панжараларига урилиб, ҳовлига қайтиб тушди. Ахийри улар, тергов томидан туриб, газли снарядларни биз турган ётоққа отиб киргизиб бўлмаслигига кўзлари етгач, айланма нарвон орқали пастга туша бошлашди. Ботинкаларнинг тапур-тупири бизга эшитилиб турарди.

Биз газнинг таъсир этишини камайтириш учун зўр

бериб бурунларимизни кокиб, кўзларимизни пирпиратар эдик-да, қулоқларимизни динг қилганча, бизни камал қилиб олганларнинг қадам товушига зехн солиб, кейин нима қилмоқчи эканларини билиб олишга уринардик.

Шаҳдам қадам ташлаб, дарвоза томон бир гуруҳ ўтиб кетди. Чамаси, у ерда унга бошқа гуруҳ келиб кўшилди. Қадам товушлари аста-секин дарвозадан узоқлаша борди. Ҳаммамиз жон қулоғимизни бериб, жимликни тинглаб турдик-да, деярли бир вақтнинг ўзиде: «Кетишди!» деб тин олдик. Ишнинг боришига кўра бу демак: «Улар юткизишди!» дегани эди.

Салдан кейин кўшни ётоқдан овоз эшитилди: «Ҳов! Саккизинчи ётоқ!» Бу сафар «Маршал Ворошилов» кичкирган эди. Еттинчи ётоқда Шойло деган икки ўртоқ бор эди. Катта Шойло ва кичик Шойло. Кичигининг исми шундай «Шойло» деб айтилар, каттасининг исмига эса аста-секин «Маршал Ворошилов» деган лақаб қўшиб айтиладиган бўлиб кетган эди, балки бу унинг ҳарбий санъатга доир масалаларни муҳокама қилиши учундир. Эркинликда эса у ҳар доим партиявий митингларни кўриқлаб турувчи кўнгиллиларга командирлик қиларди.

Ҳозир Маршал Ворошилов саккизинчи ётоқда ҳамма соғ-омонми, бу ётоқда бошқа ётоқлардан ҳеч ким борми-йўқми, шуни билишни истар эди. Шу пайтгача бунақа ҳисоб-китоб қилиб кўриш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Бунинг устига қоронғида ҳеч қимни аниқ таниб бўлмас эди. Маълум бўлишича, ётоғимизда бошқа ётоқдан ҳеч ким йўқ экан. Аммо, бизникилардан икки киши йўқлигини энди билиб қолдик.

Бонши билан Қанчон орамизда йўқ экан. Бонши — меънинг кадрдон дўстим. Биз у билан бир вақтда студентлар ҳаракатида қатнаша бошлаганмиз. Бонши ўқишда ҳам, ҳазил-хузулда, баҳсда ва нутқда эпчил ва ўтқир эди. Агар у хоҳласа ҳаётда ўзига яхши ўрин топиб ола биларди. Аммо, у бундай қилмади. Ҳатто магистрлик имтиҳонини ҳам топширмасдан, ўқишни ташлаб, профсоюзда ишлашга ўтиб кетди. Уни қарийб бундан икки йил олдин қамоққа олган эдилар. У ҳозир бенгалча қойилмақом гапирадиган бўлиб қолган. Талаффуз қилишидан уни панжоблик эканлигини ҳамма ҳам тан олавермайди.

Қанчон чой плантацияларида батрақлар билан бирга ишлаган. У волейбол мусобақаларида ҳамisha сетка олдида туриб ўйнарди. У бир сакраб ҳавода илондай бу-

раларди-да, тўр устидан тўпни чунон зарб билан урардики, бас келадиган азамат топилмасди.

Кечаси отишганини эслаб, кўркувдан ҳаммамиз донг котиб қолдик. Наҳотки?..

Беш минутлардан сўнг хабар келди ва биз енгил на-фас олдик. Айниқса, биринчи навбатда мен, Бонши ва Қачон — иккалови ҳам тўртинчи ётоқда экан. Иккалови ҳам соғ-омон экан. Боинши шундоқкина дарвоза олдида турарди. Бир оёғи гипсда эканлигини мен фақат ўшандагина эсладим. Бундан чикдики, мен шу пайтгача фақат ўзим тўғримда ўйлаганман ва фақат ўз-ўзим билан машғул бўлган эканман. Ахир, Боншининг энг яхши дўсти эканлигимни камокхонадагилар жуда яхши биларди-ку. Яхши дўст ана шунақа!

Ярим соатдан сўнг эса яна кўнгилсиз хабарлар кела бошлади. Бир неча ўртоқларимиз отиб ўлдирилибди. Бир нечаси ярадор бўлибди. Баъзилари тўғрисида эса ҳозирча ҳеч вако маълум эмас.

Нақ тонг отар пайтида еттинчи ётоқда Нитай Сардор яна бизга мурожаат қилиб қолди. У кимлар ўлдирилганлигини бизга хабар қилмоқчи эди. Унинг овози қайғудан титраб чиқар эди. Аммо у ҳалок бўлганларнинг исмини зўр-базўр санаб чиқар экан, бир исм менинг оғзимдан ўз-ўзидан отилиб чиқиб кетай деди. Бу ҳақда бировга гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Ҳеч ким бунга ишонмайди. Учинчи — мен сесканиб кетдим — Нитай худди шу исмни тилга олганда юрагимни хипчин билан савалагандек бўлди; («Пока, Робиндо-да!» дегани эсимга тушиб кетди), олтинчи ётоқдан ўша бола — Конок эди бу. Ҳушим бошимдан учиб кетди. Қачон баррикадаларни бузиб олганимиз ва каравотларни қандай қилиб камераларга ташиб жойлаштирганимизни эслай олмайман.

Бонши билан Қачон эрталаб камераларига қайтиб келишди-да, бизга оғиз очишмади. Кейинроқ бир амалтақал қилиб улардан гап сўраб билиб олармиз.

Кеча мен тун бўйи донг котиб ухладим ва фақат бир марта бир сонияга уйғондим. Столда тунука идишда ўтган ҳафта бобом келтирган печенье турганлигини кўриб, кўрқиб кетдим. Қоровуллардан бири буни кўриб қолмасин тагин! Идишни печеньееси билан чамадонга вақтинча солиб қўйдим. Кейинроқ буни даф этиш керак. Агар камокхона бошлиғи менда печенье борлигини билиб қолса, ер билан битта қилади.

Ханузгача бутун камокхонада мотам ҳукм сурмоқда.

## ШАНБА

«Ханграш» — бу сўзни мен биричи марта Шордиха кишлоғида соч-соқоли оқариб кетган бир кекса дехқондан эшитган эдим. У йигирма йил ўша райондаги махат<sup>1</sup> дехқонлари ҳаракатига бошчилик қилган экан. «Бир сафар, — деб ҳикоя қилди у, — мен кўпгина бошқа кишилар билан биргаликда қамокхонада бўлган эдим. Биз у ерда «ханграш»ни ташкил қилдик. Мен қайта сўрадим: «Ханграш?» — «Ҳа, ханграш». Ўша маҳалда ёнимда ўтирган Шуроджит-бабу<sup>2</sup> кўзини қисиб кулоғимга шивирлади: «Ханграш — бу дегани «hungerstrike»<sup>3</sup>.

Ва ўшандап бери «ханграш» сўзи миямга ўтириб қолган.

Бугун очлик эълон қилганимизнинг тўртинчи куни. Йўк. Тўртинчи кеча, учинчи кун. Эсимни еб қўйибман, ҳисобдан адашдим.

Одатда учинчи суткага ўтганда очликни ҳис этиш бироз сусаяди. Аммо бу сафар ҳаммаси тескари бўлаяпти: очликни сезиш кундан кунга кучайиб бораёпти. Мен бўлар-бўлмасга ўрнимдан тураман-да, чанқоқлик билан сув шимираман. Сув билан бир чимдим туз ҳам ютиб юбораман. Бу билан бир дақиқага бўлса ҳам очлик кетгандай бўлади. Аммо бир пасдан кейин эса яна бояги-бояги.

Бугун кечаги ёзганларимни қайта ўқиб чиқиб, ҳафсалам пир бўлди. Кўнгилдагидек эмас. Худди газетада чиқадиган репортажга ўхшайди: «Бизга ўз мухбирларимиз хабар қиладиларки...» ва шунга ўхшашлар. Курук, бемаза, маъносиз.

Боншига ҳавасим келади. Ўша куни у тўртинчи ётоқда эди. У тунни дарвоза олдида туриб ўтказди. Қамокхона комитетининг аъзоси сифатида у ерда бўлиши зарур эди. Бизга фақат узоқдан сўйил таёқлар билан куролланган мираншаблар кўриниб турарди, холос. Маълум бўлишича эса, уларнинг орқа томонида яна бир қатор

<sup>1</sup> Махатлар — Бенгалиядаги майда миллатлардан бири.

<sup>2</sup> Бабу — жаноб.

<sup>3</sup> Очлик — эълон қилиш (инглизча).

милтиқ билан қуролланган гурқхлар<sup>1</sup> бор экан. Улар бизга бу ердан кўринмас эди.

Боншининг ўзгинаси ва яна бир ўртоқ, Рамаботар қўлда ясалган рупор орқали ҳинду тилида миршабларни биродарлашишга чақириб нутқ сўзлашганди. Ҳатто бир офицер уларга ўдағайлаб дўқ урганида ҳам улар нутқ сўзлашда давом этавердилар. Худди шу заҳоти дарвоза очилди. Синиқ бутилкалар ва гишт парчалари билан пешвоз олинган миршаблар саросимада қолиб қочиб тушганларида, милтиқлар ҳам ишга тушган эди. Дарвоза яқинида турган бизникилар ярадор бўлганларни ўз қаватларига олиб, тўртинчи ва олтинчи ётоққа яширинишган эдилар.

Шундан сал вақт ўтгандан кейин қуролли миршаблар ётоқлар қатори бўйлаб чўзилиб кетган торгина йўлакка кириб олган эдилар. Аммо аллақачон тўртинчи ётоқнинг биринчи қаватида баррикада қуриб бўлинган эди. Бутун зинапоялар бошидан охиригача каравотлар билан тўлдириб ташланган эди. Миршаблар энг аввал тўртинчи ётоқнинг эшигини итариб очмоқчи бўлдилар. Кейин бошқа ётоқларнинг эшикларини итариб текшириб кўрдилар ва ҳамма эшиклар олдига баррикада қилиб қўйилганини пайқадилар. Шундай бўлса ҳам улар тўртинчи ётоққа кириш учун уриниб кўришга қарор қилишди. Улар биринчи қаватдаги баррикадани қулатиб юборишга эришдилар, аммо юқорига чиқиш учун зинапоялардаги каравотларни у ёққа-бу ёққа ташиб иткитаётганларида, бизникилар учинчи қаватдан туриб, уларга қарата патнис борми, стакан борми — қўлларига нима тушса, шуни отавердилар. Пастдан туриб отишнинг фойдаси йўқ эди, чунки юқоридагилар жуда яхши бекиниб олган эдилар. Бир-иккитаси аллақачон ярадор ҳам бўлиб қолгани туфайли миршабларга зинапоялардан юқорига чиқиш фикридан қайтишга тўғри келди.

Улар энди ички ховли тарафга ўтиб олдилар-да, кўз ёши тўкадиган газли снарядлар ота бошладилар. Бизникилар ичимлик сув солинган катта бакни ағдаришиб, бутун долон ва камералар полини сувга бостиришди. Шуниси ҳам борки, газли снарядларнинг кўпчилик қис-

---

<sup>1</sup> Г у р қ х л а р — ҳинд армияларида хизмат қилувчи непаллик солдатлар.

ми долоннинг панжараларига урилиб ҳовлига қайтиб тушди, фақат баъзи битта-яримта снаряд долон поли билан панжара оралигидаги тирқишдан ўтиб ичкарига тушган бўлсагина, бизникиларга уни ташқарига олиб отиб юборишга тўғри келар эди. Мудофаага Бонши раҳбарлик қилар эди. Улар миршабларга қаратиб бирваракайига стаканлар, бутилкалар ва ғишт парчаларини отишарди. Аммо мудофаа қилиш тобора қийинлашиб борар эди. Газ ўз таъсирини кўрсата бошлаган эди: нафас олиш қийинлашар, кўзлар ачишар эди. Агар миршаблар энди зинапоялардан юқорига чиқиш учун қайта уриниб қолгудек бўлсалар, уларни қайтариш энди анча қийин бўлар эди.

Кутилмаганда улар газли снарядлар отишдан тўхтадилар. Энди нима қилишмоқчи экан улар? Баррикадаларни бузишиб юқорига чиқишармикан? Бонши ўртоқлари билан бирга эшик томон эмаклаб борди. Ахир, Боншининг оёғи гипсланган-ку!

Ҳамма жон қулоқ бўлиб жим турипти. Аммо юқорига чиқадиган зинапояларда тўқ этган садо йўқ. Кимдир шундай ташқарига қаради-да: «Ҳовли бўм-бўш-ку»,—деди. Миршаблар кетишибди.

Бизникилар қамал тугаганлигига тўла ишонч ҳосил қилгунларича яна бир оз вақт ўтди. Улар биринчи қаватда ҳалок бўлган икки ўртоқларининг мурдалари қолганлигини ўшандагина эсга олишди.

## ЯҚШАНБА

Бизники саккизинчи ётоқ. Энг охиргиси. Бизга бало ҳам ургани йўқ.

Уч суткадан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, очлик мени кемиргандан кемириб борапти. Вақти-вақти билан ранг галлюцинацияси ҳам юз бераётир. Мен Коноканинг чехрасини эслашга ҳаракат қиламану, аммо уни худди туман орасидан ғира-шира кўраётгандай бўламан.

Ҳалок бўлганларидан бирини етти ёки саккиз йилдан бери билардим. Биз илк бор область комитетида танишган эдик. У ўшанда жуда ёш эди. Дехқонлар орасида ишларди. Ўзи ҳам дехқонлардан чиққан асли. Бадан



териси деярли коп-кора. Камгап, кулгани кулган эди. Тишлари оппоқ ялтирар, кулиш унга ярашарди ва буни унинг ўзи ҳам биладигандай эди.

Мендаги каби, унинг ҳам кўришув куни чоршанбага эди. Меникига ўхшаб хотини кишлокда яшарди. У томонлардан бу ерга келиш ҳам узок, ҳам чиким устига чиким эди. Шунинг учун ҳам у кўришувга бир ойда бир мартагина келарди. Ўтган чоршанба куни у келиши керак эдими? Йўқ, ундай бўлмаса кераг-ов.

Ҳалок бўлганларнинг бошқаси билан қамокхонада танишган эдим. То қамокқа тушгунга қадар у телеграфист бўлиб ишлаган, олдинроқ эса армияда хизмат қилган экан. Шеърларни жуда ҳам яхши дэкламация қилиб айтаркан. Айниқса, Шуканто Бхоттачарджонинг! шеърларини мароқ билан ёд олган экан. Ўзи ҳам шеър ёзаркан. Бир марта менга ҳам кўрсатган эди. Мен унга ҳамма жойда ҳам баҳрга риоя қилинмаган, дедим. Жавобимдан хафа бўлди чамаси, ўшандан бери мени четлаб ўтади. Бу ҳақда эслаш энди мен учун жуда ҳам оғир. Мен ўшанда унинг шеър тўкишдаги йўл кўйган хатоларини бунчалик очикдан-очик юзига солмасам бўлар экан.

Ҳатто шундай хотиралар ҳам оч қоринга ёкмас экан— ахир бу андишасизлик-ку! Мен қанчалик ўзимни овутмайин, барибир енгиллик сезганим йўқ.

Столдан турдим-да, каравотда ётиб олганча ёза бошладим. Ўша кеча мен шамоллаб қолган бўлсам керак. Бўйним елкам билан увушиб оғриди.

Камералар аллақачон кулфлаб кўйилган. Ҳадемай чироқни ҳам ўчиришади. Энди мириқиб сув ичиш керак. Ўшандагина тунни яхши ўтказасан киши, уйқуда эса очликни сезмайсан.

Ўтган кечаси мен туш кўрибман; яхшиси энди бундай тушни кўрмаган маъқул. Тушимда мен қамокхонадан чиққан эмишман ва тун яримда ўзимизнинг кўчамиз бўйлаб кетиб бораётибман, уйимиз эшигига яқин келдим, эшик тутқичини шикиллатдим — аммо шу пайтда уйғониб кетдим ва шовқин-сурон билан менинг камерамни очаётган қоровулнинг семиз башарасини кўрдим.

---

<sup>1</sup> Шуканто Бхоттачарджо (1926—1947)—бенгал шоирн, коммунист.

## ДУШАНБА

Энди ҳовлига чиқадиган эшик кечасию кундузи берк туради. Саккизинчи ётоғимиздан ташқари бошқа жойларда нималар бўлаётганини била олмас эдик.

Бугун эрталаб уйқудан турганимда очлик унчалик сезилмади. Энди бу «ёввойи хайвон» аста-секин жиловланмоқда шекилли.

Аммо онгимиз гўё мунтазам иш билан машғул қилиб қўйилган қўлга ўхшайди. Акс ҳолда у ишсизликдан деворга ўрмалаб чиқиб кетарди. Кўнгилда ҳорғинлик ҳукмрон, қандайдир танглик, бесаранжомлик сезиларди. Дабдурустдан бошланган бу очликдан илгарироқ ошқозонларимизни тозалаб улгурмаган эдик. Шунинг учун ҳам безовталиқ авжига чиқмоқда. Ишқилиб, биронтамизда бош-айланиш ёки қорин чангак бўлиб қолиш ҳодисаси юз бермасин-да. Аммо бунақаси, умуман олганда дастлабки кунларда юз бериши мумкин. Бошқа ётоқларда ахвол қандай, билмайман-у, лекин бизда ҳозирча ахвол жойида.

Бирор иш бўлмагандан кейин қийин экан. Ўлгудай зерикарли.

Агар очикда юрганларнинг биронтасига, камоқхонада очлик эълон қилганимизга қадар вақтимизни қандай ўтказганимизни гапириб бергудек бўлсак, гапимизга ҳеч ким ишонмаган бўларди. Ҳар нечук ҳозир яхши. Биз соат сайин кечадиган овқат азобидан қутулганмиз. Авваллари эрталаб ўрнингдан турган заҳоти — навбатчи чой келтирарди, соат саккизда эса — енгил нонушта, соат ўнда эса — яна чой, пешинда қорин қаппайгунча тўйиб овқатланардик, тушлик уйқудан кейин эса кофе ичиш учун ҳаммамиз бирор камерага йиғилишардик, футбол ёки волейбол ўйнашдан олдин — яна енгилгина нонушта, ўйиндан кейин эса — чой, кечалари — гурунч билан чапати<sup>1</sup> нон ёки дам олиш кунлари эса бирор лаззатлироқ таом бериларди. Оғзимиз овқат ейишдан бир дам ҳам тинмасди. Баъзан камоқхонада бутун вақтимизни гўё фақат овқат ейиш билан ўтказаётганимиздай туюларди менга.

---

<sup>1</sup> Чапати — чучук нон.

Болалик пайтларимда агар мен кўп овқат еб куйсам, бобом менинг қорнимни силаб-сийпаб туриб: «Бечора Ватапи!<sup>1</sup> Бечора Ватапи!» деярди. Ватапи тарихини ҳам мен бобомдан эшитганман. Ватапининг акаси брахманларни (мажусийлар рухонийси) жуда ёмон кўрар экан. У Ватапини сеҳр билан қўйга айлантирар ва бу қўй билан бошқа бир брахманни меҳмон қилар экан-да, сўнгра укасини қайтадан одамга айлантириб чақириб оларкан. Акаси Ватапи деб чақирishi билан у брахманни қорнини ёриб, ирғиб чиқиб келаркан. Аммо ахири муни<sup>2</sup> Агастья Ватапини ҳазм қилиб юбораркан. Мана мен энди бу ерда ўйлаяпман, биз қамокхонадагилар киммиз: олчоқ брахманларми ёки ҳар биримиз Агастьямизми?

Жин урсин! Хаёлим яна овқатга кетибди-я! Болаи-да ҳаммамизга очлик пайтида овқат тўғрисида ҳатто беғаразлик билан бўлса-да, гапириш мумкин эмас деб, жуда кўп марта айтган. Агар бехосдан овқат эсингга тушиб қолгудек бўлса, шу заҳоти хаёлингни бошқа бирор нарсаларга буриб юборишга ҳаракат қил. «Эсингизда бўлсин ўртоқлар,— дер эди одатда Болаи-да, очлик эълон қилиш бу уруш. Ҳаммангиз ҳам бу урушда солдатлардирсиз!»

Ҳозирги ёшлар катталарни ҳурмат қилишмайди. Илгарилари биз бундай гапларга ўч эдик. Ахир бизда очлик биринчи марта эълон қилиниши эмас. Кўчаларга бомба ташлаб юрган, баррикадаларда туриб кураш олиб борган болалар мана энди бу очлик балосига тушиб қолишди. Улар Болаи-данинг нутқларини тинглаб тўрищади-да, кейин орқасидан қулиб қўйишарди. Улар Болаи-дани «очлик қўмондони», бошқаларни эса — солдатлар эмас, балки «очиққанлар» деб атаар эдилар.

Ҳозирда қамокхонада ўтирганларнинг кўпчилиги энг бошланғич даврда, айни янги партиявий муносабат тасдиқланишдан олдин қамокка олинган эди<sup>3</sup>. Энди бу ерда ўтирганлар билан очикда юрганлар орасида тўла ҳамфикрлик йўқлигига ҳеч қандай гумон қолмади: очликдагилар қамокхонадагиларнинг попуги пасайиб қолди деб

---

<sup>1</sup> В а т а п и — ҳинд афсоналаридаги персонаж.

<sup>2</sup> М у н и — донишманд, зоҳид. Агастья — ҳинд афсоналаридаги машҳур персонажлардан бири, илоҳий кучга эга бўлган донишманд.

<sup>3</sup> 1948 йилда Ҳиндистон Компартияси позициясидаги юз берган ўзгариш кўзда тутилади.

хисоблашаётган бўлсалар, камоқхонадагилар эса ўз навбатида очикдагилар анча кизиққонлик қилишаяпти деб хисоблашар эдилар.

Ётоқларда ўтадиган мажлисларни «чойшабча» деб атардик, чунки мажлис пайтида полга чойшабча ташлаб ўтириб олардик. Барча ётоқларнинг умумий мажлисини «катта чойшаб» деб атардик. Охирги «катта чойшаб»да Болаи-да тўғрисида кескин мунозара бўлиб ўтди. У ҳаётининг энг кўп қисмини камоқхоналарда ўтказган. Қачонлардир бир вақтлар сал бўлмаса террорлик ишлари учун уни осиб ўлдиришга ҳукм қилиб юборишларига сал қолган эди, аммо бахтига қарангки, осиммади. Кўп йиллар давомида у камоқхонанинг барча кодексларини тўла ўрганиб олди, қамокхона бошлиқлари билан гап талашинида унинг олдига тушадиган йўқ эди. Аммо, энди бу унга унча фойда бермаяпти. Ёшлар уни келишувчи, деб ҳақоратлар ва ҳартарафлама шарманда қиларди. Болаи-да «катта чойшаб»да чиқиб сўзлаган нуткида: «Очик жанг майдони ва камоқхона кулфи — булар бир хил тушунча эмас. Шунинг учун фақат кураш воситаларигина эмас, балки кураш усуллари ҳам турлича бўлмоғи лозим» — деб айтган эди. Унинг бу гаплари кимларга қарши айтилаётганлигини пайқаб олиш унчалик қийин эмасди.

Болаи-да менга жуда ёқарди. Бунинг устига у билан қарашларимиз ҳам жуда мос тушарди. Шундай бўлса ҳам, унинг бу кескин сўзлари нимагадир менинг кўнглимга ботгандай бўлди. Ўз-ўзимни таҳлил қилиб бориш асносида кундан-кунга ҳар хил гумонларга ботиб бораётирман.

Бундан бир ярим ой олдин бизлардан бир неча кишини, шу жумладан мени ҳам Медицина колледжидаги кўз докторига кўрсатишга олиб боришди. Бизларни куролли соқчилар кўриқлаб боришди. Қасалхона шундоғам тирбанд эканки, мен унда йўқолиб қолай дедим. Хоҳласам, соқчилардан ситилиб чиқиб кетсам бўларди. Аммо қамокхона комитети қочишни катъий ман этган эди. Аслида эса мен бу билан ўзимнинг қочишга мойил эмаслигимни оқламоқчи бўлардим. Ахир, ичимиздан баъзилар мана бунақа шароит бўлиб қолганда қочишди ҳам, албатта, очикдагилар уларнинг бу ишларини қоралашди деб ўйламайман. Ҳар нима бўлса ҳам қочмадим ва шу нарса эсимдаки, куролли соқчилар доктор кўри-

гидан кейин бизларни чойхонага олиб бориб, давлат пулига бизларни чой ва бутерброд билан сийлашди.

Эҳтиёт бўлиш керак! Яна овқат ҳақида ўйлаяман!

Долонга стул олиб чиқиб ўтирдим. Бу ердан осмон тор йўлакча каби кўриниб туради. Қамокхонада шуниси ёмонки, гиштин деворлардан бошқа деярли ҳеч нарсани кўрмайсан киши. Худди ҳаво ётишмаётгандай туюлаверади.

Умуман олганда, гап фақат ҳамма нарса тақиқлаб қўйилганида эмас. Менинг бу ердан қочиш кетмаганлигим шунданки, бу бобом туфайлидир. Партия интизоми эса, албатта мени ҳам бу ердан нима бўлса ҳам қутилиб чиқиш йўлини қидиришга даъват этади-ю, аммо бобомнинг менга нисбатан кўрсатаётган меҳр-мухаббати мени оёқ-қўлларимни боғлаб қўйган эди.

Агар у бўлмаганда, мен бу сафар умуман қамокхонада ўтирмаган бўлар эдим. Партия менга яширин ҳолда иш олиб боришга ўтиш ҳақида кўрсатма берган эди. Аммо, бобом бунга рози бўлмади. Бобом: «Мен партия ишлари билан шуғулланишингни таъқиқлаб қўяётганим йўқ — фақат яширин ҳолда ишлашга ўтмасанг бас. Яхшиси, сени ҳибсга олсинлар, қамасинлар, майли. Мен бундан кўркаётганим йўқ. Шундай бўлиб қолган тақдирда ҳам, сени лоақал учрашув вақтида кўриб гаплашсам бўлгани».

Энди эса бобом нима дер экан? Майли у қамокхонада ўтириш билан яширин ҳолда иш олиб боришнинг ўртасида фарқ жуда ҳам оз эканлигини энди билиб олсин. Худди ўша куни — биз ўзимизни камераларга беркитиб қўйишларига йўл бермаганимиз — ўтган чоршабада бизнинг навбатдаги учрашувимиз бўлиши керак эди. Бобом ўша куни мени кўра олмай, менга олиб келган нарсаларини ўзи билан яна қайтариб олиб кетаётганида қандай аҳволда кетганлигини энди тасаввур қилиб турибман. Қелаётган навбатдаги кундан очлик бошланишини бобом билар эди. Аммо бир ёмон иш бўлди. Қимдир мени ўлдирилди деб миш-миш тарқатибди. Бу миш-миш бобомга етиб борганмикин?

Эҳ, бобо, бобогинам. Аммо унинг ҳақидаги хавотирларим билан даҳшатга тушаётганимни хаспўшлаётган бўлмайин тағин?

## СЕШАНБА

Кеча, камераларни бекитишлари билан дарҳол чўзила қолдим. Эндигина ухлаган эканман бирдан узоқдан машина сигналини эшитиб уйғониб кетдим. Бўлиб ўтган ўн кунлик очлик даврида ҳам бир неча марта шу сигнални эшитган эдим. Машина шигиллаб дарвозадан кириб келди. Бу камоқхона инспектори.

Инспектор олдинги сафар очликнинг иккинчиси ё учинчи кунда келган эди. Бу гал эса — олтинчи кунда. Балки, улар бизнинг кучимизни синаб кўришмоқчи бўлишаётгандир.

Она сутти оғзидан жетмаган болалар ҳақиқатан ҳам бу очлик — кураш, кураш бўлганида ҳам бутунлай бошқача кураш эканлигини англаб, етишлари керак. Кўчаларга чиқиб миршаблар ўқи остида туриб бериш — бошқа иш, овқатдан бош тортиб, қадам-бақадам ўлим гирдобига яқинлашиб бориш эса бутунлай бошқа ишдир. Бу ерда чиндан ҳам бошқача мардлик керак. Кейинги бир ярим йил ичида мен бунга қайта-қайта иқроп бўлдим.

Хар сафарги бўладиган очлик даврида кимдир чидамсизлик кўрсатади, ҳарқалай. Аммо, бу ҳақда олдиндан ўйлаб олиш керак бўлади. Қария ва кучсизларни очлик тутадиганлар рўйхатидан олдиндан чиқариб қўймоқ лозим. Баъзилар очликдан дарров касал бўлиб коладилар. Шунинг учун ҳам уларни лазаретга жўнатишни олдиндан ўйлаб қўйиш керак... Шундайлари ҳам бўладики, очликда қатнашмасликнинг йўлини қидириб, ўзларини касалмиз деб ҳам эълон қилишади. Бундайларни ҳам очликдан озод қилиш керак, бўлмаса ҳамма ишни пачавасини чиқариб қўйишлари мумкин. Барибир очлик даврида бирор штрейкбрехерлар ҳам чиқиб қолади. Агар кечқурун, ҳамма ётоқлар маҳкамлаб бекитиб қўйилгандан кейин ҳам, соқчилар замбил кўтаришиб ётоқларга қатнаб қолишса бўлди, демак, кимдир биров очликка таслим бўлиб, лазаретга олиб боришларини сўраётгани бўлади. Бундай пайтларда, кўшни камералардан энг болаxonадор сўққинишлар эшитилиб қоларди, бу хибсдагиларнинг уялиб-нетмай туриб, штрейкбрехерларга нисбатан ўзларининг нафратини ифода этишлари бўлар эди. Шунақаси ҳам бўлар эдики, ўртоқларидан чиқаётган бу

хилдаги сўкишлар кўрқоқлик қилаётганларга куч-қувват бағишлар ва улардан баъзилари соқчиларни замбиллари билан орқасига қайтариб юборган вақтлари ҳам бўлган.

Ишчи ва деҳқон ўртоқлардан кўпчилик кишилар ҳам «дезертир»лик қилишар, аммо сўнгра уялганларидан кейин ўз камераларига қайтишар ва шундан кейин охиригача мардлик кўрсатиб курашар эдилар.

Инспекторнинг машинаси келганига ҳам анчагина вақт бўлди. Назоратчи ҳам аллақачон ётоққа кириб келиши керак эди. Агар кирган бўлганида, у энг аввал иккинчи қаватнинг бурчагидаги икки камеранинг эшигини очган бўлар эди. Кулфларнинг шақур-шуқури эшитилган бўлар эди. Зинапоялардан чиқаётгандаги қадам товушлари ҳам эшитилган бўларди.

Демак, бу келган инспектор эмас экан.

Демак, музокара бўлмас экан.

Бугун эрталабданок Коноканинг чеҳрасини эслашга ҳаракат қилаяпман. Кўнгил жуда ғаш. Коноканинг чеҳрасини ҳеч ҳам аниқроқ тасаввур қила олмаяпман.

Куннинг охирида, ховлида сайр қилиб бўлгач, камерамизга қайтаётганимда зинапояларнинг ҳар иккитасини бир қилиб кадамлаб чиқиб келдим. Аммо бундан кейин бундай қилиш керак эмас. Болаи-да жуда тўғри айтган эди, яъни очлик даврида осойишта ва хотиржам ҳаракат қилмоқ керак, акс ҳолда юрак уриши тезлашиб кетади. Умуман, энди иложи борича кучни тежамоқ керак.

## ЧОРШАНБА

Бугун эрталаб, биз ҳаммамиз офтобга чиқиб баданларимиз ва бошларимизга ёғ суртиб ўтирдик<sup>1</sup>. Илгарилари менинг бундай одатим йўқ эди. Мен фақат баданларимга эмас, ҳатто бошимга ҳам ёғ суртган эмасман. Мен бунинг қапчалик фойдали эканлигини, биринчи марта фақат камоқхонада билиб олишга муяссар бўлдим.

Очлик давом этаётганлиги учун биз ошхона тугул, омборхона эшикларини ҳам беркитиб қўйган эдик ва

---

<sup>1</sup> Ҳиндистонда эрталаб баданга ўсимлик ёғи суртилади, асосан, гигиена моҳиятига эга бўлган одат бу.

шунинг учун ҳам бизларда жинойтчи-хизматкорлар<sup>1</sup> хозирча кам эди. Ёғни ҳам ҳар ким ўзича: бировлар ўзига ўзи, бировлар эса ўртоғи ёрдамида суртаётган эди. Шиб-пуралик Бадша менинг оёқларимга қандай ёғ суртаётганимни кўриб, захархандалик билан: «Дада<sup>2</sup>, бизларда кўп ишқаласанг — узоққа бормайсан! деган гап бор», — деди.

Бадша жуда ҳазилқаш. Олдинлари у жуда ҳам уятчанг эди. Аммо сўнгроқ, яъни уни камоқхона комитетига сайлашганларидан кейин у ўзини худди кишандан озод этилгандай тутиб юрди ва энди димоғдорлик билан: «Мен бир ишчиман, мен сизларнинг зиёлиларча қиладиган сипоҳгарчиликларингизни кўпда тушунмайман!» дейдиган бўлиб қолди.

Бугун эрталаб мен қўлларим билан кўзларимни бекитиб офтобда анча узоқ ётдим. Агар ётган ҳолда осмонни томоша қилишнинг иложи бўлса эди! Болалигимда кўпинча ўт-ўлан устига ётиб олардим-да, осмонга қараб хаёл сурар эдим. Гўё ажойиб кинофильмни томоша қиладигандай ҳис қилардим. Ана бир тўда қўйлар подаси кетаётпти. Олдинда эса қувноқ чехрали чўпон. Бу ёқда эса қандайдир кўрқинчли ҳайвонлар... Аммо камоқхонада осмон фақат узун бир зангори тасмадан иборат. Тепамда тагин юқорида нақ девордан ўсиб чиққан ёш дарахтни кўриб турибман. Қўлимни муштга йиғиб, муштум орасидан худди дурбиндан қараётгандай қилиб, дарахтга қарайман — у гўё катта дарахтга айланиб қолгандай бўлиб кўринади.

Қишлоғимизнинг четида, Қали маъбуд ибодатхонаси олдидаги ўрмон эсимга тушиб кетди. У ерда йилига кишлоқдагилар учун бир марта тантанали зиёфат бериларди. Ўша кун ичун ҳеч қандай каста мартабаларига риоя қилинмас, биз ҳаммамиз бирга ўтиришардик. Яқингинамиздаги кўлдан териб келтирилган лотоснинг катта баргларида еяр эдик. Мен иссиққина гуруч ва эчки гўшти хидлари билан аралашиб кетган ўша барглarning хушбўй таъмини то хозиргача ҳис этиб тургандайман.

---

<sup>1</sup> Ўша маҳалларда ҳинд камоқхоналаридаги жинойтчилар пул ёки совғалар эвазига сиёсий маҳбусларга хизматкорлик (супуриш, кир ювини оғдат тайёрлаш ва ш. к.) қилишлари мумкин эди.

<sup>2</sup> Д а д а — ака, бу ерда эса — дўстига хурмат юзасидан мурожаат қилишда айтиладиган ифодали сўз.



Қилишим лозим бўлган иш бирдан эсимга тушиб қолди-ю, ўзимни койиб ўрнимдан турдим. Ювиниш керак ва бир соат «Капитал»ни мутолаа қилмоқ керак. Очликнинг яна бир қулайлик томони шуки, кундузи камерада бемалол «Капитал»ни ўқиб ётса бўлади ва биров кириб қолиб бунни кўриб қолади, деб кўркмаса ҳам бўлади. Бизда «Капитал»ни фақат раҳбарларгина ўқишлари мумкин деб саналади, нега деганда бошқалар уни ё тушунмайдилар, ё тескарисини тушунадилар.

Бир сафар партиявий газетада ишлаб юрган кунларимда, жуда ҳам жаҳлим чиққан эди. Марказқўмдан қандайдир бир хужжат келган эди, мен уни инглиз тилидан бенгал тилига таржима қилиб ўтирган эдим. Шу маҳал раҳбарлардан кимдир биттаси чиқиб: «Умуман бунни Маҳалқўмда кимдир таржима қилиши лозим эди, агар Марказқўмнинг ўзидагилар таржима қилсалар борми — яна ҳам яхши бўларди,— деди.— Ахир, гап партиявий линия ҳақида кетаяпти, тушунасанми? Бирор сўзда сал ноаниқлик кетса борми, жуда катта мушкулликлар келиб чиқиши мумкин» — дейди.

Албатта, «Капитал»ни ўқиш — осон иш эмас. Кўп нарсаларга тушуна олмайман. Шундай бўлса ҳам, ўқийверсанг — худди қаршингда ёпик турган эшиклар бирмабир очилиб бораётгандай бўлаверади.

Болаи-да очлик даврида енгил китоблар ўқиган маъқул дер эди. Ҳатто, шахмат ҳам ўйнамай, карта ўйнаш керак, деб айтганди.

Аммо мен мана учинчи кун узлуксиз жуда жиддий нарсалар ҳақида ўқимокдаман. Бошимда эса фавқулодда бир тиниқлик. Болаи-да бекорга кўрқитиб юрган экан

Кўзларим янада ўткирлашди дея олмайман. Аммо, кулоқларим анча зийрак бўлиб қолди. Энди мен энг узоқлардаги товуш ва шитирлашларни ҳам эшитадиган бўлиб қолганман.

Мана яна: мен, Бадша, Гоуроҳори ва Шонкор бирлашиб бугун эрталаб яширин ташкилот тузмокчи бўлдик. Бугун кечкурун ўзимизнинг яширин мажлисимизни ўтказамиз. Ҳатто, кундаликларимга ҳам бунинг майда-чуйдаларини очикдан очик ёза олмайман. Олдин биз ўзимизнинг фикримиз ҳақида Боншига ҳам айтмоқчи бўлдик. Аммо, кейин ўйладикки, энди у ҳар ҳолда раҳбарлар қаторига киради ва бизнинг манфаатларимиз уники билан ҳали унчалик ҳам мос тушмайди.

Болаи-дадан биз кўркмаймиз. У еттинчи ётоқдан чиқмай ўтиради. Фақат қари Жамол ҳеч нарсадан хабардор бўлмаса бўлгани.

Бизнинг бу жамиятимизда икки ишчи ва бир дехқон бор. Шонкор трамвай паркида ишлайди. Гоуроҳори эса—ўртаҳол. Шунинг учун, агар ҳатто бизларни фош этсалар ҳам, биз ўзимизни ишчилар синфининг раҳбарлик роли, ишчи ва дехқонлар синфининг иттифоқи каби асосий принциплардан четга чиқмаганмиз, дея ўзимизни оқлаб олишимиз мумкин эди.

Бадша билан мана яна нималар ҳақида келишиб олдик. Ҳар куни тушдан кейин у менга ўзининг ҳаёти ҳақида гапириб беради, мен эса унинг ҳикояларини ёзиб бораман. Сўнгра, агар қачонлардир пайт келиб, бир кун роман ёзадиган бўлсам, бу ёзувларим менга аскотиб қолар. Бундан ташқари, бу иш кечалари қаттиқ ухлаш учун, кундузи эса бедор бўлишга ёрдам қилади.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Бобомни, яъни отамнинг отасини Иброҳим Мондол деб аташарди. У йиртиқ-ямоқни ямаш билан тирикчилик ўтказарди. Мен уни кўрган эмасман ва бобомни фақат отам сўзлаб берган ҳикоялардангина биламан. У шундай деб ҳикоя қилар эди:

«Отам уйма-уй юриб, бировларнинг йиртиқ-ямоғини қиларди. Аммо у унчалик уста ҳам эмас эди. Умуман олганда у ношуд, соддадил одам эди. Одамлар унинг бундайлигидан фойдаланишар ва кўпинча уни алдашар эди. Чайламиз пальма барглари билан ёпилган бўлиб, муссон ёмғирлари маҳалида уйимиз тоmidан ёмғир ширшир ўтиб кетарди. Отагинам уни ҳам амал-такал қилиб беркитарди. Бир сафар уйимиз томини кучли шамол бутунлай учириб кетди. Ўшанда бизга жуда қийин бўлди! Айни қиш эди, кечаси билан совуқдан тишимиз тишимизга тегмай, қалтираб, ухламай чиққанмиз. Дадам мени олдига олиб, бағрига босиб ўтираверарди. У танасининг иссиғи билан мени иситмоқчи бўлар, аммо натижа йўқ эди: унинг кўзларидан доим ёш оқиб турарди ва бу ёшлар ҳамма жойимни ҳўл қилиб, баттар титратарди. Онам сигир гўнгларини йиғиб ундан таппи ясарди. У баъзан кўмир йиғиш учун темир йўлга борарди. Териб олган

кўмирлари ҳали чўғдек бўлгани учун онамнинг қўллари куйиб қоларди. Куйиб қолган жойлари пуфак бўлиб қавариб чиқар эди. Буни кўрган кўшнилари отамдан нафратланишарди. Маҳалламиз оксоқоли: «Иброҳимнинг хотини гўё ёмон хотинлардай, ҳар ерда тентираб юради. Бу яхши эмас. Мусулмонлар маҳалласи учун бу уят-қу, ахир!» — дерди.

Ховли-уйимиздан ташқари, мерос бўлиб қолган яна ўн-ўн икки катҳа, яъни ярим бигх келадиган икки бўлак еримиз бор эди. Аммо отам булар ҳақида ҳеч нима билмас эди. Муттаҳам маҳалла оксоқоли бизнинг бу ерларимизни аллақачон ўзига ўзлаштириб олган бўлса ҳам, отам буни фаҳмига етмас эди. Кейинроқ, ўзим оксоқол ўринбосари бўлганимдан кейин, бу ишни ҳакамлар судига бериб, эллик олти рупия ҳаражат сарф этиб, ерларимизни оиламизга қайтариб олдим.

Отам бу ярим бигх ерни судлашиб қайта тортиб олганлигимдан фахрланиб юарди.

Отам яна дер эди: «Мен ўсиб улғайиб, одамлар қаторига қўшилганимча бошимдан қанча қийинчиликлар ўтганлигини ақлинг бовар қилиши қийин. Кечалари билан, ҳамма ухлагандан кейин, ичимда тангрига ёлворардим: «Э, олло, мени тезроқ улғайтир, отамнинг қабатига кириб, унинг ғуссасини тезроқ енгил қилай!» Саводсизлигим ялқов бўлиб қолганимданми? Саккиз-тўққиз ёшданок арқон фабрикасига кириб ишлай бошлаганман. Ҳар куни ўн олти-ўн саккиз миль жойга пиёда бориб келардим. Биласанми, қанча олар эдим? Бир кунга — тўрт пайсадан олти пайсагача<sup>1</sup>. Ўша кезде мен учун бу қандай кўп пул эди, ўҳ-хў! Буни қара, мен ишляпман! Уйга пул олиб келаяпман! Бунга фахрланмай бўлармиди!»

## ПАЙШАНБА

Шонкор Калиподонинг бунчалик оғзи бўшлигини билмаган эканмиз. У бугун қари Жамол билан суҳбатлашиб туриб, кеча кечкурун биз тўрталовимизнинг партиямиз Далхузи майдонида бирор арзонроқ ошхона очса яхши

---

<sup>1</sup> П а й с а — рупиянинг юздан бир бўлаги.

бўлар эди, деб гаплашганимизни ва ҳатто ошхонанинг тахминий менюсини ҳам тузиб қўйганлигимизни ҳам лақиллаб унга айтиб қўйипти. У бу иши билан яширин мажлисимиз ҳақидаги сирни қари Жамолга сотиб қўйди. У яна қизишиб кетиб, ўз ичидан чиқариб: «Қамокхона комитети бу ҳақдаги ўз қарорини шаҳар комитетига ҳам юбориши керак» деб қўйипти. Жамол-соҳиб бунни эшитиб, ҳеч нарса демас ва фақат жилмайиб қўйипти холос. Қалиподоннинг фикрига қараганда, биз қари Жамолдан хавотир олишимизнинг ҳоҷати йўқ эмиш. Аммо Бадша бу бўлиб ўтган ишлардан хабар топиб қолгандан сўнги тишларини ғижирлатиб Қалиподого ташланиб қолди: «Шошмай тур, гўштингни чайнайман».

Бир оз вақт ўтгандан кейин мени Бадша билан иккинчи қаватга, қари Жамолнинг хузурига чақиришди. У бизга: «Очлик — бу бир олов. Ўт билан ўйнашни ҳамма яхши кўради, аммо бу ҳамманинг қўлидан келавермайди». — деди.

Жамолнинг олдидан қайтиб келган заҳотиёк, мажлис чақирдик ва Қалиподони яширин жамиятдан ўчириб ташладик. Биз кечқурун яна йиғилишдик, бу сафар унинг камерасида эмас, Гоурохорининг камерасида йиғилдик, аммо тез орада Қалиподоннинг ўзи тортиниб-қимтиниб кириб келди. Унга раҳмимиз келиб кетди ва қайтиб келишга руҳсат бердик, аммо бизнинг бўладиган баҳсларимиз ҳақида ҳеч қачон ҳеч кимга айтмаслик ҳақида унга қасам ичдирдик. Биз яширин жамиятни «Қорхона» — «Завод» деб атадик. Гоурохори деҳқон бўлганлиги учун у ўзини «Қхамарг» — «Гумно» деб аташимизни таклиф этди, аммо қолган бошқаларнинг ҳаммаси «марг» сўзининг — «ўлдириш» сўзи билан уйкаш бўлганлиги туфайли ҳам бундай атамани бекор қилишди.

Бугун тушдан кейин мен Бадшанинг ҳикояларини ёзиб олишга эндигина ўтирган ҳам эдимки, Бонши келди-да, уни ўзи билан бирга олиб кетди. Уларнинг қандайдир бир зарур иши чиқиб қолибди.

Балким, қамокхона бошлиқлари томонидан музоқоралар олиб бориш тўғрисида таклиф тушгандир? Айни вақти эди-да!

Ахир, саккиз кун бўлди-да. Ёки етти кун бўлдимкин? Йўқ, у пайшанбадан бу пайшанбагача қўшиб ҳисоблаганда роппа-роса саккиз кун бўлди.

Ўтган сафар биз ўн кун бўлди деганда очликни тўх-

татганмиз. Ўшанда очликнинг иккинчи кунидан бошлаб олдимизга қамоқхона инспектори келиб-кетиб тура бошлаган эди Балки Калькуттада аҳвол танг бўлиб турганлиги учун ҳам шундай қилишгандир. Нахотки, энди у томонда уларнинг хаёлидан чиқиб кетган бўлсак.

Ўртоқларим ҳам жуда зўр экан! Ҳеч қайсиси бирор марта ҳам олдимга келгани йўқ, бир марта ҳам на хат ва на бирор салом ҳам йўллагани йўқ! Балким, полициядан кўрқишгандир. Ахир полициячилар ҳам аҳмоқ одамлар эмас-ку! Менинг кимларникига бориб юрганлигим, кимлар билан соатлаб ивирсиб юрганларим уларга-ку аллақачонлардан бери маълум бўлиши керак... Агар улар дўстларимдан бирини ҳибс қилиш лозим деб топсалар, буни аллақачон уддасидан чиқишади ҳам.

Аммо мен дўстларимдан унча кўп хафа бўлиб юрмайман. Умуман олганда, мен уларга нисбатан ноҳақлик қилаяпман. Уларнинг ҳаммасининг ахир ўзларига яраша тирикчиликлари, ташвишлари ва ғамлари бор-ку. Ахир менинг ўзим ҳам мана шу бир ярим йил ичида уларнинг бирортасига хат ёздимми? Нимага ҳам хафа бўлай?

Одатда бундай гина-кудурат турмадагиларда пайдо бўлади, худди касалхонада ётган болалардай. Мен жафоқашман, изтиробдаман, менга қаранг-чи, ахир... Бир сўз билан айтганда — бу шухратпарастликдан бошқа нарса эмас.

Бугун «Завод»имиз бор кучи билан ишлади. Калиподо эртадан бошлаб икки сменада — ҳам эрталаб, ҳам кечкурун ишлаш тўғрисида таклиф киритди, аммо биз унинг бу таклифини хуштак чалиб бир овоздан рад этдик.

## ЖУМА

### БАДШАНИНГ ҲИҚОЯСИ

Менинг бувим, отамнинг онаси, жуда узоқ яшаган эди. У тўқсондан ошганда вафот қилди. Бобом эса, отамнинг отаси, машаққат ва ташвишларда ўлиб кетган. Отам у маҳалларда бир ўзи оилани тебрата олмасди. Бир амаллаб кун ўтказишар.эди. Отам бундан жуда ҳам

азоб чекарди. Аммо бувимнинг рухи тушмас, яхши кунлар бўлишидан доим умидвор эди.

Менинг энг дастлаб эсимда қолгани шу: отам заводга ўттиз йилдан бери ишлаётган бўлса ҳам, кунига 16—18 ан<sup>1</sup>, яъни бир рупиядан сал кўпроқ пул оларди. Отам, баъзан шундай дер эди: «Мен сени қандай қийинчиликлар билан ўстирган эдим! Саккиз ёшимдан бошлаб заводда ишлашимга тўғри келган. Бу ердан ё Гхусурига, ёки Кхидирпурига<sup>2</sup> борар эдим. Доим ялангоёқ ва пиёда борар эдим. Саратон иссиғида оёқларим кавариб кетар эди!»

Отам кейинроқ велосипед сотиб олган. Хозир шу хусусда гапириб бераман. Отам уни қачон сотиб олганлигини билмайман. Мен уни қандай ҳолда кўрганлигимни ва эсимда қолганларини гапириб бераман.

Бу велосипеднинг педаллари, рули ва эгари ҳамда бошқа барча қисмлари ҳам жароҳат еб тузатилаверганидан абжағи чиқиб кетган эди. Рулининг ўнг қўл томонида кўнғироқчаси ўрнатилган эди. Аммо у атайлаб босиб кўрилганида ҳам чалинмас эди. У тош терилган кўчадан ўтгандагина титраб ўз-ўзидан жиринглаб кетарди. Доимо покришкасининг бир неча жойи ямоқ бўларди. Ямоқ сони тобора ортиб бораверганидан покришкасининг ўзи ҳам кўринмай кетарди. Бу велосипедда эҳтиёт бўлиб бурилиш керак эди, чунки унинг покришкаси худди чолнинг тиш милкларига ўхшаб силлик бўлиб кетган эди. Тормозлари умуман йўқ эди. Отам уни оёқларини ерга тираб тўхтатар эди. Бизнинг бутун райониимиз бўйича, уч-тўрт миль атрофимизда бошқа бундай велосипед йўқ эди. Шунинг учун ҳам у кўчада пайдо бўлиши билан, ҳамма уни қўли билан кўрсатиб: «Ана ўзи юрар, шайтонча» дейишар эди. Ёшроқ одамлар отамни «шайтонча» деб эмас, балки «Фақир-соҳиб» деб чақирришар эди.

Бир вақтлар отамнинг сочлари қалин ва узун, жингала-жингала бўлиб, қоп-қора тўлқинлар ясаб елкаларига тушиб турарди. Сочлари ўзига жуда ярашиб турар, отамнинг юзи худди ажойиб қора рамка ичида турган-

---

<sup>1</sup> Ан — пул бирлиги, рупиянинг ўн олтидан бир бўлаги.

<sup>2</sup> Гхусурн — Калькутта яқинидаги индустриал шаҳарча, Кхидирпурн-Калькуттанинг порт райони.

дай бўлиб кўринар эди. Сўнгра эса бу жингалак сочлар менинг кўзларим олдида сийрак бўлиб борди. Бошининг энг тепасидаги сочлар тўкилиб такир бўлиб қолди. Олдинлари отам сочи тўкилган ерларини қолган бошқа сочлари билан беркитиб кўяр эди, аммо сўнгра сочи тўкилган жойлари кўпая бориб, у ерларни ёпиб кўядиган соч ҳам етмай қолди.

Бир вақтлар отам сочларини бўяб юрарди. Кейинрок, буни ҳамма билиб қолгандан сўнг эса, сочларини бўяб юрмайдиган бўлди. Унинг мўйлови ва чакка мўйлари йўқ эди, у фақат иягини ёйсимон ўраб турадиган кичкинагина соколча кўйиб юрарди. Соколча оқаргандан кейин отамнинг қоп-қора юзи кўланкасида ид-ул-фитр<sup>1</sup>нинг ҳилолига ўхшаб кетарди.

Отамни доимо бояги-бояги: пахта матодан тикилган камзулда, ёғ бўлиб кетган йиртиқ майкада ва узунлиги саккиз тирсак келадиган ямоқ босиб кетган дхотида кўриш мумкин эди. Отам, айниқса, камзулини авайларди. У бу камзулини уйдан заводга боргунча ва заводдан уйга келгунча бўлган йўлдагина кийиб юрарди. У заводга келиши билан камзулини ечиб кўярди. Уйга қайтгач эса, дарҳол камзулини ечиб уни алоҳида миҳга осиб кўярди. Дастлабки пайтларда унинг бу камзулининг енглари бўлган эди, албатта. Аммо камзулнинг енг қайтармалари тўзиб кетаверганлигидан, уни қайчилаб ташлайверганлигидан титилиб кетганди. Хуллас унинг енгидан ҳеч вақо қолмаган эди. Орқа томондан ёқасининг тагига ямоқ тушган эди. Аммо у фақат отам елка ўгириб тургандагина кўриниб турар эди.

Майкага келганда, эскиси батамом тўзиб кетиб, бошқа кийишга ярамай қолгандагина отам янгисини киярди. Отамнинг неча марта майка сотиб олганлигини мен бармоғим билан санаб бера олсам керак. Унинг дхотиси-чи! Уни ямайвериб онагинамнинг кўзлари тешилгандир.

Отамнинг камзул чўнтаклари жуда ғалати эди. Унг томондагисида — бетель<sup>2</sup> учун қутича. Чап томондагиси-

---

<sup>1</sup> Янги туғилган оининг биринчи кечасидан бошланадиган мусулмон (ид-ул-фитр) байрами.

<sup>2</sup> Б е т е л ь — Ҳиндистонда сақич сифатида кенг истеъмол қилинадиган мурч ўсимликлари оиласига кирувчи ўсимлик. У чайналганда сал бўлса ҳам наркотик — наша каби таъсир этади, кўп сўлак келтириб, уни қизил рангга айлантириб юборади.

да эса — бири<sup>1</sup> учун кутича, гугурт ва отам бетель чайнаб юрганида лабларини артиб юрадиган йиртиқ рўмолча бўларди. Рўмолча доимо кип-кизил рангга бўялиб юарди. Отам кутичаларини сотиб олмасди, уларни заводда ўзи ясаб олар эди.

Отам қайнатасеникига меҳмондорчиликка борадими ёки тўйга борадими, совукда ҳам, иссиқ кунларда ҳам, байрам ва оддий кунларда ҳам — барибир у доим бир хил ўша кийимда юарди.

Онамнинг гапига қараганда, қатта синглим туғилганига қадар отам ҳар куни маст-аласт бўлгунча ичар ва уйга аранг ётиб келар экан. Бир куни у ҳушидан кетгунча ичибди ва уйга кийимлари йиртилган, юлинган ҳолда келибди. Кўни-қўшнилари унинг орқасидан тўп-тўп бўлиб эргашиб келар, сўкишар ва юзига туфуриб кетишарди. Онам уялганидан одамларга кўрнолмас ва ўзини кўярга жой тополмай бу кундан ўлиб кетишга рози эди.

Қатта синглим туғилгану, отам ўзгарган қолган. У Барнишпаралик<sup>2</sup> пирга мурид бўлган. Пир унга номоз ўқишни, ҳар хил дуоларни ўқишни, тумор яшашни ва ҳар хил жиҳ-ажиналарни даф этишни ўргатган.

Шу-шу отамнинг ҳаётида батамом ўзгариш рўй берди. Ичишни ташлади ва қайтиб ҳеч қачон винога қўл чўзган эмас. Унинг асосий машғулоти шифокорлик бўлиб қолди. Уйимиз олдидаги бостирма тагида у илоҳий жой қурди. Уни отам Маниқ-пирга<sup>3</sup> атаган эди.

Одамлар: «Буни қара-я! Энди уни таниб ҳам бўлмайди!» дейишардилар. Энди отамни ҳеч ким Шайтонча деб чақирмас эди. Фақир-соҳиб деб чақиришар эди.

Отам фақир бўлиб олгандан кейин, фолбинлик қила бошлади. Кўп одамлар унинг олдига фол очириш учун келиб туришарди.

У фақир бўлиб олган бўлса-да, аммо онлада ташвиш қамаймади. Барибир оилани боқиш, тирикчиликни юргизиш лозим эди. Нима бўлса ҳам барибир, у ҳар қандай об-ҳавода ҳам аввалгидек заводга ўз вақтида ишга ке-

---

<sup>1</sup> Б и р и — нархи арзон, кўпинча ҳар ким ўзи ясаб оладиган, тамакининг энг ёмон навидан қилинадиган сигарета.

<sup>2</sup> Б а р н и ш п а р а — Қалькутта яқинидаги жойнинг номи.

<sup>3</sup> М а н и қ п и р — маҳаллий эшонлардан бири.



лиши зарур эди. Аммо энди отам кеч бўлишини сабрсизлик билан кутадиган бўлди.

Заводдан тўғри уйга келар, велосипедини зинапояга суяб кўйиб, бакирарди: «Эй! Чой тайёрми? Қани, тез-тез бўл! Мен хозирок бемор кўргани кетишим керак». У апил-тапил тамадди қилган бўларди-да, велосипедига ўтириб, жўнаб кетарди. У мана шунака бўлиб қолган эди.

Отам илгариларидек кўп ичиб маст бўлиб келиш одати ўрнига янги ғайри-табiiй одат чиқарди — беморларни даволашга киришди. У ҳиндий ва араб тиббиётини ва турли халқ даволаш воситаларини, дуо ўқиш ва сеҳр-гарликни ўрганиб олди. У буларнинг ҳаммасини қандай қилиб ўрганиб олганлигидан ҳайратга тушардим! Тўғриси, уйдаги сандиқда эски-тускиларга ўралган қандайдир «Дори-дармонлар хазинаси», «Хасталикларни аниқлаш», «халқ тиббиёти», «Доривор ўсимликларнинг хусусиятлари» каби ва шунга ўхшаш китобчалар ётарди. Аммо, отам бу китобчаларни бирон вақт варақлаб ўтирганини кўрган эмасман. Ахир, у ўқишни ҳам унчалик билмас эди-да!

Очиғини айтганда, отамнинг даволаш усули бирор одамга дурустрок наф келтирган эмас. Агар кимдир унга бу ҳақда айтгудек бўлса, у ўша одамга нолиб дерди: «Хозиргилар илгариги одамлардек эмас, улар афсун ва туморларга бутунлай ихлоссиз бўлиб қолганлар. Шунинг учун ҳам улар тузалишмайди». Ва яна қўшиб кўярди: «Ахир, илгарилари фақирлар ҳар қандай яхши докторлардан ҳам дурустрок даволашган!»

Умуман олганда, отамнинг бирор аниқ белгиланган даволаш усуллари йўқ эди. У «таваккалчининг ишини худо ўнглар» деган мақолга амал қилиб, таваккалчасига ҳаракат қиларди. Баъзан у беморга тумор берар, баъзан индус тиббиётини қўллар, баъзан халқ усуллари-дан, баъзан эса араб тиббиётидан фойдаланарди. У доим шаронгга қараб иш кўрарди. Агар бемор тузалиб кетса, бу менинг хизматим деб ғурурланарди ва аксинча бемор оғирлашиб қолса, бу менинг айбим эмас, деб юрарди.

Нима бўлса ҳам барибир бирор киши касал бўлиб қолгудек бўлса, одамлар отамни чақириб келишни унутишмасди. Чунки отам жуда очик кўнгил одам эди. Отам бемор то тузалиб оёққа турмагунча унинг ёнидан жилмасди. Агар у ўзининг билими кучсиз эканлигини

сезиб қолгудек бўлса, у холда, ўзи хақиқий докторни таклиф қилиб келиб унга: «Буни қарангки, доктор, одамлар энди табибларга ишонишмай кўйишган!» дерди. Отам ўз имкониятларини тўғри баҳолагани учунгина ҳам одамлар уни таклиф қилишар ва унга ишонч билдиришарди. Отам бирор уйга бир мартагина кирган бўлса бас, у ўша уйнинг энг азиз меҳмони бўлиб қолар ва кейин тез-тез келиб-кетиб турадиган ва кечкурунлари у-бу ҳақда суҳбатлашиб, ўтириб кетадиган бўлиб қолар эди. Отам одамлар билан тез топишиб кетарди.

Баъзан отам уйга жуда кеч тунда қайтарди. Аммо онам бунга жаврагудек бўлса, у бирдан қизишиб кетиб: «Қани айт-чи, бир рупия бизга бир ҳафтага етадими? Агар мен беморларни даволашга юрмасам, тирикчиликни ўтказиб бўладими?!»

Бу гапларни ёлғон деб бўлмасди албатта. Отамнинг табиблигидан ҳақиқатдан ҳам унча-бунча даромад тушиб турарди. Аммо бу даромад онамиз бюджетига юк бўлмас эди. Лекин уйимизда ҳамма отамдан ҳайиқар ва ҳеч ким унинг гапига эътироз билдира олмасди.

Ҳақат онам ҳар замонда отамга қарши бирор нарса айтиш учун журъат қила оларди, холос. Онамга ҳаммасидан ҳам отамнинг уйга жуда кеч келиши ёқмас эди. Отамнинг гапига қараганда у Боудуби ва Тинушекра кварталларида катта обрўга эга экан. Бу кварталларнинг қанақа квартал эканлигини онам жуда ҳам яхши биларди. У ерларда асосан маҳаллий гўзал аёллар яшашарди. Бизнинг кварталимизда яшайдиган аёллар кўпинча шу ҳақда гийбат қилишар ва онамни кўркитишарди. Аммо онам уларнинг гапини эшитмасликка ҳаракат қиларди, чунки отамни барибир инсофга чақириш қийин эди.

Баъзан онам отамни ҳар қалай исқанжага олиб қолган пайтлари ҳам бўларди: «Хўп, майли!— дер эди у заҳархандалик билан.— Мана, сенда бир қанча беморлар бор дейлик, ахир, улар докторнинг бир марта борганига икки рупия тўлашади. Агар сен ҳар куни, майли бешта беморни кўриб қўйдинг деб ҳисобласак, сенда бир кунда ўн рупия йиғилиб қолиши керак эди. У тушган пуллар қаёққа кетади?»

Отам бундай пайтларда совуққонлик билан: «Пирим менга, агар қараган беморинг тумор ва дуоларингдан тузалиб кетсалар, улардан бу хизматинг учун пул олма, деб ўргатганлар. Улар менга қилган бундай хизматим

учун пул беришмоқчи бўлганларида, мен уларга: «Пиримизнинг байрами бўлади яқинда, ўшанда химматингиз билан нимани лозим кўрсангиз, ўшани берасиз!» дейман.

Бузуқлар, маълумки, фақирлар ва муллаларни, эшонларни айниқса, яхши кўришади. Балким, улар мулла ва эшонлар бизларни ўз хомийлигига оладилар, деб ўйласалар керак. Қанақа бўлса ҳам фоҳишалар кварталлидаги кизлар дастлабки пайтларда тўп-тўп бўлиб менинг отам курган Маниқ-пир авлиё сағанасига сифиниш учун келиб туришарди. Улар қонда бўйича ўзлари билан бирга ҳар хил ширинликлар ва ҳар хил нарсалар олиб келишар эдилар. Аммо, бир кунни ана шу туфайли кварталимизда катта жанжал кўтарилди. Қўшнилар оломони бақиритиб-қичқиритиб отамга ёпишишди: улар фоҳишаларнинг мунтазам равишда бу ерга келиб туришига чидамасмиш, бу барча кварталимиз учун қаттиқ шармандалик эмиш... Қўшниларнинг жанжали ҳазилакамга ўшамасди; отам буни кўриб кўркиб кетди ва ўша кундан бошлаб фоҳишаларни Маниқ-пир авлиёга келиб сифинишларини мутлақо таъқиқлаб қўйди.

Муҳаррам ойининг дастлабки кунларида уйимизда фотиҳа ўқиларди. Уни имом-соҳибнинг ўзлари ўқидилар! Ҳамма тантанали равишда номоз ўқишди, сўнгра эса мошкичири ейишди.

Отам баъзан онамга мактаниб кўярди: «Мана, мен яқинда бир йўла икки болани даволадим, ахир уларнинг оёққа туришларига ҳеч ҳам умид йўқ эди! Менга бу ишим учун минг, ҳатто икки минг рупия бермоқчи бўлишди, мен эса уларга: «Менинг пирим пул олишга ўргатмаган. Сизларни хонавайрон қилишга қандай кўнглим йўл кўяди?! Мен даволаб, сўнгра талон-тарож қилдиганлардан эмасман. Мен агар ўзим меҳнат қилиб — дорини ўзим тайёрласам фақат ўшандагина пул оламан», — дедим.

Онам отамнинг бу гапига ҳеч нима демади, мен ва синглим эса умуман жим турдик, оғзимизни ҳам очмадик. Оиламизда ҳаммамиз, албатта, отам кўп нарсаларни ичидан тўқиб чиқараётганини ва у унчалик ҳам машҳур табиб эмаслигини яхши тушунар эдик. Албатта, баъзан отамни беморни кўришга чақиритиб кетишарди, аммо у беморни кўриб келиш баҳонасида чекка районларда роса кўнгилхушлик қилиб келарди. Гоҳ у, гоҳ бу чойхо-

нада ўтирар, баъзан хаваскорлар клубида жатра<sup>1</sup> томоша қилиб келарди. Бир-икки соатлаб у ёқдан-бу ёқдан хангома қилиб ўтирадиган дўсту танишлари жуда кўп эди. Заводда бирга ишлайдиган танишларникига кириб қоладиган вақтлари ҳам бўларди.

У одатига кўра унча ҳам кеч қолиб келмас эди ва қачон келса ҳам унинг кайфияти жойида бўларди. Биз аллақачон ётиб қолган бўлсак ҳам, у ёстик томонга ўтириб оларди-да, ўзининг болалик эсдаликларини хикоя қилишга тушарди: «У вақтларда одамларда ҳозиргидака уйлар ҳам йўқ эди. Ўрмон ёқасида шоколад увларди. Уйимиз томи пальма япроқлари билан ёпилган бўларди. Саккиз ёшга кетганимда, заводга ишга кирганман... Қани энди ётиб ухланглар-чи!—У елкамга бир тушириб:—Ҳаҳ, зумраша! Қани ҳозирок кўзингни юм-чи!» дерди. Ҳалигача ёдимда, узок вақт ухламай ётишга тиришардим, кўзимни юмай, отамдан бу шапатини олишга иштиёқманд эдим».

Бугун Бадша билан ўтган сафаргидан кўра узоқроқ ўтириб қолдик, шунинг учун ҳам «Завод»имиз бир оз кечикиброқ иш бошлади.

Шонкорнинг хикоя айтишга бунчалик усталигини билмаган эканмиз. Бугун у бизга Падманинг<sup>2</sup> саёз жойидаги қайиқчилар қандай қилиб ўзларига тушлик овқат тайёрлашларини гапириб берди. Шундайгина янги ушланган балиқни олишади. Тозалашади. Кейин кесишади. Пичоқ билан эмас, балки бамбук барғининг ўткир тиғи билан кесишади. Кейин унга гармдори, туз ва ҳар хил хушхўр нарсалар сепишади-да, уни банан барғларига ўрашади ва сўнгра уни махсус қазилган ўрага қалаб қўйишади-да, устига қум суриб қўйишади. Қундузи қум қизийди-да, кўмиб қўйилган балиқ иссиқдан пишиб қолади. Балиқнинг ўзидан эса керагича ёғи чиқади. Гурунччи ҳам оловда эмас, балки қизиган қумда пишириб олишади. Бунақа таомни емабсан, дунёга келмабсан — худо урсин агар!

Ўтлоқзорлар қандай мацца-я, Падма ёқаларида бир мацца қилиб ухласанг!

---

<sup>1</sup> Ж а т р а — Бенгалияда кўшиқ ва ўйиндан иборат театрлаштирилган томоша.

<sup>2</sup> П а д м а — Ганг дарёси дельтасига туташадиган участка номи.

## ШАНБА

Абдуллани ҳибсдан озод қилишди. Мен эса ҳеч нарса билмас эдим. У бу ҳақда менга бугун эрталаб бадағимга ёғ суриб ўтирганимда айтди. Абдулла узок вақт менинг «хизматкор»им бўлган эди. Мен қамокхонага тушганимда, у ҳам бу қамокхонада экан. Умуман, қамокхонада ҳам ўзини ўз уйидагидек ҳис қиларди. Абдулла— каллақесар ўғри.

У бир куни менга қандай қилиб ўғри бўлганлигини гапириб берган эди. Уни кечмиши ростми, ёлғонми, мен бунга қанолат бера олмайман. Лекин у ҳикоя қилиб бераётганида унинг юзлари шундай қиёфада эдики, унинг гапларига ишонмай бўлмасди. Аммо бошқа томондан қараганда жинойтчилар бундай ҳар хил уйдирмаларни тўқиб чиқаришга жуда ҳам уста бўлишади. Улар ғирт ёлғонни ҳам шунақа чиндай қилиб гапиришадики, умуман олганда бу билан улар бировни алдаш учун шундай қилишмайди, балки уларнинг бошига шу пайтда қандайдир бир хаёлий фантазия келиб қолади-да, хуллас айтаётган нарсаларига уларнинг ўзлари ҳам рост деб ишониб қўйишади. Бу фақат жинойтчилардагина бўлмайди! Мен ҳам ўзимда ҳар куни шунга ўхшаш бир ҳолни сезиб юрибман. Воқеалар вақт ўтиши билан хотираларга айланадилар. Улар бизнинг хотирамизда худди фоторасмга ўхшаган ҳолда қолмасдан, балки хаёлан чизилган расмларга ўхшаб қоладилар. Бинобарин бу расмлар мунтазам барқарорлик касб этмайди. Биз уларни онгимизда яна қайтадан тиклаганимизда, ҳамма вақт ниманидир хаспўшлаб, ниманидир эса аксинча бўрттирамиз, бир хил маҳалда эса умуман бўлмаган нарсани ҳам бўлган деб кўрсатамиз. Буларнинг ҳаммаси ҳам ўз йўлига ёлғон-ку, ахир. Агар Абдулланинг кечмиши бошидан то охиригача ёлғон бўлганда ҳам, у ўшанда буни шундай қилиб гапирганки, мен унга ўша пайтда ишонганман.

Роман ёзадиган ва яна кўпинча ёзганлари ҳаммага манзур бўладиган ёзувчилар шундай қилишмайдимиз?

Абдулла ўзини ҳиндий оиласида туғилганман, деб мени бошимни қотириб қўйди. У миллати бўйича бенгалман деганида эса унча ҳайратга тушмадим ҳам. Тўғри-

роғи, у Трипура<sup>1</sup>даги қишлоқларнинг биридан бўлса керак. Унинг гапириш талаффузига қараб уни ҳеч ким бенгал деб ўйламайди.

Мен унинг ҳикоясини диққат билан тингладим-да, уни бироз қисқартириб, ғалати лаҳжаларини одатдаги бенгал тилига айлантириб ёздим.

## АБДУЛЛАНИНГ КЕЧМИШИ

Биз онамдан уч бола эдик: икки синглим ва мен. Мен уларнинг тўнғичи эдим. Отам ёшлиқ чоғимиздаёқ ўлиб кетган. Уччаламиз ҳам бир-биримиздан бир ёшдан фарқ қилар эдик. Отамни ҳеч ҳам эслай олмайман, онамни эса элас-элас биламан. Амакиларим бир парча еримизни алдов йўли билан олиб қўйишган. Ундан кейин эса онамнинг ўзи ҳам уларга ёлланиб ишлашга мажбур бўлган, шоли янчган. У кўп йиғлар эди. Унинг йиғлаганларини кўриб, менинг раҳмим келарди. Мен эса нола қилар эдим... йўқ, худога эмас, мен ахир ҳиндийман-ку— мен Бхагаван<sup>2</sup> ҳақиқага сиғинар эдим. Мен ичимда дер эдим: «О, Бхагаван! Мени тезроқ улғайтир ва қувват бер! Мен амакиларимни ўлдирай!»

Қунлардан бир куни қишлоғимиздаги одамлар пул ишлаш учун шаҳарга жўнаб кетаётганлигини эшитиб қолдим. Улар шаҳарда кўп-кўп пул топишар ва болачақаларига юборишар эди.

Онамга ҳеч нарса демасдан, бир куни мен қишлоқдан яширинча қочиб кетдим. Қасққа бораяпман, неча кундан бери юрибман — билмайман, аммо бир куни кемалар тўхтайдиган қароргоҳга ўхшаган бир жойга бориб қолдим. Эсимда, у ерда кечаси электр чироғи ёниб турган эди. Мен қандайдир бир кемага лип этиб ўтириб олдим. У катта бир дарёнинг катта-катта тўлқинлари бўйлаб сузиб кетди. Мен жуда кўрқиб кетдим. Аммо йиғламадим.

Кемадан қаерда тушиб қолганлигимни билмайман, кейин мен поездга ўтирдим. Калькуттанинг Шейлда вокзалига келиб тушдим. Буни мен энди аниқ эслай оламан. Ўзимни оломон ичига уриб, назоратчилар ёнидан писиб

---

<sup>1</sup> Трипура — Бенгалия билан чегарадош бўлган шарқий Ҳиндистондаги областлардан бири.

<sup>2</sup> Бхагаван — ҳиндий маъбудаларидан бири.

Ўтиб, вокзалдан шаҳарга чикдим. Мана энди бу жойда мен ростакамига кўрқиб кетдим. Ҳамма ёқда ёзувлар, ғуж-ғуж одам, атрофда рикшалар, коляскалар, машиналар! Қаёққа борсам экан, ақлимга сиғмайди. Ахир унда мен жуда ёшгина эдим. Мана бундоққина эдим чамаси.

Мен ўшанда неча ёшда эдим? Эсимда йўқ. Олти ёки етти ёшда эдим шекилли. Ҳозир неча ёшда эканман? Буни ҳам билмайман. Полицияда йигирма етти ёш деб ёзишади. Сиз нима дейсиз, мен йигирма етти ёшга кирганга ўхшайманми? Қишлоғимизни номини ҳам эслолмайман. Шу нарса эсимдаки, у ерда супари деган дарахт ўсар эди. Отамнинг исми нима эди? Полицияда: «Шайх Идрис Мулла»,— деб ёзилган.

Бундан кейин нималар бўлганлигини айтай. Бошим оққан томонга қараб кетдим. Бир бурчакка бориб қолибман. Шу бурчакда туриб қолдим-да, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ хўнграб йиғлаб юбордим. Худди шу пайтда лунгилик бир серсоқол одам...

Соатга қарадим у шошилдим. Жуда берилиб кетибман-а! Абдулланинг кечмишини эртага тамомлайман. Бадша эшикдан мўралаб, мени ўз бўлмасига чақириб кетди. Қоғоз ва қалам олиб унинг олдига кетаяпман.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Ўзим ҳақимда сўзлаб беришимни сўраяпсизми, дўстим? Мен Сизга нималар ҳақида гапириб беришимни ҳам билмайман.

Ўтган кеча мен алламаҳалгача ухлай олмадим. Сиз дарвоза тарафдан келган автомобиль сигнали товушини эшитдингизми? Бу ярим кечада бўлган эди. Мен аввал: «Инспектор келибди-да» деб ўйладим. Аммо сўнг ҳеч кимнинг қадам товушлари эшитилмади. Балки, кеча қамокхона бошлиқлари ўз хотинлари билан тунги кино сеансига боришгандир. Ахир янги фильм кўрсатишмоқчи эди. Ҳозир у ёқларда қанақа ҳинд кинофильмларини кўрсатишаётганларини биласизми? Э, ҳа, сизнинг ҳинд тилидаги фильмларни томоша қилмаслигингиз эсимдан чиқбди.

Кейин эса кўзимни юмиб олдим. Ухлаб қолмадим-ку, лекин бир оз мудраб қолибман. Хаёлимда гўё Шалимаре-

даги заводимизга кираётган эканман. Хамма томонда машиналар шовқин солиб ишляпти. Кеча тунда, эҳтимол, самолёт тепамиздан жуда пастлаб учиб ўтган бўлса керак. Бизнинг заводимизда эса доим шунақа шовқин бўлади. Сиз, эҳтимол, бизнинг заводимизда бўлгандирсиз. Келинг, бир куни бир амаллаб заводимизга олиб борайин сизни, яъни камоқдан чиққанимиздан кейин.

Заводимиз кема ремонт қилади. Заводга эгалик қиладиган компаниянинг бундан бошқа яна: смола пиширадиган корхонаси, бўёқ фабрикаси ва шу хилдаги бошқа кўп корхоналари ҳам бор. Унинг ўз кемаси ҳам бор. Компанияда нима десангиз, хаммаси бор.

Заводимизда кемалар ремонт қилинади. Фақат бизнинг компанияга қарашли кемаларнигина эмас, балки бошқа кемалар ҳам ремонт қилинади, «Силвер лайн», «Крук лайн», «Сити лайн», «Бэнк лайн», «Джава лайн» деган компаниялар ҳақида эшитганмисиз? Уларнинг ҳаммаси кемаларини ремонт қилиш учун бизга юборишади. Кўп мамлакатлардан бизга турли кишилар келиб туришади. Мана, докимизга бирга борганимизда, ўзингиз кўрасиз.

Кема докка келиб кирганида уни биринчи бўлиб инженер-инспектор порт инженери билан биргаликда кўриб текшириб чиқадилар. Улар кема тубини, моторларини, ўтхонасини, мачталарини, цистерналарини ва бошқа жойларини диққат билан текшириб чиқадилар. Ремонт қилиш талаб қилинадиган деталлар ва механизмларга алоҳида белги қўйиб чиқадилар ва бир йўла чертёжларга ҳам белги уриб қўйишади. Шундан сўнгра ремонт бригадаси иш бошлайди.

Олдин бригада кемага боради. Инженер-инспектор томонидан белгилаб қўйилган деталларни ва механизм қисмларини кўздан кечириб чиқади. Ишчилар агар иложи бўлса тузатадиган жойни ўша жойнинг ўзида ремонт қилиб кетишаверадилар, агар қисмлар мутлақо ишдан чиқиб қолган бўлса уни ечиб оладилар-да, деталлар ясайдиган заводга жўнатадилар.

Бу ишда жуда кўп боскичлар ва операциялар бор. Аввал чизмасини тайёрлаш керак. У заводга элиб берилади. Уни у ерда кўришади: агар металл қўйиб тайёрландиган бўлса, у ҳолда худди чизмадагидаёқ аниқ қилиб ёғоч қолип ясашади-да, қуюв цехига ўтказишади.

Қуюв цехида моделни махсус «гупроққа» тикиб қўйи-



шади. Буни лойдан, гўнгдан ва кумдан тайёрлашади. Қуюв цехида эртадан кечгача ана шу «тупроқ» билан овора бўлишади.

Қуюв цехида ҳеч бўлганмисиз? Агар сиз лой ва кумга беланган қуювчиларни кўрганингизда, нима, улар худди болалар каби қўғирчоқ ясашяптими, деб ўйлаган бўлар эдингиз.

Эритув печларини соат учдан бошлаб ёкишади ва унга металл бўлақларини солишади. Соат тўртларга бориб металл эрийди. Ана ўшанда эриган металлни шаклан қуйиш керак бўлади. Эритмани дастлабки қалинлиги икки дюйм келадиган темир пақирга қуйишади. Шунда қуювчи ўз ёрдамчиси билан темир пақирнинг узун кулоқларидан икки томондан ушлаб кўтаради-да, уни печнинг олов чиқиб турган тешигига қуйишади. Темир пақирни эриган металлга тўлдириб, формаларга қуйишади. Иш шундай кетаверади: темир пақирни тўлдиришади, уни бўшатишади. Ҳамма формаларга металл қуйилиб бўлдими, бас, бугун иш шу билан тугади, деб ҳисоблайвер.

Печдан эриган металлни қуйиб олиш, у билан формаларни тўлдириш — бу шундай ишки, ҳар дақиқада ўлим билан юзма-юз бўласан киши. Агар сал бўлса ҳам оёғинг тойиб кетсами ёки қўлинг қайрилиб кетсами — тамом бўлдим деявер! Ҳар бир печда бир кунда бир тоннадан то бир ярим тоннагача металл эритилади. Мана, шундан ўзинг тасаввур қилаверки, у ердаги ишларнинг қанақа эканлигини!

Темир пақирларга эритмани қуйиш бизда бурунги замонларда қандай бўлган бўлса, ҳозир ҳам ўшандагидай. Печнинг икки томонида икки ишчи туриб олади. Бирининг қўлида темир мисранг, иккинчисида эса узун бамбук таёқ. Айтайлик, ҳозир печ ёпиқ. Бу деган сўз — эритма чиқариладиган тешик — қувурга — лой кесак тикиб қўйилган. Ишчи қўлидаги мисранг билан тикин кесакни туртиб туширди дегунча, эриган металл қувурдан шовқин билан темир пақирга оқиб тушади. Темир пақир эритилган металлга тўлгач, қувурни тикин билан қайта бекитиб қуйиш керак бўлади. Бамбук таёқни ушлаб турган ишчи таёғи билан лой тикинни тезда илдириб олади-да, у билан қувурнинг оғзини бекитади. Қувурга тикилган лой тезда қотади ва металл у ердан окмай қолади.

Айрим темир пақирларга бир центнергача, айримла-

рига эса бир тоннагача металл сиғади. Бундай катта темир пакирларни кран билан кўтаришга тўғри келади. Эритмани кран ёрдамида куйиш ҳам осон иш эмас. Салгина анқайиб қолсанг, металл тошиб, пакир чеккаларидан ошиб куйилиб кетиши мумкин, бу жараёнда бирор киши ҳалок бўлиши ҳам ҳеч гап эмас.

Заводимизда бир куни бир ишчи темир пакир ичига йиқилиб тушди. У ердан фақат зангори оловнинг ялтироқ тили йилт этиб бир кўриниб қўйди, холос!

Агар заводимизга борсангиз, унда кўрарсиз, қуювчиларнинг баданлари куйган изларга тўлиб кетган. Доимо кимдир бирор ерини куйдириб олади. Ишимиз шунақа-да!

Кеча оқшом, ишонасизми, тушимда, кўлимда пайванд киладиган аппаратимни ушлаб турган эмишман. Ўзимникини, яъни кампанияникини. Олдимда эса катта кема турган эмиш. Бунинг ҳаммаси қуруқ докда бўлаётган эмиш. Мени блок ёрдамида тепага кўтаришаётганмиш. Мен темир тахтага ўтириб олиб, пайвандлаш аппаратим билан тахтани белги бўйича кесаётган эмишман. Юзимга ҳимоя ойнак тутиб олганман. Бирдан тахта қарсиллаб ёрилиб кетди ва мен пастга учиб кетдим. Пайвандлаш аппаратимни эса кўлимдан чиқармайман. У парашютга айланади-да, тепамада кенг очилади. Мен бу парашютдан ушлаб олиб уча бошлайман. Пастда заводимизни кўриб қолдим. Ерга тушаман деб ҳаракат қиламану, туша олмайман. Ўртоқларим — Харан-да, Салим, Кенарам — менга кўлларини силкитиб кичкиришади: «Бу ёкка туш!» Мен эса туша олмайман. Қарасам: кранга осилган, ичига эриган металл тўлдирилган катта темир пакир мен томон силжиб келяпти. Краннинг кабинасида эса қамоқхона бошлиғи ва соҳиб-адвокат ўтириб олишиб менга қараб кулишяпти. Мен нонушта келтириладиган тунука патнисни олиб уларга улоқтирдим... ва уйғониб кетдим.

Ирғиб турдим ва сал кам бир литрча сув шимирибман. Бугун, дўстим, кун бўйи авзойим бузук. Пайвандлаш аппаратимни соғиняпман.

## ЯҚШАНБА

Бошим оғрияпти. Абдулла кечмишини ёзишни охирига етказаман. Ёш Абдулла хўнграб йиғлаётганида, унинг ёнига лунги тутган бир киши келиб, уни бағрига босиб:

«Болакай, қорнинг очикдими? Юр мен билан, қоннингги гўйғизаман!» дейди. У Абдуллани ошхонага олиб киради, кейин эса уйга олиб кетади. Унинг уйи Накхода мачити яқинидаги бир қичик кўчада экан. У болага Абдулла деб исм қўяди ва унга ўғирликни ўргатади. Абдулла ундан кўрқишга кўрқарди-ю, лекин уни севарди.

Абдулла менга чўнтақларни қандай қилиб топ-тоза қилиб кетишни кўрсатарди. Бунинг учун қўллар нозик ва абжир бўлмоғи лозим. Биринчи иш — белгиланган қурбоннинг хушёрлигини сусайтирмақ керак бўлади. Ўғри кўзлаган одамнинг юз ифодасига қараб унинг чўнтагида бирор нарса бор ё йўқлигини осонгина пайқаб ола билсин. Одамнинг диққатини четга тортадиган жуда кўп йўллар бор. «Тасаввур қилинг-а,— дейди Абдулла,— сиз трамвайда кетаётисиз ва чап қўлингиз билан олдингизда турган жанобнинг нақ бўйнига осилиб олгандай бўлиб темир тутқични ушлаб осилиб олгансиз, шунда сизнинг ўнг қўлингиз унинг чўнтақларини титкилай бошлайди. Энди буни жуда осонлик билан қилиш мумкин бўлади. Трамвай ва автобусларда шундай ҳам тикилинчки, энг зиёли киши ҳам бегонанинг чўнтагига тушмасдан иложи йўқ. Йўловчилар орасида хотин-қизлар бўлгудек бўлса, бу яна ҳам яхши. Эркақлар уларга кўз тикишадида, бошқа ҳеч нарсани фарқига бормамай қолишади. Бизга эса, айни шуниси керак».

Мен ундан: «Менга қара, Абдулла, сен онангни ҳеч бир вақт эсинга оласанми?»— деб сўрадим. Мен унинг кўзларида ғам-алам ақс этармикин деган эдим, йўқ, Абдулла бир дам бўлса ҳам ўйланиб турмасдан, гўё гапга нукта қўйгандек: «Йўқ!» деб жавоб берди.

Абдулла озод қилинадиган қуни у билан бизнинг орамизда жуда қизиқ бир гап бўлиб ўтди. У шундай деди: «Анови кўшиқни-чи, дада бабу, очликка бағишлаб тўқишганини, мен уни еттинчи блокдаги жаноб ўқитувчининг оғзидан ёзиб олганман. Қамокдан чиқаришлари биланок дарҳол буни кўпайтириб босаман-да одамларга таркатаман. Сизга яна шуни айтмоқчиманки, сизни бу ердан чиқаришлари биланок, сиз яна бу ишингиз билан шуғулланинг, агар пул зарур бўлиб қолгудек бўлса, дарров бу ҳақда менга хабар қилинг. Мени қаердан топса бўлади, дейсизми? Мен қамокқа тушишдан сал олдин эски жўраларимдан кечиб юборганман. Энди ўзимга қарашли шахсий шайка тузиб олмақчиман. Улар-чи, ол-

дингилари — кип-кизил муттаҳамлар эди. Менинг кизим ҳам бор эди, уни ҳам ўшалар ўзларига оғдириб олиб кетишди. Мен улардан жуда кўп ёмонликлар кўрганман. Хе, энди бу гаплар сизга айтадиган гаплар эмас». Абдулла уялинқираб, бошини қуйи солди. Кейин, жилмайди-да, давом этди: «У ёқда, озодликда, Абдуллани таниёлмайсиз. Айтайлик, сиз автобусда кетаётипсиз, сизнинг ёнингизда эса, эгнида европача костюм, бўйнига галстук таққан, кўзига кўзойнак тақиб олган, борингки, бориб турган дуппа-дуруст бир жаноб турибди. Қўлида «Стейсмен» газетаси. Сизни мен дарров таниб оламанку, ҳар ҳолда. Аммо, менинг ўзим шундай бир қиёфага кириб оламанки, сиз мени ҳеч ҳам таний олмайсиз. Ана шундай, дада-бабу, сиз ўзингизни ишингизни билиб қилаверасиз, мен эса — ўзимникини. Менинг одамларим доимо Шеялда вокзалида, ёки унинг ёнвериди бўладилар. Дуч келган бир одамдан, Абдулла қаерда деб сўранг, бўлди, бошқа ҳеч бир сўз керак эмас. Сизнинг Абдуллангиз шу заҳотиёқ кўзингиз олдида ҳозир нозир бўлади. Дада-бабу, озодликка чиққанингизда мени эсингиздан чиқариб қўйманг!»

Қамокхоналарда менга нукул Абдуллалардан буюрган. Ўтган сафар ҳам бир Абдулла деган вагон ўғриси бор эди. Аммо у тан олиб гапирдики, Абдулла деган исм унинг асли исми эмас экан. Ўша сафар уни Калькуттанинг нақ ўзида тутиб олганлари учун у ўзини Абдулла деб атаган экан. Агар уни қандайдир шаҳар атрофларидаги бир шаҳарчаларда, айтайлик, масалан Метебуруджеда қўлга туширганларида, у ўз исмини Пхульчанд деб атаган бўлар экан. Унинг исми ҳар хил жойда ҳар хил юритилар экан. У Абдулла бунисидан ёшроқ эди. У ҳам худди мана бунисидай менга жуда ихлосманд эди. Аммо нима бўлди-ю, у бирдан менинг хонамга кирмайдиган бўлиб қолди. Мен бошқа жинойтчилар орқали уни олдимга бир келиб кетсин деб айттириб юборсам ҳам қорасини кўрсатмади. Мен у Абдуллага ҳар куни сиёсий билимлардан дарс берар эдим. Унга социализм нима, синфий кураш дегани нима, ана шуларни гапириб берар эдим. У мени жуда эътибор билан эшитиб турар ва бу сафар қамокхонадан чиқиб кетсам, вагонларда санқиб юришни ташлаб, партияга ёзиламан дер эди. Абдулла битта шарт қўйган эди: яъни уни темир йўл семафориди ишлаш учун ишга жойлаб қўйишларини сўрар эди. Менга ўша ма-

ҳалда қандайдир бир тингловчи зарур бўлган эди. Марксистик назарияни бировларга тушунтира туриб, мен ўзимни бу назарияларни яхши ўзлаштириб олганманми, йўқми, шуни текшириб кўрмоқчи бўлган эдим. Шунинг учун ҳам мен унга аниқ темир йўл семафорига ишга жойлаштириб қўйишни ваъда қила олмасам ҳам, ҳар ҳолда бирор ишга жойлаштириб қўйишга ҳаракат қиламан деб айтган эдим.

Бир сафар қамоқхона касалхонасида ётган бир ўртоғимнинг олдидан қайтиб келаётиб, бирдан қарасамки, манго дарахти тагида жиноятчилар кампанияси тўдалашиб олишиб, ошиқ ўйнашаётипти, уларни ёнида эса менинг Абдулла турибди ва нималарнидир гапириб бeryпти. Мен яқинроқ бордим ва йиринглашнинг ўткир хидини сезиб қолдим. Қанчалик яқинлашиб борсам, хид шунча ўткирлашиб кучайиб борди. Абдулла мени кўриб, довдираб, оғзини кафти билан бекитиб жим бўлиб қолди. Мен Абдуллани олдимга чақирдим, лекин у жойидан жилмади ҳам. У аввалгидай кафти билан «бандман, кейинроқ» дегандай ишора қилди. Мен яна бир марта менинг олдимга кел деб чақирдим. Абдулла бир қадам четга чиқиб, кафтини салгина оғзидан олди-да, деди: «Сўнроқ гаплашиб олармиз». Бурнимга жуда ёқимсиз хид келиб урилди.

Мен энди ҳамма нарсага тушуниб олган эдим. Абдулла аввалги ҳаётига яна қайтмоқчи. У чакаги орқасидан яширин «чўнтак» кесипти. Кесилган жой ҳали янги бўлганлиги учун унинг оғзидан жуда ёмон хид келиб турибди. Чакагининг кесиб очилган жойи тузалиб битгандан кейин яширин чўнтак ҳам тайёр бўлади, уни ҳеч ким бир қарашда топа олмайди. Бундай яширин чўнтак ўғриларга жуда кўл келади. У ерга пул ва қимматбаҳо нарсаларни шундай яшириб қўйиш мумкинки, ҳар қандайчасига тинтув қилганда ҳам уни топиш мумкин эмас. Чакагида бундай чўнтаги бор бўлган ўғрилар баъзан уни анчагина тўлов эвазига мушкул аҳволга тушиб қолган «ҳамкасб» ошноларига «қарз»га (арендага) бериб ҳам турадилар.

Аммо Абдулла чакагидан яширин чўнтак очиб олганидан сўнг, у менинг ёрдамимда бирор ишга жойлашиб олиш имкониятидан ҳам маҳрум бўлиб қолди. Ҳозир мен баъзан ўзимга ўзим: «Нега у фақат темир йўл

семафоридагина ишлашни жуда ҳам хоҳлар эди?» деб савол бераман.

Мана энди буниси, бошқа Абдулла. Аммо, лекин унинг исми чиндан ҳам Абдулламикян? Балки бунинг исми ҳам камокхонада атайдиган исмидир? Унинг болалнк кечмиши бошдан охиригача ўйлаб топилган уйдирма эмасмикин?

Жуда кўп ўйлаганимдан кейин мен «чин ҳақиқат» дек нарсa ҳеч ҳам йўқ деган бир хулосага келиб қўйдим. Мен табиат дунёсини эмас, одамлар дунёсини назарда тутаётиман.

Масалан, ола арконни чипор илон деб ўйлаб, хато фикр қиламан. Бундан мен ўзимда кўрқув хиссини туяман. Хўш, мен тасаввур этган илон, менда ундан пайдо бўлган кўрқув хисси даражаси сингари реалми? Бу фақат менга шундай таъсир қиладими, бошқаларга-чи?

Хаттоки бунинг ола аркон эканлигини аниқ кўриб-билиб турган одам ҳам мен учун бу арконнинг ҳақиқатан ҳам илон бўлиб туюлганлигини тушуна олиши мумкин-ку, ахир. Менимча, ҳақиқат ва уйдирма бир-бири билан чамбарчас чатишиб ҳам кетгандир.

## ДУШАНБА

Бугун мана нималар бўлиб ўтди.

Эрталаб, баданимга ёғ суртиб, кийимларимни ювиб, ўзим ҳам ювиниб бўлгач, юқорига — ўз хонамга кўтарилдим ва бирданига қаёқдандир, билолмадим: ё соқчилар турадиган бинодан, ё кўчаданми, ё радиоприёмникданми, ё граммафонданми — Тагор қўшиқларининг оҳанги янграб кетди:

Аё дўстим, ўтган навбаҳордагидек  
Бу кадар хали йиғламаганман...

Таъсирчан қўшиқ.

Уни тинглаганда кўнглинг ғамга ботади. Шубҳасизки, камокхона бошлиқлари иродамизни, шижоатимизни букиш учун бизга атайлаб бу қўшиқни қўйишаётган экан. Улар турмадагиларда яшаш иштиёқи уйғониб, шу кўйи очликни тарк қилишсин деб қилишяпти.

Камеранинг бир бурчагига бикиниб олдим-да, кўлларим билан кулоқларимни бекитиб олдим. Аммо, ҳозир куппа-кундуз куни, ахир, долонимизга ўртоқларим кириб қолишлари мумкин-ку. Улар кулоқларимни бекитиб олганлигимни кўриб қолишса борми, — бўлди, ақлдан озибди, деб ўйлашлари турган гап. Боз устига бу кўшик овозидан ҳеч қаёққа қочиб кутулиб кетолмайсан ҳам! Эшикни ҳам, деразани ҳам ёпиб бўлмайди. Камера долондан эшик билан эмас, балки фақат панжара билан тўсиб кўйилган. Дераза ўрнида эса, нақ шифтнинг тагида каттароқ бир ёриқ оралик қолдирилган холос.

Мен ўз хатоларимни бартараф этиб ўтганимдан кейин, бир куни ёдимда бор, шуни аниқ ҳис қилдимки, Тагор буржуалашиб кетган ва биз унинг асарларига қарши синфий кураш яратиш кераклигини тушундим. Шунда мен тўққизинчи ётоққа—Биштунинг олдига келдим-да, ундан сўрадим: «Демак, Тагор кўшиқларини ҳам куйлаш мумкин эмас экан-да!» Бишту марксизмни яхши тушунар эди. У профсоюз лидери ва қамоқхона комитетининг аъзоси эди, аммо у унчалик ҳам фикри турғунлардан эмас эди. У менга сигаретини олиб тутди-да, муқобил савол берди: «Нима бўпти? Қуйланмаса, бағоятда жабр кўрасанми?»

Аксинча. Хусусан, Тагорнинг кўшиқларини куйлаганимда изтироб чекаман. Биров куйлаганини эшитганимда эса ундан ҳам баттарроқ эзиламан. Айниқса, болаликдан билиб юрганларимни эшитсам, тепа сочим тикка бўлиб кетади, кўзларимга ғилқиллаб ёш келади, хотираларим жўш уриб — руҳимда нималар содир бўлаётганлигини ўзим ҳам тушунолмай қоламан. Аммо нохуш бўлиб кетишим турган гап. Кўнглинг ҳеч кимни хуш кўрмайди, ҳеч нарса қилгинг келмайди. Қаёққадир яширингинг ва фақат ўзинг ёлғиз қолгинг келади. Ҳаммасидан ҳам энг ёмони, қамоқхонада тургинг келмайди. Ўртоқларингга бу ҳақда гапириб ҳам бўлмайди. Уларнинг хузурда эркинликдаги ҳаётнинг қамоқхонадагидан минг маротаба яхшироқ деб ҳам гапириб бўлмайди.

Фақат ҳамма иш бу кўшиқнинг менинг кўнглимга озор етказганлигида эмас. Энг кўрқинчлиси бошқа ёқда. Менга гумон азоб бермоқда: «Менинг бу қамоқхонада ўз ихтиёрим билан ўлиб кетишимдан бирон-бир маъно борми?» Агар мен очлик эълон қилинишига барҳам берсам, у ҳолда улар мени қамоқхонадан чиқаришган бў-

лишар ва бу билан бу ердаги кураш ҳам бой берилмаган бўлар эди. Болаи-да, Бадша ва бошқалар бу ерда қолишади. Улар охирига чидаб берадилар. Мен эса эркинликка чиқиб, партияга: «Яширин ишлашни хоҳлайман!»— деб айтар эдим. Баррикадаларда туриб жанг қилиш зарур бўлса, баррикадага ҳам борар эдим. Ишкилиб фақат шу диққинафас қамокхонадан қутулиб чиқиб кетсайдим, очлик ўлими чангалидан омон қолсайдим!

Аммо, агар мен очликка бардош берадиган бўлсам, мен эришган бундай эркинликнинг баҳоси шундай бўлардики, мени ҳойнаҳой партиядан ўчиришарди. Ўртоқларим эса мени сотқин деб ҳисоблашган бўлишар эди. Йўқ! Мен сотқин эмаслигимни уларга исбот қиламан! Мен ҳеч ким билмайдиган қишлоқларга чиқиб кетаман. Ўқитувчи бўламан. Дехқонлар орасида ишлайман, дехқонлар комитетини тузаман. Ўшанда партия мени тушунган бўлар эди, агар ҳатто, у мендан юз ўгирган бўлса ҳам, мен ундан ҳеч ҳам юз ўгирмаган бўлар эдим.

Бошқа яна бир масала, яъни менинг бобом масаласи — бу анча мушқулроқ масала: Биламанки, у кечаси ҳам, кундузи ҳам Бҳачаванга: «Э худо, мени Оруимни ўқдан асра, уни очликдан, янги синовлардан эсон-омон ўтиб олишига мадад бер!»— деб дуо қиладди.

Ўтиб олиш? Демак, йўлда йиқилиб тушмаслик? Очликни тўхтатиш — бу йиқилиш деган маънони бермай-дими?

Ана ўшанда унинг қошига келаман-да: «Бобо! Мен йиқилганим йўқ. Мен фақат очликкагина барҳам бердим!»— дейман. У жилмаяди-да, сўрайди: «Барҳам бердинг? Демак, бугун очлик тугапти-да? Ҳамма ўртоқларинг ҳам очликни тўхтатишдими? Қари Жамол ҳам, Бониш ҳамми?..»

Аммо у кўзларимга қараб, маъюс бўлиб қолади-да базўр жилмайиб дейди: «Яхшиямки, сен келдинг. Омон қолдинг. Умуман...»

Умуман? Нима дегани бу «умуман»? Соппа-соғ ва омон қайтдимунга нега бобом бундан хурсанд эмас? Наҳотки, у одамларнинг гапларидан қўрқса? Наҳотки, мен фақат ўзим учун яшаган бўлсам? Ахир, бу тириклик бобом учун-ку!..

Мен кескин ўрнимдан туриб кетдим ва камерада у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Бу тентакнамо хаёлларнинг нима кераги бор! Тагин кунпа-кундуз кунин!



«Капитал» томини очдим. Кўзларим юмилиб кетяпти. Аммо, мен бу тентакнамо тушлардан кўра, ўртоқларимдан кимдир бунақа тушқунликка тушиб турган вақтимда мени кўриб қолишларидан кўпроқ кўркар эдим.

Мен ўзимдан жуда ҳам аччиғим чиқиб кетди ва мендаги бу тушқинлик кайфиятига ҳам бархам бермоқ учун бор кучим билан столга мушт туширдим. Столда турган стакан зарбдан жаранглаб кетди.

Кўшни камерадан Гоурохоори чошиб чикди-да, панжара эшикдан келиб сўради:

— Нима бўлди, ўртоқ?

— Хеч нарса. Пашша ўлдирдим.

— Мен эса сизга бирон нарса бўлибдими, дебман...

Демак, менинг тушқунлик гирдобига тушганлигимни хеч ким билмабди. Яхшиямки, бошқаларнинг кўнглида нималар кечаётганини бир қарагандаёқ билиб бўлмайди.

Мен Бадшанинг камерасига бордим. У қаравотига ётиб олиб, эски олмос билан тирноғини олиб ўтирар эди. Бадша мени кўриб ётган ўрнидан туриб ўтирди ва деди:

— Эшитдингларми? Иккинчи қаватдаги Катуалик Нетъякали билан нималар бўлганлигини эшитмадингларми? У бу кеча соқчини чакирибди ва...—Бадша бир оз пауза қилди ва менга кўзини қисди-да, бу ердан жилиб қолибди,— деди.

Кейин гўё хеч нарса бўлмагандай давом этди:

— Бу ифлос қаёққа ҳам борарди? Унинг ўзи ахир оддий бир батрак бўлса. Уни яна қайтадан олиб келиб бизнинг саккизинчи ётоққа ташлашади. Майли, келсинчи, мен уни яхшилаб бир миҳлайман, у аблаҳни қилган бу иши учун бир кечирим сўраттирмасамми! Аммо, у ёқда нималар дейишмасин, у бутунлай тановул қилмаслик—бу жин урсин нима дегани, сизларга эса осон, жиғилдонларинг кичиккина. Ҳаммадан ҳам бизга жавр. Баъзан ўйлайман: «Тфу! Менга буларнинг нима кераги бор?! Буларнинг ҳаммасидан ҳам воз кечганим яхши эмасми?» Аммо ўйлайсиз, унда бизни тинч қўйишармикин? Теримизни шилиб олишмасмикин? Ахир уларга нималарни мактамоқ, нималарни койимоқ— гўё ерга чирт этиб тупуриш билан баробар деган гап. Майли. Қўрайлик-чи, ахири нима бўларкин: Мен: ўзингни партияга бағишладингми, бўлди, у билан ёнма-ён очликка чидаш

бериб туриш керак деб хисоблайман. Мана, энди эт суякка бориб ёпишди, шундай бўлса ҳам аммо, кейинчалик ҳаммамиз яна биргаликда тўйгуниimizча овкат ермиз, ахир. Тўғри-а?

Мен билан Бадшанинг ораларимиздаги фарқ ана шунда. У ўзидан кўркмайди. Шунинг учун ҳам ўз гумонлари хақида кўркмасдан гапираверади.

Бу хангомадан кейин мен ўз камерамга қайтиб келдим-да, диққатимни «Капитал»га қаратишга ҳаракат қилдим. «... Ўргинчакнинг иши тўқувчининг ишини эслатади, асалари ҳам мумдан уя солиб, баъзи кишиларни — архитекторларни уятга қолдиради. Лекин энг ёмон архитектор ҳам энг яхши асаларидан ҳаммадан аввал шу билан фарқ қиладики, у мумдан уя яшадан олдин, бу уяни миясида қуради. Меҳнат процессининг охирида бу процесс бошланмасдан бурунрок юмушчининг тасаввурида, яъни идеал равишда мавжуд бўлган натижа ҳосил бўлади. Юмушчи асаларидан табиат берган нарсанинг формасини ўзгартириши билангина фарқ қилиб қолмайди: табиат ўзгартириши билангина онгли мақсадни ҳам амалга оширади, бу мақсад, конун сифатида, юмушчининг ҳаракат қилиш усулини ва бу ҳаракатни белгилаб беради, юмушчи ўз иродасини ана шу мақсадга бўйсундириши лозим. Бинобарин, бу бўйсундириш бир дафъа юз берадиган акт эмас. Меҳнатни бажарадиган аъзоларнинг ишлашидан ташқари, меҳнат қилинган бутун вақт ичида маълум бир мақсадни кўзда тутувчи ирода ҳам бўлиши зарурдир, бу ирода эса ишга диққат қилишдан иборатдир ва шу билан бирга, меҳнатнинг мазмуни ва уни бажариш усули ишчини нақадар кам қизиқтирса, демак, ишчи жисмоний ва ақлий кучларнинг фаолиятидан иборат бўлган меҳнатдан нақадар кам завкланса, бу ирода шу қадар катта бўлиши зарур». (К. Маркс. Капитал. I-том, 5- боб, I- қисм.)

Буниси жуда қизик: китоб ўқиш, у маълум куч сарфлашни тақозо этса ҳам, менда бош айланиш ҳам, юрак уриб кетиши ҳам содир бўлмайди. Кўлим эса ҳамон зиркирайди — ҳар ҳолда муштум билан столга жуда каттиқ туширган эканман... Умуман олганда, менга, зиёлига шундай бўлиши керак эди. Зиёли! Кўринишдан ақлли, ичдан эса-чи? Ёки яна «зиёлинамо» деб вайсашади-ку ҳаммаси менинг ҳақимда.

Ўўк, бу бутунлай менинг ҳақимда эмас. Ахир, мен

курашяпман-ку. Ўз-ўзим билан. Ўзимни енгмоқ учун курашяпман.

Маркс тўғри айтган. Рух ва проданинг интилиши меҳнатнинг қандайлигига боғлиқ экан. Лекин агар интилиш зарурликка айланиб кетса-чи. Ирода ва рухни бир умрга шикаста қилиб қўйса-чи, у ҳолда нима қилиш керак?

«Капитал»даги бир парча тагин бир шубҳамни таркатиб юборди. Мен бадий асарлар ёзмайман. Бир неча марта қилган тажрибаларимдан кейин иқрор бўлдимки, мен ҳужжатли очерклардан бошқасини ёзишга қодир эмас эканман. Очерк ёзишдан мақсадим — ҳамма нарсага қизиқувчан китобхонларимни қаноатлантиришдан иборат. Бирон марта ҳам қишлоқда бўлмаганлар учун дехконлар ҳақида ёзаман. Қишлоқдан бошқа жойни билмайдиганлар учун эса, шаҳар ҳаёти ҳақида ёзаман. Тагин менинг очеркларимни қизиқиш билан ўқишади. Бунинг ҳаммаси менга равшан. Очерк ёзиш ҳар ҳолда шиор ёзишдай осон гап, ҳарқалай, албатта, шиор — бу шиор, очерклар эса — бу очерклар.

Аммо бадий асар — бу бутунлай бошқа нарса. Бу сизга «кўрдим ва ёздим», «ўқидим ва тушундим» деган гап эмас. Бадий адабиёт — анча нозикрок иш.

Олтинчи ётоқда Борун ўтирибди. У енги калта панжоб қўйлагин, таги матодан бўлган шиппак кийиб юради, дхоти (яктагининг) этаги эса белигача тушиб туради. У афтидан, шунақа эски модадаги жанобларга ўхшаб кийиниб юришдан ўзи ҳузур қилса керак. Аммо, у аслида унчалик қари ҳам эмас.

Борун партияга аъзо эмас. Аммо у ҳар доим ҳамма жойда — эркинликда ҳам, қамоқхонада ҳам, барча жойларда ҳам партия билан бирга. У кўпинча жиғга тегмоқчи бўлгандай: «Мен амалда сизлар билан, аммо назарияда эса қўшилмайман», дер эди. Аммо: у ўз қарашларини ҳеч ҳам яширмас ва тўғридан-тўғри бетга айтиб соларди: «Ижтимоий масалаларда марксизм ҳақ, аммо у адабиёт учун тўғри келмайди. Адабиёт — бу адабиёт. Қандай мақсад ва вазифалар ҳақида гап кетиши мумкин?» дер эди у.

Мен Боруннинг фикрига қўшилмайман. Аммо мен бармоғини нуқиб: «Адабиётнинг вазифаси ва мақсади — тарғибот!» деб ўргатувчиларнинг фикрларига ҳам тўла қў-

шилолмайман. Аммо бу масалада менинг фикру муло-  
ҳазам қандай?

Менимча, бугун бу масаланинг тагига етдим.

Ижод қилиш деб аталган нарса ўзига яраша меҳнат дегани-ку, ахир. Илгари мавжуд бўлмаган хилқат. Шундай эмасми? Нима учун? Биз меҳнат орқали етишмаётган ниманидир мукамал қиламиз, қандайдир эҳтиёжни қондирамыз. Етишмаётган нарсани мукамал қилиш мақсад ва вазифанинг ўзидир. Меҳнат жисмоний эҳтиёжни қондириш имконини берса, маънавий эҳтиёжни эса биз ижод орқали қондирамыз.

Очлик тугагандан кейин, мен бу ҳақда қандай қилиб бўлса ҳам, Борун билан гаплашаман. «Мақсад» ва «вазифа» деган сўзлар унга қандайдир оғир мажбурий сиртмоқ бўлиб туюлади, аслида эса бу унақа эмас... Борун «илҳомланиш» деган сўзни яхши кўради, мен ҳам бунга мутлақо қарши эмасман. Аммо мақсадсиз илҳомланишнинг бўлиши мумкин эмас-ку, ахир?!

Умуман олганда, мен Боруннинг авра-астарини ағдариб ташлаб, ўзимнинг ҳақлигимни исботлаб бермоқчи эмасман. Ахир, менимча, ижоднинг мақсад ва вазифаси—бу қандайдир янги нарсани барпо этишдир. Бунинг учун маълум бир шароит зарур. Фақат оиланинг ўзигина эмас, ер ҳам зарур. Бўшлиқда ҳеч нарса яратолмайсан ҳам. Биргина ирода кучи билан ҳам бирор иш чиқара олмайсан ва мақсадга эришолмайсан. Бу машина ёнида туриб ишлашга ҳеч ҳам ўхшамайди. Ижод қилиш учун жўшқинлик, рухий шавқ-завқ зарур бўлади.

Тўсатдан зинапояда қадам товушлари ва бўш пакирларнинг шақир-шуқури эшитилиб қолди. Нағал қоқилган этик пошналарнинг овозидан билдимки, булар соқчилар. Улар бизларни мажбурий равишда овқатлантириш учун келишмаяптимикин?

Кутайлик-чи — кўрамыз.

Улар бирварақайига учинчи қаватга кўтарилишди. Пошналари билан тақиллатишиб, ўнг томондаги долоннинг энг охиригача боришди. Демак, улар менинг олдимга ҳали-вери етиб келишмайди. Бундай олиб қараганда улар бугун жуда жиддий кўринишади ва бизни шунчаки тинч кўймайдиганга ўхшашади.

Эҳ, бечора Нетьякали! Сен Катуада эмас, балки Кальнада<sup>1</sup> туғилишинг керак эди.

## СЕШАНБА

Бошқа бир шароитда нима ҳам бўлар эди, билмайману аммо кеча, балки ўз-ўзимга аччигим келиб турганидан бўлса керак, ҳар ҳолда менинг мажолсиз танамда ҳам бақувват соқчиларга қаршилиқ кўрсатиш учун унчамунча куч топилди. Улар камерага яқинлашиб келганларида, мен долонни ажратиб турган темир панжараларни маҳкам ушлаб олган ҳолда тик турган эдим. Олдинда оқ фартук тутиб олган доктор келарди. У мени камерага киришга ундай бошлади. Аммо мен ундан терс ўгирилиб бошқа томонга қараб туравердим. Тўққизинчи ётоқнинг томи устидан ўсиб чиққан ёш дарахт, илдизлари билан том бўғоти чеккаларига маҳкам ёпишиб турган куйи ҳамон яшнаб турарди.

Мени темир панжарадан ажратиб олиш уларга осон бўлмади. Нега деганда мен охириги кучим қолгунча курашмоқни аҳд қилиб, улар билан қандай курашаётган бўлсам, ўзим билан ўзим ҳам шундай курашаётган эдим. Ва мен жисмоний жиҳатдан мағлуб бўлган бўлсам-да, руҳан улардан ғолиб келган эдим.

Улар мени каравотга босишиб, бурнимга юмшоқ резинка трубкасини тикқанларида, мен уларга қаршилиқ кўрсатмай қўйган эдим.

Мажбурий овқатлантириш учун бурун орқали сут билан ҳам тухум аралашмасини қуйишлари ҳақида илгари ҳам менга айтишган эди. Унга яна бир оз коньяк ҳам қўшишса керак. Мен кўзим юмуқ ҳолда ётаётган, ҳеч нимани кўрмас эдим фақат идишдан воронкага сут қандай қуйилаётганини эшитиб турардим. Аввалига соқчилар билан олишиш туфайли пайдо бўлган чарчокдан бошқа ҳеч нарсани сезмадим. Аммо бирдан қорнимда ёзиб, тасвирлаб бериб бўлмайдиган бир нарса юз бера бошлади.

---

<sup>1</sup> К а л ь н а — Бенгалиядаги шаҳар. Бу ўринда эса сўз ўйини сифатида ишлатилган. «Катуа» шахрининг номи «кочоқ» сўзи билан оҳангдошдир. «Кальна» эса «эртага эмас», яъни «яна бир кун сабр қил», деган маънони беради.

Гўёки ўлик сахрога қайноқ ва жўшқин ҳаёт кириб келгандек бўлди. Оғзим бирор марта ҳам овқатга тегмаган бўлса ҳам мен бутун вужудим билан танамга кириб келган ҳаётнинг таъмини туя бошладим.

Шундан сўнг мен уйқуга кетдим ва кечгача ухладим.

Босилиб қолгандай бўлиб туюлган очлик яна қайтадан зўрая бошлади. Жуда катта қийинчиликлар билан нафсимни тийиб юрган эдим, бир пиёла илиқ сут туфайли яна қайтадан нафс балосига гирифтор бўлдим.

Ҳозир ҳамма ўз камераларида ўтиришибди. Бугун танамни қандайдир бир оғир юк эзиб боряпти. Боз устига кеча столга қаттиқ мушт туширганимдан бери кўлим ҳам зиркираб турибди.

Бошқа ётоқларда нималар бўлаётганлигини биз батафсил билолмаймиз. Аммо шу нарса бизга маълумки: икки-уч кишидан ортиқ ҳеч ким очликни тўхтатгани йўқ.

Тушдан кейин ҳаво совий бошлади.

Қош қорайганда ўтириб олиб, қанча-қанча қаҳрамонларни биз жуда тез унутиб юбордик! — дея ўй сура кетдим.

Ўтган сафарги очлик пайтида ёш активистлар бизларга ҳамдардлик кўрсатиб, кўчада намоиш ташкил этган эдилар. Полиция уларга қаратиб ўт очган эди. Биз эса ҳеч нарсадан беҳабар эдик. Кейинроқ, бу ҳақда газетадан ўқиганимдан сўнг кўрқувдан қарахт бўлиб қолдим. Уларнинг ҳаммасини танир эдим. Аммо, ҳозир уларнинг чехраларини кўз олдимга келтирайин десам: улар кўз олдимда гўё эски, ранги ўчиб кетган, хира фотографиядек гавдаланади.

Кеча кечкурун «Завод»имизни бир оз вақтга очиб қўйдик. Аммо «хом» ашё етарли бўлмаганлиги туфайли, бу ишларни тез орада йнгиштириб қўйишга тўғри келди.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Сизга болалигим ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Маҳалламизда яшаётганлар ичида энг камбағали биз эдик. Фақат яна икки оила боқувчиси отамга ўхшаб заводда ишларди. Маҳалламизнинг қолган барча эркаклари кир ювиш билан шуғулланишарди. Пул уларда бисёр эди.

Маҳаллага савдогарлар келиб қолишганда, кимнинг

қандай яшаётганлиги билинарди-коларди. Бир кунда бир неча маргалаб қатнаб қолишарди: ким новвот билан, ким морожний, ким ҳар хил ширинлик ёки ёнғоқлар билан. Айрим савдогарлар ўз молларини мақтаб, кўкка кўтаришар, бошқа бировлари кўнғироқ жаранглатишарди. Уларнинг ҳаммаси харидорларни қаердан излаб топишни яхши билишарди. Бизнинг уйимизга эса яқин ҳам йўлашмасди. Ахир, мен ҳам бошқа болалар қатори кўчада ўйнаб юрар эдим-да, ана шунда баъзан кўчама-кўча юриб савдогарчилик қилаётганларга қараб ҳавасим келиб кетарди ва ҳар қалай уйга чопиб бориб онамнинг этагидан тутиб: «Менга ҳам сотиб оберинг! Сотиб оберинг!» деб хархаша қилардим. Бунинг учун онам мени койир эди, баъзан эса ҳатто урарди ҳам.

Онамнинг қарғаётганини эшитиб, уйдан ҳассасини дўкиллашиб бувим, отамнинг онаси чиқиб қолар эди ва шунда уларнинг даҳанаки жанги бошланиб кетарди.

Отам оқсоқолдан судлашиб тортиб олган бир парча ерда анжир дарахти ва бир неча кокс пальмаси ўстирган эдик. Уларни бувим парвариш қиларди. Бундан ташқари, у кўшни чакалакзордан шох-шабба терар, мол гўнгини йиғиб, ундан таппи қуритар, тухум ҳамда товук сотар ва бу ишларнинг ҳаммасидан бир оз пул ишларди. Онамга буларнинг ҳаммаси беш кўлдай маълум эди.

Бувимнинг ғалати одатлари кўп эди. У бетелга тамаки кўшиб чайнаб юрарди, бундан ташқари, у яна нашани ҳам яхши кўрар эди. Ҳар куни кечқурун у уйқуга ётиш олдидан баданига камфарали ёғ суртиб ётарди. Нима бўлганида ҳам, ҳатто осмон ўпирилиб ерга тушиб кетаётган бўлганида ҳам барибир, бувимга ҳар куни бир пайсалик горчица ёғи ва камфара, бир ярим пайсалик бетель билан тамаки ҳамда бир ҳафтада бир анга лойик наша бўлиши керак эди. У буларсиз яшай олмасди. Бошқача қилиб айтганда, унга ҳар куни икки ярим ёки ҳатто уч пайса пул зарур бўларди. Шуларни деб бувим доим отам билан жанжаллашиб юрарди. Охири, оила бюджетидан бувим учун ҳар куни уч пайса ажратиб бериб туриладиган бўлди. Аммо онам бундай келишувдан жуда норози эди.

Бирок, кунига уч пайса ҳам кампирга озлик қилиб коларди. Шунинг учун ҳам унга ўтин териб сотишга тўғри келарди. У яна бегона уйларнинг атрофида ивирсиб юрар, ташлаб юборилган дастасопларни йиғар ва бетель

барги бўлаklarини териб келиб, уларни туяр ва катта қутига жойлаб кўярди. Онам ҳар куни ана шулар ҳақида отамга чақимчилик қиларди. Отам бувимнинг бетель бўлаklarини териб юришини жуда ёмон кўрар ва уни сўкарди. Аммо у эса ўз билганидан қолмас ва бизнинг уйимизда худони берган куни жанжал чиқиб турарди.

Онам уришаётганида бувим аралашмоқчи бўлса, бас, онам мени унутиб унга ёпишиб кетарди. У одатда; «Хаҳ, ҳали шунақами! Ўзинг бирор марта бўлса ҳам бу неварангга ёки неварачаларингга бирор нарса сотиб олиб берганинг борми? Сенинг пулинг кўп, лекин уларни фақат ўзинг учун сарфлайсан!»— деб бакирарди.

Ана ўшанда бувимни қиёмат қилишини кўрсангиз эди! У онамга даҳшат билан ташланиб қоларди: «Қани менга айт-чи! Қўлларингни болангнинг бошига қўйиб, айт-чи! Хўш, сенинг яшириб юрган пулларинг йўқми? Қани, қўлларингни болангнинг бошига қўйиб, йўқ де-чи?» Онам бунга токат қилолмай жаврай-жаврай уйга кириб кетарди.

Бирпасдан кейин у уйдан чиқарди-да, бир пайса пулни ерга иткитиб, менга кичқирарди: «Бор! Бор! Бувингга ўхшаб ҳар хил искирт нарсаларга тўй! Пул бекорга сарф бўлса бўлсин!»

Менга қарғиш қор қилмасди. Мен севинганимдан ирғишлаб, пулни олардим-да, кўчага — тўғри савдогарларнинг олдига чопардим. Аммо ҳар доим ҳам шунақа бўлавермасди. Кўп деганда ҳафтада бир марта шундай бўларди. Кўпинча онам мени чивик билан уриб, олдига солиб ҳайдарди. Шундай бўлса ҳам онамнинг тийин-тийинлаб йиғиб қўйган пулларини доим созуриб юборардим.

Шундай қиладиган фақат менми? Отам ҳам шундай қиларди. У онамда икки-уч пайса пул йиғилиб қолганлигининг исини билиб қолгудек бўлса борми, бўлди, шу заҳотиёк, айниқса мутгасил ичишга берилиб кетган пайтларида онамни эркалабми, кўндирибми, ишқилиб ўша пулларни қоқиб олмаса тинчимасди. Кейин онамнинг ўзи бу ҳақда менга гапириб берарди.

Менинг катта акам Акбар ёшлигида ўқишга жуда уқуви зўр эди. Биз икковимиз ҳам Бхола деган маҳаллий ўқитувчи кўлида ўқир эдик. Аммо шу ҳам ўқиш эдими? Вақтнинг ҳаммаси машғулотга эмас, бошқа бўлар-бўлмас ишларга исроф этиларди. Ўқитувчимизнинг



кичикроқ бир дўкони бор эди ва унинг оиласи ўшандан келган даромад ҳисобига яшар эди. Ўқувчилардан келадиган пуллар эса ўқитувчининг ўзи учун чойчақа бўлар эди. Эндигина ўқишга ўтирамиз деганимизда, бошланиб кетарди: «Мановини у ёққа олиб бор!», «Хув ановини дарров бу ёққа олиб кел!», «Ўтлоқдан сигирни етаклаб кел!», «Манови болакайни опичиб тур!..»

Шундай бўлса ҳам акам бошланғич мактаб программасини ўтади. Уни ўрта мактабга ўқишга оладиган бўлишиди. Кириш бадалини тўлаш учун онамнинг сирғасидан бирини гаровга қўйдик. Бир амаллаб йилни ўтказдик. Янаги йилга аҳвол жуда танг бўлиб қолди. Мактабдан олти-етти ойлик қарздор бўлиб қолдик. Нима қилиш керак? Отам ҳеч нарса қила олмаётган эди. Онамда эса бошқа тақипчоқлар ҳам йўқ эди, шунда онам отамга гаровга қўйиш учун иккинчи сирғасини ҳам кулоғидан ечиб берган эди.

Отам уни гаровга топширди-ю, бетоб бўлиб қолди.

Унинг таниши, доктор Онатх, отамни жуда яхши кўрарди. У портда врач бўлиб ишлар ва чакана равишда касал боқиш билан шуғулланмас эди. У отамни бепул даволади. Аммо, яна оиламизни боқиш ҳам керак эди-да.

Шунинг учун ҳам, акамнинг ўқишига тўлайдиган ҳеч нарсамиз йўқ бўлса ҳам у ўқишни ташлагиси йўқ эди. Аммо, бунда отам нима ҳам қила олар эди? Оиламиз қийналаётган эди. Латундан ясалган қувачамиз бор эди. Уни ҳам гаровга бердик. Акам ўшанда ўн бир ёшда эди. Мактаб қаёқда дейсиз — унга ҳар куни ўрта ҳисобда беш-олти миль масофани чопиб ўтишга тўғри келар, дам отамнинг заводдаги ошнаси олдига, дам яна бир таниши олдига чопиб борар, биридан бир рупия келтирса, яна бошқа биттасидан ярим рупия пул қилиб келар эди. Биз ана шу пуллар ҳисобига яшар эдик.

Бир қариндошимиз бор эди, менинг амаким, тўғрироғи эса, онамнинг синглисининг эри. У яхши турарди, аёллар шляпаси фабрикасида ишларди. Уни отамнинг ўзи бош бўлиб онамнинг синглисига уйлантириб қўйган эди. Бу амакимнинг отаси Сингапурда яшарди. Унинг ўша ерда ўз корхонаси ва икки хотини бор эди. Иккинчи хотинига у Бирмада турганда уйланган бўлиб, уни Калькуттага кейин олиб келганди. Ўша ернинг жамоатчилиги унинг бу иккинчи никоҳини қоралаб чиққан эди. Ҳатто улар у билан гаплашмай қўйишган эди ва шундан сўнг

амакимнинг отаси у ердан Сингапурга кўчиб кетганди. Амаким эса, ана шу бирмалик хотиннинг ўгли эди. Агар менинг отам бош бўлиб онамнинг синглисига уйлантириб қўймаганида, унинг бундай туппа-тузук мусулмон оиласидан чиққан аёлга уйланиши амримаҳол эди. Буларнинг ҳаммасидан қатъи назар амаким отамни бир чақага ҳам олмас эди. Чунки у пулни жуда яхши кўрарди.

Отам бетоб бўлиб ётганида, оиламизни боқиш учун ҳечвақо ҳам қолмаган бир пайтда онам отамдан яширинча синглисига акамни бирор ишга жойлаштириб қўйишда ёрдам қилишни сўраб, мурожаат қилади. Онамнинг сингlisi (холам) Акбарни ўзининг олдидаги фабрикага ишга жойлаштириб қўйди. Отам буни билиб қолганида, ҳеч нарса демади, аммо у тумшайиб қолди. У энди акамни мактабга қатнамайди, деб хафа бўлган эди. Аммо онам учун ундан ҳам баттар аламлиси шунда эдики, оиламиз у амакининг ёрдамига муҳтож бўлиб қолган эди.

Ҳозир акам ишлаётган фабрика Калькуттанинг савдо марказида жойлашган эди. Фабрикага анчагина йўл бўлиб, акамга боришда ҳам, келишда ҳам пиёда бориб келишга тўғри келар эди. Аммо у ҳеч қачон бундан нолимасди. Калькуттанинг марказий жойларида оломоннинг қанчалик кўп бўлиши, трамвайларнинг қандай бўлиши ва унинг жаранг-журунг қилиб юришлари ҳақида бизга гапириб берар эди. Яна у бегойимнинг кеча нималар дегани ва бугун эса нималар дегани ҳақида ҳам сўзлаб берарди.

Бир сафар чакқонлик ва эпчиллик кўрсатгани учун бегойим акамнинг елкасига қокиб ҳам қўйибди. У бизга бу ҳақда гапириб берганида биз ҳайратдан оғзимизни ланг очиб қолибмиз. Мен ҳатто қўлим билан акамнинг елкаларини сийпалаб ҳам қўйдим ва ичимда унга жуда ҳам ҳавасим келиб кетди. «Бегойим»нинг нима эканлигини мен ҳам билмас эдим. «Жаноб», дегани — рожалар кастасига ўхшаган нарса деб эшитган эдим. Шунинг учун ҳам «бегойим», дегани менга гўёки хонзода бегим дегандай туюларди. Акам бизга уни батафсилроқ тасвирлаб ҳам бермади: Демак, у акамнинг елкасига қокиб қўйган бўлса, акамнинг ўзи ҳам энди анча каттагина одам бўлиб қолибди-да, деб ўйладим.

Акам бир ой ишлаб, ғурурдан яйраб, биринчи маош-ни уйга олиб келди ва уйимиз ҳам худди катта байрам-

лардагидек кувончга тўлиб кетди. Мен биринчи марта отамнинг юзида табассум кўрдим. Акам уч ярим рупий олиб келган эди. Отам: «Хаммасидан аввал қарзларнинг бир қисмидан қутулиб олиш керак»,— деди. Аммо онам ва бувим бунга рози бўлишмай: «Йўқ! Бу пулларни пайғамбаримизнинг туғилган кунини байрам қилишга сарфламоқ керак!»— деб туриб олишди. Онам отам билан узоқ тортишишди. Аммо, ахийри ҳам отам онамнинг айтганларига кўнди. Отам мурид тушган пир ҳазратларини уйга таклиф қилиб, катта шов-шув билан Муҳаммад пайғамбарнинг туғилган кунини байрам қилдик. Акам ҳар кун ишга борарди. Эрталаб соат тўққиз ярим ёки тўққизда ишга кетса, кечкурун ҳам соат саккиз ёки тўққизларда уйга қайтарди. Унга трамвайда юришга харажат қилиш учун пул беришса ҳам у пиёда юрар ва оила учун икки-тўрт ан пулни тежаб қоларди. Бу пуллардан унинг ўзи нонушта учун фақат икки-уч пайса сарф қиларди. Акам оиламиз учун ғамхўр эди ва айниқса у онамни яхши кўрарди. Биз кичикларга ҳам кўз-кулоқ бўлиб турарди. У ишлаб топган ҳамма пулларини фақат онамга олиб келиб берарди. Онам уларни латта-путталарга ўраб, турли яширин жойларга бекитиб қўярди. У тухум сотишдан келган пулларни ҳам худди ана шундай қилиб яшириб қўярди. Отам одатда онамнинг пул яширадиган жойларини излаб топиб оларди. Агар онам отамнинг изланаётганининг устидан чиқиб қолгудек бўлса, у отамни қарғар ва уни қувиб соларди. У пул тўплаб, катта опамга кумуш камар сотиб олиб беришни жуда-жуда истарди. Аммо пул келиб кетаверар эди. Онам ҳеч қачон икки ярим рупийдан ортик пул йиға олмасди.

Бир сафар кечкурун акам ишдан қайтиб келгач, онамнинг ёнига ўтириб олиб, аччиқ-аччиқ йиғлаётганини кўриб қолдим. Онам менга: «бор, бор, боравер, бунга сенинг ақлинг етмайди» дегандек қилиб қўлини силтаб қўйди. Аммо кейин менга бу ҳақда ақамнинг ўзи гапириб берганди. Амакимнинг унга ҳеч нарса ўргатгиси келмас, гўё унинг нонига акамнинг шерик бўлишидан чўчир ва шунинг учун ҳам доимо бўлар-бўлмас юмушлар билан акамни цехдан чиқариб юборар экан. Бундан ҳам энг ёмони амаким акамни мазах қилар ва уни ёмон сўзлар билан ҳақоратлар экан. Аммо, акам бегойимга унинг устидан чакмас экан, чунки акам бундай қилса, амакимнинг жаҳли чиқиб, уйда хотинини, яъни онамнинг синглисини (хо-

ламни) калтаклаши мумкин, деб кўрқар экан. Акам менга: «Фақат оғзингни очма! Отам билмасин!». деб тайинлади.

## ЧОРШАНБА

Кеча эрталаб соат ўн бирдан бошлаб, агар соқчилар зўрлаб овқатлантириш учун яна келсалар ва ҳатто зўрлаб бурнимга трубка тикқанларида ҳам бор кучим билан уларга қаршилиқ кўрсатаман, майли шундан кейин нима бўлса бўлар деган қарорга келиб кўйгандим.

Ошқозонимга илиқ сув қуйилган пайтдаги ўша хуш-ёқимлиликни ҳали-ҳали унутолмаётганим учун ва бу овқатланишдан жаҳлим чиқаётганди. Бунақа зўрлаб овқатлантириш намунча менга хуш ёқиб қолганлигидан хафа эдим. Демак, ич-ичдан шуни хоҳлаётган эканман. Менинг бу хилда бўшанглик кўрсатиб гуноҳ қилганларимни эндиги сафар икки баробар даражада қаршилиқ кўрсатиш билан ювишим керак эди.

Мен безовта бўлиб соатга қарар эдим. Соат меники эмас, уни менга дўстим Мониш берганди. Бу алмисокдан қолган соат бир вақтлар унинг қайнонасига тегишли эди.

Мониш — менинг болалиқ дўстим. Снёсатда ҳам биз иккаламиз ҳамфикр эдик. У мендан бир оз кичик бўлса ҳам, бирга ўқир эдик. Мониш ўз ёшига мос келмайдиган даражада оқил ва доно эди. У инглиз ва француз адабиётини сув қилиб ичиб юборган ва ўзи ҳам шунақа хикоялар ёзар эдики, бенгал китобхонлари уларни ўқиб, мағзини чақиб, ҳал этишга ожизлик қилишарди. Ушанда Мониш, мен бундай камқувват ошқозончилар учун парҳезли овқат тайёрлаб бермоқчи эмасман, дея ўз адабий ишларига барҳам бериб юборган эди.

Кейин у ўзини батамом абгор қилди — у уйланди. Унинг қайлиғини ҳам билар эдим. Мехрибон, чиройли киз эди. Мониш менга жуда ўрганиб қолган эди. Бир куни биз иккаламиз Қалькутта марказидаги майдон боғдан кетаётганимизда у ўша қиз ҳақида гап очиб қолди. У менга жиддий тикилди-да: «Албатта, агар сенда у кизга нисбатан...» — деб қолди.

Мониш агар менда у қизга нисбатан бирор ҳиссиёт бўлган бўлса, у мен учун ўша қиздан воз кечишга тайёр

эканлигини билдирмокчи эди. Алхол ўзи хакида, у кизни севиб қолган эканман, демак, дўстим ҳам бу қизни севиб қолган деб ўйларди. Чунки иккаламизнинг барча ишлардаги ўй-фикрларимиз, кизиқишларимиз доимо бир-биримизникига жуда мос келарди-да. Мен ҳам жиддий туриб «албатта, агар унда менга нисбатан...» — деб гап бошлаган эдим. Мониш гапимнинг у ёғини дарҳол илиб кетиб: «Агар мен унга бу ҳақда айтсам...» — дея гап бошлаган эди, мен унинг елкасига шундай куч билан туширдимки, у жим бўлиб қолди.

Аслини олганда, Монишга шу яхши аён эдики, агар мен ундан, ўз қайлиғидан воз кечишни астойдил илтимос қиладиган бўлсам, осонликча воз кеча олмас эди. У мени жуда яхши кўрарди ва у бу қизни деб, мен билан жанжаллашишни истамасди. Шунинг учун ҳам Мониш мендан рад жавобини олгандан кейин сал енгил хўрсиниб қўйди.

Уйланиш учун аввал ўзига иш кидириб топиш керак эди. Монишнинг отаси омадсиз адвокат эди. У шу қадар зиёли эдики, агар у шуғулланиши лозим бўлган ишда озгина бўлса ҳам бирор қалбакилик, ёғончилик ёки қаллоблик борлигини сезиб қолгудек бўлса, ўша ишни ҳеч ҳам қўлига олмас эди. Ҳамкасблари кўпинча унга: «Сизга, бу ишни олишдан кўра, ўлмок осонроқдир!» дейишарди. Бечора ҳақиқатан ҳам тез орада ўлиб қолди. Катта оиланинг катта ташвиши ўғлининг бўйнида қолди. Бир вақтлар ажойиб студент бўлган, сўнгра келажагига катта умид боғлаганимиз адабиётчи Мониш Моджумдар гулдай яшнаб турган йигит ёшида ана шундай ташвишлар гирдобида ҳалок бўлди. Аммо у барча қийинчиликлардан қатъи назар партияни ташлаб кетмади.

Ажойиб кунларнинг бирида дафъатан унинг партияси «кетди». Фақат унинг ўзигина эмас, балки унинг бутун ячейкаси равона бўлди. У ўша кезде ўзини барча партиявий ишлардан четлатиб қўйилгандай кўрсатиш учун яширин ишлар билан шуғулланарди. Бундай пайтларда одатда шундай қилинарди.

Аммо бир куни, қамоқхонада ўтирганимда, навбатдаги партиявий циркуляр ахборотни ўқиб чиқиб, ўз кўзларимга ишонмай қолдим. Циркуляр ахборотда, тагдор қилиб Мониш ва унинг ячейка аъзолари — провокатор эканлиги қайд этилганди.

Менинг бунга ишонишим қийин эди, аммо шундай

бўлса ҳам бунни гўё аччиқ дорини ютгандай ютишга тўғри келди.

Хали-ҳали баъзан ичимни ит тирнайди, аммо қамоқхонада ётиб булар тўғрисида ўйлашдан нима манфаат бор! Бунинг устига бўлган воқеадан бери нақ икки йил вақт ўтди. Икки йил ичида ҳар қандай одам ҳам айникса, катта оилани боқиш унинг зиммасида турган бўлса, жуда ўзгариб кетиши мумкин. Балки, у айбсиздир, балки шунчаки бошқаларнинг ҳийла-найрангларига аралашиб қолгандир.

Аммо баъзан мени ваҳима босиб кетади. Демак, ҳеч кимга ишониб бўлмас экан-да? Мутлақо ҳеч кимгами? Хатто ўзингга ҳамми?

Соатга қарайман. Аллақачон икки бўлибди. Соатни менга Мониш берган. Бу соат унинг қайнонасиники.

Соатга қараб, мен бир нафас ўз кўзларимга ҳам ишонмай қолдим. Кеча шу маҳалда мажбурий овқатлантириш аллақачон тугаган эди. Демак, улар бугун келишмайди. Мен беихтиёр, кеча шу вақтда юз берган воқеани — овқатларини эслаб, алланечук бўлиб кетдим. Эрталаб, соқчиларнинг келишини кутиб, хаёлимда уларга қаршилик кўрсатишнинг қудратли деворини қуриб олдим. Аммо у девор Монишнинг қайнонасидан қолган соат мили билан биргаликда гумбурлаб қулаб тушди.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Мен сизга Пенчо ҳақида ҳикоя қилиб берган эдимми? Гапириб бермовдим шекилли. Пенчо, асли бизга қариндош бўлмаса ҳам гўёки оиламизнинг бир аъзосидай бўлиб қолган эди. Унинг ҳақиқий номи Панчу эди. Пенчонинг отаси зоҳид эди. Биз Пенчо билан танишган вақтимизда унинг отаси аллақачон вафот қилган экан. Пенчонинг онаси эса сут сотувчи кампир эди. Улар она ва ўғил икковлари Рамраджатола яқинида туришарди.

Пенчо ҳали жуда ҳам ёшлигида қон кетувчи ичбуруқ касали билан оғриган ва ўлишига бир баҳя қолган эди. Биринчи бўлиб уларга менинг отам ёрдамга келган ва дарҳол ростакам врачни бошлаб келган. Хуллас, болақайни ўлим чангалидан олиб қолишган. Ўшанда Пенчонинг онаси онамга: «шу бугундан бошлаб ўз ўғлимни сенга топширдим!» — деб эди.

Пенчо катта бўлгач, ажойиб раққос ва ашулачи бўлиб етишди. Уни ҳамма рўйирост туриб талашишарди. У ҳамма учун энг зарур одам ҳисобланар эди. Ким рақсга тушишни ёки ашула айтишни ўрганмоқчи бўлса, албатта Пенчони чақиришар эди.

Қисқа қилиб айтганда, Пенчони отамиз ўстирди, уни заводга олиб келган ҳам, иш ўргатган ҳам унинг ўзи бўлди. Дастлабки пайтларда Пенчо отамга ёрдамчи ишчи бўлиб юрди... У бизга тамоман ўз қариндошимиздай бўлиб қолди. Эрталаб отам Пенчони велосипедининг орқа багажнигига ўтказиб заводга олиб кетар, ишдан сўнг эса ўзи билан бирга уйга олиб келарди. Кечкурунлари эса икковлари кварталга сайр қилиб келгани чиқиб кетишарди. Пенчонинг рақсчиликда, ашулачиликда топган шухрати отамнинг ҳам обрўсини ошириб юборди. Одамларга рақс тушиш ва ашула айтишни ўргатишни Пенчо фақат отамнинг руҳсати билангина қиларди. Шу туфайли ҳамма отамга ҳурмат билан муомалада бўладиган бўлиб қолди, агар у бирор клубга кириб қолгудек бўлса, ҳамма уни гўё ўтказгани жой тополмай қолгудек бўлишиб ҳурмат кўрсатишарди.

Ўша йилларда кварталимиз аҳолиси хиндуларни «бенгалликлар» деб, ўзларини эса «мусулмонлар» деб аташарди. Шунинг учун ҳам Пенчо уларча гўё бенгал эди, биз эса мусулмонлар эдик. Бу ҳол менга отам гўё кўшниларимизнинг аччиғини келтириш учун атайлаб шундай қилаётгандай бўлиб туюларди. Улар кўпинча отамни бенгал билан оғиз-бурун ўпишиб юрибди, деб вайсашгани вайсашган эди. Аммо мен эса, уларнинг отамга шунчаки ҳаваслари келаётган бўлса керак деб ўйлардим. Отам бу хусусда истехзоли оҳангда: «Ҳаммалари бировларнинг ишига бурунларини тикқилари келади!— дерди.— Ўзлари эса ўз бурунларидан нарини кўра олмайдилар. Кимнинг пули кўп бўлса, у ҳаммадан яхши, ҳаммадан ақлли ва доно деган гап эмас-ку ахир! Улар қудук бақасидан қолишмайдилар!»

Аммо отам нима десалар ҳам барибир мен ўз кварталимизни жуда яхши кўраман. Мен худди мана шу ерда, шу ифлос жойда, мана шу чивин ва пашшалар орасида ўсганман-да ахир. Мен кейин қаерда бўлмайин, тақдир мени қаерларга элтиб ташламасин, барибир кварталимиз ҳар доим юрагимнинг тўрида туради. Қадрдон жойингда кўрган ғаминг — ғам эмас. Балки, сиз ҳам

болалигингиз ўтган, ўйнаб-ўсган жойингизга нисбатан шунақадирсиз, тўғри эмасми? Энди мен сизга кварталимиз қанақа эканлигини гапириб бераман. Сўзларим пой-ма-пой бўлиб, гапларим ҳам қовушмаётгандай бўлаётгандир, балки? Уларни кейин ўзингиз бир тартибга солиб оларсиз. Мен ахир, булар ҳақида бировга гапириб берман деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим-да.

Мана шунақа. Кварталимизда, тасаввур қилинги, ҳаммаси бўлиб йигирма беш — ўттизтача уй бор. Кварталнинг қоқ ўртасидан Андулроудга қараб катта йўл ўтади. Ундаш ва ўнг томон бўйлаб жин кўчалар бошланиб кетади.

Кварталимизда кўпчилик жуда ҳам яхши туришарди: айримларининг ерлари, боғлари ва ширинлик сотадиган дўконлари мавжуд эди. Илгарилари шундайлардан баъзи бирлари кварталнинг оқсоқоли қилиб тайинланарди. Эсимда, собиқ бир оқсоқолнинг абжағи чиқиб кетган икки қаватли бир ғиштин уйи бор эди. Деворларининг сувоғи кўчиб тушиб кетган жойлардан ғиштлари кўриниб турар, бир хил жойларида ғишт ораларидаги сувоқлари ҳам майдаланиб тушиб кетган эди. Бир ярим одам бўйи баландликда ёғоч рамали кичкинагина деразалари бор эди. Деразаларига эса — бежиримгина пардалар тутиб қўйиларди. Кварталда шунга ўхшаш яна битта, яъни бир қаватли уйча ҳам бор эди.

Бу уй ҳам собиқ бир оқсоқолники эди. Мен бу уйни нураб тамом бўлай деган даврида кўрганман, аммо у қачонлардир жуда ажойиб чиройли уйча бўлган.

Яна эса, кварталда бундан йигирма беш — ўттиз йил аввал жаҳон уруши давригача қурилган иккита тош том ҳам бор эди. Бу уйлар Али Бахшига тегишли эди. У йлгари Шалимареда яшарди, аммо у Бенгал-Накпур темир йўли қурилиши бошланган пайтда ўз ер участкасини темир йўл кампаниясига сотиб юбориб, ўзи бизнинг кварталимизга кўчиб келган эди. Унинг бир қаватли уйи ҳам тўсиқлар билан ўраб олинган эди.

Али Бахшининг аслзодалар кийим-кечакларини ювиб бериладиган кирхонаси бор эди. Аммо у ўзини кир ювувчи деб эмас, балки «тоза ишлар устаси», деб атарди.

Бу ҳақда отам шундай бир воқеани гапириб берган эди.

Судда унга ҳам бир оз тегишли бўлган қандайдир



бир иш кўриляётган экан. Суд Али Бахшидан сўрабди: «Нима иш билан шуғулланасан?»

— «Хузур<sup>1</sup>, мен тоза ишлар устасиман».

— «Тоза ишлар» деганинг нимаси?»

— Жанобларнинг кийим-кечакларини топ-тоза қилиб юваман.

— Э, сен демак, кирчисан, шундай деб кўя қолмай-санми! деган экан.

Умуман, отам бунақа воқеаларни ўйлаб чиқаришга жуда ҳам уста эдилар.

Кварталимиздаги қолган бошқа ҳамма уйларнинг тоғлари, черепица, пальма барглари ёки тунука билан ёпилган уйлар эди. Бизники тунукали эди. Аммо кимнинг уйи пальма барглари билан ёпилган бўлса, уларни камбағал одамлар экан деб ўйламанг тагин. Шунчаки, улар топган пулларининг кўп қисмига фақат еб-ичишарди. Ундайларни бизда «ўрта кўл суллаҳлар», деб аташади.

Кварталда деярли ҳамма кир ювиб пул топар эди. Фақат уч нафар оиланинг боқувчилари кемасозлик заводида ишлашар эдилар. Айримларда дўкончалар бўларди ёки айримлар ер ишлаб экин-тикин қилишарди.

Бизнинг жануб томонимиздан Умар Шайх кўчаси ўтади. Кўчанинг нариги томонидан бошқа квартал бошланар, у кварталда хунармандлар, порт ишчилари, аркон фабрикаси ва кемасозлик заводида ишлайдиган бир неча мастер ва ишчилар яшашар эдилар. Уйлар ҳаммаси бўлиб йигирма бешта. Ҳатто, у ерда бошқа кийим тикувчиларни ҳам ўзига ёллаб ишлатадиган бир кийим ательесининг хўжайини ҳам яшар эди.

Андул-роуддан шимол томонга жойлашган квартал Хожи квартал деб аталар эди. Муаззим Алининг отаси Маккага ҳаж қилганлиги учун уларнинг квартали ана шундай деб аталадиган бўлиб кетган эди. Муаззим Алининг отаси врач эди. Қачонлардир у жуда яхши яшаган ва ўз кварталида энг нуфузли одам бўлган. Муаззим Алининг ўзи ҳам дипломли врач бўлмаса ҳам врачлик билан шуғулланарди. Аммо у отамдан кўра анча қувроқ эди. Ҳатто, рецепт ёзиб беришни ҳам билар эди. Афтидан, отасидан кўп нарсаларни ўрганиб олганга ўхшайди.

---

<sup>1</sup> Хузур — (арабча) мартабали одамга мурожаат қилганда ишлатиладиган сўз.

Умуман, у оддий табиб бўлиб, дориларнинг инглизча, бенгалча номларини доимо жуда оқилона оҳангда талаффуз қилар эди.

Бу уч квартал ҳақидаги ҳикоям — шу билан тугади.

## ПАЙШАНБА

Кеча кечкурун «Завод»имиз яхши ишлади.

Гоуроҳори камерасига қўшни камерада Мурори ўтирибди. У жуда жиддий одам. Сиёсий баҳсларга ҳеч ҳам қўшилмайди. Шаҳар сув таъминоти системасида ишлайди. Қасаба союз ишларидан бошқа, ҳеч қанақа ижтимоий масалалар билан қизиқмайди. Қўринишдан у салобатли, виқорли одам. Унинг энг бир зўр ишқивозлиги — сетор чалиш. Боз устига у буни ўринлатиб чалишни билса эди!

Мажлисимизда Мурорини кўриб: «Ўртоқлар, жамиятингиз ҳақида қамокхона комитетига ахборот бериб қўйишим керак!» — деб юборадими деб жуда ҳам кўрқиб кетдим.

Аммо, кейин мен унга қараб, бизнинг «Завод»имиз бошқалар учун қандай наф келтира олиши мумкинлигини биринчи марта ана ўшанда тушундим. Орамизда овқат тўғрисида ўйлашни гуноҳ деб ҳисоблайдиганлар ҳам, ёки овқатни ўйлаб, бундан азоб чекаётганлар ҳам мажлисимизда сўз олиб ва шу билан кўнгилларини бир оз бўшатиб, енгил тортиб ола олишлари мумкин. Бу «Завод»ни ташкил қилганлар ҳақида бировни макташ лозим бўлса — Бадша тилга олинади. Қолган ҳаммамиз бу хусусда унинг соясига беркиниб тургандай бўламиз.

Мурори жуда ҳам дилкаш эмас, тўғрироғи тундрок одам. У қамокқа тушишидан сал олдин уйланган. У хотини ўғил туққанини қамокхонада эшитди. Биз, одатга кўра, хўрак-зиёфатимизни олиб унинг олдига кирдик. Аммо қақалоқ бир ойлик бўлганида ўлиб қолди. Ўша кеча Мурори-бабу камерасидан сеторанинг мунгли овози узоқ вақтларгача келиб турди. У шунчаки бир куй эмас, балки у чўзиб чалинадиган, юракларни эзиб юборадиган ҳазин бир куй эди.

Ҳар кимда ҳар хил характер бўлади. Бир хил одам

Ўз ғамини бошқалардан яшириб юради, бир хил одам эса атрофдагиларни ҳам ўз ғамига ғарқ қилиб юборади.

Одамнинг қанақалиги, айниқса, камокхонада яхши билинаркан.

Сув ва олов кечиб ўтган бир машхур революционердан қандай қилиб ихлосим қайтиб қолганлиги ҳали эсимда. Унда бизни бошқа камокхонада олиб туришарди. У одамни олдимизга кейинроқ ўтказишганди.

Биз умумий камерада ўтирар эдик. Камерада қатор қилиб қўйилган темир чорпоялар, бурчакда эса латта билан тўсиб қўйилган параша ҳам бор эди. Кечалари камерадан нохуш хид анқиб турарди. Аввал бундан жуда қийналдик, кейин эса ўрганиб кетдик. Ошхонамиз йўқ эди. Ювениш учун ҳар саҳар бизга пақирда сув олиб келиб беришар эди. Кейинчалик биз ўзимизга ошхона, сув сақлаш учун махсус бак, параша ўрнига эса, яхшигина ҳожатхона қуриб олдик. Биз бу камерада умуман иноқ яшардик, орамизда фақат тамакиларимиз бошқа-бошқа эди, холос.

Мана Шибшомху Халдор ҳам пайдо бўлди. Ҳатто пайдо бўлди эмас, балки айтиш мумкинки меҳмон бўлиб келди. Соқчилар ва ҳибсдагилар икки қатор сафга туришиб уни олқишлашди. У бундан анча илгари, яъни Британия даврида терроризм учун бу камокхонада узоқ муддат ўтириб чиққан. Ҳибсдагилар унга сажда қилишар, кўкларга кўтаришарди. У камокхонада туриб террористдан марксистга айланганди. Мен уни очикда кўриб турар эдим ва у билан завқланардим. Аммо бу ошнагинам камокхонада қоқ суякка айланиб қолибди. Кечкурун ошна нам энг яхши жойнинг эгасини қувиб, у ерга ўзи жойлашиб олди. Бошқа махбуслардан ажралиб турсин учун у ўз каравоти атрофини канордан тўқилган мато билан ўраб олди. Дарҳол алоҳида парҳез тутишнинг ғамини қилди. Шахсий хизматкор жиноятчи у учун алоҳида овқат тайёрлайдиган бўлди. Иштаҳаларимизни кўзғатиб, алоҳида, фақат унинг учун ковуриб келтирилган жўжаларни олиб ховли бўйлаб, елиб-югуришарди.

Шу маҳалгача камокхонада партия раҳбарлари ҳам, бизлар ҳам, оддий партия аъзолари ҳам ҳаммамиз баббаравар эдик. Қулайликлар барчамизга ҳам бир хил бўлиб, ҳеч ким ҳеч қандай ортиқча имтиёзга эга эмас эди. Шунинг учун ҳам биз ҳурматли Халдорнинг бу хулқидан ҳайратда қолиб, ичимизда нафратланардик. Бизга

унинг энг ёқмаган қилиги шу бўлдики, у хизматкор жиноятчини оёқларини ҳам уқалаб қўйишга мажбур этарди.

У ўзини гўё камокxonанинг хўжайинидек ҳисоблар, соқчиларга ҳам, жиноятчиларга ҳам кун бермас эди.

Терроризм ва марксизмнинг ғоялари мутлако бошқа-бошқадир. Одамларнинг характеридаги хилма-хиллик ҳам ғояларнинг турличалигидан келиб чиқмайдими? Бўл-маса одамларда яхши еб-ичишга, бошқалардан кўра кўпроқ олишга, юқориқоқ мартабага эришишга интилиш қаёқдан пайдо бўлади? Иш билан сўзнинг бир бўлмаслиги қаёқдан келиб чиқади?

Биз бошқалар билан ўз шахсимизнинг ташқи томони билангина муомала қилгандай бўламиз. Бизга қараб турганларида, биз ўзимизни жиловда тутиб турамыз. Бошқаларга маъқул бўлаётган ишларнигина қиламыз. Аммо бизнинг асл «мен»имиз ифода топа бошлаганда бошқалар бундан юз ўгирадилар. Ўша «мен» эса фақат ўзи учунгина яхши бўладиган нарсаларнигина қилади. Ўзингни бил, ўзгани қўй, бошқа ҳаммаси ёниб кетмайдими!

Агар бизга бундай қилиқларимизнинг иккиёқламалигини кўрсатиб беришса, унда: «Мен айбдор эмасман. Бунга мен униб-ўсган шароит — ижтимоий шароитнинг ўзи айбдор!» — деймиз.

Демак, киши ўзини эмас, яшаб турган муҳитни ўзгартириши керак! Муҳит ўзгартирилганда эса, мен ўз-ўзимдан яхши томонга ўзгариб қоламан. Аслида бундай эмас. Асл коммунистнинг сўзи билан иши бир бўлиши керак! Бунинг учун эса ўрток Димитров айтганларидек, журъатлилик, саботлилик ва ўз кучига ишонч зарур бўлади.

Бир сафар бувим менга жуда яхши дарс берган эди.

Бу 1943 йилги очарчиликда юз берган эди. Бизнинг уйимизда ҳаммаси бўлиб иккита кичкинагина хона бор эди. Менинг кичик амаким, яъни бувимнинг ўғли санъат баклаври учун имтиҳон топширгандан сўнг, яширин партиявий ишлар билан шуғуллана бошлаган ва шу бир пайтнинг ўзида бирор ишга ҳам жойлашиб олишга уринарди. Кечкурунлари унинг олдида қандайдир, одамлар келар, уй олдида туриб олишиб бир-бирлари билан алланималар тўғрисида шивир-шивир қилиб гаплашишарди. Бунинг маъносига энди тушунсам, амаким ўшанда афтидан, уйланиш ҳақида ўйлаб юрган экан. Аммо бизнинг икки

хоналик ҳозирги уйимизда бусиз ҳам жуда одам кўп эди: бобомнинг бева қолган синглиси ва унинг болалари, Қалькуттага ўқиш учун келган амаки акаларимдан биттаси, болалигимдаги дўстларимдан бирининг қаричилик туфайли хизматдан бўшаб келган бобоси ҳам биз билан бирга туришарди. Умуман, уй олма отсанг ерга тушмай-диган ҳолатда эди.

Бувим кунига Қалигхатага<sup>1</sup> қатнардди. Кичкинтой бўлишимга қарамай, ўзи билан у ерга бирга олиб борарди. Шундай ҳам бўлардики, куни билан юравериб оёқларим толиб кетарди. Бувим Қалигхатада яшайдиган камбағал ва майиб-мажрухларга қанчалик раҳм-шафқат қилишини ўз кўзим билан кўрганман. Агар кимнингдир ўғилчасининг кийишга иштони бўлмаса, унга менинг эски иштонларимни олиб келиб берарди. Қимда-ким қоғоздан пакетлар ва қоғоз қопчалар ясаб сотиб тирикчилигини ўтказаетган бўлса, унга уйдан эски газеталарни йиғиб олиб келиб берарди. Ҳаммага кўлидан келганча ёрдам берарди.

Кейин катта бўлганимдан сўнг ҳинду худоларига ишонмай қўйдим, кишиларни бундай камбағалчилик ва муҳтожликдан садақа эмас, балки фақат революция қутқатиши мумкинлигини тушуниб олдим. Мен кичкина амаким сингари бундан сўнг бувимнинг ғам-ғуссаларига парво қилмайдиган бўлиб қолдим.

Бир куни кечкурун мен амаким билан бирга уйга қайтиб келаётганимизда бувимни эшик олдида учратдик. У бизга тил бириктирувчилардек шивирлади: «Эшитинглар, бир гап бор. Мен Қалигхатада Муншигонждан қочқоқ бўлиб келган бир бадбахт оилани учрайтиб қолдим ва уларни уйимизга бошлаб келдим». Биз унинг бу гапига лом-мим демаган бўлсак ҳам у эҳтимол юзимиздан «Бувимиз, ақлдан озиб қолмаганмикин?» деган савол ёғилиб турганини кўрган бўлса керак, бувим бирдан жимиб қолди ва ўзича ўзини-ўзи унатаётгандай мингиллаб кетди: «Мен уларга айвончамизда яшаб турасизлар. Ўзларингга ўзларинг овқат тайёрлайсизлар. Кейин қурбиларинг етадиган бўлганда, ижара топиб чиқиб кетарсизлар, деб айтдим. Мен уларга ҳаммасини яхшилаб тушунтирдим.

---

<sup>1</sup> К а л и г х а т — Қалькуттада Кали худоси ибодатхонаси жойлашган ер.

Биласизми, уларнинг ажойиб ўғилчаси бор. Уни кўрганам заҳоти жуда раҳмим келиб кетди. Кўча, шундоғам совук-ки».

... Мен амаким билан баб-бараварига: «Ахир айвопча!..» деб юбордик жиғибийрон бўлиб кетганимизни яширолмай.

Бувим эса хафа бўлиб, зарда билан гапимизни бўлиб: «Мен бу бахти қароларни уйга бошлаб келганимдан бери менга кун йўқ. Мен ўйловдим, мустақиллик учун курашаётган мана сизлар лоақал мени қувватлайсизлар деб. Сизлар ҳам ўшаларга ўхшаб...»

Унинг сўзлари эсимга тушса, ҳалигача уялиб кетаман. Хатто, бобом ҳам ўша кеча уйга қайтиб келгач, бувимни роса койиди. Бувим бутунлай хафа бўлиб кетди ва деди: «Бу уйда ҳаммаларинг бир гўрсизлар. Оғизда бошқани деб, амалда эса бошқани қиласизлар».

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Мен сизга ҳикоя қилиб берувчи уч нафар квартал бундан кам деганда юз эллик йиллар олдин бунёд бўлган Ҳозир айтишларича, бизнинг ота-боболаримиз «қизил башараларнинг думидан тутиб»<sup>1</sup> шу ерда яшаб ўтган экан.

Унинг ёнида ботаника боғи бор. Епископ колледжи ҳам шунинг ёнига жойлашган. Унинг атрофидаги катта ёштин уйларда жаноби инглизлар яшашади. Маълумки, уларга хизматкорлар, ошпазлар, бичувчи-тикувчилар, кир ювувчилар ва иссиқда елпиғич билан елпиб турадиганлар керак. Шунинг учун ҳам инглиз жаноблари қаерда бўлсалар, мусулмон жаноблари ҳам ўша жойда бўлишади, тўғрими?

Отамнинг онаси томонидан бўлган бобоси инглизларда хизматкор бўлган экан. Унинг исми Идрис бўлган. Жаноблар бўш вақтларида Шундарбон — бумборбонлар-

---

<sup>1</sup> Бу ўринда сўз ўйини қилиб берилган. Қизил башаралар (биринчи ўринда—«маймулар») — европаликларнинг ёмон кўрганларга нисбатан айтадиган лақаби.

га овга борганларида ёки бирор ерга салқинлагани чиққанларида хизматкор Идрис уларни кузатиб чиқар экан. У эса учига чиққан хушомадгўй бўлган. Аммо бамбуқзорда шагал ҳам ҳайвонларга подшо бўлади деганларидек, кварталда катта бобомни ҳам ҳамма иззат қиларди. Бобомнинг бойлигини назарга олиб, уни бир неча марта оқсоқол қилиб ҳам сайлашган экан. Отам кейинчалик судлашиб қайтариб олган ҳалиги ерни бир вақтлар биздан худди ана шу Идриснинг болалари тортиб олиб қўйишган экан. Отамнинг жаноблар хизматида юрган ўша қариндоши ҳақида нималарни гапириб берганини эшитганингизда эди! Менимча, отам улар тўғрисидаги ҳар хил кулгили-воқеаларни ўз ичидан ўйлаб чиқарган бўлса керак.

Масалан, у Мажид исмли хизматкор тўғрисида бир воқеани айтиб берган эди. У Епископ колледжидagi бир жанобнинг ҳузурда ҳозир бўлиб туриши лозим экан. Бир куни у ўз хонасида бир оз дам олайин деб, ўтириб ухлаб қолибди. Колледж биносига ўриятилган соат ўн бирга бонг урибди. Бечора Мажид бундан уйғониб кетиб, ирғиб ўридан туриб, камзулини эгнига ташлаб, бошига салласини нари-бери ўраб жаноб уйи томон шошилибди. Жаноби олийлари столга ўтирибдилар ва Мажид у зотга хизмат қила бошлабди, сезибдики жаноби олийлари негадир унинг томонига ҳеч қарамас эмиш, кўзини фақат ерга тикармиш. Ушанда ўзига бундоқ разм солса, кўрқиб кетганидан кўлидаги овқатни идиш-пидиши билан стол устига ирғитиб юбориб, уйга қараб ура қочиб қолибди. Шундай бўлган эканки, у бечора шошилишда иштонини кийишни ҳам унутиб қўйган экан.

Жаноб инглизлар аста-секин камайганидан камайиб борди ва охири улар ҳам умуман йўқ бўлиб кетди. Аммо ҳозиргача ҳам майда ишларда кўриладиган суд мажлисларида, тўй ва бошқа йиғилишларда бизнинг баъзи айёр чоллар: «Эҳ! Хўп замонлар бўлган эди-да!»— деб кўмсаб кўйишадди.

Одамлар ўша маҳалда чиндан ҳам яхши яшаган деб ўйлайсизми? Менинг катта бобом, яъни отамнинг отасичи? Отамнинг ўзи-чи? Менинг болалигим — бахтли болалик бўлган, деб ўйлайсизми?

## ЖУМА

Мана уч кундан бери улар бизни овкатлантириш учун келмай кўйдилар. Қўшни блоклардан ҳам пакирларнинг шакир-шукури бирон марта ҳам эшитилмади.

Ўтган кеча, камералар бекитилгандан кейин, инспекторнинг машинаси келганлигини эшитдим. Бир неча кишининг ҳовлидан ўтгани, блокка киргани иккинчи қаватга кўтарилиб, коридорнинг охиридаги камерани очгани шундоққина эшитилиб турди.

Эрталаб ҳовлида баданимга ёғ суриб юрганимда Боншини кўриб қолдим. Бирор янгилик содир бўлганида у менга айтар эди. Аммо Бонши лом-мим демади. У ҳозир бенгал тилида қандайдир бир китоб ўқиётган экан ва у мендан: «Кимдир» дегани нима дегани?— деб сўради. Мен: «Биров, канақадир одам» — деб жавоб бердим. — «Қизик», деди Бонши, — ахир «дир» одатда гумонни яъни ноаниқликни англатади, бу ерда эса «дир» гўё аксинча аниқликни тасдиқлаётгандай».

Биз Бонши билан ҳеч қачон сиёсат ҳақида ва жиддий масалалар ҳақида бахслашмаймиз. Учрашиб қолгудек бўлсак, анча катта ёшга бориб қолганимизни унутамизда, студентлик пайтидагидай чакчақлашиб кетаверамиз. Гўё университет олдидаги кафедра чой ичиб ўтирганимиздай ҳазил-мутойиба қилиб, лақиллашиб ўтирамиз. Илгариги йиллардек. Мана бу сўзда «дир» ишқорни эмас, балки қандайдир тасдиқни англатаркан.

Камерамга келиб мен ҳам шу ҳақда ўйга чўмдим. Сўзлар дунёсида бундай ўзгариншлар тез-тез учраб туради. Ҳақиқий ҳаётда ҳам баъзан «йўқ, ҳеч-да» дейсан, амалда эса у доимо «ха-да» бўлиб чиқади.

Негадир санскритча сўзларни: «алам» «етарли», «бўлди» — эсладим. Бу сўзларда ҳам қандайдир иккиёқламлилик бор; бу сўз ё бирор зарурликни, керакликни англатади ёки аксинча бирор ортиқчаликни, нозарурликни, нокеракликни англатади. Масалан, «алам-кара» дегани — «зеб-зийнат» демақдир. Зеб-зийнат нима? Бу қандайдир ортиқчалик, ташқаридан олиб келтирилган, нокераклик деганими? Ёки аксинча қандайдир муҳим эҳтиёжни қопдирувчи, камчиликни тўлдирувчи, предметнинг гўзаллиги-



ни намоён қилувчи ёки унинг камчилигини бекитувчи нарсами?

Зеб-зийнатлар... Бувимнинг ҳеч қанақа зеб-зийнатлари бўлган эмас. Фақат битта тикиш машинаси бўлган. Бувим бу тикиш машинасини ўз ўғлининг яъни менинг кичик амакимнинг бўлғуси хотинига тортиқ қилмоқчи эди. Аммо амаким ўлиб қолди.

Амаким фақат бувим учунгина ўлган. Аслида эса у ҳеч ҳам ўлгани йўқ. Уруш тугаган заҳотиёқ у Европага кетди ва ўша ёқда бир «соҳиби олияга» уйланди. Ундан тўй куни туширилган фотосурат билан хат келганида, бувим уни оловга ташлаб юборди ва менга деди: «Мана бунга қара! Эски удумларимизга кўра, ўғил дафн маросими гулханига, яъни она мурдаси юзига олов келтириб тутиши лозимдир. Аммо менинг ўғлим ўлган ва энди, унинг юзига олов тутиш менга яъни онасига тўғри кел-япти!»

Ўша лаҳзада бувимга қараб, қўрқиб кетдим.

Роса бир ойдан сўнг, туш маҳалида, редакцияга телефон қилишиб мени тезроқ уйга қайтишимни сўрашди. Умримда биринчи марта ўз йўлимга такси олиб кетдим. Албатта бу пулларни қарзга олишга тўғри келган эди.

Худди ўша куни кечкурун Калькуттада ҳиндулар ва мусулмонлар ўртасида киргин бошланиб кетган эди<sup>1</sup>. Аммо мен уч кеча-кундуз деганда ҳам бувим ётган тўшак ёнидан нарига жилмадим ва кўчаларда нималар бўлиб ўтаётганини ҳам билмаган эдим.

Биз бувимнинг жасадини кремация қилинадиган жойга олиб бораётганимизда, шаҳар бўм-бўш эди. Ҳамма бурчакда полициячилар туришарди ва бизларга тўхтаб қолмасликни буюришарди.

Мен ўша куни кўчалардан юриш қанчалик хавфли эканлигини фақат дафн этиш гулхани ёнида турганлигимдагина тушунган эдим. Бир-бирига хусумат қилаётган бу икки тараф оломоннинг дод-войи ҳатто бу ерларгача ҳам эшитилиб турарди. Аллаким «Банда матарам»ни қуйласа, бошқа биров «Оллоху акбар!» деб қичқирарди!<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Бу ўринда тарихда «Калькуттадаги сўйишлиш» ҳақида, яъни 1946 йилги воқеа ҳақида боради.

<sup>2</sup> «Банда матарам» — «Онамга тоат қиламан» гимнига айланиб кетган қўшиқ. «Оллоху акбар» (*оллоҳ — уллуғ*) — мусулмонлар қалмаси.

Агар ёнимда амакигинам бўлганида эди, булар менга унчалик кўрқинчли бўлмас эди. Амаким киртонини<sup>1</sup> жуда яхши куйлар эди. Бувим бунни эшитишни яхши кўрарди.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Бизнинг ҳар бир кварталимизда ўз панчоятимиз<sup>2</sup>, ҳар бир панчоят бошида эса квартал оксоқоли бўлар эди. Агар унда-мунда майда жанжаллар чиқиб қолгудек бўлса, судга бериб юришмас эди, уни шу ернинг ўзида панчоятда кўриб кўя қолишар эди. Умар Шайх кварталлида оксоқол Фақир Муҳаммад эди. Унинг ўлимидан кейин, унинг укаси Дин Муҳаммад оксоқол бўлиб қолган эди. Ҳожи кварталлида эса, аввал доктор ҳожининг акаси Воҳид оксоқол эди, Кейин — Максуд Али бўлди. Ҳозир эса... тўхтанг, ҳозир эсимга тушади... ҳа, ҳозир у ерда оксоқол Максуд Алининг ўғли, хаҳ... исми нима ҳам эди?... Ҳа, Гофур Мондол. Бу Гофур «Гэсткинс Энд Вильемс» заводида ёки бизда оддий қилиб айтиладиган «Гэсткинс»да йиғув бўлимининг катта устаси бўлиб ишлайди.

Ҳар бир оксоқолнинг бир неча ёрдамчилари ҳам бўларди. Аммо бу мансабларга сайлаб қўйилмайди, уларни оксоқолнинг ўзи тайинлайди. Улар ё пули кўплардан ёки кўли ҳалоллардан тайин этилади. Улар ақлли, ҳар нарсасага фаросати етадиган ва бошқа квартал аҳолиси билан тотувлик ўрната оладиган одамлар бўлишлари керак. Менинг отам ҳам оксоқолнинг ёрдамчиларидан бири эди. Шунинг учун ҳам уни панчоят мажлисларига тез-тез чақириб кетишарди.

Кварталимизда илгарилари Гавҳар Али оксоқол бўлган. У бир ерлик заминдор бойнинг бошқармасида тўлов йиғувчи бўлган. Унинг ўзининг ҳам анчагина ери ҳам бор эди ва кварталда баобрў одам эди. Кейинги пайтларда унинг оиласидан бир неча кишилар ҳам оксоқол бўлиб сайланган эди. Аммо вақтнинг ўтиши билан уларнинг авлодидан ҳам омад кета бошлади, аввал Каромат, кейин эса Жамол Бахши оксоқол бўлган эди. Жамол

<sup>1</sup> Киртони — хиндуларнинг диний қасидаси.

<sup>2</sup> Панчоят — оксоқоллар кенгаши, ўз-ўзини бошқариш органи.

Бахши ўлгандан кейин унинг оиласи ҳам заифлашиб кетди.

Жамол Бахшининг ўлиmidан сўнг унинг оиласи билан Гавҳар Али оиласи ўртасида оксоқол мансаби учун кураш бошланиб кетди. Отам Гавҳар Алининг ўғли Фулом Алининг тарафдори бўлган эди. Бунинг ўзига яраша сабаби ҳам бор эди. Жамол Бахши жуда ғайратли, нуфузли оксоқол эди. Панчоятда унинг гапи гап эди. Бир куни, панчоят мажлисида отам кимнингдир ҳақида нимадир деган. Жамол Бахши шунда отамни гап билан ўтқазиб кўйган. У чийиллаб: «Ким у бундай деяётган? Иброҳимнинг ўғлими? Унинг ўзи нима-ю, гапи нима?»— деган.

Ўшандан бери отам Жамол Бахши ва унинг оиласидагилардан кўнгли қолган эди. Қанақасига? У фақат тўрчи Иброҳимнинг ўғли бўлганлиги учунгина унинг гапи гап эмасми?! Отам Жамол Бахши оиласини оксоқоллик мансабидан махрум қилишга қасам ичганди. Бундай имконият фақат Жамол Бахшининг вафотидан кейингина туғилди. Отам қўллаб-қувватлаётган Фулом Али унчалик нотик бўлмаса ҳам, аммо унинг пули кўп эди, энг муҳими ҳам ана шунда эди. Хулласи калом Фулом Алини оксоқол қилиб сайлашди ҳам. У отамни ўзига ёрдамчи қилиб тайинлади ва доимо уни ўзи билан бирга олиб юрадиган бўлди. Отамнинг қандайдир бирор гапи ҳам энди жамиятда ўз қадрини топадиган бўлиб қолди!

Панчоятнинг иши фақат майда-чуйда можароларни ҳал этиш билан тугамас эди. Етим-есирларга ва бошқа бахти қаро бечораларга қиз ва йигитларни унаштиришларда совчилик қилиш, мачитларга қараб туриш ва бошқа кўп шу каби ишларни бажариш ҳам панчоятнинг вазифасига кирар эди. Панчоятда роса юмуш кўп эди.

Хозирга қадар ҳам бирор мачитнинг гумбазига кўзим тушса, Туни деган кампир эсимга тушади. Унинг оппоқ сочли боши ана шу гумбазга жуда-жуда ўхшаб кетар эди. Онамининг ўзидан ёши сал катта бўлган опаси яъни менинг холам бор эди. Туни кампир ана шу холамнинг қайнонаси эди. У жуда қариб, мункиллаб қолган кампир эди.

Холам қайнонаси билан ҳечам чиқишолмас, доим бири бири билан уришар, жанжаллашишар эди. Хуллас, холамнинг эри бундай жанжалларга чидай олмай, онасини уйдан қувиб юборди.

Туни кампир ўз ўглининг уйдан қувилгандан кейин, қайтиб у уйнинг остонасига йўламади. У квартал ёнидаги дарахтзорда эски, нураб кетган бир кулбага жойлашиб олди.

Ҳар ҳафтада кварталда турувчи оилалар мачитга бир-оз гуруч ҳадя этишар эди. Ана шу фоиздан биринчи бўлиб Туни кампирга улуш бериб туриларди. Бундан ташқари, у уйма-уй юрар — унга ҳамма раҳм қилар ва уни уйда бор егулик билан сийларди. У шу кўйи тирикчилик қиларди.

Туни кампир кварталдаги ҳамма болалар нчидан мени ва синглимни хуш кўрарди. Туни кампир опамни, ҳатто у келинининг синглиси бўлса ҳам жуда яхши кўрар эди. Аммо, келинини оғзига нима келса шуни деб қарғарди, отамга ҳам бир неча марта унинг узундан-узоқ шикоятларини эшитиб ўтиришга тўғри келганди.

Биз болаларга ҳам Туни кампир жуда хуш ёқар эди. Биз ёввойи олхўри ёки манго териш учун ўрмонга бориб қолсак, у бизни ўз кулбасига таклиф қилар эди-да, бизни ширин мевалар ёки шўртақкина маринад қилинган тамариндлар билан сийларди. Биз ўтириб олиб, қиёмхўрлик қилардик. Туни кампир эса: «Қани, топинглар-чи, мен сизларнинг ақлингларни бир синая кўрай!» деб топишмоқлар айтиб берарди. Топишмоқни айтиб ва яна: «Қанақа экан? Ҳеч ҳам топа олмаяпсизлар-ку!» деб сўрар ва бундан ўзи мамнун бўлиб калласини чайқаб кўярди.

Мана, мен ҳозир унинг топишмоқларидан бирини сизга ҳам айтиб бераман. Сиз, эҳтимол, уларни ҳаммасини биларсиз, билмасангиз ҳам топа олсангиз керак. Биз эса ўша маҳалларда унча тополмас эдик. Қани, топингчи, бу нима? «Қора сават тўла ёнғоқ, олай десанг ололмайсан, еяй десанг еяолмайсан». Топдингизми? Осмондаги юлдузлар...

Бир куни синглим билан одатдагидай дарахтзорда ўйнаб юриб, олчалар тердик ва Туни кампир кулбасига яқин бордик. Синглим кулба эшиги зинасига чопқиллаб чиқиб, эшикни очиб ичкарига қараган заҳоти орқасига тисланиб, турган жойида қотиб қолди. Унинг этагидан олчалар сочилиб кетди. У сал ўзига келди-да, уйга қараб: «Ойи! Ойижон!» деб қичқирганча югуриб кетди. Мен ҳам

кучим борича унинг кетидан чопдим. Синглим эшикни очди-да: «Ойи! Туни кампир ўлиб қолибди!» дея қичқириб юборди.

## ШАНБА

Бугун улар қайтадан яна суробимни келтириб, бурнимдан ичимга бир товоқ сут куйишди. Бироқ, бу сафар сут совуқ экан. Хушёқишлиги биринчи сафаргидек бўлмади. Кейин билсам Бонши бугун ҳам овқатлантиришдан ўзини сақлаб қолибди. Демак, улар уни мажбур этиша олмаптилар.

Бонши, албатта, очлик давом этаётганига қарамасдан ҳали анчагина кучли, умуман, олганда, мен ҳам унчалик заиф эмасман. Аммо уларнинг тактикаси найрангдан иборат. Уларга бизнинг жисмоний ҳолатимиздан кўра, маънавий ҳолатимиз қизиқроқ.

Масалан: бугун доктор овозини пастлатиб менга: «Ўзингиз ҳақингизда уйингиздагиларга бирон нима демокчи бўлсангиз, менга айтинг — мен айтиб қўяман», — дейди.

У мени балки, ўз хийласига илинтирмоқчи бўлгандир ва сал қолди шундай бўлишига ҳам. Аммо бундан бирдан пайқаб қолдим. Бу докторнинг хаёлида нималар борлигини ким билсин! Мен унга: «Мени аҳмоқ деб ўйламаяпсизми?» дедим. Менинг савол-жавобим жуда қатъий бўлиб жаранглаган бўлса ҳам, аммо унинг замирида қандайдир бир шубҳага ўхшаш бир нарса яширингандай эди.

Мана, бир неча кундан бери катта Шайло, яъни бизнинг маршал Ворошилов, бизга қоғоз парчаларига жуда майда қумурсқа изидай дастхат билан сиёсий ахборотлар ёзиб юбориб турибди. (Шайлонинг ошқозони касал, у очликда қатнашмайди, шунинг учун ҳам унга газета беришади). У берган ахборотлар камерамизда овоз чиқариб ўқилади. Илгарилари мен уни диққат билан эшитар эдим. Энди эса бу қулоғимдан кириб, у қулоғимдан чиқиб кетади.

Ўзим журналист бўлганман, ахборот нималигини билман. Агар бу дунёда чиндан ҳам Шайло ёзганчалик шунча кўп яхши воқеалар юз бераётган бўлганда эди, дунё аллақачон ўзгариб кетган бўларди. Шайло бу билан

шунчаки бизнинг рухимизни кўтармоқчи бўлади. Йўқ, у ҳеч нарсани ўз ичидан ўйлаб чиқармайди, у ҳаммасини газеталардан олар, аммо ахборотларни шундай тарзда йиғиб берардики, бундан дунё кўзимиз олдида аслидаги ҳолатидан тамоман бошқача ҳолатда бўлиб кўринарди. Фақат битта ахборот мени ҳақиқатан ҳам шод қилди, у ҳам бўлса шуки: Америкада иш ташлаш ҳаракатлари бошланибди.

Урушнинг бошланишини ҳали ҳам хотирлайман. Нацистлар олдинга отилдилар. Олдинлари уларнинг галабалари ҳақидаги хабарларни буржуа газеталарининг уйдирмалари деб ўйладим. Аммо кейин буларнинг ҳаммасининг тўғри эканлигига ишонишга тўғри келди. Немислар ҳақиқатан ҳам совет шаҳарларини бирин-кетин қўлга киритиб боришарди. Ҳар бир шаҳарнинг мағлуб бўлиши юракларимизда янги дард очар эди. Ичиқоралар эса яна ҳам яраларимизга туз сепади: «Мақтанган Қизил Армия чекиняпти!» деб мазах қилишарди бизни.

Дўстларим ҳарбий ҳаракат стратегияси ва тактикасини тушунтиришиб, мени юпатишарди. Улар чекиниш—энг доно стратегик чора дейишар эди. Гитлерчилар ўзлари қазиган чоҳга ўзлари йиқилиб тушадилар.

Бизнинг мамлакатимиз мустақилликка чиқишга ташна эди. Биз коммунистлар ҳам мустақиллик тарафдорлари эдик, аммо уни фашизмга қарши «халқ уруши» воситаси билан яъни СССР ва Улуғ Британия томонида туриб қўлга киритиш зарур, деб ҳисоблар эдик. Баъзи бир муҳолифларимиз бизни чет мамлакат ҳукуматларига сотилиб кетганликда айблашди. Биз эса уларга: «Социализм барбод бўлгудек бўлса, бизга ҳам мустақиллик насиб этмайди!» дея эдик. Ҳатто бизни кўчаларда калтаклашганларида ҳам биз: «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деб шиор ташлаганмиз.

Ўшанда ҳаммавақт ҳам ҳамма нарсада ҳақ бўлавермаганлигимизни энди тушунапман. Биз ўзимиздаги орзу истакни кўпчилик бўлган халқнинг орзу-истаги билан уйғунлаштира олмаган эканмиз. Биз гўё ўзимизни ундан ажратиб қўйган эканмиз. Ажралиб қолган бўлсак ҳам четга чиқиб кетмаганмиз-ку, ахир! Биз барча нарсадан қатъи назар, халқ билан бирга эдик!

Тўғрисини айтганда, мен сиёсатдаги ҳийлакорликларнинг ҳаммасини ҳам яхши тушунавермайман. Ганг дарё-

сида сузаётган қайикчи хатарли жойларни кўрсатиб турувчи бўйга қараб сузгани каби, мен ҳам фақат битта ғояни назарда тутиб иш кўраман. Бу қандай ғоя экан? Инсон бахт-саодати! Буни дўстларим биллиб қолишса борми, мени масхара қилишган бўларди.

Фаҳимча ҳатто синфий кураш ҳам хулласи калом одамларнинг ҳаётини яхшилаш мақсадида олиб борилади. Ишлаб чиқариш воситаларини ўзлариники қилиб ўзлаштириб олганлар, фақат ўз фаровонлигини ўйлайди. Партия яна шу ўз манфаатини кўзлаб иш кўрадиганлардан ишлаб чиқариш воситаларини тортиб олиб, уларнинг устидан умумий халқ назоратини ўрнатиш учун ҳам жуда зарурдир. Бунда ҳар қандай хусусий мулкка эга бўлмаган ташкилий равишдаги меҳнат кишилари ташаббус кўрсатмоқлари керак.

Энг муҳими — инсон озодлигига эришмоқ керак. Ҳаётнинг мақсади фойда олиш бўлмай балки факт бўлсин. Ва фақат соғлом тан бахтиёрлиги эмас, балки маънавий камолот, ҳамда рухий шодмонлик ҳам бўлиши керак.

Мен бир воқеани ўз хотирамдан ҳеч ҳам чиқариб юборолмайман. У ҳақда ёзаман аммо бу билан ўзимни-ўзимдан яшириш учун шундай қиламан.

Бў қачон бўлган эди?

Сталинград жангидан кейин урушда катта бурилиш юз берган эди. Қизил Армия немислар қўлидаги шаҳарларни бирин-кетин қайтариб ола бошлади. Биз Қизил Армиянинг навбатдаги қўлга киритган ғалабаларига бағишлаб тантақали мажлис ҳам ўтказган эдик. Ҳаммаёқ байроқлар рангидек лов-лов ёнарди. Йиғилганлар шод, хурсанд эдилар.

Мен мажлисда ҳамма билан бирга ўтирган бўлсам ҳам, кўнглим негадир ғаш эди. Мен бундай кунда ҳафакон бўлмасликка, ҳамма сингари барча билан биргаликда шод бўлишга қанчалик ўзимни ундасам ҳам барибир бўлмади.

Уша куни менинг хафа бўлишимга айтарли бир катта сабаб ҳам йўқ эди, ҳозир шуни ўйласам менга ўшанда нима бўлган экан, деб ҳайрон бўламан.

Уша пайтларда партиямизда уйланиш расм бўлган эди. Шу маҳалгача эса, партия абадий бўйдоқларнинг уюшмасидан иборат бўлиши керак, деб ҳисобланар эди.

Айниқса, нуфузли кадрларга оила қуриш тавсия этилмасди. Аммо кейин, партия: жамиятдан, оилавий ҳаётдан ажралиб қолиш мумкин эмас деб қарор қабул қилди. Аксинча, фақат оила орқалигина жамият билан чамбарчас алоқа боғлаш керак. Партиявий ёлғизлар эмас, партиявий оилалар бўлиши керак, деб ҳисобланди.

Оила масалалари ҳақида фикр юритиб, аста-секин тушундимки, никоҳ бу вақтинчалик бир битим эмас, балки, у бутун умр учун аҳд экан. Мен ҳам бутун умримга етадиган ҳаёт йўлдошимни топишим керак.

Аммо ундай йўлдошни қаердан топиб бўлади? Эрта тонгда ишга кетаман, кеч тунда ишдан қайтаман. Хатто, бирор одамникига меҳмонга бориш учун ҳам вақт йўқ. Бизнинг мажлисларимиздан бирида менга бир қиз қарагандай бўлди. Аммо, ўртоқларимиздан биттаси уни мажлисдан сўнг қўлтиклаб олиб кузатиб кетаётган экан ва яна бунинг устига у мен томонга қараб дангал хўмрайиб ҳам қўйди. Мен чеккамни қашиб, куп-курук қолавердим.

Бир куни бизнинг партия саҳнида бир янги қиз пайдо бўлиб қолди. Уни қозғоларни бир оз тартибга солиб бериш учун бир неча кунгагина таклиф қилишган экан. Мен унинг амакисини яхши билардим ва уларнинг уйларида кўп бўлганман ҳам. Унинг чехраси кишини бир қарашдаёқ ўзига дарров тортиб ола олмайди. Бунинг устига яна у сиёсат билан мутлақо қизиқмайди. У, айтганларидек, бориб турган хонаки жон эди, холос.

Аммо, мен уни ҳар куни саҳнда кўраверганимдан у ҳақдаги фикрларим ҳам ўзгариб борди.

Аввал мен унга фақат боқиб туришга журъат этдим. Аммо сўнг у билан бировлар мендан олдин гаплашиб қўймасин деб, ўзим гаплашиб кўришга қарор қилдим.

Кўп иққиланишлардан сўнг, хуллас унга шундай дедим: «Ке, мен сени бирор жойгача кузатиб қўяй. Сенга бир нима демоқчи эдим!» Унинг кўзларидан: «Э, бу омадсизликни қаранг!» дегандай маъно анланарди.

Биз Шеялда вокзалигача бирга бордик. Мени титроқ босарди. Сўзларим пойма-пой чиқар ва меннинг



учун ҳаётга энг муҳими партия, мен билан биргаликда революцион йўлдан борадиган, мен учун барча жафоларга, ҳамма уқубатларга ва бошқа турли хил бемаъниликларга дош берадиган ва мен билан ёнма-ён турадиган чин дўст зарур деб гапирардим.

Биз автобус бекатигача бирга бордик. Қиз мендан: «Хўш, менга нима демоқчи эдингиз?» деб сўраб қолди.

Наҳотки, шу маҳалгача ҳеч нарсани пайқамаган бўлса. Аммо энди вақт қолмаган эди. Бекатга автобус келиб қолди. Мен ночор аҳволда: «Мен сенга уйланмоқчиман!» дедим тўрсиллатиб.

Қиз автобусга чикиб кетар экан: «Эртагача хайр!» деди.

Мен ғайриоддий равишда шод эдим, чунки, хуллас кўнглимдагини айта олдим ва уйга гўё қанот ёғлаб учиб келгандек, ўзимни енгил ҳис этдим. Кечаси тўшакда ётиб, ўйлай бошладим: «Хўп, уйланиш, бу — ўз уйига, ўлан-тўшагига эга бўлиш деган сўз. Яъни квартирани ижарага олиш керак бўлади. Бозорга бориб харид қилиш ва овқатни уйда тайёрлаш лозим бўлади. Эҳ, бувим менинг тўйимгача яшаб турсалар эди! Майли, бу яхши, аммо оилани боқиб туриш учун неча сўм керак бўлар экан?»

Эртасига биз у билан коридорда тўкнаш келиб қолдик. У менинг юзимга қайрилиб ҳам қарамасдан, кўлимга хат тутқазди-да, ўтиб кетди. Бу қиз бундай довлонлардан биринчи марта ўтаётган бўлмаса керагов деган ўйни кўнглимга тугиб, ундан бир оз ранжидим.

Мен ҳожатхонага кириб олдим-да, ичидан бекитиб, қалтираётган қўлларим билан хатни очдим. Вужудимга гўё олов таралаётган эди, аммо мактубнинг биринчи каторини ўқиганим заҳоти, ҳовуридан тушиб қолдим. Мен бу хатнинг асл ўзини эслаёлмайману аммо у мана бундай мазмунда эди: «Ўртоқ, хафа бўлмайсиз. Сиз менга ёқасизу аммо мен бошқани севаман. Сиз бу билан менга нисбатан бўлган муносабатингизни ўзгартирмайсиз деб, умид қиламан. Сизнинг ҳаёт йўлларингиз гулларга тўлсин, деб чин дилдан тилаб қоламан». Хатни охирида эса: «Революцион салом билан», деган ёзув ҳам бор эди.

Хатни ўқиганимдан сўнг ўз-ўзимдан аччиғим чикиб кетди. Мен хомкалла, шунчалик ҳам паст кетдимми?!

Энди бу киз менинг ҳақимда нималар деб ўйлайди?! Балки у мени шахвоний ҳислар савдойиси деб ўйласа керак!

Мана нима учун ҳам, ўша хурсандчилик куни менинг кўнглим ана шундай ширин ғамларга тўла эди. Бу шунинг учун ҳам ширин эдики, хаёлан бу киз ҳақида ўйлашнинг ўзи менга қандайдир ўзгача қониқиш ҳиссини бахш этарди. Бунинг устига кимдир уни севишлигини билиб қолганим учун ҳам, менда биринчи марта чиндан ҳам бу киз сёвилишга сазовор киз экан, деган ҳис пайдо бўлган эди.

Бирдан унинг исмини эсладим. Протима!

Протима! Ана шу исм туфайли, мен аллақачон унутиб юборган жуда кўп нарсалар хотирам қарши-сига қалқиб чиқди.

## ЯКШАНБА

«... Мен аллақачонлар унутиб юборган нарсалар ҳақида».

Кечаси мен бу сўзлар ҳақида жуда узок ўйладим. Ўшандан бери нақ олти йил ўтиб кетган бўлса ҳам, хотираларим кўз олдидан худди ўнгимда бўлаётгандай аниқ ўтиб турди. У билан, яъни ҳавода муаллақ осилиб турган яна битта эпизод, бошқа бир Протима билан бўлиб ўтган воқеа бор.

Биз у билан университетда битта курсда ўқир эдик. Биз, йигитлар аудиторияда профессор столи қаршисида ўтирардик. Қизлар эса унинг ўнг томонидаги жойларда ўтиришарди. Биз ўзаро дўстлар билан одатда профессорлардан узоқроқ жойда ўтирардик. Мен ҳам қизларга қарар эдим. Айниқса анавинисига, Протима деган қизга шоирларнинг «Шахло кўз», деганлари худди унинг ҳақида айтилганидек.

Тез орада Протиманинг ҳам яширин равишда менга нигоҳ ташлаётганини пайқаб қолдим...

Аста-секин бутун машғулотлар давомида Протимага қараб ўтиришга одатланиб қолдим. У эса менга шу хилда жавоб қараш қилолмасди, аммо аҳён-аҳёндаги нигоҳ ташлашлари билан бизнинг бу яширин ўйинимиз унга ёкиб тушаётганини изҳор қилаётгандай эди.

Бу ўйин унчалик яширин ҳам эмасди. Уртокларим: «Бор, у билан танишиб ол!» деб кўйишмасди. Қизлар ҳам ўзаро мен ва Протима ҳақида шивир-шивир қилишарди. Буни уларнинг шаънимга қаратиб кулишларидан билардим. Бир куни кимдир менга: «У бугун университетга ўз шахсий машинасида формали шофёр билан келди», деди. Менинг бирпасда руҳим тушиб кетди: алвидо умидларим! Аммо айни ўша куни мен Протима зимдан менинг нигоҳимни тутишга ҳаркат қилаётганини биринчи марта сезган эдим. Бу ҳол эса менда куч ва ишонч туғдирди.

Мен у билан кўчада гаплашиб кўришга астойдил қарор қилдим. У ҳар куни ҳам машинада келмасди. Бир сафар уни трамвайда Алипурдан<sup>1</sup> келаётганини кўрганман. Демак, у мендан узоқда турмайди. Бир куни мен автобусга эмас, балки атайлаб трамвайга тушиб кетдим ва Протиманинг тушган бекатини эслаб олдим. Эртасига эрталаб мен уни ана шу бекатда кутиб турдим. Аммо, дафъатан Протима ёнига боришга юрагим дов бермади, яхшиси у Эспланадада<sup>2</sup> бошқа трамвайга ўтиб ўтирганидан кейин гаплашаман, деб қарор қилдим. Протима билан гаплашиш учун мен танлаб олган бу кун, Гандининг туғилган куни эди. Протима трамвайдан мендан олдин тушиб кетди. Мен оломон ичидан сирғалиб чиққунимча бир оз ҳаяллаб қолдим. Кўчада қандайдир танишим кўлимдан ушлаб олиб: «Ишлар қалай?» «Ундай, бундай» деб туриб қолса бўладими! Мен ундан ўзимни зўрға ажратиб олиб, энди трамвай йўлидан у томонга ўтиб кетаётган Протимани овоз чиқариб чақирмоқчи бўлган ҳам эдимки, орага трамвай суқилди, унинг орқасидан эса кетмакел бир неча трамвай келиб қолди.

Мен шу ваздан Протимани қувиб ета олмадим. У кетди. Мен ўзимни: «Бугун бўлмаса, эртага бўлади. Албатта, албатта бўлади!» деб овутган бўлдим.

Аммо эртасига Протимани на бекатда ва на аудиторияда кўрмадим.

Бу эса таътил олдидан энг охириги кун эди.

Мен Алипур районида яшовчи Протима фамилия-

---

<sup>1</sup> Алипур — Калькутта ёнидаги шаҳарча.

<sup>2</sup> Эспланада — Калькутта марказий кўчаларидан бири.

лик оилаларни кидиравериб энка-тенкам чиқиб кетди, телефон справочниги китобини у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқдим. Аммо, топа олмадим.

Таътил ҳам тугади. Яна машғулотлар бошланди. Аммо Протимадан дарак йўқ эди.

Хуллас, нималарнидир билиб олдим. Протималар оиласи Ранчида<sup>1</sup> яшар экан. Протима Алипурда эса холасиникида турар экан. Аммо Қалькуттада бомба портлашлари бошланиши билан Протиманинг отаси уни яна Ранчига чақириб олган экан.

Икки Протима — икки омадсиз муҳаббат.

### БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Кеча мен қаерда тўхтаган эдим? Э, ҳа! Мен бизнинг мачитимиз ҳақида ҳикоя бошлаган эдим...

Мачитнинг даромади кам эмасди. Ҳар бир оила ҳафтада бир марта мачитга бирмунча гуруч баҳшиш этарди. Агар кимникидадир тўй бўлгудек бўлса ҳам мулла ва мачит эрдан чиқарилмайди: муллага тўрт рупий берилса, мачитга ҳам ўшанча берилади. Бу саккиз рупий куёвнинг ота-онаси томонидан шахсан оқсоколга топширилади. Кимга тўй ёки бошқа маросим ўтказиш учун бирор нарсага зарурат сезиб қолгудек бўлса, мачит ўшанга брезент айвонлар, қозон, идиш-товоклар ва бошқа шу кабиларни кирага бериб туради.

Энди мачитнинг харажатлари ҳақида.

«Устоджи»ни ким эканлигини биласизми? Афтидан, бу устоджи<sup>2</sup>нинг оддий тилда бузиб талаффуз этилиши бўлса керак. «Устоджи» бу мачитлар қошида бўладиган мутаваллилардир. Унинг махсус харажатлар бўйича алоҳида моддаси ҳам бор. Устоджини батамом боқимандага олиш ёки уларга ойига 30 рупий бериб туриш керак бўлади. Ёки яна мана бундай ҳам қилишади: устоджи навбати билан ҳар уйдан овқатланиб юради ва яна бунинг устига мачит унга ойига 10 рупий бериб туради. Устоджилар одатда Бенгалияликлардан бўлади. Уларнинг мачитдан оладиган пуллари билан ташқари яна бошқа даромадлари ҳам бўлади.

<sup>1</sup> Ранчи — Бихардаги шаҳар (Шимолий Ҳиндистон).

<sup>2</sup> Устоджидаги «джи» қўшимчаси — ҳурмат маъносини англатади.

Улар ўғил болаларга савод ўргатишади, сувни мукад-даслаштирадилар, тумор қилиб сотадилар, жин-пари-ларни ҳайдашади, дори ёзиб беришади ва хоказо...

Устоджилар жума куни намозда хизмат қилишади ва бу хизмати эвазига пирог ва шарбат оладилар, товукни афсун қилиб беришади — бунинг учун унга товукнинг бошини ва бир оз гўшт беришади.

Мачитнинг яна битта харажатлар моддаси — бу ёғ чирокларидир, булар эса, йил бўйи зарур бўлади.

Мачитда рамазон ойининг биринчи кунидан бош-лаб, то оғиз очиш хайити арафасининг охирги кечаси-гача қуръон ўқишади. Буларнинг барчасига пул керак бўлади. Қуръонни ўқиш учун уни ёддан биладиган хофизни таклиф этишади. Хофизга муллажиринг тў-лаш керак. Қуръон ўқиб бўлинадиган охирги кеча зиёфат берилиши, мачитни безатиш керак — яна алла-қанча харажатлар бор.

Аҳволи жуда танг қолганда, мачитдан қарзга пул олиб туриладиган махсус фонди бор. Бу пуллар учун процент ундириб олинмайди. Отам бир сафар мачитдан йигирма рупийга яқин пул қарз олган эди. Аммо, яхшиси қарз олмаслик керак экан, нақ гапга қолар экансан киши. Бизларда: кимки мачитдан қарз бўлса, уни ялангоёқ, жулдурвоқи деб ҳисоблашади.

Устоджи яна бир даромад моддасига эга — бу таъ-зия... Марҳумнинг оиласига қирқ кунгача қуръон ўқиб турилиши керак. Марҳумнинг уч кунлигида ё беш кун-лигида ёинки етти кунлигида фотиҳалик ўтказилади. Қирқ кунлигида эса гуноҳларини ювиш удуми ўтқа-зилади. Бу ишларнинг ҳаммаси учун ўша устоджига ҳақ тўлаш керак бўлади...

Кварталда оғзига кучи етмаганлар: «Мачит қанча йиғиб олса, ўшанчани харажат қиладими? Бу пуллар-нинг кўпи ўмарилса керак!» — деб иғво қилишарди. Тишларини ғижирлатишиб яна қўшиб ҳам қўйишар-ди: «Худо йўлига тушган бу пулларни чўнтақларига уришади, аблахлар! Бетингдан бузулгур, харомхўр-лар!»

«Бетингдан бузулгурлар» дегани, нима дегани, би-ласизми? Бу мохов бўлгур дегани. Бас энди, бугунча етар. Қўзларингиз юмилиб кетяпти, тўғрими?

## ДУШАНБА

Кеча мен ростдан ҳам мудраб ўтирган эдим... Бадша ўз хикояси билан кулдиравериб ичакларимни узаётган эди. У ўз кварталини ўзи қандай яхши билса, уни мен ҳам шундай билиб олишимни истарди. Бунинг иложи йўқ-ку, ахир, тўғрими? Бадшанинг «Тўғрими, ахир?» дейиши менга жуда ёқади.

Мен ҳозиргина Гоуроҳори Шана камерасига кирдим. У бир оз ўзини олдириб қўйган бўлса ҳам илгаридай оғзини кериб кўрди, бу унга жудам ярашади. У ҳозир бир неча болалик бўлиб қолган. Гоуроҳори жуда ёш уйланган эди.

Қамоқхонада туриб унинг ўзи тамаки бири тайёрлар эди. Унга барглари ҳам, қуруқ тамакинни ҳам уйдан юбориб туришар эди. Унда тамаки учун бамбук қутичадан бошқа нимаики зарур бўлса, ҳамма нарса бор эди. Мен унинг кўшниси бўлганим учун кўпинча ундан менга ҳам ковурилган гуруч, уйда тайёрланган пироглар ва бирилар тегиб турарди. Унинг тамакиси аъло даражада бўларди. Бир куни бобомдан менга ҳам тамаки олиб келиб беришни сўрадим ва ўзим бири тайёрламоқчи бўлдим. Аммо мен тайёрлаган бири мутлақо униқдай бўлиб чиқмади.

Бу сафар ҳам ундан бири илтимос қилиб олишнинг яна бир сабаби бор эди. Ётоғимизда тамаки ва гугурт тақсимоғи бўйича масъул ўртоқлар жамғармамиз ҳалокатли равишда камайиб бораётганлигини айтишган эди. Агар очлик яна бир ҳафта давом этгудек бўлса, чекиш учун мутлақо ҳеч нарса қолмасди.

Бу ҳафтада ҳар кун учун бештадан сигарет беришган эди. Ўтган ҳафтада эса саккизтадан беришган эди. Гугурт эса бошданок кам бўлган эди. Биринчи катта очлик даврида Гоуроҳори менга устара билан гугурт чакмоғини иккига тилиб, икки марта ишлатишни ўргатган эди.

Кеча Гоуроҳори заводимиз ишлаб турганда ҳар бир гугурт донасини қандай қилиб тўрт бўлакка тилиб ишлатишни кўрсатди. Аммо ҳамма марқадаги гугуртларни ҳам бундай хилда тўртга тилиб бўлмайди. Бугун эрталаб Гоуроҳори усули билан тиламан деб уч

гугуртни нобуд қилдим. Ха, Гоуроخورисиз мен буни удда қилолмас эканман.

Энди биз фақат гугурт доналаринигина эмас, балки доим кўпдек бўлиб турсин учун сигарет доналарини ҳам устара билан тўрт бўлакка бўлиб қўядиган бўлганмиз. Мана бунда эса менда бошқалардан кўра анча устулик бор эди. Бундан анча бурун менга у томондан муштук олиб келиб беришган эди. Кўринишдан у кичкинагина трубкачага ўхшарди. Унга сигарета горизонталь ҳолда эмас, балки вертикал ҳолда, гўё «адил» тургандек тикка қилиб қўндириллар эди.

Бамбукдан ясалган муштугим борлиги ва у Венгрияда ясалганлиги камоқхонадагиларга маълум эди. Кўплар муштукни томоша қилгани олдимга келар ва чиройли экан деб мактаб кетишар эди.

Менга бу муштукни юборган кишини ҳеч кимга айтмайман. Сўрашса: «Дўстим» юборган деб қўя қоламан. Тафсилотини айтмайман. Бўлмаса улар, у қанака дўстинг, нима учун айнан сенга юборди, нега айнан муштук юборибди; деб сўрайвериб, холи жонимга қўйишмайди...

Мен икки стакан сув ичиб, зўрға стулга келиб ўтирган ҳам эдимки, камоқхона дарвозаси томондан машина сигнали эшитилди. Дикқат билан кулоқ солдим. Сигнал овози яна бир ва яна бир бор эшитилди.

Жин урсин! Бу махбусларни каёккадир олиб кетаётган машина бўлса керак.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Кварталимизда қадимдан бери Барнишпаралик пирга, яъни қачонлардир отам мурид бўлган ўша пирга мурид бўлишлик расм бўлган эди. Мурид бўлиш—бу ислом ва шарият қонунларига оғишмай амал қилиш, ўз пирининг айтганларига сўзсиз кулоқ осмоқ ва саховатли ҳаёт кечириш демакдир. Агар мурид бунинг устига афсунгар бўлгудек бўлса, унинг кадри қиммати яна бир поғона юқори бўлади. У ҳолда бу фақат ўз оиласи учун қайғурадиган бўлмайди. Унга бу дунёда кўп нарсалардан воз кечишга тўғри келади. Агар мурид ўз инъитининг панду насиҳатларига амал қилса, у жуда кўп мўъжизалар кўрсата оладиган ва ҳатто

ўликларни ҳам тирилтира оладиган қобилият эгаси бўла олиши мумкин.

Отаси фақат мурид бўлиш учунгина ичкиликни ташлаган деб ўйладингизми? Йўқ, бу унга ҳам кам эди — у фақир бўлиб олди! Тўғри, у оиласини ҳам, ишини ҳам ташламади, аммо кўп вақтини бошқа одамлар учун ғамхўрлик кўрсатишга сарф қилар эди.

Шундай бўлса ҳам кўплар у ҳақда ғийбат қилишиб: «Тоҳирми? Ха, у бориб турган айёр ва муғамбир одам! У фақирликка муносиб дуо ўқий олармиди?» дейишар эди. Бизда фақирлар дуо ўқийвериб ўзини беҳуш қилиб қўйиш даражасигача олиб кела олиши лозим деб ҳисобланар эди.

Умар Шайх кварталда машҳур фақир Дину Ша яшар эди. У асли кир ювувчилар табақасидан эди. Унинг кварталда яна беш-олти оила ҳам ўша табақадан эди. Аммо у, уларга мутлақо қўшилмас, бир дастурхон атрофида бирга ўтирмаган ва қизларини ҳам кир ювувчиларга турмушга бериб, улар билан қуанда бўлмаган эди. Дину Шанинг обрўи жуда баян эди. Унинг муридлари жуда кўп эди.

Ҳар бир фақир белгиланган кунларда байрам тантаналари ўтказади ва бунга унинг муридлари йиғилиб келишади. Уларга зиёфат беришга тўғри келади. Бундай кунларда кўни-қўшилари ҳам чой ва печенье билан зиёфат қилиш керак. Ва яна у ерда албатта қуй янграб туриши керак... Дину Шанинг бой муридлари кўп эди. Улар ҳар йили пирларнинг туғилган кунларини тантана қилишар эдилар. Уч кварталдаги барча аҳоли учун байрам ўтказиларди. Катта пул тўлаб энг машҳур машшоқлар ва ашулачилар таклиф қилинарди. Бир неча қуй ва қўшиқ айтишиб, уларнинг ҳар бири эллик, олтиш рупий ҳақ олишар эди!

Бу концертга узоқ қишлоқлардан ҳам томошабинлар келишарди. Қуй ва қўшиқлар уларнинг қалбини шундай мафтун қилиб қўяр эдики, улар чўнтақларида қолган энг охири пулларини ҳам машшоқларга бериб кетишарди.

Дину Ша жуда яхши одам эди. У баъзан бизнинг кварталга ҳам меҳмон бўлиб келарди ва мен у билан суҳбатлашишни яхши кўрар эдим. Дину Ша менинг отамни ва кварталимиздаги бошқа кишиларни ҳам жуда ҳурмат қилар эди.



Отам Дину фақирнинг туғилган куни тантанасига борса ҳам ичида унга бир оз ҳасади келарди. У: «Дину Ша кир ювувчилар табақасидан-ку, ахир, менинг ундан нима кам?»— дер эди.

Бир сафар Дину Шанинг туғилган кунида бизнинг кварталдан борган меҳмонлар зиёфат вақтида гўё уларнинг ризқу насибасидан бир оз чегириб олиб қолишаётгандай бўлиб туюларди. Уларнинг ёнида Хожи кварталидан доктор — хожининг укаси Ҳамид бирга ўтирган эди. У Дину фақирга жуда ихлосманд мурид эди. У бизнинг одамларимизнинг норозиликларини эшитиб: «Нима, сизлар бу ерга пиримиз ҳисобидан кўп еб бўкиш учун келганмидиларинг?»— деди.

Кварталимиздан борганларга бу гап ҳақоратдай оғир ботди. Оксоқолимиз: «Таклиф қилишадидан, сўнг кишини хор қилишади. Нима, биз шунчалик гадомизми?! Кетдик, бунақа меҳмондорчиликка зор эмасмиз!» — деди. Ҳақиқатан ҳам бизникилар еяётган овқатларини ҳам чаласича қолдиришиб, ўтирган ўринларидан туриб жўнаб қолишди. Дину Ша жуда хафа бўлди ва уларнинг орқасидан чиқиб: «Шошманглар, ҳозир ҳаммангизни тўйгунарингизча овқатлантиришади. Кетманглар» деб туриб олди. Аммо бизникилар қизишиб кетиб унинг сўзларига ҳам кулоқ солишмади.

Кварталимиздаги эътиборли кишилар: «Дину фақирнинг димоғи шишиб кетипти, уни танобини бир тортиб кўйиш керак, у фақир бўлса ҳам аммо шариятга муносиб иш қилмайди»,— деган қарорга келишди. Аммо буни айтиш осон. Яна Дину Ша у ёқда ундай деган, бу ёқда бундай деган ва бу гапи билан у шарият ва худога шак келтирди дейилган бўлса, буларни исбот қилиб бериш талаб қилинарди. Фитнага Фулом Али, Тариф Мондол ва менинг отам бош қўшишди. Улар олдин Дину Шанинг бир неча муридлари билан уриш-жанжал уюштиришди ва уларни камоқхонага туширишди. Аммо бу тadbирлар Дину Шанинг «танобини тортиб» қўймади.

Ушанда Катта кенгаш чақирмоқчи бўлишди.

Катта кенгаш билан ҳазил қилиб бўлмайди. Майда жанжал ишларни кўриб чиқиладиган, унга ўттиз икки ваколатли оксоқоллар таклиф қилинадиган суд мажлисини ана шундай деб аташар эди. Катта кенгаш ўт-

казиш осон эмас. Бу кенгашга оксоқоллардан ташқари яна уларнинг барча ёрдамчиларини, машхур хофизларни, ҳар хил муллалар ва сўфиларни ҳам таклиф қилишарди ва мажлисга келган барча одамларга зиёфат бериш лозим бўларди. Унча-мунча нарса эмас, бу зиёфатга палов, иссиқ нон ва товук гўшти пишириб қўйиш керак эди. Мулла ва сўфилар тўйиб овқатланишни яхши кўришарди. Бундан ташқари, барчага тунайдиган жой ҳам топиш керак эди. Мана, шулардан кўриб турибсизки, Катта кенгаш ўтказиш катта бир ташвиш. Унга катта пул керак. Пул нима бўпти— унинг ташвиши-ю, меҳнатини айтмайсизми!

Катта кенгаш чақириб ўтказган квартал ёки қишлоқ кейин бутун округга машхур бўлиб кетар эди. Ухў! Катта кенгаш чақирибдими! Қаерда бўлади бу, ким чақирибди? Ҳа, ҳов анави кварталда ёки манави кварталда, фалончи оксоқол чақирибди! Катта кенгашда фалон одам шариятга яраша яшаяптими ёки йўқми, шу масала кўрилар экан.

Кварталимизда Қаромат Мондол дўконининг ёнида полиция участкаси жойлашган, уларнинг олди томонидаги йўл бўйида эса катта бўш ер бор эди. Ана шу бўш майдонда Катта кенгаш ўтказишди. Ерга устунлар қўмишди, брезент тортиб айвон қилишди, уларни деодаро дарахти новдалари билан безашди. Мен ўшанда ҳам кичкина эдим. Одамлар тўпланишади, ҳаммаёк шовқин-сурон — менга эса бу зап томоша.

Кенгаш бошланиб иш кўрила бошлади. Келган одамлар майдонга сиғмай кетди: бу ерга қарийб бир ярим минг одам тўпланган бўлса керак. Улар бир-бирларига жипс бўлишиб тик туришарди. Гидамлар тўшалган махсус супада ёнларига пар ёстиклар қўйиб кенгашда қарор чиқарувчи хофизлар, мулла ва сўфилар савлат тўкиб ўтиришарди.

Ўша куни эрталабдан қаттиқ ёмғир ёға бошлаган эди, шунинг учун ҳам кенгаш бир оз кечикиброқ бошланган эди. Аммо одамлар ёмғир ёғаётганига қарамай, бундай катта воқеадан беҳабар қолишни истамас эдилар. Супанинг шундоққина ёнида ерга ёзилган тўшак ва ёстикларда оёқларини чалкаштириб оксоқоллар ва уларнинг ёрдамчилари ўтиришар эди. Уларнинг орасида жиддий бир қиёфада менинг отам ҳам ўтирарди.

Ишни кўриб чиқиш икки кун давом этди. Майдоннинг чеккаларида савдогарлар бетель, бири, печенье, нон савдосини қизитиб юборишган эди. Худди бу ер бир ярмаркага ўхшаб кетарди.

Қим нима дегани, умуман, нима бўлаётганини мен тушунмас эдим. Менинг отам баъзан ўрнидан туриб йиғилганларга бир нималарнидир гапирарди, мен фақат шундан мағрурланиб кўярдим. Кварталимиздаги одамлар отамнинг гапларини эшитиб, уни маъқуллашиб бошларини ирғатиб кўйишларини ҳам кўрганман. Демак, бу отамга нисбатан бўлган катта хурматдир.

Аммо мен бу ишларнинг ҳаммаси Дину Шанинг одамлар олдида шармандасини чиқармоқ учунгина қилинаётганини тушуниб етганимда, мен ўзимни йўқотиб кўйдим. Ахир, Дину Ша яхши одам-да. У ҳеч қачон ва ҳеч кимга зарар келтирмаган. Бир хил пайтда мени кўриб қолса, мени ўз ёнига чақириб олар ва мен билан жуда меҳрибонлик билан гаплашар эди. Энг муҳими, отам бу ишларга нега аралашиб юрибди-я?

Қизикқон баҳслар ва музокаралар икки кун давом этди. Мана энди қарор чиқариладиган вақт келди. Ҳамма нафасини ичига ютиб, Катта кенгаш нима дер экан, деб қулок осиб туришди.

Кварталимиздан, балки фақат ёлғиз менинг ўзимгина бир бурчакда жимгина ўтириб олиб, ичимда худога ёлворардим: «Дину фақирни шарманда қилма! Дину фақирни шарманда қилма!»

Барибир Катта кенгаш уни айблади. Дину фақир бошини қуйи солганча майдондан чиқиб кетди. Мен оломон орасидан ўтиб унинг ёнига бормоқчи бўлган эдим, аммо қаёқдандир опам отилиб чиқди-да, қўлимдан маҳкам ушлаб олди.

Кўзларимдан дув-дув ёш келди ва мен уларни тийиб қолишга кучим етмас эди. Опам мени тарсаки билан бир урди.

## СЕШАНБА

Бу чоршанбадан у чоршанбагача саккиз кун. Кейин яна чоршанбадан чоршанбагача саккиз кун. Саккиз ва саккиз—ўн олти кун. Ҳимм, нега бунақа чиқади? Агар қетма-кет санаса ўн беш чиқади. Яна бир

куни каёкда қолди бунинг? Майли, ўн беш бўла қолсин. Унда бугун ҳисобнинг қайси куни? Пайшанба, жума, шанба, якшанба, душанба, сешанба...

Йўқ, сешанба деб ҳисоблашга ҳали эрта. Бугунги кун ўтса сешанбани ҳам қўшаман. Ҳозирча эса, демак беш кун. Ўн беш ва беш—йигирма. Аммо ўтган чоршанба куни биз қундузи соат бирда овқатланган эдик. Бундан чиқди, умуман қўшиб ҳисоблаганда ўн тўққиз ярим кун бўлибди. Йўқ, ҳали тўла йигирма кун бўлмапти.

Улар бугун Боншини биринчи марта зўрлаб овқатлантиришга муяссар бўлдилар. Хўш, нима бўпти, полкимиз яна биттага қўпайди. Йўкса менда эндигина нотўлиқлик комплекси бошланиб келаётган эди.

Бонши бугун эрталаб менга очлик туфайли унинг ҳам фикрлаши тиниклашиб бораётганини айтган эди. Гўёки мняларда ювиш ўтказилгандай.

Эрталабдан бўйним зирқираб оғрийди, аммо бу менинг ўтириб олиб ёзаётганимдан. Бошқа ҳаммаси жойида. Фақат оёқларимда шиш пайдо бўлмоқда. Оёқларимни узоқ осилтириб ўтирсам, увишиб қолади.

Биз билан ҳозир қамокхонада шундорбонлик бир неча деҳқонлар ҳам ўтиришибди. Уларнинг ичидан фақат бир кишидан ташқари ҳеч ким очликни ҳозиргача ҳам тўхтатгани йўқ. Ўша бир киши ўртаҳол деҳқонлардан. Бу фактни эътиборга олиб қўйиш керак.

Мен ҳам ўртаҳол синфданман. Мендан ҳам хавфсираш керак. Аммо бу менинг айбим эмас, балки бу айб мен дунёга келган ўша синфдадир. Ё ундай ё бундай эмас, ё у ёққа эмас, ё бу ёққа эмас. Доимо синфимга кирадиган одамлар, юқорироқ мансабга ўрнашиб олиш учун худди тоғ ёнбағирларидан тирмашиб юқорига чиқиб бораётган одамларга ўхшашади. Бировларнинг бошигами, елкаларигами уялмай оёқларини қўйиб бўлса ҳам юқорига тирмашиб чиқаверадиган баъзи бир кишиларга бундай ўрилар насиб ҳам этади. Аммо кўлчилик аксинча тоғ ёнбағридан кулаб, силжиб яна пастроққа тушиб кетишади.

Масалан, менинг бобомни олайлик. У юқорига чиқиш учун уринди, аммо бошқаларни итариб, суриб, уларни устидан босиб ўта олмади. Натижада, у аввалги мавқеида ҳам қола олмади. Бизнинг замонамиз-

да бир жойда тургун бўлиб қолиш — демак паства қараб тушиб кетиш деган сўздир. Бобом нафақа олади — бир юз ўттиз икки рупий ўн икки ан. Мен камохонада ўтирганим сабабли боқувчисидан ажралиб қолганлиги учун бобомнинг нафақасига яна қирқ рупий қўшимча пул тўлайдиган бўлишган. Шугина пулга она боқиб бўладими?

Яхшиямки, мен яширин ишлашга ўтиб кетмадим, йўқса бобом бу қўшимча пулдан ҳам айрилиб қоларди.

Мен ҳам азалдан омадсизман, онам мени туғибди-ю, ўлибди. Мени бувим катта қилган. У менга гўё ўз онамдай бўлиб кетган эди. Унинг кичик ўғли, менинг амаким, мендан салгина катта бўлиб, биз бирга ўсган эдик. У бувимнинг туққан ўз ўғли бўлганлиги учун мен доим унга ҳавас қилардим. Биз иккаламиз ҳам бувимни «амар ма» — «она» дер эдик ва бу «амар ма» дан ахийри ҳам «амма», деган сўз келиб чиқарди. Ҳамма бизларни бу муомалалик сўзни мусулмонлардан<sup>1</sup> олган деб ўйлашди, аслида эса бу бизда ўзидан ўзи шундайгина келиб чиқди.

Отам темир йўлда ишлар эди. Онамни эсимни таниган пайтимда ҳеч ҳам кўра олмаганман, отамни эса ғира-шира эслайман. Мен ҳали кичкина эканлигимда ҳар замонда олдимга келар ва ўзи билан ҳар хил ўйинчоқлар ва кийим-кечаклар олиб келар эди. Отам билан менинг муносабатим фақат ана шундангина иборат бўлган эди, деб айтиш мумкин эди. Отам мендан узоқда эди. У менга ёқар эди-ю, аммо бобомни яхши кўрар эдим. Отамнинг менга бунчалик кўп совға олиб келавериши бувимга унча маъқул тушмас эди. Негаки, совғалар туфайли мен нарсаларни қадрига етишни ва уларни ўз кучим билан топишни ўрганмас эмишман. Кейинчалик шундай бўлиб чиқди. Мен осонгина бой берар эдиму лекин деярли ҳеч нарсани қўлга кирита олмас эдим.

Отам бобом ва бувимнинг розилиги билан иккинчи марта уйланди. Отам жуда бой бир одамнинг ёлғизгина қизига уйланган эди. Аммо менинг ўғай онам

---

<sup>1</sup> Мусулмон-бенгалларнинг тили ҳинду мусулмонларникидан фарқ қилади ва қариндош-яқинларини бошқа-бошқа сўз билан атайдилар. Мусулмонлар опасини «амма», деса ҳиндулар «ма» дейишади.

отамга битта ҳам бола туғиб бермасдан тез орада ўлиб кетди. Отам, афтидан, шундан кейин ичадиган бўлиб кетган бўлса керак ва у шунақа ичиш натижасида поезд тагида қолиб кетди. Унинг ўлигини боши тана-сидан узилган ҳолда бу ердан анча узоқдаги қайси бир темир йўлдан топиб олишибди.

Мени ҳозиргача гумонлар кийнаб келади: отам ҳақиқатан ҳам фавқулудда маст ҳолда поезд остига тушиб қолганмикин? Ёки ўз жонига ўзи қасд қилганмикин? Ёки бу ишда бошқаларнинг ғаразли мақсади бўлмаганмикин?

Қулоғимга етиб келган мишмишлар болалик пайтларимдаёқ менда турли гумонлар пайдо қилганди. Бувим, масалан, бир куни шундай деб қолди: «У аммо жуда ғалати ўлим билан ўлиб кетди. Эҳтиёткорлик қилмади у. Ахир ўзи темир йўлда ишлар эди-ку, нахотки у ўзини-ўзи сақлашни билмаган бўлса?» Гапни бобом илиб кетиб: «Бўлмасам-чи, агар буни бахтсиз ҳодиса деб ҳисобланса, унда у маст ҳолда дам олай, деб бўйинини нақ темир изни ўзига қўйиб, ётиб олган экан-да? Тавба, ақлинг бовар қилмайди, шунақаям бўладими?» Бобомнинг бир адвокат таниши ҳам: «Бу ишни оддий иш деб бўлмайди. Унинг иккинчи хотини, эшитишимча, оиланинг ёлғизгина боласи экан. Отаси эса катта бойлик эгаси бўлган. Қариндошларидан бири отамни қайнота мулкига меросхўр бўладиган ортиқча одам деб ҳисоблаб, иш кўрмаганмикин?»

Бувим баъзан: «Оҳ, ишқилиб отасининг бундай феъли Оруга ўтмаган бўлсин-да!» деб нола қиларди.

Хўш, отамнинг феъл-атвори қанақа бўлган? Бемуроҳазаликмиди? Фаросатсизмиди? Ёки ўз жонига қасд қилувчилар сирасиданмиди? Балким, бувим ўйлаганидек, отам бошқа бировлар манфаатишнинг қурбони бўлиб кетгандир?

Энди, буни албатта, ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди.

## БАДШАНИНГ ХИКОЯСИ

Ўша маҳалларда бизнинг кварталда заводда ишлаш — жуда катта иш ҳисобланарди. «Бенгалликлар» билан дўстлашиш мумкинлигини эса, ҳеч ким хаёлига ҳам келтиролмас эди.

Кварталда турувчилар кўнгилларида отамга ҳасад қилсалар ҳам, кези келиб қолганда отамни менсимайётганларини ва унга таъна қилаётганларини ошқора равишда изҳор қилмасдан тура олмасдилар.

Аммо уларнинг отамга илтифотсизлик кўрсатишлари унча узоққа бормас эди. Агар кварталда бирор жанжал юз бериб, иш полиция участкасигача бориб етгудек бўлса, рақибларнинг ҳар иккала томони ҳам отамни олдига келиб, ўзларини ёқлаб чиқишларини сўраб унга ёлворишгани-ёлворишган эди.

Эҳтимол, эсингиздадир, мен сизга: илгариги вақтларда мусулмонлар «бенгалияликлар» деб фақат хиндуларни айтишарди,— деб айтган эдим. Менинг болалик пайтимда ҳам шундай дейишар эди. Менинг отам хатто «бенгалияликлар» билан дўст бўлар эди, бунинг устига улардан баъзилари уйимизга меҳмон бўлиб ҳам келишар эдилар. Кварталимиздагиларнинг тушунчаси бўйича гўё бу кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳол эди.

Қўшниларимиздан биронтаси Қалькуттага бориб қолса, трамвайдами, автобусдами ёки кўчадами у билан бирор бенгалиялик илтифот билан гаплашиб қолганини кўриб қолишса бўлди, бу воқеа кварталимизда бир неча кунгача дoston бўлиб кетарди.

Кварталимизда отам фақат уч киши билан дўст тутинган эди.

Улардан бири— Қадам Расул, Каромат оқсоқолнинг ўғли. Қадам Расул заводда ишлар ва у ерда энг яхши слесарь сифатида машҳур эди. Айтишларинча, у отамнинг ўйинқароқ болалигидан бери яқин ўртоғи экан. Мен хаёлан: отамни болалигида ўйин-қулги учун вақти бўлганмикин? — дердим. Қадам Расул кўпинча қандайдир суд ишлари бўйича отамга маслаҳатлашиш учун келиб турарди. У судлашиб юришга жуда ишқибоз эди-ю, аммо унинг ўзи бундай ишларни яхши тушуниб етмасди.

Отамнинг иккинчи ўртоғи Туроб Алининг кичик укаси Мажидий амаки эди. Улар бир неча ака-укалар бўлиб, бошқалари бир пулга қиммат, оғзи ёмон ва уришқоқ одамлар эди. Қимор ўйинлардан бошқа ҳеч нарсага қизиқишмас эди.

Мажидий амакини кварталимизда ҳамма яхши кўрарди. У мулойим, сермулоҳазали ва жиддий одам

эди. Мажидий амакнининг чап оёғи оқсар ва уни юрганда бир оз судраб босар эди. Госпиталда унинг оёғини тиззасигача бутунлай кесиб ташламоқчи бўлишган эди, аммо фақат отам туфайлигина уни кесишмаган. Отам пул бериб ва кўзёш қилиб бўлса ҳам врачларни кесмасликка кўндирди ва хуллас, Мажидий амаки икки оёғини ҳам сақлаб қолди, аммо унинг бир оёғи абадий яроқсиз бўлиб қолди. Совукда эса унинг дарди кўзғалиб, янгиланар ва бундан Мажидий амаки бағоят азоб чекарди. Бечора на уйлана оларди, на станок олдида туриб ишлай оларди.

Ундаги бу бахтсизлик биринчи жаҳон уруши бошланган йили юз берган эди. Отам Мажидий амакини заводга станокда туриб ишлашга ўргатиш учун олиб келганди. Бир куни эрталаб отам фрезерлик станогини юргизиб қўйди-да, ўзи чой ичгани кетди. Бу маҳал Мажидий амакнининг яктагини станок ямлаб кетади ва унинг икки оёғи тишли ғилдирак орасига тушиб қолади ва бир дақиқада унинг тиззасининг кўзини мажақлаб юборади. Заводда шовкин-сурон кўтарилди. Отам цехга акли озгудек бўлиб учиб келади ва бу аҳволни кўриб, шу заҳотиёқ санитар машинасини чақиради-да, Мажидий амакини машинагача ўзи кўтариб боради, уни госпиталга олиб келиб жойлаштиради ва бу ерга ҳар куни қатнаб уни боқиб туради. Аммо шундай қилиб, Мажидий амаки бир умрга мажруҳ бўлиб қолади.

У энди заводда ишлай олмасдан укаларига боқим бўлиб яшарди. У ҳатто дазмол қиладиган тахта олдида ҳам тик тура олмасди. Шунинг учун ҳам унга хонадонлардан кир буюмларни йиғиб келиш, тозаларини тарқатиш ҳамда даромад ва харажатларнинг ҳисобини олиб бориш каби юмушларни ўргатиб қўйишган эди.

Квартал бўйича фақат Мажидий амакигина ўз қайғу-ҳасратларини бўлишиш, бир оз бўлса ҳам кўнглини ёзиш учун бизникига ўз уйига кириб келгандай кириб келаварди. У араб тилини жуда яхши билар ва катта опамни қуръонни ўқишга ўргатарди. Мажидий амаки қуръонни араб тилида аввал ўзи овоз чиқариб ўқир, кейин эса уни бенгал тилига таржима қилиб, опамга ўқиганларини тушунтирарди. О, у қандай чиройли ўқирди!



Мен унда ҳали ёш эдим, аммо куръоннинг бир неча сатри ҳали-ҳали қулоғим остида янграб туради. Мажидий амаки дерди: «Муҳаммад Маккада яшаб турганида Курейши уруғи уни жамоатдан бадарга килади. Бу ҳақда куръонда айтилган».

Мен Мажидий амакини яна шунинг учун ҳам яхши кўрар эдимки, бошқа кварталнинг одамлари отамни сўкадиган бўлсалар ёки у ҳақида бирор иғво гап таркатадиган бўлсалар у доимо отамнинг тарафини оларди. Ҳаттоки, Туроб Алининг ўзи ҳам отамни ёмонлайдиган бўлса, Мажидий амаки унга ҳам гап қайтаришдан қайтмасди.

Фақат Мажидий амаки отамни тушунар ва унинг камчилигини ҳам, қадру қимматини ҳам яхши биларди. Шунинг учун мен ҳам имкон бўлиб қолганда, айниқса бирор нарсадан хафа бўлган ёки жаҳлим чиқиб юрган пайтларимда Мажидий амакимни олдига чопар эдим. У бирпасда мени юпатиб кўярди.

Кварталимизда ҳамма Мажидий амакини хуш кўрарди.

У эса кўпинча менга шундай деярди: «Ўғлим, у дунёда мункарнакар сўроқ бошлаб, бандалари томонидан қилинган яхшилик ва гуноҳлар тарозига тушганда худо қиёслаб кўраркан: Ха, бу одам кўп яхшилик қилипти, унинг қилган бу яхшиликлари қилган гуноҳларидан кўра салмоқлироқ бўлиб чиқибди деб назарга оларкан. Аммо энг ёмон гуноҳ бу бошқа одамларга озор беришдир. Худо бандасининг юзта бошқа гуноҳларидан кечиб юборса ҳам аммо бундай гуноҳини ҳеч қачон кечирмайди. Худо: «Бор, кимнинг дилига озор етказган бўлсанг, ўшаларни олдига бориб кечирим сўра!»— дер экан.

Оғайни, сизда ажойиб муштук бор экан-ку!

## ЧОРШАНБА

Бадша мендан ҳеч нарса ҳақида сўрамаган бўлса ҳам, мен унга муштукни Ума юборганлиги ҳақида ва Уманинг ўзи ҳақида ҳам гапириб бердим. Бадша киприк ҳам қокмади, аммо балки кўнглида ўйлади: «Ана холос! Европани кўрган қиз! Орбиндо-бабу — юлдузни

бенарвон урадиганлардан экан-ку!» Бадша кўринишидан жуда содда кўринарди-ю, аммо у билан ҳазиллашиб бўлмасди.

Мен ва Ума ҳақида ҳар хил ғийбат ва уйдирма гаплар тарқалиб кетмасин деб, бу муштукни менга қаёқдан келиб қолганлигини ҳеч кимга айтгим келмайди. Йўкса, бу менга жуда азоб берган бўларди.

Умуман олганда, уйдирманинг ўзи нима? Ҳар қандай уйдирмада ҳам ҳақиқат заррачаси бўлмаганда ҳам ҳеч йўқ деганда эҳтимоллик ёки ҳақиқатга ўхшаш бир нарса бўлади. Масалан, тилло тош тувак бор, деб уйдирма гап чиқариш ҳеч ҳам мумкин эмас. Барг ўрнига пул ўсиб чиқадиган дарахт бўлишига эса ишонтириш мумкин. Бундай дарахтни тасаввур қилиб кўриш мумкин, нега деганда бу образда қандайдир ҳақиқатга ўхшаган нарса бордай туюлади.

Аммо Ума тарихини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Ҳеч бўлмаганда бу менинг тасаввуримга сиғмайди.

Биз у билан биринчи марта Кхидирпурда учрашган эдик. Мен ўша пайтларда докерлар орасида сиёсий билим тўғарақларига раҳбарлик қилардим. Мен у пайтларда студентлар ҳаракатини назаримга илмас ва унга болалар эрмаги деб қарар эдим ва ўзимни сиёсат масалаларида катта мутахассис ҳисоблаб ишчилар партиясига аъзо ҳам эдим. Биз ишчилар митинглари уюштирдик. Агар ён-веримизда студентлар митинги бўлиб қолгудек бўлса, одатда студентлар митингини ташкил этувчи коммунистик партиядоги танишларимга афсус ва надомат билан қарар эдим. Улар фақат ишчилар синфи ҳақида ўйлашар эдилару аммо уларнинг партияларида ҳеч ҳам ишчилар йўқ эди. Аслида улар майда буржуа партияси эди. Менга ўртоқ Тивари шундай деб ўргатган эди. У шундай дерди: «Улар «Коммунистлар партияси» деган вивескани осиб қўйганлару аслида эса, улар шунчаки марксистик фразалар билан суҳанбозлик қилишади. Асл большевиклар — бу бизлармиз! Улар эса буржуазиянинг думларига ўралашиб қолишган. Шунинг учун ҳам уларни Коминтерн ҳалигача ҳам тан олганича йўқ! Ахир Ҳиндистон коммунистлар партияси Коминтерн ҳужжатларида сира ҳам учрамайди.

Биз эса қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Биз ўз

одамимизни партиямизнинг шу программаси билан бирга Европага, Коминтернга жўнатдик. Энди у ерда бу ёкдаги ишларни тушуниб етадиган бўлишади. Биз бу ерда иш қандай бораётган бўлса шундайича баён этдик. Коминтерн, шубҳасиз, биз томонда бўлади. Шунда «Коммунистлар партияси» деган ном ҳам бизга ўтади».

Менда бир қадар гумонсирашлар пайдо бўлган эди, аммо ўртоқ Тивари Лениннинг фақат ягона битта Коммунистик партия бўлиши зарур деган кўрсатмасига ишора қилиб, менинг гумонларимни тарқатиб юборди.

Бир куни Тивари мени Кхидирпурдаги ифлос бир чойхонага олиб борди. Чойхона порт юк ташувчилари ва матрослар билан лик тўла эди. Бирдан столлардан бирида ўтирган студентлар сумкачасини елкасига осиб олган, яхши оиладан бўлган бир хинду кизни кўриб қолдим ва ўз кўзларимга ҳам ишонмадим. Биз Тивари билан улар ўтирган қўшни столга бориб ўтирдик ва шу заҳоти у кизнинг оғзидан чиққан сўзларни эшитиб, кўзларим қоронғилашиб кетди. У қандайдир бир ишчининг елкасига қўлини ташлаб олиб: «Бу нокас пудратчи — биринчи даражали палид одам!» — дерди.

Ўртоқ Тивари у билан бизни таништирганида у менга қўлини узатди. Мен ҳали у маҳалда уларнинг орасида европачасига қўл сиқишиб кўришиш расм бўлганлигидан беҳабар эдим ва мен аҳмоқларча муштумимни тепага кўтариб, «Лал салом!»<sup>1</sup> деб юборибман.

Мана, у машҳур Ума қанака эди! Андаман ороллари<sup>2</sup> даги маҳбусларни озод этиш учун бошланган кампанияда полиция дубинкаларига қарши жасурона тик қараб бера олган киз худди ана шунинг ўзи эди! Лабларига сигарета қистириб олган ҳолда ёки велосипедда Калькутта кўчаларини кезиб юрган ҳолда кўринган киз ҳам ўша эди!

Ўша бизнинг биринчи учрашувимизда Ума менга бармоғини бигиз қилиб заҳархандалик билан сўради:

---

<sup>1</sup> Қизил салютга биноан мол гўштини емайдилар.

<sup>2</sup> Андаман ороллари — сиёсий маҳбуслар сақланадиган қамоқхона. Андаман оролларида маҳбусларни озод этиш ҳаракатлари 30-йилларнинг иккинчи ярмида бошланган эди.

«Хеч қачон мол гўшти еганмисиз?» Мендан «йўк», деган жавоб олгач, ўртоқ Тиварига буйруқ оҳангида деди: «Уни дарҳол мол гўшти кабоби билан боқилсин!» Мен ўзимча ғудрандим: «Йўк, ҳожати йўк, бугун қорним негадир аллақандай бўлиб турибди». Ума хохолаб кулиб юборди,— ўзини билган қизлар бунақа кулмаслиги керак эди — ва у яна таъкидлади: «Мол гўшти ҳақида гапирдингми, бўлди ҳамиша ҳинду ўртоқларнинг қорнида дарров бирор нарса рўй беради»<sup>1</sup>.

Мен унинг сўзлашиш усулидан ранжидим. Йўк, унинг ўз гапида «нокас» ёки «палид» деган сўзларни ишлатганлигидан эмас, балки ҳайратланишдан сўнг ўзимга келиб англадимки, у мендан олдинроқ партияга қирган ва ишчилар синфи билан жуда яқин бўлиб кетган экан. Унинг менга нисбатан қилган муомаласи жаҳлимни чиқарди. У мени ўзидан катта ёшда эканлигимни ҳисобга олиши керак эди. Катталарга бармоғини бигиз қилиб гапириш яхши эмас. Биз бир-биримизга дўст, ўртоқ бўлсак-да, барибир ҳар ким ўзининг ва бошқаларнинг ёшини назарда тутиб муомалада бўлиши керак.

Мен кейинроқ Уманинг Лахорда европалашиб кетган оилада ўсганлигини билганимдан сўнг, менинг унга нисбатан бўлган нафратим анча камайди.

Тез орада ишчилар партияси студентлар билан ишчилар орасидаги алоқани мустаҳкамлаш мақсадида мени студентлар ичида иш олиб бориш учун яна қайта жўнатди. Бу вақтда иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Партия шундай қарор қилди: «Эндиликда айрим талабларнигина қондириш учун олиб борилаётган чекланган курашдан кенгроқ мақсадларни кўзлайдиган курашга ўтмоқ керак. Ҳамма жойда жанговар комитетлар тузилсин! Коммунистик партиянинг кушандалари четлатилсин ва раҳбарлик қўлга олинсин!» Аниқ шиорлар ташланган эди: «Ҳамма амалий ҳаракатга! Чўнтакларда қайноқ сув тўлдирилган шишалар олиб юрилсин! Полиция билан тўқнашув юз берганида уларга шишаларни отингиз! Раҳбарликни ана шундагина қўлга киритиш мумкин!»

---

<sup>1</sup> Ҳиндулар ўз диний қондаларига биноан мол гўштини емайдилар.

«Чўнтакларга — шишалар!» деган шиорни ҳеч ҳам сингдира олмасдим. Ҳар қандай шиша ҳам чўнтакка сиғавермайди. Кейин эса, сув яна қанча вақтгача қайноқ ҳолда тура олади? Балки уни шишада эмас, балки термосда олиб юрмоқ керакдир? Аммо термосни ҳам чўнтакка сиғдириб бўлмайди-ку. Агар бу шиордан чўнтак ҳақидаги пунктни олиб ташланса, буни ревизонизм ва реформизм деб ҳисоблашмасмикин?

Ҳозирги вақтда, албатта, ўша кунлардаги муомалаларни яхши тушунаман. Аммо ўша пайтларда аслида жуда қийин бўлган ишлар, эндиликда менга жуда оддийдек туюлмаётимикин? Мен ишчилар партиясидан кетиб, Коммунистик партияга ўтганимда менинг бу қилмишим фақат ўз гоъвий мулоҳазаларимнинг даъвати асосидан келиб чиққанмикин? Ёки менинг кичик партиядан эмас, балки фақат катта партия сафида бўлиш ҳақидаги истагим бунга араллашиб кетмаганмикин?

Ума, ҳойнаҳой, менинг бу ишимни шунақа деб баҳолаганга ўхшайди. Бир куни у билан кўчада учрашиб қолдик ва у менга шундай деди: «Агар мен партиядан кетадиган бўлсам, каттароқ дарахтнинг шохидан уя солмоқ учунгина эмас, балки ундан бутунлай кетаман!»

Кейин у ҳақиқатан ҳам ишчилар партиясидан чиқди ва бутунлай ундан кетиб қолди.

Аммо менинг ҳақимда Ума адашган эди. Партия ҳар қанақа кичик партия бўлса ҳам ундан чиқиб кетиш осон эмас. Партия қанча кичик бўлса, уни ташлаб кетиш шунча қийин. Партияга кириш эса — бунинг тескараси. Партия қанча катта бўлса, партияга эндигина кирган одамнинг унга эл бўлиб қўшилиб кетиши, ўзиники бўлиб қолиши шунча қийин бўлади. Ума шунчаки партиядан чиқаман дедими, чиқди-кетди. Бир бор «кетаман», деб кетдингми, бўлди, кейин партияга қайтаман деб қанча ҳаракат қилсанг ҳам қайта олмайсан.

Уманинг омадсиз никоҳи тўғрисида ҳеч нарса айтмайман. Нега деганда у ҳам, унинг эри ҳам — иккаласи менинг дўстларим бўлади. Агар Уманинг турмушга чиқиши унинг ўз синглисининг турмушга чиқиши билан қанақадир бир боғлиқлик томонлари бўлмаган-

да эди, эҳтимол бундай узилишлар рўй бермаган бўлар эди. Бошқаларнинг оиласини сақлаб қоламан деб, ўзиникини бузиб қўйди. Буларнинг ҳаммасидан менинг хабардор эканлигимни Ума билмайди ва мен ҳеч қачон унинг ярасини янгилашга уринмайман ҳам. Унинг эрини эса, яъни менинг дўстимни оз бўлса-да, бирон нарсада айблай оламанми? Шунини айтишим мумкинки, у ҳеч қачон ва ҳеч нарсага Умадан яширолмасди. Ҳамма ишини очиқчасига қила берарди.

Қалламда бир пьесанинг сюжети етилди. Иккитаси уйланыпти, яна бошқа иккитаси ҳам уйланмоқчи бўлишяпти. Биринчиларининг тўйини шундагина қилиш мумкинки, агар иккинчиларининг уйланиш тўйлари қолдирилса. Аммо, биринчи тўй ўтказилгач, иккинчи тўйни ўтказиш учун ҳеч қандай тўсик қолмайди. Аммо биринчи тўйда иккинчи тўйни ўтказиш учун тўсик бўла оладиган ҳавф яширин бўлиб турибди. Бошқа томондан эса, агар иккинчи тўй бўлмай қолгудек бўлса, биринчи тўйнинг ҳам бузилиш ҳавфи бор. Аммо ҳаммаёқ чопачоп, шодлик, тантана. Бунинг нима билан тугагини фақат драматург билади. Бугунги кун келажакка соя ташлаб туради. Умумий тўй тантанаси ичида найнинг мунгли овози эшитилади. Мен ахир, ҳар ҳолда пьесанинг охири қайғули бўлишини истайман. Парда остида бир жуфт ёш никоҳ иплари билан бир-бирига боғланади, бошқа бир жуфт эса, бу ишлар ўривидан ўзини олиб қочади ва эркинликда қолади.

Ума турмушга чиққанидан кейин мен бир неча марта унга ва унинг эрининг олдига меҳмон бўлиб келганман. Ума менга қўлини бигиз қилиб бошқа гапирмади, аммо у аввалгидек ҳозир ҳам тегажаклик қиларди. Баъзан: «Мунча қовоғингни солиб юрасан, бу ҳолда сен билан биронта қиз ҳам танишмайди!»— деса, баъзан захархандалик билан: «Нега афтингни буруштирасан? Балиқ қилтириғи туриб қолдимиз?» деб сўрарди.

У ёлғиз яшаётган кунларнинг бирида, ўртоғим билан уникага кирдик. У эшикни очиб, гап отди: «Нима, бир хуморимни ёзайин деб келдингми?»

Мен у пайтларда жуда тортинчоч, уятчанг эдим ва унинг бундай қилиқларига нима билан жавоб қи-

лишни билмас эдим. Албатта, унинг бундай қилқ-ларидан хафа бўлардим. Айниқса, у менинг ташқи қиёфам устидан кулиб, масхара қила бошлаганда хит бўлиб кетардим.

Илгари менинг кичикроқ бир ойначам бўлишлиги ҳозир негадир бирдан эсимга тушиб кетди. Мен уни тахминан бир йилча олдин синдириб қўйган ва ўшандан бери соқолимни ойнасиз олишга ўрганиб кетган эдим. Менинг юзларим ҳақида қилган Уманинг ҳазилларини энди ранжимасдан эслайман.

Ума ҳозир минг миль нарида, олисда. У нима учун менга бу муштукни юборди экан? Эски хотираларни янгилаш учун шундай қилганмикин? Балким, мени кадимгидай қийнаш ҳали ҳам унга жуда-жуда ёкса керак-да.

## БАДШАНИНГ ХИҚОЯСИ

Болалигимда менга ҳамма ўйинлардан ҳам Туроб Алининг айвонида ўйнаш ёқиб тушарди. У ерда кварталимиздаги гапга чечанлар йиғилишиб турадиган севиқли жой бор эди. Мен бир бурчакка ўтардимда, жимгина гап тинглаб ўтирардим. Мен билан ҳеч ким гаплашмас эди, нега деганда Туроб Али айвонига катта ёшдаги одамлар, ҳаттоки чоллар ҳам келишар эди.

Ўша вақтларда кварталимизда кутубхона бор эди. У «Ёш мусулмонлар жамияти» деб аталар эди. Умуман олганда бу оддий бир кутубхона эмас, балки уни ўзига хос ижтимоий ҳаёт маркази эди деса бўларди. Ҳожи квартални оқсоқолининг ёрдамчиси Тариф Мондол китоб ўқишни жуда яхши кўрарди. Эсимда, бир кун Тариф Мондол бизга «Темир занжирлар», деган романини ўқиб берган эди. Уни ким ёзганлигини билмайман.

У китоб менга жуда ёқиб қолган эди. Сиз уни ўқиганмисиз? Унинг мазмунини ҳозиргача эслайман. Камбағал брахманининг ёшгина қизи бўлади. Расм-русмга кўра, уни атоқли уруғдан бўлган қари брахманга турмушга беришади. Эри ўлиб, у отасиникига қайтиб келади. Уйда унинг кичик укаси ҳам бор эди. Тез орада унинг ота-оналари ўлиб кетишади. Нима қилсин энди? У укасини ўзи билан эрининг уйига олиб бора-

ди. Баджаҳл кампир қайнона уни ҳақоратлар билан жонидан тўйдиради, у билан худди ўз қулидек муомала қилади. Ёмон одамлар унинг бундай ожизлигидан фойдаланишади. Укасини эса нақ жонини олғудай бўлишади. У бунга чидай олмай бир кун хонадондан бош олиб кетади. Шунда унга бир садху<sup>1</sup> (зоҳид) учраб қолади. Болага унинг раҳми келиб, ўз сеҳргарлик дуоси билан болани жуда катта бойлик ва қимматбахш нарсаларга эга қилади. Шундан сўнг бола ўз опаси ёнига қайтади ва улар биргаликда ашрам<sup>2</sup> ташкил этадилар ва ўз ҳаётларини камбағал ва бебахт одамларга хизмат қилишга бахш этадилар. Мана бизнинг кварталда қанақа китобларни ўқишар эдилар.

Бизда саводли одамларни жуда ҳурмат қилишарди. Одамлар мунтазам равишда саводхонлар уйига йиғилишар, китоб тинглашар ва чойхўрликдан қўлларни бўшамасди. Яна муҳаррам ойида ҳам албатта китобхонлик қилишарди. Ўша маҳаллаларда Шонабану<sup>3</sup> тўғрисидаги, Заҳроб ва Рустам<sup>4</sup> ҳақидаги, ҳаммадан ҳам Ҳасан ва Ҳусан ҳақидаги ва уларнинг Карбалода ҳалок бўлиши тўғрисидаги китобларини кўп ўқишар эди. Китобдан Ҳасан ва Ҳусаннинг ҳалок бўлаётган жойлари ўқилаётганида эшитувчилар хўнг-хўнг йиғлаб юборишарди.

Сизнингча, мен Туроб амаки айвонида бекорчи эдимми? Агар у ерда мен бўлмасам, уларга ким чилим бериб турар эди, ким бетель келтириб турарди? Шунинг учун ҳам уларнинг ҳаммаси мени яхши кўришар ва олқишашарди.

Айвонда ўтган ҳар кун янги-янги ҳикояларга тўла бўлар эди. Ким қаерда бўлган, қачон бўлган, қанақа ажойиб нарсалар кўрган, илгарилари ҳаёт қандай бўлган ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақидаги ҳикояларнинг адоғи бўлмас эди. Карамат Мондол Ботаника боғи идорасида ишларди ва у ҳар сафар бирор янги гап тайёрлаб турарди. Кимдир киногами ёки коммерция

<sup>1</sup> С а д х у — ўзини дин йўлига бахш этган зоҳид.

<sup>2</sup> А ш р а м — етимхона, бошпана.

<sup>3</sup> Ш о н а б а н у — бенгал мусулмонлари орасида машҳур бўлиб кетган эпик достоннинг қахрамони.

<sup>4</sup> З а х р о б в а Р у с т а м — Эрон эпоси қахрамонлари.



театри<sup>1</sup> га ми борган бўларди ва сўнгра у ўша ерда кўрганларини гапириб берарди. Гап ё ажиналар, хурлар, парилар ва шу каби оти бору ўзи йўк уйдирмалар устида кетарди. Ёки муниципалитет сайлови ҳақида, ё маҳаллий сиёсат ҳақида гапиришарди. Умуман, нималар ҳақида хикоялар тингламасдинг у ерда!

Буларнинг ҳаммаси мен учун кизик туюларди. Ўтириб олиб ҳаммасини жон кулоғим билан эшитардим. Бошқа болалар эса бу пайтда варрак учиришар, гирғирак айлантиришар ёки соққа ўйнаб ўтиришарди. Бу ўйинни биласизми? Мен эса ҳеч ҳам ўргана олмасдим. Доимо ютказиб кўяр эдим. Умуман, мен болалар билан бирга бўлишдан кўра кўпроқ катталар билан бирга бўлардим.

Сирасини айтганда бизда ўғил болаларнинг ҳаммаси саккиз-ўн ёшидан бошлаб чека бошлашарди. Айникса, ўша пайтларда «Автомобиль» деган сигарета кўлма-кўл эди. Бир пачкаси бир пайса турарди.

Мен ҳам ана шу ёшимда чекишга ўрганганман. Кварталимизда бир сут дўкони бўларди, мен шу дўкон эгасининг ўғли билан ўртоқ эдим. Биз бир-биримизга тенгдош бўлиб, бир мактабда ўқир эдик. У билан чакалакзорга борардик ва бирга ўтириб чекар эдик. Бир кун и кечқурун биз Фулом Али дўкони олдидаги боғча ёнида тамаки чекиб турган эдик. Унинг ўғли ҳам биз билан бирга эди. Амаким билан Фулом Али лабларимизга сигарета қистириб олиб, бурукситиб чекаётганимизни кўриб қолишди. Нима бўлди денг! Фулом Али ўғлини шунақа дўппослаб кетдики, унга ўдағайлаб қичқирарди: «Б-ба-ча-ғар, с-с-ен-га к-к-ўрсатиб к-к-ўяман қанақа қилиб ч-екишни! Я-яна ч-чекасанми-а, я-на-ч-ч-екасанми?»

Амаким эса шундай деди: «Шунчи ўйлаб кўрдингми, нима учун камбағалларнинг болалари дунёда ҳеч нарсага эриша олмай, камбағаллигича ўлиб кетишадими? Нега деганда улар болалигиданоқ чека бошлашадими. Бой оилаларнинг болаларини қара, улар қандай соғлом ва ақлли! Йигирма ёшгача чекиш мутлақо мумкин эмас!»

---

<sup>1</sup> Коммерция театри — камсуқум томошабинларнинг қизиқликларини қондириш учун мўлжалланган театр.

Мен унинг сўзларини хотирамда мустаҳкам саклаб қолдим. Бўлмасам-чи! Агар мен йигирма ёшга кирмасимданоқ чекадиган бўлсам, демак, ҳеч қачон катта бўлмайман ва ақлли бўлиб ўса олмайман.

Ўша кундан бошлаб чекишни ташладим, ҳатто бунинг устига бири ва сигаретани кўрсам ҳазар қиладиган ҳам бўлдим. Ўшандан бери: папирос қолдигини кўрсам, жоним ҳалқумимга келади.

Отам доимо бетель чайнар эди ва шунинг учун ҳам у чеккан папирос қолдиғида доим қизил доғ қоларди. Унинг қаравоти остида эса чекиб ташланган бирининг қолдиқлари уюлиб ётарди. Мен у томонга ҳатто қараёлмасдим ҳам.

## ПАЙШАНБА

Бугун мен камераларнинг эшикларини оча бошлашадиган вақтдан анча эрта уйғондим. Ташқарига чиқишнинг иложи бўлмаганлигидан эшик панжарасига чойшабни тутиб қўйиб парошадан фойдаланишга тўғри келди. Кейин уни йиғиб олиб тахлаётганимда нафасим қисилиб қолди. Энди эса кескин ҳаракатлар қилмасдан аста-секин қимирлаш керак бўлади. Бугун зинапоядан ҳам аста-секин тушаман. Зинапоядан чиққанда ҳам катта эҳтиёткорлик билан икки пиллапояни битта қилиб сакрамай чиқаман.

Мени ҳаммадан ҳам бир тарздаги бекорчилик эзарди. Буни фақат бизнинг «Завод»имизгина бузарди. Тўғриси айтсам, қачон «Завод» иш бошлар экан деб, кун бўйи кутардим. Гўёки барча ҳаётини интилишларим фақат ана шу ёлғиз истагим билан бирга қўшилишиб кетган эди.

«Завод»имизда нималар ҳақида гаплашмаймиз, дейсиз! Менга назаримда дунёда еб бўлмайдиган ҳеч нарса йўқдай бўлиб туюла бошлайди. Бизнинг кенгашимизга Боншининг ҳам қатнашишини жуда-жуда истардим. Ахир у доимо ёлғиз ўзи ўтиради. Унинг бирдан-бир суҳбатдоши — Жамол Соҳибдир. Аммо, Бонши ёш-ку. Бугун кунини чол билан ўтказишдан унга нима фойда? Назаримда Бонши ўзининг сонсаноксиз ташвишлари билан бўлиб, ўзи ҳам бир оз

қарияпти. Бу қамоқхонада унинг энг яқин ўртоғи — менман. Аммо, очлик бошлағунимизга қадар, гарчи битта ётоқда бирга турган бўлсак ҳам, бир-биримизни деярли кўрмаганмиз ва гаплашмаганмиз. У бир минут ҳам тиним билмай қамоқхона бўйлаб кезиб юрарди. Бўзчининг моксицидек ҳар томонга қатнардди. Нега деганда қамоқхона комитети суд ва терговсиз қамоққа олинган фақат бизларгагина эмас, балки терговдаги ёки қамоқ муддатини ўтаб тугатаётган коммунистлар устидан ҳам раҳбарлик қиларди. Комитет барча партия аъзоларининг саломатлиги ҳақидагина эмас, балки уларнинг сиёсий билимлари ҳақида ҳам ва улар орасида руҳий тушқунлик юз бермаслиги устида ҳам қайғурар эди.

Охирги йил эса жуда оғир бўлди! Бир вақтлар менга у томонда биронта ҳам партия аъзоси қолмагандай туюлган эди ҳам. 1949<sup>1</sup> йили темир йўлдаги умумий иш ташлаш барбод бўлгандан сўнг, қамоқхонага сиёсий маҳбуслар худди селдай қуюлиб кела бошлаган эди.

Яна Қамол билан бўлиб ўтган ўша воқеа. Шу вақтгача менинг гумонларим тарқамаяпти. Қамолнинг полиция агенти эканлигига ҳеч ҳам ўзимни ишонтира олмайман. Бошқа томондан эса, партия олган ўша ахборотдан ҳам осонгина кўз юмиб бўлмасди. Тўғриси айтганда, Қамолнинг исми ҳеч қаерда кўрсатиб ўтилмаган бўлса ҳам, мазмунан шундай бўлиб чиқяптики, бу бошқа одам эмас, ўзи.

...Мени қамоққа олишларидан бир неча кун олдин мен Қамол билан профсоюзда учрашиб қолдим. Ўша куни у жуда ташвишли эди, у темир йўлда иш ташлашни ташкил этаётган эди. Ҳамма раҳбарлар ичидан фақат ёлғиз унинг ўзигина эркинликда қолган эди... Мен кўрдимки, унда ғайритабiiй бир ўзгариш юз берибди. Овқат ейишни яхши кўрадиган, овқат тайёрлашга ҳам хўп шинаванда ва кўпинча тошбақа гўштидан татиб кўриш учун танишларини ўз ёнига таклиф қилиб турадиган ўша Қамол, энди бўлса ҳатто чой

---

<sup>1</sup> 1949 йил Хиндистон Коммунистлар партияси темир йўлда умумий иш ташлаш уюштиришга ҳаракат қилди, аммо уларнинг бу ҳаракати барбод бўлди.

хам ичмасди. Биз хонада у билан ёлғиз қолган эдик. Қамол менга шундай деди: «Мана бир ой бўлдики, мен чекишни ҳам, чой ичишни ҳам ташладим». Бу чиндан ҳам ақл бовар қилиб бўлмайдиган иш эди. Қамол овозини пастлатиб яна кўшиб кўйди: «Эртага яширин ишлашга ўтиб кетаман. Балки биз ортик кўришмасмиз». Ундаги бундай ўзгаришнинг сабаби мана қаёқда экан: Қамол ўшанда яширин равишда ишлашнинг қийинчиликларига ўзини тайёрлаётган экан. Мен чой ичдим у аммо унинг хузурида чекким келмади.

Ўша Қамол бир йилдан сўнг полиция агентига айланиб қолдимми?

Уни биринчи марта студентлар клубида кўрганман. У маҳалларда мен партияга ўтишни ўйлаб кўрмаган ҳам эдим. Қамол эса ўша даврдаёқ ҳаммага отнинг қашқаси эди. Клубда кўпинча инглиз тилида ҳар хил масалалар юзасидан «парламент» чақирилиб туриларди. Бонши ҳам ана шу парламент ишида қатнашиб турарди. Қарасам, доимо учинчи қатордан қандайдир бир «депутат» ўрнидан туриб, музокара олиб бориш тартибини танқид қила кетди. Унинг қатъий қилиб, чертиб-чертиб гапиришлари менда катта таассурот уйғотди. Ёнимда ўтирганлардан: «Бу ким ўзи?» деб сўрасам — «Сиз уни ҳали билмайсизми? Бу Қамолку!» — дейишди. Қамол деган исм менга маълум эди. У колледжнинг ўн нафар яхши студентлари қаторига кирарди.

Аммо биз у билан анча кейин, Муршидободда яқиндан танишиб олган эдик. Ўшанда у уй-қамокда эди. Кўпинча биз ўзимизни тўлқинлантираётган барча масалалар юзасидан мунозара қилиб, унинг уйи яқинидаги ўтлоқда ярим кечагача қолиб кетар эдик. Тўлик бир ой шундай ўтди. Ажойиб ой эди! Қамолнинг оиласи ўзига тўқ, ҳатто бадавлат оила эди. У ким бўлишни ҳавас қилса, бўла оларди. Полицияга агент бўлиш унга нимага ҳам керак бўлиб қолди?

Мен қамокхонага яқинда тушган ўртоқлардан уни суриштирдим. Аммо ҳеч ким Қамолнинг ҳозир қаердалигини ва нима иш қилаётганлигини айтиб бера олмади. Фақат бир киши: «Қимдир биров уни Кохимада кўрибди. У кишлоқда ўқитувчилик қилаётган бўлса керак, деб айтди», — деди.

У ёқдагиларнинг ҳаммаси ақлдан озганми ўзи? Мен бу ерда камокхонада ҳеч нарсага тушуна олмадим. Агар Камол полиция агенти бўлган бўлса, демак, бу дунёда ҳеч кимга ишониб бўлмас экан-да, Фақат Боншига эмас, ҳатто ўз-ўзингга ҳам ишониш қийин экан.

Аммо нима учун Камол қаёқдадир эмас, фақат Қохимадек узоқ бир жойга кетди ва у ерда нега оддий бир ўқитувчи бўлиб ишлаяпти?

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Уйимизнинг фақат иккита хонаси бор эди, холос. Хоналарнинг бирида онам отам билан турарди. Мен акам билан ҳали кичкина бўлганлигимиз учун биз ҳам ўша хонада яшардик. Иккинчи хонанинг ташқарисидаги девори ярмидан қулаб тушган, ва очилиб қолган жойини бамбук таёқлар билан зич қилиб ёпиб, лой билан суваб қўйган эдик. Бунда, иккинчи хонада бувим ва синглим туришарди. Биз акам билан бир оз каттароқ бўлиб қолганимиздан кейин бизни ҳам ўша хонага ўтказишди, бувимга эса айвонни бир қисмини тўсиб ўзига алоҳида жой қилиб берган эдик. Ошхонамиз роса илма-тешик бўлиб кетган эди, унинг томига тушган битта ёмғир, ичига иккита бўлиб тушар эди. Шунинг учун ҳам овқатни ҳовлида пиширар эдик, ёмғир ёғиб турган маҳалда эса, кўчма ўчоқ олиб кириб уйда пиширар эдик. Озиқ-овқат, емишларни ётоқхонада, идиш-товоқларни эса ошхонада сақлар эдик.

Бу уй бизларга бобомдан эмас, балки бувимдан, тўғрироғи, унинг акаси бўлмиш Рафиқ чолдан қолган эди. Уйнинг томи авваллари пальма барглари билан тўсилган, кейинроқ эса, мен туғилгунимча уни темир тунука билан ёпишган. Биринчи жаҳон урушигача ми ёки ундан кейинми, ишқилиб тунуканинг баҳоси нимагадир жуда арзонлашиб кетган экан. Томга етадиган микдорда тунука сотиб олиш учун отам ўшанда уйни гаровга қўйиб, Тару Тхакурдан юз эллик рупий қарз олган экан. Тару Тхакур янги ойнинг биринчи куниёқ бизга берган ашё процентини ундириш учун уйимизга келган экан. Унинг асли исми Тарадас экану аммо одамлар уни Тару Тхакур деб аташар экан.

Биз акам билан ичимизда Тару Тхакурни судхўр Тхакур деб сўқар эдик. У отамдан ундириб олиб турадиган процент пулларни ҳисобга олиб борадиган махсус дафтар очган эди. Дафтар тўлиб қолса, Тару Тхакур унга янги варақлар елимлар эди. У вафот этгандан сўнг, процент пулларни ундириб олиш учун унинг ўғли қатнайдиган бўлди. Кейинчалик, биз акам билан ишлаб пул топадиган бўлганимиздан сўнг, қарзимизни бир юз йигирма беш рупий деб, келишиб, хуллас қарзимизни тўлаганмиз. Ҳисоблаб кўрсак, ўша вақтгача биргина процентнинг ўзигагина икки юзу олтмиш уч рупий тўлаган эканмиз! Гаров қарздан қутулганимизга отам роса хурсанд бўлдилар. Биз ҳам қувондик. «Гаров қарз» деган сўзнинг ўзигагина бизни болалигимиздан бери мудҳиш туш каби эзиб келарди. Бу гаров қарзни фақат тўлаб қутулиб бўлгандан кейингина, мен умримда биринчи марта унинг нималигини тасаввур эта олдим, холос. Судхўрни қарзни бир оз бўлса ҳам камайтиришга отамнинг дўсти Қадам Расул кўндирган эди ва ўша кеча отам у дўстини роса зиёфат қилди.

Шундан сўнг тез орада акам уйланадиган бўлиб қолди ва менга айвонга кўчиб чиқишга тўғри келди.

Отам ишлаётган заводда бир неча киши: Протан исмли панжоблик қоровул, парчинловчи Харон, тунукасоз Бхушан Пал ва слесарь Нитанлар пулларини процент шарти билан гаровга қарз беришарди. Отам уларнинг ҳаммасидан навбатма-навбат қарз оларди. Заводдаги судхўрлар ичида энг бойи қоровул Протан эди — уларнинг ичида энг аблаҳи ҳам ана ўша эди. Протан кимга қарз берган бўлса, у ўша одам билан худди ўзининг кули билан муомала қилгайдек муомала қиларди. Агар отам заводда қарзга пул тополмай қолса, у онамга ялиниб келарди. Шу туфайли отам билан онам ораларида жанжал-уриш келиб чиқарди. Отам онамдан пулларни худди бувим сингари ундириб оларди. У: «Болаларинг ҳаққи пул йўқ деб қасам ич!..» деб кичкирарди.

Онам ахийри ҳам унга пулни итқитиб отиб юборар, ўзи эса дув-дув ёш тўкиб қарғарди: «Худойим, менга қанақа эр йўлиқтиргансан! У билан бошим ғамдан чиқмади! Бу ҳаёт эмас, дўзахни ўзи-ку! Шу

махалгача ўзимга бирор курт<sup>1</sup> ҳам сотиб ола олмасам нима қилайин. Бошқа нарсалар ҳақида орзу қилишимга ҳам ўрин йўқ».

Бу гап рост-да. Онам ўзимга деб ҳеч қачон ва ҳеч қандай безаклар сотиб олган эмас. Унинг фақат ингичкагина кумуш билакузуги бор бўлиб, у ҳам-ро-са эскириб кетган эди. У онамга мерос қилиб қолдирилган эди ва унинг қачон сотиб олинганлигини ҳеч ким эслай олмасди. Онам ҳадеб ундайверганидан кейин, ўшанда ҳам олдингиси батамом тўзиб битгандан сўнг отам унга янги сари сотиб олиб берган эди. У онамга ўн тўрт ангамиди ёки бир рунийгамиди ишқилиб қора қизил чок айлантириб тикилган энг оддий сари сотиб олиб берган эди. Аммо отам курт сотиб олиб беришни ҳеч ҳам ўйламасди. Вақт-вақти билан онамнинг акаси Қаллу арзон матодан тикилган курт сотиб олиб унга совға қилиб турарди. Айниқса, байрамларда, кўшни хотинлар янги либосларини кийиб олишиб, бир-бирларига кўз-кўз қилишаётганда онамга жуда ҳам кийин бўларди.

Гуноҳлардан соқит бўладиган кеча<sup>2</sup> яқинлашгани сайин онам бизларни ўйлаб ғам чекарди. Уша кеча ҳамма ўйда ўйин-кулги, тантана бўлар эди. Одатга мувофиқ ҳар уй бошига сават-сават «пақ-пақ»лар сотиб олинар эди, бундан болаларга қанча шов-шув, қанча кулги, қанча шодлик келарди!

Бизнинг уйимизда эса яна жанжал. Биз акам билан отамдан жуда қўрқар эдик. Бирор сўз айтиш у ёқда турсин, ҳатто унинг яқинига боришга ҳам журъат қила олмасдик. Баъзан катта опам, баъзан Қаллу амаким бу ишга аралашар, ҳаммадан ҳам кўпроқ онам жанжал кўтарарди ва отам бунга чидай олмасдан бизга пақ-пақ сотиб олиш учун бир неча танга пул берарди.

Рўза байрамлари олдидан ўзига хос муаммолар келиб чиқарди. Онам одатда отамга дерди: «Акбарга у керак, Булуга бу керак. Кўриб турибсан-ку, уларда киядиган ҳечвақо йўқ!» Отам бизнинг иштончалари-

---

<sup>1</sup> Курт — хотинларнинг белигача кийиладиган камзули.

<sup>2</sup> Шабон ойининг 14 дан 15 га ўтар кечасидаги бўладиган мусулмон байрами.

миз ва эгнимиздаги кўйлакчаларимизни пайпаслаб кўриб: «Ҳечқиси йўқ бир марта ювиб, унга дазмол босиб юборилса, яп-янгидай бўлади-қолади. Жа, зўрсанлар-а! Доим уларга ана уни сотиб олиб бер, мана буни сотиб олиб бер дейсанлар», дерди.

Байрамга бир ҳафта қолди деган кундан бошлаб қўшни болалар ўзларига теккан совғалар билан: ким янги шапкаси, ким иштонни билан, яна ким ботинкаси билан мақтана бошларди: «Буни қара, Булу, отам менга сотиб олиб бердилар!» Менинг эса мақтанадиган нарсам йўқ эди. Шундоққина эртага ёки бугун байрам деган кунлари менга бирор нарса тегиб қолгудек бўлса ҳам, ҳатто у янги кийимимни кийиб кўчага чиқиб улгура олмай қолар эдим ҳам.

Катта опамга бир оз бенгалча савод ўргатишган эди. У бизга ака-ука Модху ва Бидху ҳақидаги шеърларни овоз чиқариб ўқиб берарди. Модху қўшни бой хузурига бориб ўзини пастга уриб бўлса ҳам унинг янги кўйлагини сўраб олади, Бидху эса мағрур эди, у отаси қачонлардир сотиб олиб берган оддий эски кўйлагига қаноат қилиб юра берарди. Мен ўзимни мағрур Бидху, деб хис қилардим. Камбағал, аммо мағрур.

Бир куни отам менга энг қашшоқ, энг ночор фақирлар — фатали фақислар кийиб юрадиган, ўзи жуда арзон турадиган кизил феска сотиб олиб берди. Мен бу фескани бир печа йил кийиб юрдим. Қўшни болалар менга узокдан ҳаваслари келиб ва ҳатто катталар ҳам бармоғи билан мени кўрсатиб: «Қаранглар, фатали фақир келяпти! Уни қаранглар, фақирларнинг ўғли келяпти!» — дейишарди.

Катта акам гарчи бир оз чўрткесарроқ ва кўнгли каттикроқ одам бўлса ҳам, менга унинг жуда раҳми келарди. Баъзан ўзига жабр бўлса ҳам менга у-бу нарсалар сотиб олиб бериб турарди. Жуда кийналиб кетгудек бўлсам, чидай олмасдан йиғлаб юборган пайтларим ҳам бўларди. Бундай пайтларда онам: «Нима қилай, болагиннам, ахволимизни ўзинг кўриб турибсан-ку. Сен тушунишинг керак, ахир энди эсинг кириб қолди-ку. Мана, катта бўлганинга ўзинг ишлаб пул топадиган бўласан, ана ўшанда ҳамма нарсанг бут бўлади», — дер эди. Аммо баъзан онам ҳам хит бўлиб кетганидан менга қичқириб берарди: «Йўқол, кўзим-



га кўринма! Қаёқдан ҳам бу дунёга келдинг сен?! Сени кўришга кўзим йўқ!» Отам агар уйда йўқ бўлсалар, онам мени ёзғирарди: «Кўриб турибсан-ку, отанг кучини аямай, қандай меҳнат қиляпти, буларнинг ҳаммасини сизлар учун, болаларим учун деб қиляпти!»

Онамнинг ўзи кўпинча йиғлаб ўтирарди ва қўшни хотинлар ёки Мажидий амаки уни юпатишга уринарди: «Йиғлама! Йиғлаш билан иш битмайди. Чида! Ким бардошли бўлса, у бахтли бўлади. Худо сенга шундай ширин-шакар фарзандлар берибдими, бўлди, сен уларни ўстир. Уларни вояга етказсанг — ҳамма бу кўрганларинг унут бўлиб кетади, ҳам нималигини билмайдиган бўлиб кетасан».

Оҳ, ана шундай дақиқаларда онам бизга шундай ҳам меҳр билан термилар эдики, асти кўяверасиз!

## ЖУМА

Энг пастки табақадан бўлган одамлар ҳар хил воқеаларни гапириб беришга жуда уста бўладилар.

Ўтган сафар қамокқа тушганимда бундан бошқа қамокхонада, бир чол билан танишган эдим. Уни Шайх Бангал деб аташар эди. У биринчи марта қамокхонада Дешбандху дўст<sup>1</sup> билан бирга ўтиришган эди. Ушандан бери у қамокдан чиқиб, қамокқа тушавериб ҳеч ҳам ўзини тўхтата олмасди. У ўз ҳаётини чўнтак ўғрилигидан бошлаб, умр бўйи чўнтак ўғриси бўлиб қолиб кетган эди.

Шайх Бангал Дешбандху ҳақида ҳикоя қилар экан, у бир сафар гап орасида «Бабу кино кўришни яхши кўрарди»,— деб қолди.— «Қандай қилиб», ҳайрон бўлдим мен. «Унга уйидан кўпинча новвот юбориб туришарди. Ҳар куни кечқурун, камераларнинг эшикларини бекитиш олдидан бабу дераза олдида ўтириб оларди-да, ҳовлидаги маҳбусларга новвот ташлаб турарди. Улар унинг деразаси олдида тўпланишарди-да, новвот

---

<sup>1</sup> Читтаранжэн Дас (1870—1925) — хинд (бенгал) ҳуқуқшуноси ва сиёсий арбоби, Ҳиндистон миллий конгресси партияси лидерларидан бири, кейинчалик «Сварадж» («ўз-ўзини бошқариш») партиясининг ташкилотчиси. Дешбандху (Мамлакатнинг дўсти) — унинг фахрий номидир.

учун бир-бири билан ёқалашиб кетишарди. Новвот кимнинг кўлига тушса уни ўша ерди!»

Ўша маҳалда биз билан бирга яна Ҳамид деган йигит ҳам ўтирар эди. Унинг касби зиёратчиларни ўмариш эди, бундан ташқари, у оддий одамларнинг чўнтакларидан ҳам ҳазар қилмас эди. Шайх Бангал Ҳамидга дерди: «Сиз ҳозирги ёшлар ростдан ҳам чўнтак тозалай оласизларми?» Аммо Ҳамид ҳам сўз ютиб қолмасди: «Эҳ амаки! Сиз бизни тушуна олмайсиз! Сиз керосин лампа даврида яшагансиз, ҳозир эса электр асри!» деб жавоб қайтарарди. Кейин эса сўрарди: «Амаки, сиз нима учун бу томонга Фарбий Бенгалияга келиб қолдингиз? Сиз ахир ғирт бангалсиз-ку<sup>1</sup>. Калькуттада сизнинг тишингиз ўтмайди. Сизнинг жойингиз Падмадан нарида. Сизга мос бўлган мижозлар фақат ўша жойда қолган». Шайх Бангал жим туриб уни эшитар ва ўзича жилмайиб кўярди.

Мен эса унинг Дешбандху Даснинг «кино кўриш» ни севиши ҳақида айтиб берган ҳикоясини ҳали ҳам унутолмасдим.

Эрталаб хизматкоримиз Хоридан даҳшатли хабар эшитдим. Хори ёқимтойгина алдамчилардан биттаси. Биз уни анчадан бери биламиз: у саккизинчи ётоқда бу камоқхонага биринчи келган кунимиздан бери хизмат қиладди. Жиноятчи — хизматкорлар орасида Хоридакаси камдан-кам дуч келган, ёки умуман ҳеч вақт дуч келмаган деса ҳам бўлади.

Қамоқхонада қанча вақтлар ўтирган бўлсам ҳам, бу жиноятчи хизматкорнинг бирон нарсамизни ўғирлаганини, ё чўнтакларимизга тушганини ёки ҳатто очилган пачкадан бирор сигарета ҳам олганини билмаймиз. Ахир биз, одатдагидай камерада кам ўтирар эдик, камерадан чиқиб кетаётиб, столдаги ҳамма нарсаларни: авторучкалар, соатлар, сигареталар, гугуртларни шундайича очик қолдириб кетаверар эдик. Қамоқхонадан ташқарида бундай қилиш бемаънилик бўларди.

Шунинг учун ҳам Хорининг бизнинг нарсаларимизга нисбатан бундай ҳалол муносабатда бўлганлигини қандайдир унинг алоҳида фазилати деб ҳисоблаб

---

<sup>1</sup> Бангал — шарқий бенгалияликка нисбатан ҳазар қилиб айтиладиган лақаб.

бўлмас эди. Хори майда-чуйда нарсаларга ўғрилик қилмас эди, аммо у барчамизнинг кўнглимизни ўғирлаб олган эди. Биз уни камоқхонага фақат поездда билетсиз юрганлиги учунгина тушганлигини ўз оғзидан эшитиб, билган эдик. У фақат самимий, хушфёъл, олижаноб ва ҳамдард одам бўлибгина қолмай, балки бизни худдй ўзининг яқинларидек кўриб ғамхўрлик кўрсатарди. Унинг муддати тугаганида, биз унинг шарафига тантанали равишда кузатув ўтказдик, ўзимиздаги эсдалик сифатида совға қилиб берса бўладиган ҳамма нарсалар билан уни кўмиб ташладик, ҳатто бир оз кўзёши ҳам қилдик. Барча сиёсий махбуслар учун Хорининг ушбу қисмати айбсиз, ажойиб кишиларни ҳам осонгина камоққа ташлаш мумкин бўлган жамиятимиздаги ҳақиқатсизликни яққол кўрсатиб берадиган ёркин бир мисол эди. Шунинг учун ҳам биз Хорининг озод қилинган кунининг эртасигаёк уни яна камоққа олишганини эшитиб ҳайратга тушган эдик. Биз бу ҳақда батафсил ахборот тўплادик ва ундан билиб олганларимизга ўзимиз зўрға ишондик. Шундай бўлиб чиқдики, Хори чўнтаккесар — рецидивист бўлиб, у навбатдаги жиноят устида қўлга тушган экан. Хори янги камоқ муддатини олиб, яна бизнинг ётоққа хизматга келди ва у бу сафар ҳам, гўё полиция уни кинога навбат кутиб турган жойида, ҳеч қандай сабабсиз камоққа олди деб, янги уйдирма тўкиб чиқарди.

Ана шу ёқимтой алдамчи Хори менга Абдулла ҳақида даҳшатли бир хабарни айтган эди. У деди:

— Дада-бабу, Абдулингизни яна шу ерда кўрдим.

— Қаерда?

— Терговчиларнинг ёгогида, энди эса карцерда.

— Нима учун?

— У шундай иш қилибдики!

— Аниқроқ айт, нима қилибди?

— У бир одамни устара билан тилиб ташлаган экан, уни касалхонага олиб кетишибди. Рашкдан шундай қилибди!

## БАДШАНИНГ ХИКОЯСИ

Биз катта акам билан манго ва личи меваларидан ўғирлаш учун бегона боғларга кадамранжида қилиб

турардик. Баъзан бизни тутиб олишиб роса аямай калтаклашарди ҳам. Назаримда менинг баданларимда ўшанда еган калтаклардан қолган излар ҳали ҳам кетмаган бўлса керак.

Бир куни эса, қўшниларимиз катта опамни роса калтаклашди. Мен буни ҳеч қачон унута олмайман. Опам янги ҳовуз яқинидаги пальмира меваларини те-риб юрганда Бегнинг қизи, Ҳасин ҳам ўша ерда юрган экан. Нимадандир улар бир-бирлари билан жанжаллашиб келишибди. Фотима опам ювош ва хушфеъл киз эди, Ҳасин эса — дилозор, уришқоқ киз эди. Бегнинг оиласи унча бадавлат эмас эди-ю, аммо жуда муштумзўр эди. Олти ака-укаларнинг ҳаммаси ашаддий уришқоқ одамлар эдилар. Улардан бири — Ханиф Мондол Фотима билан Ҳасинни жанжаллашиб қолганини эшитиб, жаҳли чиқиб, ўзлари яшаётган уйдан бир неча хотинларни ўзи билан бирга олиб, бизникига келди. У Маниқ пир ибодатхонаси олдига чиқди-да: «Қани, у бемаъни Фотимани бу ёққа олиб келинглари-чи!» — деб бақирди. Хотинлар уни уйдан олиб чиқиб бу ерга олиб келишди, сўнг Ханиф Мондол уларга биттадан хипчин улашиб: «Қани, буни бир хипчинлаб қўйинглари-чи!» — деб буюрди.

Улар опамни чалажон қилиб калтаклашди.

Бизнинг қўлимиздан ҳеч нарса келмас эди, кўрқиб кетганимиздан фақат дир-дир калтирар эдик. Опам қўллари билан юзини бекитиб олиб, турган жойида дам ўлиб, дам тирилиб турар эди. Опамни шундай калтаклашдики, унинг кўкармаган бирор соғ жойи қолмади, аммо қўшнилardan биронтаси ҳам уни тарафини олиб, ажратиб қўяйлик дейишмади.

Онам йиғлай-йиғлай опамни олиб келди. У йиғлар, опамни баданида хипчин зарби қолдирган изларга ёғ суркай-суркай, қарғарди: «Мана ҳали-замон у келсинчи, уларга ҳали кўрсатиб қўяди! Худо бундай ваҳшийликни кўриб қандай чидаб турганикин, о, чидаёлмайди! Худо бу бадхоҳларни асло кечирмаса керак, уларнинг ҳали оғзидан қони келади... Худо, ахир, ҳаммасини кўриб турибди, билиб турибди! Ярамаслар! Муштумзўрлар!»

Соат бешда отам заводдан келди. Онам унга ҳаммасини гапириб берди ва опамнинг баданидан оқиб тушиб қотиб қолган қон изларини унга кўрсата туриб

талаб килди: «Сен нимадир қилишинг керак! Ахир, у бечора базўр тирик қолди! Сен уларга бир кўрсатиб қўйишинг керак!..»

Отамнинг ўшандаги уволгина киёфасини кўриб, уни ҳалигача ҳам унутолганим йўқ. Бошқа маҳалда бўлса, у бунака ишларни кўрса бақириб берарди: «Улар бизни ким деб ўйлашяпти ўзи? Мен бу ярамасларга кўрсатиб қўяман! Керак бўлса, танишларим ҳам йўқ эмас! Уларни полицияга топшираман». У нега ҳозир ҳеч нарса дея олмаяпти? Нега бошини қуйи осиб, жим бўлиб қолди? Мен ҳақиқатан ҳам отам у ярамасларни адабини бериб қўяр, деб ўйлаган эдим, у энди нимадан чўчиб турибди.

Отам бирпастан сўнг ўрнидан турди. Велосипед фонарини олди. Ҳатто қуйиб қўйилган чойга қўлини ҳам урмасдан уйдан чиқиб кетди. У ҳар ҳолда бирон-бир чора кўрса керак деган умид пайдо бўлди менда.

Маниқ пир ибодатхонасидаги мойчироқларни ёқиш учун одатда онам ёки опам боришар эди. Ўша куни мен бордим. Мойчироқ пиликлари олов олгандан сўнг-ра, мен ҳеч ким эшитиб қолмасин деб, худога ёлвордим. «Бизларни шундоғам хўрлашяптиларки, асти қўяверасиз, чунки бизнинг пулимиз йўқ, чунки отам камбағал, яна шунинг учунки, унинг ака-укалари йўқ. Шундай қилгинки, у зўравонларга вабо тегсин, уларнинг ҳаммаси бирин-кетин қирилиб кетсин. Э, худо, биз — жуда қичик, ночор одамлармиз ва шунинг учун ҳам бошқалар бизларни хўрлайдилар. Шулар ҳақида бир мартагина бўлса ҳам ўзинг ўйлаб кўргин худогинам!» Мен шуларни сўзлар эканман, кўзларимдан дув-дув ёш тўкиларди.

Отамнинг кечаси қай маҳал қайтганини билмайман. Мен ухлаб қолган эдим. Эрталаб у одатдагидай заводга кетди. Мен онамдан сўрадим: «Ойи, наҳотки уларга ҳеч нима қилмаган бўлса? Наҳотки отам уларни бирон нарса қилмаган бўлса?» Онам оғир тин олди-да: «Нима ҳам қилардик, ўғилгинам! Ахир сенинг отангда пул дегани нима қилсин? У бир катта амалдормиди? Ўзларинг тезроқ катта бўлинглар. Катта бўлганларингдан кейин — улардан ўчларингни оларсизлар».

Шунга ўхшаш воқеалар жуда кўп бўлган эди. Ҳаммасини гапириб бериб бўлармиди?!

Мана, яна бир мисол. Бизнинг кварталимиздан бўлган Иқбол деган бола акам билан тенгдош эди. Унинг Наби деган укаси менинг укам билан ўртоқ эди. Улар бир сафар Набиларнинг уйида бирга ўйнаб ўтиришганларида, стол календарининг уч-тўрт варагини йиртиб кўйишди. Шунинг устига Иқбол кириб қолади. У укамнинг ёқасидан ушлаб олиб, кекирдагига кўлини босиб, онамни олдига олиб келди ва онамга: «Ўғлинг календаримизни йиртиб кўйди, энди ё штраф тўлашларинг керак, ёки янги календарь сотиб олиб беришларинг керак. Шундай қилмасаларинг катта жанжал кўтараман», — деди. Онам деди: «Кечгача шошмай тур! Эрим ишдан келсин, унга буни айтаман». Отам уйга келиб улгурмасданок, Иқбол ҳозир бўлди: «Қани, янги календарни бу ёққа чўзинглар, бўлмаса яхши иш бўлмайди!» Отам уни юпатишга уннаб: «Нима бўлди сенга ўзи, — деди. — Бунча жаҳлинг чиқиб турибди. Қани, ўтир-чи, сизларга нима бўлди, бошидан гапириб бер-чи».

Иқбол жуда такаббурлик билан отамга календарни кўрсатди, унда число ёзилган бир неча варағи етишмас эди. Иқбол ойлар ва ҳафта кунларини: «санди», «манди» ва ҳоказо деб инглизчалаб талаффуз қилиб қолди. Иқболга савод ўргатишибди! Отам йиртилган варақлар ўрнига оддий қоғоз варақлар кўйиб беришни таклиф қилди. Иқбол: «Йў-ўк!» деди. Отам, бўлмаса бу варақларнинг баҳосини тўлайми, — деди. Аммо Иқбол бунга ҳам рози бўлмасди. Яхшиси, янги календарь сотиб олиб бер, бўлди вассалом! Хуллас, отам эртасига заводга ишга бормай, магазинлардан худди шунақа календарь топиб келиш учун Қалькуттага жўнади. Мен ўшанда отамнинг бу ишидан жуда жаҳлим чиққан эди: нима учун у шунчалик ўзини ерга уради?

Аммо, кадр-қимматимизни бундан ҳам баттар оёк-ости қиладиган ишлар опамни турмушга берадиган пайтда юз берган эди: олдин унаштирилаётган пайтда, кейин эса тўй бўлиб, қайнонасининг уйига кўчиб борадиган пайтда.

Унаштирилаётган пайтда бизникида зиёфат берилиши лозим эди. Оқсоқолга отам зиёфатга фақат қариндош-уруғлар ва квартал кексалари таклиф қилинади

деб айтди. Аммо зиёфатга бир кун қолганида квартал кексалари ўзаро тил бириктиришиб, отамга: «Агар ҳамма жамоатни таклиф қилсанг, қилдинг бўлмаса биз ҳам тўйингга келмаймиз ва қариндош-уруғларинг-ни ҳам келишга йўл қўймаймиз!»— дейишди.

Ҳамма жамоа дегани — бутун квартал дегани. Бу гап отам учун ёзда момақалдироқ бўлгандай гап эди. Нима қилиш керак? Зиёфат тушга тайин этиб қўйилган. Отам уйма-уй чопиб юриб, одамларни таклиф қилар, унатишга ҳаракат қиларди, аммо ҳеч ким майли борайин демасди. Ушанда отамга қарзга пул кўтариб, шошилиш равишида озиқ-овқат харид қилишдан ва кечкурун ҳам бўлса-да, бутун кварталдаги одамларга зиёфат қилиб беришдан бўлак илож қолмаган эди. Номусни қўлдан бермаслик учун отамга ўзоқ вақт давомида қарзга ботишга тўғри келган эди.

Борган сари бундан ҳам баттар аблаҳлик юз бераётган эди.

Отам қандайдир Али Бахшининг ўғли Нуриддин билан жанжаллашиб қолди ва бу Нуриддин отамдан ўчини олиш учун менинг опам Фотимани қандайдир бир ҳинд кирчининг ўйнаши деб гап тарқатди. Опамни ўн бир ёшида турмушга берган эдик ва у эса бундан уч-тўрт йил ўтгандан сўнггина, қайнонасининг уйига кўчиб борган эди. Фотиманинг эри парчинчи эди. У йигит бутунлай саводсиз эди, аммо ажойиб ишчи, ҳамма шнинг устаси эди. Нуриддин опамнинг айни эрининг уйига кўчиб ўтаман, деб турган пайтида унинг шаънига ана шунақа тухмат уюштирган эди.

Онам билан отам салкам ақлдан озиб қолишаёзди. Бунинг устига кварталимиздан баъзи одамлар тухматчиларга ҳа-ҳалаб, уларнинг гапини маъқуллаб ҳам туришди. Бу масалани муҳокама қилиш учун ҳатто панчоят мажлисини ҳам чақирди. Шу билан у ярамасларнинг жиловни тортиб қўйилди, деб ўйлайсизми? Ҳеч ҳамда. Нуриддин ва унинг ҳамтовоқлари — безори ва каллакесарлар. Уларни бир ёқлик қилишга отамнинг юраги бетламади.

Болалар ҳам катталардан қолишмади.

Мен кўпинча Ғулوم Алининг кичик ўғли Мони билан ўйнардим. Бир куни ҳавога варрак учирдим. Мони бирдан чопиб келиб, варракни ипидан узиб олди-да, уйига

қараб чопди. Мен уни орқасидан: «Бер! Бер варрагимни, бер!» деб югурдим. Шу ерда қаердан чикди, билмайман Монининг акаси Акбар пайдо бўлиб қолди. У мени елкамдан тутиб олиб, ерга қараб итқитди, роса дўппаслади, бу Бегнинг уйи олдида бўлаётган эди. «Энағар! Насаби—фақир бўлган палид! Хали укамни варрагини тортиб олмакчи бўлдингми?» Ён-атрофда одамлар роса кўп эди, аммо уларнинг бирортаси ҳам бу адолатсизликни кўриб туриб, лом-мим демади. Мен йиғламадим ҳам ва ҳеч кимга арз ҳам қилмадим.

Яшириқча ховуз бўйига келдим-да, юзимдаги қон доғларини ювдим ва ўзимни Маниқ пир ибодатхонасига урдим: «Э, худо! Бизларни нега ҳамма хўрлашади, чунки йўқсилмиз! Сен бизнинг душманларимиздан ўчимизни олишинг керак. Уларнинг ҳаммасининг қони оғзидан келиб ўлсин!» Мен онамга бу ҳақда ҳеч нарса демадим. У бечора нима ҳам қиларди? Йиғлайди, қарғайди, шундан бошқа иш қўлидан келармиди.

Мени Акбар дўппаслаган жой хотин-қизлар шляпаси фабрикасида ишлайдиган анави амакимнинг уйига яқин эди. Ушанда холам мени қандай дўппаслашаётганини уйдан кўриб турган экан ва у эртасига бизникига келиб, онамга: «Сингилжон, қара-я, бечорани қандай дўппаслашипти-я. Бунга қандай чидаб турибсизлар?» Онаминг устига гўё тоғ қулаб тушгандай бўлди. «Нима? Нима бўлди?» — деди. Холам жавоб қилиб: «Нима бўлди эмиш! Кеча Акбар сени Булунгни тутиб олиб хали мушти билан, хали оёғи билан, хали таёқ билан роса калтакласа бўладими. Булунинг юзи қоп-қора қонга беланиб кетган эди!» «Мен эса бу ҳақда ҳеч нарса билмайман» — деди онам. Мени ёнига чақириб, силаб-сийпаб эркалаб сўради: «Қаерларингга уришди, болажоним? Қаерларинг оғрияпти? — Кейин эса холамга ўгирилиб: — Нима ҳам қилар эдик Бану?! Уларда пул дегани мўл, шунинг учун ҳам бизларни хўрлашгани хўрлашган».

Баъзан отамнинг велосипедини кўргани кўзим йўқ эди. Назаримда худди мана шу велосипед отамни уйдан ва кварталимиздан доимо узоқларга олиб кетиб қолаётгандай туюлар эди. Агар отам кўпроқ вақт уйда ўтирганларида, менга биров қўлини кўтаришга журъат қила олармиди? Аммо бошқа бир томондан олиб қараганда, мен велосипедни Кешта-бабу дўконига ремонтга олиб



борганимда бу велосипед туфайли унда, фақат ундагина эмас, балки кўшни дўкон эгаларида ҳам менга нисбатан хурмат кўзгатар эди. «Қани кел, ўтир, чой ич, печенье е!» дейишарди ва мен шундан кейин отамнинг велосипедидан хафа бўлмай кўярдим.

Одамларнинг оиламизга нисбатан қандай муносабатда бўлишларидан қатъи назар, кварталимиздаги кўшнилари-ларимизнинг барчаси ўз дардлари, юмушлари, судли ишлари билан маслаҳатлашгани отамнинг олдига келишарди. Отам бўлиб ўтган ҳамма гина-кудуратларни унутиб, дархол уларга кўмаклашишга тушарди. Онам эса бундай пайтларда эшик орқасида ўтириб олиб, атайин ҳамма эшитсин учун: «Ҳамма керагида — кел хўжа, нокерагида — бор, хўжа! Сенинг ўрнингда бошқа бир одам бўлганида бу ишга аралашмас, кўлини ҳатто совуқ сувга ҳам урмаган бўларди. Бу одамлар худди мушукка ўхшашади. Панжасига зирапча кирса суйканиб, эркаланишади, зирапчасини чиқариб олсанг, кейин ўзингни талашади»,— дерди. Отам бунга жавобан: «Душманга ҳам ёмонлик раво кўрма, яхшилик қил, деган донолар»,— дерди. Отам камбағал эди ва шунинг учун ҳам у хушфеъл эди.

Шундай бўлса-да, биз барчамиз анча-мунча пулдор одамларнинг ёрдам сўраб бизнинг уйимизга ташриф буюриб туришидан гоят ғурурланар эдик. Мен эса: «Аҳа! Энди қўлга тушдингми бечорагинам!» деб ўйлардим.

## ШАНБА

Бугун мен доктордан аччиғландим. У мени бурнимга трубкасини жуда кўполлик ва эҳтиётсизлик билан тикди.

Гап унинг оғриғида эмас. Бурнингга трубка тикса, бу умуман унча ёқимли иш эмас. Гап шундаки, доктор ўзининг вазифасига эътиборсиз, ҳатто масъулиятсиз муносабатда бўлди.

Бугун мен мажбур қилиб овқатлантирилаётган вақтда, биринчи марта кўрқувни ҳис қилдим. Илгарилари кўпгина маҳбуслар, трубка тикаётиб уларнинг ўпкасини яралаганлари ёки трахеяларини бекитиб кўйганликлари, ёинки сутни керакли ерга эмас, бошқа жойга қўйиб юборганликлари туфайли уларда пневмония (ўпка шамоллаши) касали пайдо бўлганликларидан ўлиб кетиш-

ган, бу билан ҳазиллашиб бўлмайди, жуда эҳтиёткорликни талаб қилади.

Албатта, менга ҳам азоб бўлди, аммо энг ёмони бу— кўрқинчли бўлиб туюлиши эди.

Бу тадбир камокхона маъмуриятининг иш планига кирмайдими? Улар кўрдиларки, бизларни очлик кўрқита олмаяпти. Сўнгра эса, улар бизни мажбуран овқатлантириш орқали кўрқитишга қарор қилишди. Албатта, уларнинг иши — кўрқитиш. Аммо мен нимага ҳам кўрқай? Ахир, гап ҳали ҳам ўша — ўлим олдидаги даҳшат ҳақида боряпти. Нимадан бўлса ҳам — ихтиёрий очликданми ёки мажбурий овқатлантиришданми ўлиш, бу барибир эмасми?

Мени бошқа нарса кўрқитади. Улар биринчи марта келганларида мен улар билан чинакамига олишардим, энди эса фақат бир оз қаршилик кўрсатган каби ҳаракат қилиб қўяман, холос. Улар ҳам буни жуда яхши тушунишади ва улар ҳам ўзларини ўша пайтда гўё бизларни мажбурий равишда овқатлантиришаётгандай тутишади.

Ўладиган бўлсам ҳам ўлимдан кўрқишимни бўйнимга олмайман, бу ахир, ўзимни енгилаетганимни тан олганлигимни ифода этган бўлар эди. «Кўрқаман» ёки «ўлимдан кўрқаман» дейиш — бу батамом бошқа-бошқа нарсалардир. Биринчиси — вақтинча, ўткинчи бир ҳисни ифода этади; иккинчисида эса — мутлоқлик. Аммо яна шу билан бирга мен яшашни хоҳлашимни тан олмасдан ҳам иложим йўқ.

Ҳамма иш, ана шунда бўлса керак; ўлимдан қанчалик кўрқсанг, шунчалик яшагинг келади. Бўлмаса одамлар... кўрқинчли тарзда ток симларига ёпишишар, оғу ичишар, поезд тагига ётишарди.

Темир йўл ҳақидаги воқеани — отам ҳалокатини ўйласам, сочим тикка бўлиб кетади.

Бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмадим, аммо темир йўлда умумбашарий иш ташлаш бошланганда, менинг хаёлимда бир савол кўндаланг келаверди. Отам нима қилган бўларди? Иш ташлашга қатнашармиди ё йўқми! Бу саволга охир-оқибат отамнинг ўзидан жавоб олгим келди. Ўз тасаввуримда, мўъжизавий қудрат ила уни кўз олдимга келтириб, гапирдим: иш ташлаш вақтида барча поездлар тақа-тақ тўхтади. Агар тақа-тақ тўхтаса, унда сен ҳам ота, ўлмайсан. Тўғрими?

Ота: «Менинг Ўғилгинам қандоғам эслик бола-я!»  
деб қўйди.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Макбулнинг онаси вафот этганида, уларнинг уйи таъзия билдиришга келганлар билан жуда гавжум бўлди. «Агар менинг ҳам онам вафот этса, ўшанда бизникига ҳам анчагина меҳмонлар келади-да!» — деб ўйлаган эдим. Мен онамнинг вафот этишларини сира истамасдим. Шунчаки бизникига ҳам бошқаларникига ўхшаб меҳмонлар келишиб, серодам бўлишини истардим. Дадам бетоб бўлиб қолганларида дўстларидан битта-яримтаси хабар олиб туришди. Мен бундан жуда қувонгандим. Менинг қувончим дадамнинг бемор бўлиб ётганидан эмас, балки уйимизга меҳмон келганидан эди.

Биз ёлғизланиб қолганлигимиз учун ҳамма бизни хафа қилади, деб ўйлардим. Агар уйимизда кўпчилик бўлганида эди, дадамнинг ҳам ҳеч ким обрўйини ерга уролмасди. Бунинг устига дадам билан онам камроқ жанжаллашишсаydi!

Мен яна шундай хаёл қилардим: «Дадамнинг тўрт-бешта зўр ва кучли ака-укалари бўлганда эди, қандай яхши бўларди-я!»

Гоҳи-гоҳида сеҳрли қалпоқча ҳақида хаёл сурардим. Қани энди шундай қалпоқчам бўлганида ҳамма ёмонларнинг адабини бериб қўйган бўлардим. Сеҳрли қалпоқча ҳақида Фотима опам ҳикоя қилиб берди. Бундай қалпоқчани қандай топиш йўлини ҳам тушунтирди. Бунинг учун хуфтон номози ўқирилиши билан эски молхоналарнинг бирига кириб олиш керак экан. Насиб қилганининг кўзига бузоқчаларнинг бирортасининг бошида сеҳрли қалпоқча кўринади. Ўшанда қалпоқчани бузоқчанинг бошидан ким олса, у ўшаники бўлади. Уни кийиб истаган жойга бориш мумкин. Сен ҳаммани кўрасан, сени эса ҳеч ким кўрмайди. Сеҳрли қалпоқчани кўраман деб Бекнинг уйи қаршисидаги эски молхонада неча тунларни бедор ўтказмадим.

Опам менга яна шундай эртақ ҳам айтиб берди: «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир чўпон бола бўлган экан. У подшонинг подасини боқар экан. Ҳар куни пода олдига жуда катта бўғма илон судралиб келар, чўпон

бола эса унга сут ичирар экан. Бунинг эвазига илон боладан миннатдор бўлиб, ҳар хил бошидан бир дона кимматбаҳо тош олиб<sup>1</sup> чўпон болага берар экан, охирида бола жуда бадавлат одамга айланибди».

Илоннинг бошидан кимматбаҳо тошларни олиш учун мен уйимиз олдидаги кўкаламзорда соатлаб ўтирдим. Мен илонни кутардим. Ҳозир у келади ва мендан сут сўрайди, мен унга тўйгунча сут бераман. Факат у менга оҳанрабо тошидан берса бўлгани.

Баъзан кечалари далага чиқиб кетардим. Қари илонлар далада турли хашаротларни тутаётганларида бошларидаги оҳанраболарини ерга кўйиб кўядилар, деб эшитгандим. Қимматбаҳо тошнинг жилоси узокдан ялтираб кўринади. Агар омад келса, молнинг қуриган тапписини олиб, ялтираб турган ўша кимматбаҳо тошнинг устига ёпилса, қари илон ўзининг хазинаси қаердалигини кўрмай қолади ва бунга чидай олмай ўлади. Мен кечалари ухламасдан қийналардим. Шунга қарамай, ҳар ҳолда мен бир сават тўлар-тўлмас молнинг қуриган тапписини тайёрлаб, сал қоронғи тушиши билан далага чиқиб, нафасимни чиқармасдан кутдим. Барибир ҳаммаси бекор кетди. Охири бу машғулотни ташлашга тўғри келди.

Менда яна ажинани чақиритиш орзуси ҳам бор эди. Бу иш мана бундай амалга оширилади. Қуръон-суралардан ташкил топганлиги маълум. Шунга биноан, хилватроқ жойда, мачит ёки бирор азиз-авлиёнинг мозорида бирорта сурани сидқидилдан узок вақт такрорланса (баъзи бирини беш юз марта, баъзисини минг марта, бошқасини қирқ ёки ҳатто саксон кун сурункасига) ўшанда ҳам ўзининг белгиланган вақтида ажина келиб сени турли-туман ваҳимали қилиқлари билан кўрkitишга ҳаракат қилади.

Ажина ҳазилакам нарса эмас. Одамзоднинг у билан тегажожлик қилиши мумкин эмас. Ахир ажина «олов», «у ёниб туради». Агар ажина одамга яқинлашса, одам кулга айланади. Агар одам ажинани ўзига бўйсундириб олса, у дунёда энг кучли қудратга эга бўлиб, ҳамма

---

<sup>1</sup> Хинд ривоятларига кўра илоннинг боши ҳар хил кимматбаҳо тошлар билан безалган бўлар эмиш.

нарасага муяссар бўлади. Фақат узлуксиз белгиланган мухлат давомида куръондагидек сурани аниқ такрорлаб юрилса, ажина сенинг ҳукмингда. Бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Жуда катта жасорат, сабот ва матонат керак. Чунки, ажина турли хил қаршилиқлар кўрсатиб, одамни кўркитади. Оддий одамларда жасорат етишмайди. Бу фақат бахти қулганларгагина ёр бўлади.

Қулларнинг бирида мен Туроб Алининг айвонидан Умар Шайх мачитида кичик устоджининг воқеасини эшитиб қолдим, у ажинани чакириб ўзига бўйсундиришга ҳаракат қилган экан.

Устоджи кунни-кунга улаб сурункасига куръон ўқиди, ниҳоят, йигирма еттинчи куни ажиналар пайдо бўла бошлади. Устоджини кўркитиш ниятида ажиналар ҳар хил киёфага кириб, гоҳ ваҳший ҳайвон — йўлбарс ёки айик, гоҳ ваҳимали катта бўғма илонга айланиб оғзини очиб, судралиб келиб устоджини ютмоқчи бўларди.

Ўттиз тўққиз кун деганда ажиналар баҳайбат эрхотин девга айланиб, устоджи олдида ўзларининг ярамас қилиқлари билан тегажаклик қила бошладилар. Улар ўтинлардан бир ғарам қилиб гулхан ёқдилар. Жуда оч қолганлари туфайли аллақадан бир одамни тутиб келиб, икки оёғидан икки томонга тортиб, икки тақсим қилиб, ўтга тутиб пишириб едилар. Улар овқат еганлари сари оч қолар эдилар. Ва ниҳоят, девлар тўппа-тўғри устоджининг рўпарасига келдилар. Бечора устоджи кўрқувдан ўқиётган куръонини ҳам унутиб, ҳушидан кетганича ерга кулаб тушди. Эсизгина, яна оз фурсатдан сўнг ажиналар унинг измида бўлар эди-я.

Бунақа ҳикоялардан менинг сочларим типпа-тик бўлиб кетарди, аммо ўзимни овулардим: «Қўрқмасанг-чи, бола, жами бўлиб, қирқ кун экан! Ичингда куръонни туширавер: «Қулҳу оллоху аҳад, оллоху самад...»<sup>1</sup> — Шундай давом эттиравер — бунинг нимаси қийин. Албатта ажинани ўзимга бўйсундираман. Мана кўрасиз, бир оз улғайин».

Мен яна Сулаймон пайғамбарнинг сеҳрли узугини қўлга киритишни орзу қилардим. Бунинг учун ҳам мах-

---

<sup>1</sup> «Айт: у — оллоҳ битта. Оллоҳ абадий» (Куръон, 112 суръа).

сус суръатда қуръон сураларини ёд айтавериш керак. Сехрли узукка эга бўлган одам, нимани хоҳласа ўшанга эришиши мумкин, сехрли узук учун топиш имкони бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Мен ҳамиша шундай... Яъни мен... Умуман мен ўзимда, нимаики хоҳласам, барчаси бўлишини истардим. Ундан камига сира ҳам рози бўлмасдим...

## ЯКШАНБА

Ўтган кечаси камералар қулфлангач, менинг хаёлимдан тушимга ҳам кирмайдиган фикрлар ўтди.

Мен бир синфдошимни хотирладим. У кўнгли вайрон бола бўлиб, кўпинча менга уни ҳамиша эротик истаклар қийнаб юришини айтиб, шикоят қиларди. У виждон азобидан ўз жисмининг овозини ўчириш мақсадида Вивекананданинг<sup>1</sup> китобларини ўқирди. Аммо бу китоблар унга ёрдам беролмасди. Бечора ўз этини ўзи ер эди. Баъзан у энгларини шимариб, менга кесилган ерларини кўрсатар эди: тана исёнини босиш мақсадида у қўлини устара билан тилиб ташлаганди. Мен унинг аҳволига жуда ҳам ачинар ва Флагеллянтларни эслардим<sup>2</sup>, улар кўчаларда, ҳамманинг олдида ўз-ўзларини калтаклаб, азоблаб юрардилар. Менинг бу синфдошим улғайгач, полицияга хизматга кирди. Биз у билан бир мартами, икки мартами учрашдик, холос. Ҳозир унинг ҳамма иши жойида, виждони ҳам ортик қийнамай қўйган.

Ўз-ўзини азоблаш менимча бу бефойда ишдир. Мен шунчалик телба эмасманки, калламга қелган беқарор фикрлар таъсирига тушиб, ўз-ўзимни тилиб ташласам.

Очиқиш бор, бошқаси бор, булар табиий таннинг талаби. Очликни тўғри келган нарса билан кондира олмайсан: нарсалар еса бўладиган ва еса бўлмайдиганларга, фойдали ва зарарлиларга бўлинади.

---

<sup>1</sup> Вивекананда (ҳақиқий номи: Норендронатх Дотто, 1863—1902) — ҳинд мутафаккири ва жамоат арбоби.

<sup>2</sup> Флагеллянтлар — Ўрта аср сектачилиги аъзолари. Улар ўз-ўзини азоблаш — қалбни тоза сақлаш воситаси, деб ҳисоблайдилар.

Бу ўринда ҳам худди шундай. Талаб бошқа, бу талабни кондириш — бутунлай бошқа гап.

Одам билан ҳайвон ва одам билан одам ўртасидаги фарк ҳам худди мана шу талабларни кондириш усуллари ва бу кондиришга мувофиқ қайси усулни танлашга қараб ажратилади. Масалан, бизнинг олифталаримиз, ювиндига чиқариб ташланган овқат қолдиқларини титкилаб ётган одам ёнидан хотиржам ўтадилар, бурунларини жийирмайдилар ҳам, аммо бир йигит бир қизнинг биланидан тутганини кўриб қолсалар борми. «Қоровул! Ким бор? Охир замон бўлди!» деб дод соладилар.

Мен ҳали жуда ёш маҳалларимдаёқ Нибарон-да менга жуда кучли таъсир қилганди. Унинг тунд, озғин, ботик юзида чакноқ кўзлари ялтираб турар, киёфасида одамни сеҳрлаб кўядиган нимадир бор эди.

Нибарон-да мақола кетидан мақола ёзарди. У Шри Оробиндо<sup>1</sup>, Крон Откин, Бернард Шоу ғояларини икки пулга чиқарди, ва улардан ҳеч гап қолмади. Бу ақл учун озуқагина эмас эди, балки, қандайдир кайф қилдирадиган ичимлик бўлиб, ундан кўнглингиздаги ҳамма нарсалар бутунлай чапараста бўлиб ва бошингиз тескари айланиб кетарди. Бир куни Нибарон-да тантанали равишда, худди ўқувчисига мураббийлик қилаётган йоғларга ўхшаб менга шундай деди: «Ҳеч қачон уйланма! Эҳтиёт бўл, пардаси йиртилган қизларга кўз ташлама! Агар уларга илашсанг кўзингни хира парда қоплайди ва шу билан қаллангни йўқотасан».

Бир вақт, эрталаб биз у билан кўчада кетаётгандик, у йўлдаги уйлардан бирини кўрсатиб: «Ху, ана у ерда коммунистлар яшашганди, биласанми, улар ҳеч кимнинг ҳеч қандай шахсий нарсаси бўлмаслигини исташади. Ҳатто уларга, хотинлар ҳам умумий бўлиши керак. Ким қайси хотин билан бўлишни истаса, ўша билан ётиши мумкин дейишади», деб қолди.

Ҳозир мен шуни тушундимки, Нибарон-да ўшанда мен билан эмас, балки ўзи билан ўзи гаплашган экан. Бўлмаса, бир мишиқи бола билан бунақа темаларда суҳбатлашишга унга зарил келганмиди?

---

<sup>1</sup> Шри Оробинда — Оробиндо Гхош (1872—1950) ҳинд диний мутафаккири.

суҳбатлашишга унга зарил келганмиди?

Ва мен ҳозир, энди Нибарон-данинг қийновчи фикрларини бизнинг партиямиз аъзолари орасида сочиб юборилган майда тангачаларга ўхшаш икки қутбни кўриб турибман; баъзи ўртоқлар аскетик каттиққўллик, иккинчилари — тўла бошбошдоқлик тарафдоридирлар.

Нимага ўзи мен фақат бошқалар ҳақида гапирганим-гапиргану ўзим ҳақимда миқ этмайман?

Ору, кекса, машҳур революционернинг қўлга туширилган муҳаббат хатини овоз чиқариб ўқиганларида, сен эмасмидинг ҳаммага қўшилиб кулган?

Ва яна Ору, уйларида холаваччанг—ёш бева жувон меҳмон бўлганини эслагин. Сен креслода ўтириб китоб ўқир эдинг, бирдан сингил-бўланг сенинг елканг устига эгилиб, гўё китобга қараётган бўлиб, чуқур-чуқур нафас олиб, сени оташин нафаси билан ёндирганди. Аммо сен ўрнингдан турмадинг, кетмадинг ҳам, чунки сенга ҳам бу яқинлик ёқаётган эди. Оқшом ҳаммаларинг битта катта кўрпа остида уйкуга ётганларингда гўёки тасодифан сенинг қўлинг унинг кўкраги устига тушиб қолди, сен уйғониб кетсанг ҳам, жувоннинг кўкрагидан қўлингни олмадинг. Енгил тўрни нарига суриб жувон юзини сенга яқинлаштирди. Аммо эртаси куни, қандайдир зарур иш чиқиб қолганини баҳона қилиб, сен кўркканингдан уйдан чиқиб қочдинг. Бўланг, ёш бева аёл сенга: «Ору, ахир мен ҳам одамман-ку!» демаганмиди.

Ўша воқеани ва унга ўхшаган яна қанчаларини инкор қила олармидинг?

Йўқ, мен ҳеч қайсинисини инкор қилмайман. Аммо Шунинг билан бирга ўзимни айбдор деб ҳис қилмайман ҳам. Ахир мен қўлни оловга тиксанг қуймайди деб айтолмайман. Ёки овқатланмай ўтирсанг оқлик ўз-ўзидан йўқолади, деб ҳам айтолмайман.

Қизиқ, гўёки мен ўз-ўзим учун ҳам судья, ҳам айбланувчи, ҳам адвокатлик қилаётирман. Мен ишни шундай олиб боряпманки, процесда судья айбланувчи ва адвокат томонидан ҳаром йўл билан топилган пулга олдиндан сотиб олинган. Шунинг учун бу ишнинг нима билан тугашига шубҳа қилинмоққа ўрин йўқ.

Дўстларим кўпинча менга тегишилади: «Қон чикса, кўзга ташланади, аммо уят кўзга кўринмайди-ку». Ростини айтганда, мен ҳеч қачон уларнинг бундай ишларига қарши фикр билдирмаган эдим ҳам.



Аммо баъзан мен ҳақиқатан ҳам жуда ёлғизланиб қоламан. Ошнамникига борсам, у уйда бўлмайди: хотини билан кинога кетган бўлади. Баъзи дўстларимнинг аллақанча болалари ҳам бор. Уларнинг чуғур-чуғурини айтмайсизми! Кўп ўртоқларимиз турмадан туриб кизларга хат ёзишади ва жавоб хатлари ҳам олишади.

Баъзан ўйлаб кетаман: Ума муштук юбориш ўрнига менга хат ёзиб юбориши ҳам мумкин эди-ку. Илгари турмага почта келтирганларида ҳамма ўзига келган хатни олишга интилиб, отилишарди. Аммо менга ҳеч қачон, бирорта ҳам хат келмаган.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Бир пайтлар, Бхола муаллим менга ўзи билган ҳамма нарсасини ўргатар экан, у менинг бошланғич мактабга ўқишга ярашимни аниқлади. Мен у мактабда Қарам Али исмли бола билан дўстлашдим. Шу пайтгача мен уни унутолмайман. Қарам Али жуда қобилиятли бола эди. Мен уни янги Видьясагар<sup>1</sup> бўлиб етишади, деб ўйлардим. Уларнинг оиласи Жанубий бозор ёнида яшарди. Унинг ўзи ўқитувчилар ошхонасида кичик ошпаз бўлиб ишлар ва айни пайтда мактабда биз билан бирга ўқирди. Мен у билан танишганимдан кейин биздан ҳам камбағалроқ одамлар борлигига тушундим. Синфимизда Қарам биринчи ўқувчи эди, мен эса иккинчи эдим. Аммо мен унга сира ҳам ғайирлик қилмагандим, у билан яқин дўст бўлиб қолгандик.

Тўрт йиллик ўқишимиз юзасидан мен имтиҳонларни муваффақиятли топширдим. Қарам Али эса бетоб бўлиб қолганлиги туфайли топширолмади. Ундан иккинчи Видьясагар чикмади албатта, чунки унинг ўқиши шу билан барҳам топганди. Кейин у Қалькутгадан бош олиб кетди. Бир куни мен унинг қишлоғини кидириб топиб, уйига бордим. Шунга қадар биз ўн беш йил кўришмагандик. У эски бир чордеворда яшаркан. Хотини, икки боласи бор экан. Бичувчилик хунари билан унинг оиласи

---

<sup>1</sup> Видьясагар — асл маъноси «Билимлар океани», ҳақиқий исми: Ишшоргондро Шорма (1820—1891) — машхур бенгал маърифатпарвари ва адабиётшуноси.

бир илож қилиб топганини вчма-уч рўзгорга етказиб яшар экан. Утган вақт давомида у жуда ҳам ғалати бўлиб қолибди. У мени кўраркан, югуриб ҳам келмади, эски дўстини кучоқ очиб кутиб ҳам олмади. Муҳтожлик унинг энг яхши одатларини ҳам янчиб ташлаган эди.

Мен эса ўшанда тўртинчи синфни тамомлаб, ўрта мактабга ўқишга кирдим. Менга бўёқ фабрикасида ишлайдиган доктор ёрдам берди. Ўша ерда ишловчи кимёгар Али соҳиб менинг ўқишга киришим учун ва кейин ҳар ой ўқиётганим учун пул тўлаб туришга рози бўлди. Аммо бир неча ой ўқишимга пул тўлаб тургач, Али соҳиб Европага кетди. Менинг мактаб билан хайрлашишимга тўғри келди. Мен бир оз муддат уйда шуғулланишга уриниб кўрдим. Баъзан энди ўқишни давом эттиришдан маъно йўқ, деб қолардим. Ёки заводга, билим юртига бёрсаммикин? Унда беш йил ҳеч қандай пул-мул олмасдан ўқишим керак. Бизнинг камбағаллигимиз бунга дош беролмасди.

Шу билан бирга, ҳеч қандай иш, юмушсиз гап сотиб юриш ҳам тўғри келмасди. Шундай ҳолатда бошим қотиб юрган кунларнинг бирида Мажидий тоға чакириб қолди. Унинг ёнида икки йиллик мактаб очган Отақул ҳам бор эди. Мажидий тоға Отақул билан бирга шундай шартномага келишди. Мен унинг мактабида бир қанча муддат муаллимлик қиламан, айти пайтда Отақул менинг ўзимни ўқитади ва бир йилдан кейин менга Шибпурдаги катта мактабга кириб ўқишимга ёрдам беради.

Худди шундай бўлиб чиқди ҳам. Мен бу катта мактабга ўқишга қабул қилиндим. Мактаб директори Бродж-дулалнинг юзида катта шиши бор эди. Мен кўрқувдан ўзимни йўқотиб қўйгандим. Мен оддий бир мусулмон фарзанди бўлсам, мактабнинг зўрлигини қаранг! Ҳатто мен шошганимдан директор билан қандай саломлашишни ҳам билолмай қолдим, унга мусулмончасига «салом» десаммикин ёки ҳиндчасига «номошкор» деганим маъқулмикин. Бошимни қуйи эганимча унинг рўпарасида миқ этмай ўтирардим. Директор мен билан гапириша бошлаб, худди ўқишга қираётган болани синаб суҳбатидан ўтказгандай мулойимлик билан муомалада бўлганда, мен хайратдан ёқа ушлаб қолдим. Мен илгари ҳеч қачон бунчалик мулойим овозни, бунчалик ширин оҳангни эшитмагандим. Бутунлай ноқулай аҳволда қолдим. Директор,

ниҳоят, сўзининг охирида шундай деди: «Афсуски, мактабдаги барча пулсиз ўринлар тўлиб бўлган. Сиз бизнинг секретаримиз Иришинхога мурожаат қилиб махсус рухсатнома сўрашингизга тўғри келади. Аризангизга мутаваллилар советининг аъзоси Боларам кўл қўйиши лозим». Боларам жут фабрикасида бухгалтер бўлиб ишлар эди.

Ўз вақтида отам Боларам билан муниципалитет сайловларида танишган эди. Шунда отам деди: «Жуда яхши! Боларам-бабу мени жуда яхши билади ва менга муносабати ҳам яхши, у бизга ёрдам беради».

Уч-тўрт кун давомида отам мени Боларам билан учрашувга тайёрлади. У менга ўргатарди: «Унинг олдида кирганинга мана бундай тур, у билан мана бундай қилиб саломлашиш керак. Эсингда бўлсин, у жуда зиёли одам, бизларга ўхшаган эмас». Онамга эса отам шундай буйруқ қилди: «Унга яхши кўйлак ва дхоти кийдиргин!» Менинг учун бу арафа ҳам кўрқинчли, ҳам қувончли эди.

Биз Боларам-бабунинг хузурига отланадиган кунимиз, отам менинг қиёфамга синчковлик билан қараб чиқиб деди: «Йўқ, бунақаси кетмайди. Дхотини бундайига ўра. Сочингни мойлаб ялтират. Кўринишинг ҳам бор-да ўзи, тфу! Худди қабристон гўрковига ўхшайсан. Тишингни ғичирлатма, иршайма, обрўлик одамларга ёқайин десанг, ўзингни жамоат орасида тутишни ўрган! Йўқ, бўлмайди, бу пандавакиннинг сўлжайиб туришини қаранг!»

Мен отамнинг велосипеди орқасига жойлашиб ўтириб олдим. Бутун йўл давомида отам ўз насиҳатларини давом эттирди: қандай туриш керак, қандай гапириш керак, Боларам-бабу ким, эътиборли кишилар бизларнинг қўшнилариимиздан нималари билан фарқ қилишади ва шунинг учун улар билан қандай гаплашмоқ лозим ва ҳоказо ва ҳоказо.

Боларам-бабу жуда яхши яшар экан. Эски услубда қурилган икки қаватли уй. Унинг олдида қадимий ҳинд нақшлари билан безатилган сердарахт ҳовли. Ҳовлининг кираверишида яна бир алоҳида уй қурилган бўлиб, у меҳмонлар қабул қилишга мўлжалланган, ичи чўғдек гиллавлар билан безатилган эди. Олдинда пешайвон баланд, нарвон-зинали.

Биз келганимизда Боларам-бабу Гангга кетган экан.

Отам велосипедини ерга ётқизиб қўйди, қутчасидан бетель олиб, уни оғзига тутди. Кейин бир чекди-да, менга, зинага ўтир, деб буюрди. Мен ўтирдим. Отам тик тура-верди.

Нихоят, Боларам-бабу қайтиб келди. Унинг велосипеди рулида Ганг дарёсининг сариқ сувидан жикқа хўл бўлган ифлос кийимлари осилиб турарди. Отам қотиб турганча, қўлларини пешонасига қилиб, Боларам-бабуга салом берди. Мен ҳам ўрнимдан ирғиб туриб, Боларам-бабуни қаршилаб, унга салом бердим. У ҳеч қайсимизга ҳеч нарса демай, уйига кириб кетди. Мен бир оз ўзимни йўқотдим. Ахир, отам, Боларам-бабу мени яхши танийди ва менга нисбатан ҳамиша яхши муносабатда бўлади, демаганмиди. Наҳотки, бу гапларнинг ҳаммасини у тўқиб чиқарган бўлса? Боларам-бабунинг кўринишига қараб, унинг бизга ёрдам беришига сира ишонмасдим. Отам ўтирди. Мен ундан юрак ютиб бирор нарсани сўрай олмасдим.

Тахминан ярим соатлардан кейин Боларам-бабу уйдан чиқди. «Ҳа, Тоҳир? Нима гап?»— дея сўради у.

Отамнинг юзида Боларам-бабудан, у билан гаплашаётганлиги учун бениҳоя миннатдорлик ифодаси пайдо бўлди, шунинг билан бирга Боларам-бабу энди уни тинглаши мумкинлигига умид ҳисси пайдо бўлди. Отам мени бармоғи билан кўрсатди ва мен, отам ўргатганидек, қўлимни пешонамга қўйиб, бошимни қуйи эгиб, таъзим қилдим. Отам шундай деди: «Бу — менинг ўртанча ўғлим. Унинг ўқишига сарф қиладиган пули йўқ. Аммо жуда қобилиятли бола у. Агар сиз, бабу, бизни ўз марҳаматингиздан дариг тутмасангиз, у ўқишини давом эттиради. Агар, сиз, мана бу аризамизга қўл қўйсангиз, ўғлимнинг бепул ўқишига имкон беришади.— Отам менинг қўлимдаги қоғозни олди ва уни Боларам-бабуга бераётиб, қўшиб қўйди:— Бабу, ёрдам беринг бизга!»

Ручкасини чиқариб, Боларам-бабу аризанинг тепасига кўк сиёҳда, хушхат билан ўз тавсиясини ёзди. Отам менга тантанавор қараш қилди. Мен хурсандчилигимдан ўзимда йўқ шод эдим. Демак, энди марра бизники!

Афсус, менинг қувончим бир ойгагина етди, холос. Бир ойдан кейин маълум бўлдики, менинг илтимосим қондирилмабди. Боларам-бабу биз ўйлаганчалик катта одам эмас экан. Аслида эса шахсан Нришинхонинг ўзидан ил-

тимос қилиш керак экан. Бу бош оғриғи давом этаверган ҳолда қарзга беш ой мактабга қатнаб қўйдим. Агар кимдир пул тўламаганлар рўйхатини тузса, мени дарҳол дарсдан чиқариб юборишлари тайин эди. Мен ҳар кун отамни Боларам-бабу билан бирга Нришинхонинг олдига боришларини сўрардим. Аммо отам пайсалга соларди. «Менинг вақтим йўқ. Ахир мен сенинг ўзингни Боларам-бабуга таништириб қўйдим-ку, ўзинг боравер унинг олдига. Ҳар кун катнайвер. Бир марта бориш билан иш битмайди. Бораверасан, бораверасан, ахийри уларнинг ўзлари сенга раҳмлари келади. Бундан ташқари, улар ўқимишли одамлар, ҳатто шунчаки олдиларида туриб, уларнинг қандай турмуш кечиришларини, бир-бирлари билан қандай гаплашишларини кўрганингни ўзи ҳам сен учун катта фойда».

Ниҳоят, Боларам-бабу мен билан бирга Нришинхонинг хузурига боришга рози бўлди. Биз Нришинхонинг уйигача бўлган масофанинг қарийб яримларига борганимизда, Боларам-бабу қандайдир бир танишиникига бурилди ва у ерда ушланиб қолди. Мен уни кўчада бир неча соат кутдим. Ахийри Боларам-бабу танишиникидан чиқди ва менга деди: «Бугун энди кеч бўлди, эртага кела қолгин-а». Шу зайлда у «эрта кел»и билан бир неча кун менинг қорнимни туйғазиб юрди ва сўнгида шундай хулосага келди: «Бўпти, яна бир ариза ёзиб, унга хат ҳам қўшиб бераман. Сенинг ўзинг шуларни олиб, Нришинхонинг хузурига борасан».

Мана қарабсизки, қўлимда ариза ва хат билан Нришинхоникига келдим. Унинг салобатли икки қаватли уйи катта ҳовузнинг қирғоғида виқор билан қад кўтариб турарди. Мен темир дарвозалар олдида тўхтадим ва уларни очишга ботинолмадим. Бирдан улар ўзи очилиб қолди ва ичкаридан қандайдир одам, афтидан хизматкор чиқди. У жуда қайғули кўринишда эди. Менинг саволимга у тўнғиллаб қўя қолди: «Ҳа, ҳа, худди ўша уй, кир!»

Эшикдан кирганимдан гулхона экан. Уни айланиб ўтиб, уйга олиб кирадиган зина-нарвон яқинига келдим. Зиналардан кўтарилиб, очик айвонга чиқиб қолдим. Айвон ўрталарида миқтидан келган бир одам ўтирарди. Унинг юзи ва бақбақаси оппок, афтидан кўпикка ўхшаган нарса билан қопланган эди; кейинчалик маҳалладаги кўшнилар менга тушунтириб бериш-

ди, бу соқол олиш учун Европанинг махсус совуни экан. Унинг атрафида сартарош парвона эди. Менинг кириб келишимга ҳеч ким эътибор қилмади. Мен эсам энди нима қилишимни ўйлаб ўйимга етолмасдим. Пришинхо-бабу деб сўрасаммикин? Бу одобдан бўлармикин? Мен шу тахлит ўйловда қолдим. Чамаси ярим соатлардан кейин менинг ёнимга афтидан менинг тенг-қурим бўлган бир бола яқинлашди ва сўради: «Нима гап? Сенга нима керак?» Мен бирор нима деб жавоб қилмоқчи бўлдим аммо овоз чиқаролмадим. Лом-мим деёлмай унга ариза билан хатни тутдим. У қозғоларни ўқиб кўрди ва уйга кириб кетди. Мен донг қотиб қолгандим. Вой анавини! Ўзи мен билан тенгу инглизчани шариллатиб ўқиб ташлади-я! Тезда қаердандир, уйнинг ичкарасидан менинг қулоғимга қаттиқ овоз эшитилди. «Унга айт, бепул ўринлар бошқа қолгани йўқ. Бундан ташқари, аввало билиш керак, у қандай ўқувчи ўзи, ярим йилликда унинг баҳолари қандай бўлган. Янаги йили унинг аризасини кўриб чиқамиз. Хозирча пул тўлаб ўқиб турсин».

Мен жуда аччиқлангандим. Аммо Боларам-бабу мени юпатди: «Қуяверма, бир иложини топиб сени бепул ўринга жойлармиз».

Орадан бир йил ўтди. Мен бирор ой бўлсин, ўқиш ҳақини тўламадим. Имтиҳон натижаларини бизларга айтишмади; махфий равишда мен шуни билиб олдим. Имтиҳонларни яхши топширибман, рўйхатда тўртинчи ўринда эканман. Аммо мени барибир кейинги синфга кўчиришмади. Янги ўқув йилида жимгина энг охириги партага ўрнашиб олдим ва ариза устига ариза ёзишни давом эттиравердим. Мактаб комитетининг ҳамма аъзолари ҳиндилар, мен мусулмон бўлганим учун улардан ҳеч нима умид қилмасам ҳам бўлади. Шу кунларда талабаларга рағбатлантиришларнинг янги тартиби жорий қилинди. Ўзим энг охириги партада ўтираман, бизнинг инглиз тили ўқитувчимиз Бхудеб-бабу, (у мусулмонларга жуда катта нафрат билан қарайди) бирдан менга мурожаат қилиб қолди: «Бу ёққа чиқчи!» Мен на тирик, на ўлик ҳолатда унга яқинлашдим, тамом дейман ўзимча, энди саваб қолади-ку. У бўлса менга: «Сен ахир инглиз тилида биринчисан-ку, шундай бўлгач, биринчи партада ўтиргин-да»,— деди. Мени совук тер босди.

Мен учун энди яширинишининг имкони қолмаган эди. Мактаб директори яхши кунларнинг бирида мени ўз хузурига чакириб олди ва шундай деди: «Биз узок вақт чидаб келдик, аммо бундан ортиқ сенинг бепул ўқишингга йўл қўёлмаймиз».

Мен отам билан пул масаласида гаплашмай ҳам қўйдим. Хулласи калом масала равшан эди: ўқиш барҳам топди. Мен ниҳоят даражада эзилган ва хўрланган эдим.

Уша кунлари мен шундай хаёл қилардим: «Қўчадан пул тўла ҳамён топиб олсам эди!»

## ДУШАНБА

Биз нимани деб курашяпмиз?

«Нима учун, нимани деб? — бундай саволлар биз учун хозир иккинчи даражали аҳамият касб этиб қолди. Асосийси, у ердаги ва турмадагилар кучини бирлаштиришдир. Ахир фарқ фақат шундаки, бу ер кичик турма, у ер бўлса — катта турмадир. Кундан-кун равшанроқ тушуниб борасанки — бизнинг мамлакатимиз мутлақо озод юрт эмас, мутлақо мустақил эмас. Империализм фақат ниқобини ўзгартирди, холос.

Мен ўртоқ Прасадга ачинаман. Ўртоқ Сталин аллақачонлар айтган, хинд буржуазияси жаҳон дунё империализми томонида бўлади. Бундан ташқари, у буржуазия ҳаммадан кўпроқ ўз мамлакати пролетариатидан кўрқади. Бу қай йўсинда содир бўлади, ўртоқ Прасад, партиядо катта вазифада бўла туриб, шунчалик маълумоти билан, бу масалада шунақа кўпол хатоларга йўл қўйдими?

Аммо-лекин нима бўлганда ҳам ўртоқ Прасад шундай инсонки, бунақасини бошқа учратиш қийин. Ҳанузгача мен у билан боғлиқ бўлган бир воқеани эслаб юраман. Бизнинг ҳар кўни чиқадиган газетамиз эндигина ташкил қилинган пайтлар эди. Мен партия ходимлари коммунасида яшардим.

Уша кўни редакцияда иш шунчалик қайнаган эдики, биз вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолган эдик. Ходимлар етишмасди. Бунинг устига баъзилар ишга кел-

май қолишарди, оқибатда бизга у-бу нарса тотиниб олишга ҳам вақт етмасди.

Кутилмаганда менга шундай деб қолишди: «Сизни ўртоқ Прасад чакиряпти». Ўша пайтлар у партия биносида кичик бир хонада ишларди. Мен унинг хузурига кирган пайтимда ўртоқ Прасад ўз секретарига қандайдир ҳужжатни айтиб ёздирётган эди. Бош иргаш билан у менинг ўтириб туришимни сўради. Мен жуда хаяжонланаётган эдим. Афтидан корректурада катта хато кетган, бунинг жазосини тортиш керак эди. Биз аллақачон бундай иш учун ҳайфсан олиб улгурган эдик. Аммо ўртоқ Прасад айтиб ёздиршни тамомлагач, ҳаммадан олдин, ўзининг нонушта солинган кутисини очди. Унда бўлган ҳамма нарсани тенг икки бўлакка бўлди ва оддийгина қилиб деди: «О!» Кейин тез-тез инглизчалаб гапира бошлади. Маълум бўлишича, у мени, ўз характеримга кўра, газета редакциясида биқиниб ўтиришим эмас, балки Бенгалиянинг кишлоқларида ишлашим лозим деб биларкан. Кейин, бобомнинг аҳволини сўради.

Фақат ўша пайтлари эмас, ҳатто ҳозир ҳам мен, партия раҳбари ўз ишлари бошидан ошиб ётган бўлсада, ўз ходимининг ҳали ҳеч нарса тотинмаганлигини билиб, унга емак тутишини тасаввур қилолмайман. Албатта, ўртоқ Прасадни раҳбарлик лавозимидан четлаштириб тўғри иш қилдик, чунки у партияни оппортунизм ботқоғига олиб бораётган эди. Аммо унга ўхшаган одам ҳеч ҳам топилмаса керак. Очиғини айтганда, мен шунинг англаб олдимки, партиядаги юмшоқ кўнгилли одамлар кўпинча оппортунизмга ён босиб кетадилар. Революция эса шиддатли ва шафқатсиздир. Шунинг учун революционернинг ўзи ҳам шиддатли ва шафқатсиз бўлиши керак. Агар ҳаммавақт юмшоқ кўнгилли, ён босадиган одамлар билан ишлайверсанг, оппортунизм илдизларини суғириб ташлаш унчалик осон кўчмайди.

Мана, «нима учун», «нимани деб» саволларига ҳожат йўқлигининг сабаби. Агар бу ерда, турмада ҳам биз қандайдир конкрет талаб билан кураш олиб борсак, пировард-натижада бу фақат ўзимизнинг айрим чекланган талабларимизни қондиришгагина эришган бўлар эдик ва шу билан тинчирдик. Оппортунизм бу



маълум талабларингнинг қондирилишидан қониқиш демакдир.

Йўқ! Биз ҳамма нарсани туб-тубигача вайрон қилишни ва ҳаммасини янгидан қуришни истаймиз.

Ҳукумат бизни бу турмадан қандайдир узок бир турмага кўчирмоқчи. Афтидан, Сикким<sup>1</sup>га бўлса керак.

Биз мана шу кўчиришга қарши ҳам кураш олиб борамиз. Биз ҳукуматга бизни қариндошларимиздан ва дўстларимиздан ажратишга ҳақи йўқлигини билдирдик. Аслини олганда эса, бу масалада гап қариндош-уруғлар ва дўст-оғайниларда эмас. Биз революцион кайфиятдаги халқ билан бирга қолишни истаймиз холос. Жанубда озод қилинган районлар зонаси кенгайиб бормоқда. Нариги томондан бизга юборилган картадан кўриниб турибдики — революцион армиянинг худди катта камон ўқларига ўхшаган икки қаноти тобора каттароқ территорияни эгаллаб бормоқда ва бир-бири билан қўшилишига яқинлашмоқда. Худди мана шунинг учун ҳам ҳукумат ўзининг чекинишини олдиндан сезгани холда, бизларни бу ердан олмоқчи.

Бизнинг турма қомитетимиз узок вақт ўнг оқим таъсиридан жабр кўрди. Аммо у ёқдан олинган кўрсатма бизни қайта тўғри йўлига туширди.

Бонши жуда гангиб қолибди, чунки у кекса Жамолнинг таъсирига тушибди. Жамолнинг ўзи эса масалани тўғри англашга қийналар эди, чунки у мохият-эйтибори билан ҳеч қачон оммавий ҳаракатда иштирок этмаган эди. Бундан ташқари у бомбалар, тўппонча ва шунга ўхшаш қурооллардан фойдаланиб иш кўрувчи терроризмдан қаттиқ нафратланиб, унга қарши узок кураш олиб борди. Бадша тўғри йўлни танлаши мумкин эди. Аммо турмада, менимча, унинг нигоҳи хиралашдиёв. Бўлмаса революция шундоққина рўпарамизда турибди-ю, у бўлса, мен ҳали революцияни кўролмаяман, деб уриб-енгади. Бунинг яна бир сабаби ҳам бор: Бадша, албатта, ишчи ку, аммо нима бўлганда ҳам пролетар эмас-да, революцияда фақат занжиридан

---

<sup>1</sup> Сикким — Ҳиндистон Республикасига қарашли штат.

бўлак ҳеч нарсасини йўқотмайди. Унинг ахир ўз уйи бор.

Бу борада мен мактанаверишим мумкин. Хўсусий мулкчилик иллатидан мен ҳолиман. Менинг бобом ғирт пролетар, агар унинг олаётган пенсияси ҳисобга олинмаса. Бизнинг хатто ўз уйимиз ҳам йўқ. Менинг ишчи-пролетарлардан синфий фарқим фақат шундаки, мен ақлий меҳнат билан шуғулланаман, улар эса жисмоний меҳнат билан.

Агар мени бу ердан узоқ жойга кўчиришса, бобом учун бу ёмон зарба бўлади. Аммо иккинчи томондан бобом озод қилинган районда яшай бошлайди, мен унга хавас қилсам бўлади.

Кеча Банкурдаги тамаки фабрикасининг ишчиси иккинчи каватда ўтирган Қаролий мендан сўраб колди: «Нима учун озодлик армияси ханузгача бу ерга етиб келмаяпти? Нимага у бизни озод қилмаяпти?» Мен унга шундай жавоб қилдим: «Озод қилинган районларда ҳозир мингта проблема. Улар учун бизларни озод қилишдан ҳам муҳимроқ ишлар бор».

Аммо-лекин нима деган бўлмай, худди шу саволлар менинг ўзимни ҳам қийнаётгани рост эди.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Кунлаб мен уйда ўтирар ва ўқишим масаласида бирор иш чиқара олмаётганимдан қайғурар эдим. Кутилмаганда бизниқига Абдулла кириб: «Чизмакашликка киришни хохламайсанми?» деб колди. Мен ўйлай-ўйлай рози бўлдим.

Абдулла Шайх Жалилнинг ўғли эди. Шайх Жалил бир вақтлар Рангунда кир ювиш корхонаси очган, кейин ўз ватанига қайтиб, темир йўл конторасида ёзиш-чизиш ишида ишлади. У бир пайтлар инглизлар хизматида бўлган ўша машхур Идриснинг кизига уйланганди. Менинг онам Абдулланинг онаси билан тутинган дугона эдилар. Уларнинг оиласи ҳам худди бизларниқига ўхшаган камбағал эди. Абдулла ҳам ўқишни ташлаб, ишлашга мажбур бўлган эди. У чизмакашликка кирди, чунки чизмакашлик учун, айникса нусха кўчириш учун инглиз тилини чуқур билиш талаб қилинмас эди. Абдулланинг бошлиғи Стоун-сохиб

эди. Абдуллани у яхши кўрарди, чунки бунчалик ишнинг ҳаммасини бир ўзи эплолмаслигини, ўзига ёрдамчи кераклигини биларди. Шунинг учун ҳам у мени ўз ишхонасига жойлаштирди.

Мен ўз-ўзимни юпатар эдим, ахир шунчалик қобилиятли бола Алтаф ҳам тўққизинчи синфгача ўқиб келиб камбағалчиликдан охири мактабни ташлашга мажбур бўлди-ку. Алтаф мендан катта эди. Табиатан қатъиятли ва гурурли бола эди. Отаси вафот этгач, у барча тоға ва холалари билан жанжаллашиб чикди ва уйдан кетди — Метебуруждаги бой оилалардан бирига уй ўқитувчилигига ёлланди. Уй ўқитувчилигининг нима эканлигини биласизми? Бундай ўқитувчига пул беришмайди, фақат унга алоҳида хона бериб, қорнини тўйғизишади холос. Мен Алтафникида меҳмон бўлган эдим. Унинг хонаси ботаника ва бошқа табиий фанларга оид китоблар билан лиқ тўла эди, у диний асарларни ҳам ўқиб турарди. Аммо унинг энг севимли машғулоти — инглиз луғатини ёд олишдан иборат эди. Кейин унинг бошидан қандайдир фожиали бир муҳаббат можароси ўтди-ю, Алтаф бузилди, дайди бўлиб кетди. Лекин у мен ҳикоя қилаётганим вақтларда мени кўп марта руҳимни кўтарганди: «Қўрқма, биз сен билан кечки мактабга ўқишга борамиз, имтиҳонларни экстерн йўл билан топширамиз», — дерди у. Унинг гапи менга анча қувват бўларди.

Шундай қилиб келажакка умид билан мен яна ишлай бошладим. Маҳалладагилар бир-бирларига шивирлай бошладилар: «Тоҳирга такдир кулиб боқди! Ўртанча ўғли чизмакашликка ишга жойлашди!» Калькуттанинг қимматбаҳо магазинларидан бирдан акам менга шоҳи кўйлак сотиб олиб берди. Икки рупий-ю, ўн тўрт ан! Мен шу кўйлакни кийиб ишга борардим. Онам ҳам, акам ҳам менга: «Идорага ҳамиша озода кийимда, доғ-дугсиз қатнаш керак», — дейишарди. Қўшнилари ҳам бир жаҳон йўл-йўриқлар беришди. Кўплар менинг муваффақиятимдан қувондилар, албатта хасад қилган кишилар бўлди.

Айниқса, менинг яхши ишга жойлашганимдан Ниямат тоға жуда хурсанд бўлди. Унинг ўзи темир йўл бошқармаси архивида ишлар эди. Ким бўлиб ишлар-

ди, дейсизми! Шунчаки муқоваловчи бўлиб, аммо буни ҳаммадан сир тутарди. Ниямат тоға ўзини шунчалик сипо тутиб юрардики, маҳалламизда ҳамма уни истеҳзо билан Катта Бабу деб аташарди. Мендан хурсанд бўлганининг сабаби шу эдики, канақасига айлантурсанг ҳам, мен маҳалламиздан биринчи бўлиб идорада ишлаётган йигит эдим. Қолган ҳаммалари кир ювувчилар ёки ишчилар.

Ниямат тоға менга шундай деди: «Менинг маслахатимга кулоқ солгин, сен бу шоҳи кўйлакни қийиб юрма, ташла бунақа бойваччаликни. Шоҳи кийим икки кунда тўзийди. Яхшиси сен ўзингга одми, енгсиз кўйлак сотиб олгин. Шанба кунлари ювиб дазмоллайсан — бир умр кийсанг бўлади. Лекин сидкидилдан ишлагин! Сен ахир камбағал оиладансан, ўзингни кўрсатишинг керак». Ва яна у менга ўзимни идорада қандай тутишим лозимлигини қўярда-қўймай ўргатарди. Маҳалла кўшнилари миз унинг менга бераётган ўғитларини эшитиб, оғизларини очиб эшитиб турардилар, албатта менга ҳавас қилмасдан иложлари йўқ эди.

Отам жуда бахтли эди. Ҳазил гапми — ўғлини идорага ишга олишгани. У менга дерди: «Чизмакашлик ишини яхшилаб ўрганиб олгин. Ундан кейин мен Пала-бабудан илтимос қиламан, сени заводимизга чизмакаш қилиб жойлаштиришади». Отам уйимизга Абдуллани таклиф этди ва ҳурматини жойига қўйиб, меҳмон қилди. Отам менга нисбатан биринчи марта жиддий муносабатда бўла бошлади. Менинг ўзим ҳам анчагина ғурурланиб қолдим. Абдулла чизмакаш бўлиб ишлагани учун маҳалламизда анча машҳур эди. Қизларнинг ҳаммаси унга ҳавас қилишарди. Мен, энди мен ҳам шундай шуҳратли бўламан деб ўйлар эдим.

Абдулла идорада ишласа ҳам ҳеч қачон ўзини катта олмас эди. У ақлли, босиқ йигит эди, аммо ҳиндистонликлар билан бўлиб турадиган жанжалларда қаттиқ олишарди. У тўполоннинг ўртасига тушиб қолдими, уни тутиш-тўхтатиш қийин эди. Шунинг учун ҳам маҳалламиз йигитлари уни жуда ҳурмат қилишарди. Ўз пулларига еб-ичирардилар, фоҳишахоналарга олиб борардилар, ҳатто кийимини ҳам сотиб олиб берардилар. Абдулла айни пайтда отасига ўхшаш пишиқ эди. Идорада у менинг учун худди ўз акам ўрнида эди.

Мана, шундай қилиб, мен ҳар куни ишга қатнай бошладим. Менга ёруғ, сезгир қоғозга нусха кўчиришни топширишди, аммо бундан ташқари, шунга яқин бўлган кўпгина ҳар турли ишларни ҳам топширишди. Мен гоҳ-гоҳ чизмаларни у департаментдан бунисига таширдим, гоҳ нусха қоғозида инглизча ҳарфларни чизишни ўрганар, шунга ўхшаш ишлар билан шуғулланардим. Мен кечки мактабга ўқишга ёзилдим, аммо энди менда ўқишга нисбатан асосий таянч йўқ эди. Орадан бир неча кун ўтгач, менга идора ҳам ёкмай қолди. Бир сафар мени идоранинг киравериш жойига юкчилар келтирган қоғозга нусха кўчириш анжомларини қабул қилиб олишга юбордилар, иккинчи марта цехга жўнатдилар, мен у ерда илгаридан ўзимга таниш бўлган ишчиларни учратдим. Бу одамлар юкчилар, ишчилар, менга яқин ва тушунарли эдилар, аммо таомилга кўра мен идорада ишловчи бабу бўлганим учун улар билан муносабатда бўлишим, ўз шаънимни ерга уришим ҳисобланарди.

Идорада ҳамма бир-бири билан инглиз тилида гаплашишарди. Мен уларнинг гапидан ҳеч нарса тушунмас эдим. Абдулла ҳамиша менга ёрдам беришга ҳаракат қиларди ва нима қилишни бенгалчасига секингина айтиб, тушунтирарди. Икки катта лойиҳачилар, Чоудхурд ва Гхош, инглизча кийинишар, костюмда юришарди. Ҳам инглизча гаплашишарди. Иккаласи ҳам мени ёқтиришмасди. Улар афтидан ўзларича: «Қаердан пайдо бўлди бу машак? Лойиҳачи бўлармиш! Шункаларнинг бу даргоҳда юриши биз учун уят», — деб ўйлашарди.

Абдулла бу бошқа гап. У жуда саранжом-саришта кўришарди. Сочларини орқага тарайди. Териси қорамтир, кизғиш. Кийим ҳам унга яхши ўтирарди: нимаики киймасин, ҳаммаси ярашимли — баъзан костюм, баъзан дхоти ёки панжоби киярди. Таниш кир ювувчи йигитлар ҳамиша унинг кийимларини ювиб, тозаси билан таъминлаб турардилар. Агар, дейлик, унинг қимматбаҳо костюмига мос ботинка зарур бўлиб қолса, дўстлари ҳамиша қарзга пул топиб беришарди. Тўғри, Абдулланинг пастки лаби қалинроқ эди, аммо яхши кийимда у қарийб шахзодалардек кўринарди. Гапга ҳам чечан эди. Мен бўлсамчи? Теримнинг рангини кўриб турибсиз ўзингиз, қанақа. Қора. Қаллам ҳам келишмаган. Бунинг устига мен у

вақтлар фақат эски-туски кийимларда юрардим. Инглиз тилида бирор сўз ҳам билмасдим. Шундай қилиб қарғага товуснинг думи қандай ярашса мени идорада ишлашим ҳам шунчалик ярашарди.

Кун бўйи зерикиб ўтириб-ўтириб, баъзан пинакка кетиб қоламан. Абдулла, баъзан пайқаб қолган пайтлари, елкамдан туртиб, хушёрлантирар эди. Мен эсам, барибир соатга қарайверар, зерикар ва тезроқ соат беш бўла қолсайди, деб орзикиб кутардим.

Дераза ортидаги, ишхонамиз ёнида жойлашган қабристонга қараб, мен ўзимникилар, отам, онам, уйимиз ҳақида ўйлардим.

Абдулла бу иш менга ёкинқирамаётганини тушуниб қолди ва менинг кайфиятимни маҳалламиздагиларга айтди. Ҳаммаёқда гап кетди, мени қоралашди. Гап бориб отамнинг қулоғига ҳам етди. Қўшнилар унга писанда қилишиб, ўғлининг идорада ухлаб, гўёки ўз ўсиб-унишини ўзи барбод қилаётганини билдиришди. Отам мени эговлай бошлади: «Мен саккиз ёшимдан канат фабрикасида ишлай бошлаганман! Сенинг бошингда шундай бахт қуши қўниб турса-ю, сен аҳмоқлигингдан уни ўз қўлинг билан ҳайдасанг». Отам бунақа гаплар билан мени кўндириб бўлмаслигини кўргач, сўкинди ва ҳар хил йўллар билан мени кўрқитиб кўрди.

Шу йўсинда бир ярим ойлар чамаси ўтгач, мен ётиб қолдим: ўнг оёғимнинг бош бармоғида бирдан катта шиш пайдо бўлди. Воҳиднинг онаси уни ёрди ва қандайдир смола билан ярани мойлади. Аммо мен фақат уч ҳафтадан кейингина қайта оёққа турдим. Бир куни Абдулла бизларникига келди-да, мен отпускам ҳақида кеч ариза берганлигим учун Стоун-соҳиб мени ишдан бўшатганлигини, ўрнимга бошқа бир йигитни олганини айтди.

Отам ғазабдан ўзини йўқотиб қўйганди. Ўз-ўзимни оқлашларим, касаллигим сабабли шундай бўлгани ҳақидаги гапимни у эшитишни ҳам хоҳламасди: «Албатта, одам идорада ухлаб ўтирса, бундай кишини ушлаб туришармиди?!». Отам Чоудхури ва Гхошни мени қайта ишга олишга кўндиришга уринарди. Чоудхури лимонни жуда яхши кўрарди. Бизнинг уйимиздаги битта лимон дарахти йил бўйи ҳосилини сақлаб турарди. Отам Чоудхурини кўндириш мақсадида, унга тинимсиз лимон ва ширинликлар ташир, аммо булардан ҳеч қандай натижа чикмасди.

Бундан кейин отам бутунлай эс-хушини йўқотди. Кечаю кундуз мени бу дунёдаги жамики ҳақорат сўзлар билан сўкарди ва уйдан ҳайдаб юбораман деб қўрқитарди. Худди шундай деди ҳам: «Йўқол, кўзимга кўринма! Кет, уйда қорангни кўрсатма! Бу ерда сенинг арвоҳингни ҳам кўрмай!»

## СЕШАНБА

Партия ишончли йўлга тушиб олди. Шахсан менинг учун партия линиясининг тўғрилиги шу билан тасдиқланадики, мана энди биз бошқаларнинг думи бўлиб эргашиб юрмаймиз. Биз ўз оёғимизда ўзимиз мустақил туришга ўрганяпмиз. Биз фақат ҳозирги кунимизни танқидий ўрганмаймиз. Ўтмишни атрофлича таҳлил қилиб чиқиб, ундан ўзимиз учун кераклисини ажратиб оламиз, қолганини тарих ахлатхонасига ағдарамиз.

Ўрток Прасадни икки йил олдинроқ вазифасидан кўчирган бўлганимиздамиди! Ўшандаёқ биз оппортунизмдан юз ўгириб, ҳозирги партиямиз линиясига тушиб олган бўлардик!

Ундай бўлганда, мустақиллик бизга марҳамат билан тақдим этилган бўлмасди. Биз қуролли қўзғолон билан асл мустақилликни қўлга киритган бўлардик. Ҳақиқий қахрамонларни етиштирардик. Инглизларни ҳайдаб чиқариб, ҳокимиятни ўз қўлимизга олар эдик — бутун мамлакат янгидан қайта яратилар эди! Ҳиндистон ва Покистонни ажратиб ташлаш иши амалга оширилмас, ҳиндийлар билан мусулмонлар ўртасидаги қирпичоклар бўлмасди!

Аммо энди, нималар бўлмагани, нималар бўлиши мумкинлиги ҳақида қайғуришдан фойда йўқ.

Боншининг гапидан хулоса чиқариб қараганда, у ердаги партия раҳбарлари турма партия комитетидан унчалик ҳам рози эмаслар. Шундай бўлиши табиий ҳамдир. Менинг ўзимга кўпинча кекса Жамолнинг тактикаси ёқавермайди. Боншига нима, у Жамол таъсирида бутунлай йўқ бўлди. Унинг хатти-ҳаракати, ишларида қандайдир кексаликка хос аломатлар пайдо бўлди. Ҳар бир масалани у минг томондан ўрганиб кўради ва ҳамини қўйлажак у ёки бу қадамнинг оқибатлари нима билан ту-

гашини ўйлаб кўради. Агарда унинг ўрнида мен бўлганимдамиди, аввал ишни бажарардим, кейин муҳокама қилардим.

Шундай дейману мен сўздагина чаққонман холос, ҳатто сўзда ҳам эмас, тўғриси фикр юритишда. Эълон қилинган мана шу очлик давомида ўзимнинг амалда қанақа эканлигимни жуда яхши тушуниб қолдим. Мана кундалик ёзиб боряпман. Бир қарашда осон ишдек туюлади. Шундай пайтлар ҳам бўладики, ўз хис-туйғу ва фикрларимни оддий ва равшан ифодалаб беролмайман. Нимадир зарур нарсани ёзмоқчи бўламану аммо мен ёзгунимча бу «нимадир» аллақачон менинг ўзимнинг онг-шуурида ўзгариб қолган бўлади. Масаланинг нафақат ташқи формаси ўзгаради — то мен қоғозда авторучкани юритгунимча, масаланинг моҳияти бутунлай ўзгариб қолади.

Мен университетда табиий фанлардан ўтмаганман, лекин бир танишим менга бир вақтлар айтиб қолганди: «Бизга, ҳеч қачон, атомнинг ичида нима ҳаракат қилаётганини билиш имкони бўлмайди, чунки бунинг учун унинг ичига ёруғлик нурини юбориш керак, аммо ёруғлик нури билан биз беихтиёр атомнинг ички тузилишини ўзгартириб юборамиз».

Агар ҳақиқатан ҳам шу гап рост бўлса, демак, инсон қалбини, унинг онгини тадқиқ қилиш атомнинг ичини ўрганишдай гап. Бироқ, шу кунларда мени мутлақо бошқа нарса банд қилиб қўйган. Қоронғи тушиши биланок мен бутун диққатимни тўплаб, турма дарвозалари овозини тинглайман, қачон автомобиль гудоги эшитилишини кутаман.

Бугун мени мажбурий овқатланишдан озод қилишди, мен эсам бундан унчалик ачинганим ҳам йўқ. Енгил шамоллаб қолгандим, бурнимга трубка теккизишлари биланок акса ура бошладим. Доктор: «Бўпти, бугунча бекор қилинсин», — деди. Мен ҳам унга дарров: «Ҳа, бугунча бекор қилинади», — дея илова қилдим.

Мен бундай дейишим лозим эмас эди. Чунки бундан: «Бугун эмас эртага овқатланарман» деган маъно чиқади. Бу менинг томонимдан розилик аломати бўлиб туюлмадимкин уларга?

Очлик эълон қилинишга қилинди, бу қанча давом этаркан энди? Унинг охири кўринмасди. Яна шуниси га-



латики, қандайдир йўллар билан биз тамакини анча жамғариб бораётган эдик. Кундузги улуш бурунгидек бўлиб қолаверди. Менга бу сира ҳам ёкмайди. Мен ҳатто Бадшанинг ҳикояларига ҳам кизикмай қўйдим. Бу ҳикоялар менга узун ва зерикарлидай бўлиб қолди. Энди бошлаб қўйдингми, тўхтатишнинг иложи йўқ.

Менинг характерим ўзи шунақа: агар бирор ишга киришдимми, уни охиригача етказмасдан қўймайман.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Ҳозирги Шибпур мактаби илгариги Нурул Девоннинг ёзги боғига жойлашган. Нурул Девон қачонлардир машҳур заминдор бўлган. Айни пайтда «Си-Си-Мэн» компаниясига қарашли заводда лойиҳачи бўлиб ишлаган. Нурул Девоннинг хусусий оту араваси бор эди, унинг уйи ёнидан ҳеч кимнинг юришига рухсат берилмасди. Шу кунгача унинг барча болалари-ю, неваралари ундан қолган меросга яшаб келишяпти. Уйини албатта бир неча бўлакка бўлиб олишди. Бу уйнинг кўпчилик эгаларига лойиҳачилик касби ҳам мерос бўлиб ўтиб қолди. Улардан фақат бир нечаларигина коммерсантлик фирмалари ва почтада ишлаб кетдилар.

Нурул Девоннинг болаларидан бири Нурул Наби ҳам катта лойиҳачи вазифасида ишларди. Менинг ҳалиги ғовғоларим ўтиб кетгач, отам мени ана шу Нурул Набига лойиҳачиликка шогирдликка берди. У катта ҳовлида қариндошларнинг ўзидан ҳам шогирд лойиҳачилар етарли эди. Айниқса, Нурул Набига узоқ-яқиндан жуда кўплар шогирд бўлиб келардилар. Масалан, бечора Бечарам ҳам унга шогирдликка қатнардди. Унинг отаси «Тата<sup>1</sup>» компаниясига қарашли заводнинг моделчилик цехида мастер бўлиб ишларди. Бечарамнинг оиласи камбағал оилалардан эмас эди. Аммо Нурул Девоннинг болалари— айёр халқ. Улар бегоналарни ҳам, ўзиникиларни ҳам бирдай ўқитиб, тарбиялашарди, аммо ишга фақат ўзлариникини жойлашарди. Икки йил ҳунар ўрганиб, ҳеч қаердан иш тополмаган Бечарам ўқитувчиларнинг ҳаммаси билан сану манга бориб, сўкишиб чиққан эди.

Нурул Девоннинг ҳовлисида ҳамиша иккита ўргатув-

---

<sup>1</sup> «Тата» — хиндларнинг йирик компанияларидан бири.

чи яшашарди. Ҳатто уларнинг биттаси санъат бўйича бакалавр ҳам эди. Бирок, уларни кеча-кундуз аямай ишлатишар, фойдаланишарди. Моҳиятига кўра улар ҳам хизматкорлар билан тенг одамлар эдилар.

Шунинг учун мен Нурул Набига қатнаган бўлиб кўринсам-да, Абдуллага, ундан лойиҳачиликни ўрганишга катнардим.

Ўша пайтлари мен Қодир Шайх ва Ганда Шайхларнинг компанияси билан тил топишган эдим. Бу компанияга мансуб кишиларнинг кўпчилиги кемаларда ишлашар ва чет элларда бўлишарди. Шунинг учун улар бир-бирларини «Кекса Жон» деб аташарди. Бу йигитларнинг кўпчилиги Абдулланинг жўралари ва шишадошлари эдилар. Тўғри, уларнинг баъзилари мутлақо ичишмасди.

Уларнинг жамоасида мен турли хил олди-қочди ҳодисалар тафсилотини эшитардим. Бирок баъзан бу даврда жиддий проблемалар ҳам муҳокама қилиниб қолинарди. Кемалар ҳақида, Европа тўғрисида, Америка ҳақида, Бирма ҳақида гапиришарди. Масалан, Иқбол Рангунда яшаган пайтлари «Шоағат» ва «Муҳаммади» газеталарига ёзилган эди. Бу газеталарда мусулмон жамиятининг ривожланиш йўллари ҳақида ёзишарди. Иқбол бир қанча мақолаларни бизларга овоз чиқариб ўқиб берарди.

Ўша йиллари мусулмон ёшлари ўртасида ўзаро ёрдам комитетлари тузиш, клублар, кутубхоналар ва шунга ўхшашлар тузиш одат тусига кирганди.

Бизнинг маҳалламизда, менинг акамнинг ташаббуси билан жамоат ўзаро ёрдам комитети ташкил қилинди. У пайтларда Назрул Исломи<sup>1</sup>нинг номи баланд жарангларди. Биз ҳаммасидан олдинда, эканлигимиздан беҳад ғурурланардик. Қўшни маҳаллалардан бирида Идрис номли шоир яшар эди. У жуда машҳур бўлиб жуда кўп китоблар ёзганди. Масалан, мусулмонларнинг ашаддий душмани Бонкимчиндро<sup>2</sup>га қарши китобча ёзган. Кенг тарқалган бу китобча «Бонкимнинг қизи» деб аталарди. Унинг иккинчи китоби «Ҳинд хотин-қизларининг ярамас одатлари ҳақида» учун ҳукумат унга эллик рупий жарима тўлатган ва китобни ман этган эди.

---

<sup>1</sup> Назрул Исломи (1899 йилда туғилган) — бенгал шонри. кейинчалик шуҳрат топган биринчи мусулмон ёзувчиси.

<sup>2</sup> Бонкимчиндро — Чоттопаддхай (1838—1894) машҳур бенгал ёзувчиси.

Саводли мусулмонлар ўша пайтлари ҳиндларга душманлик кайфиятида бўлган ёзувчиларни жуда хурмат қилишарди.

Бошда, бизнинг комитетимиз учун фақат шу Идрис кўшик ёзиши керак деган қарорга келган эдик. Аммо биз кейинчалик бу фикримиздан қайтгандик ва бу ишни Юнусга топширдик.

Юнус бичиқчи эди. У жатрани жуда яхши кўрар, ҳиндийлар билан ҳам жуда яхши муносабатда эди. У жуда яхши сўзлар ва бенгалчасига жуда яхши ёзар эди.

Юнус шеърини ёзар, Чанд амаки унга музика тўқирди, биз эса ҳар якшанба куни кўшиқни айтиб кўчага чиқардик. Қизиқиш жуда катта эди. Биз атроф-теварагимиздаги маҳаллаларни айланиб чиқар, муҳтож мусулмонлар учун пул, овқат, кийим тўплардик. Биз бичхлардан ер олиб, у жойга комитетимиз учун бино қуришни ва водийдаги барча бева-бечораларни бахтли қилишни орзу қилардик.

Биз ўзимизни кечки мактабимизни ҳам ташкил қилдик—Жамол Бакшнинг ҳовлиси ташқарисида. Абдулланнинг отаси Бенгал-Нагпур темир йўли семофоридида ишларди. У бир неча синф ўқиган ва аризаларни чиройли ёза биларди. Жамол Бакшнинг ўзи эса темир йўл бошқармасида хйзматчи эди. Улар Абдулланинг отаси билан икковлон ўқитувчи излаб топдилар. Уни Бихарилал Де деб аташарди. Мактаб тез орада ишга тушиб кетди. Барча маҳаллалардан ҳиндий ва мусулмон болалари ўқишга келишди. Шундай ҳолатлар ҳам бўлгандики, ҳатто ота ва ўғил бир синфга бирга катнашарди. Масалан, Фотеҳ ва унинг отаси Ҳинду амаки. Уларнинг иккаласи ҳам ўқишда тезда муваффақият қозонишди. Романлар, пьесаларни мустақил ўқий бошладилар. Мактабда тартиб ва тозаликни сақлаш иши бўйича Фотеҳ ва Вилоят амаки масъул эдилар. Ҳар куни мактабни очиш, ёпиш, синфларда чироқларни ёқиш, парталарни ўрни ўрнига қўйиш ишлари билан Ниямат амаки шуғулланарди. Бошда бизнинг мактабимизда керосин чироқларидан фойдаланилди, кейин газ чироқлар қўйилди.

Бихарилал муаллим жуда кўнгли очик, ақлли, оддий одам эди. Ҳамма уни яхши кўрарди. Унга ўн рупий ҳақ тўлашарди.

У жуда камбағал эди. Унинг тўйига бизнинг маҳалламиздан совға учун юз рупий тўпланди. Жоржетдан ажойиб сарилик сотиб олдик. Олтин билан безалган аёллар тарағи харид қилдик, бетель учун кумуш қутича ҳам олдик. Қутичасига шундай деб ёздирдик: «Фанимиз тунининг машғаласига, миннатдор ўқувчиларидан». Ўқитувчимиз камбағаллигидан бизни тўйга айтолмасди. Шунинг учун биз бу совғаларни оламузу тўйга таклифсиз ҳам кириб бораверамиз. Шундай қилиб, ҳаммамиз тўйга етиб келдик. Ўзи ҳам келиннинг биринчи таом тортиши<sup>1</sup> маросимига келибмиз. Ҳамма шошиб қолди. Уйдан биз учун стуллар олиб чиқишди. Бизга қанчалик иззат-хурмат кўрсатишганини кўрсангиз эди! Едириб-ичирмасдан қўйиб юборишни сира исташмасди! Биз учун бу хурмат жуда ёқимли ва ҳаяжонли эди. Ҳазил гапми! Биз мусулмонларни ҳинд уйида шунчалик иззат-икром билан меҳмон қилаётган эдилар!

Бизнинг кварталимиздан сал нарироқда Ислом Мунши яшарди. «Мунши» сўзи мирзо, хат ёзиб берувчи маъносини беради. У қабристонда мирзолик қиларди. Ўлганларнинг отини, қаердан эканликларини ёзиб борарди. Ҳиндийларни у бутун қалби билан ёмон кўрарди. Унинг акаси эса қандайдир муниципалитет комитетида ишларди. Ислом Муншининг ўзи муниципалитет сиёсатини ёқтирмасди. Ҳаммавақт у: «Ҳиндийлар бизнинг елкамизга миниб олишган, агар уларни биз елкамиздан ағдариб ташламас эканмиз, оёққа туришимиз қийин!» дерди. Шу зайлда бизникилардан бири у билан гаплашиб мактабимизга муниципалитетдан инспектор чақиртирибди. У етиб келди. Бахтимизга инспектор ҳам мусулмон экан. Уни палов дамлаб, қовурилган жўжа билан сийлашди. Бошини айлантриб, мактабимизда учта муаллим бор деб ишонтиришди. Шу тахлит мактаб учун расмий таъминот оз бўлса-да, бериладиган бўлди. Ҳукуматдан саккиз рупий, муниципалитетдан ўн саккиз рупий оладиган бўлдик.

Аммо бир неча йил ўтгандан кейин мактабдан путур кетди. Ниямат амаки ҳар куни белгиланган вақтда мактаб эшикларини очар, аммо ўқувчилар сони кундан-кун

---

<sup>1</sup> Бенгал одатига кўра тезда, тўй ўтган захотпёк, келин-куёвнинг қариндошлари ва дўст-оғайниларига таом тортиб, меҳмон қилинади.

га камайиб борарди. Баччу тоға сўкинарди: «Итдан таркаганлар! Дуч келган жойда сангиб юришадию аммо мактабга қатнашмайди. Уларнинг олдига осмондан тушилсаю икки кўза шароб қуйиб, кейин чиройли, ёш муаллимани таклиф қилсанг!»

Шундан кейин гап-сўзлар, тортишувлар юрди. Бихарилал муаллим кетиб қолди. Унинг ўрнига келган муаллим мактабнинг чўнтагига қўл солиб, пулдан ура бошлади. Молиявий масалаларда кўп камчиликлар содир бўла бошлади. Уқитишни бекор қилишди. Тез орада мактаб бутунлай ёпилди.

## ЧОРШАНБА

Кўпинча шундай гапларни эшитиб қоласан киши: «Бундай дўппимни ерга қўйиб ўйлаб кўрайин-чи, нимага интилиб юрибман ўзи? Оилани боқиш керак. Олти жон, олтови ҳам бер, ейман дейди!» Кимнинг гапига қулоқ солмагин, фалон жон, ейман дейди, деган гаплар. Олдинлари бундай гаплар менинг жаҳлимни чиқарарди. Энди эса жуда яхши тушунаманки, бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмас экан.

Афтидан ҳамма бизнинг ётоғимизни унутиб қўйганга ўхшарди. Гўёки биз тирик одамлар рўйхатидан аллақачонлар ўчирилгандаймиз. Худди оғзимиз, жиғилдонимиз йўқдай. Агар ҳаммага нисбатан ҳам шундай муносабатда бўлинса, дунё аҳолисининг ҳоли не кечарди!

Кун бўйи, нима иш билан шуғулланмайлик, фақат бир нарса ҳақида ўйлардик: тезроқ кеч бўла қолсайди. «Завод»имизнинг «ўтхона»си ёнишини сабрсизлик билан кутамиз. Мажлисларда иштирок этганимда ҳам ўзгаларнинг барча гапларини тинглаб ўтирмайман, ўзим ҳам камдан-кам гапираман. Кўпинча ўз хаёлларим билан банд бўламан. Таомлар ҳақида ўйлаб кетаман. Илгари еб юрган яхши-яхши таомларни эслайман. Ҳатто олдинлари назарим илмаган овқатларни ҳам соғиниб, егим келади. Яна илгари хаёлимга ҳам келмаган нарсалар ҳақида ўйлаб кетаман.

Ўртоқларнинг нутқларини эшитиб ўтириб, калламда, турмадан чиққанимдан кейин нималар ейишимни бир-бир санайман. «Роял» ресторанида антрекот буюраман.

«Амзазия» ресторанида қовурилган товук. Молларчокда<sup>1</sup> дахи<sup>2</sup> ейман. Ва яна димланган сабзавотлар ҳам. Катта бозордан картошкали специяли, гуручли, кокос сутида пиширилган пирожкалар сотиб олиб ейман. Тандир сомсаларни ҳам паққос тушираман. Ундай сомсалар алоҳида усулда тайёрланади: кокос ёнғоғи скорлупуга солиниб, скорлупунинг ўзи мой билан чаплаб чиқилади, кейин печда, кўмир устида тоблаб пиширилади.

Кечаги мажлисда кутилмаганда холам эсимга тушди, уни эслаб кетдим. Аслида, мен уни бувим деб атасам тўғрироқ бўларди. Чунки неvara томонидан унга қариндошиман. Аммо болалигимдан қариндошларимизни кичик тоғам нима деб атаса, мен ҳам шундай деб чақирришга ўрганиб қолганман. Уйда ҳам менга ҳеч қим ундай дема, бундай дегин демаган. Чунки мен буви деб фақат онамнинг онасини билардим, қолганларнинг ҳаммаси бундан хурсанд бўлишарди.

Турмага тушгунимга қадар холам, бозор кунлари кўпинча мени зиёфатга чақирарди. Ҳатто бувим овқат деганни қотирворса ҳам балиқни бу даражада пиширолмасди.

Оиламиз Жессорда яшаган пайтлари холамнинг эри Шотиш полиция маҳкамасида инспектор бўлиб ишларди. Уларнинг қизлари Бури жуда яхши ашула айтарди. Бир куни биз ғазал ўқиш конкурсида бирга қатнашиб қолдик. Бури биринчи ўринни эгаллади, мен эса иккинчи ўринни олдим. Бир куни нимадир бўлиб, холам мени эри ёнига, полиция маҳкамасига қандайдир бир топширик билан юборди. Худди пойлаб боргандек, мен ҳам маҳкамага Шотиш амаки бир маҳбусни уриб турган пайтида бориб қолибман. Мен тош қотиб қолгандим: шу ҳодисага қадар мен табиатан кўнғилчан ва мулоим одам бўлган Шотиш амакини бунчалик даҳшатли, бешафқат қиёфада тасаввур ҳам қилолмасдим. Мени кўриб амаким ундан баттар жаҳлга минди. Мени гапиртирмади ҳам. Ўзи эса атроф-теваракка олазarak қараб қўйиб, тўнғиллади: «кет, бу ердан! Тез кет! Иккинчи марта полиция участкасида қорангни кўрмай!» Бу ҳолатда Шотиш амакини биринчи ва охирги марта кўрдим.

---

<sup>1</sup> Қўча номи.

<sup>2</sup> Атала.

Мана ҳозир мен ҳамма нарсани тушунаман. Икки хил, бир-бирига сира ўхшамаган Шотиш амаки бор экан: бири — шафқатсиз полиция хизматчиси, иккинчиси — ғам-хўр, оилапарвар кимса.

Қўриқчиларимиз ва турма бошлиғи ҳам худди ўша Шотиш амакидай бўлса керак-да, деб ўйлайман ўзимча.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Мактаб деганингиз бор эди, мана энди у йўқ. Мен баъзан хаёл қилардим: кемага ёлланиб, қўшнимизнинг боласи Довуд сингари узоқларга кетиб қолсам бўлмай-дими?!

Бизлардан кўпчилик болалар Рангун портига кетишганди. Худди бу нарса модадай бўлиб қолганди! Ҳар хил йигинларда мен Рангун ҳақида ҳикоялар тинглардим. Асосан, у ёққа бу ерда кир ювиш ёки дазмоллаш иши билан шуғулланувчилар қочиб кетишганди. Бойроқ онларнинг ўғиллари қочишдан олдин оталарининг бойликларини ўмариб кетардилар. Қамбағалроқ оилаларники эса махфий равишда пул жамғарардилар.

Кемаларда турли хил ишлар кўп: у ерда кир ювувчилар ҳам, ошпазлар ҳам, сартарошлару матрослар ҳам керак. Метебурудж мусулмонлари кир ювиш, тикиш билан шуғулланиши мумкин, аммо кемада ишлашни ёқтиришмасди. Кемада, кир ювувчилик хизматига бизнинг кварталимиздаги жуда кўп болалар кетишган. Қорес кварталининг болалари, одатга кўра, кемага ошпазлик, ошпаз ёрдамчилари ёки сартарошлик вазифаларига ёлланган.

Агар мен кемада кир ювувчи бўлиб ишлашни хоҳласам, шефимнинг кирларини тозалашим, уни едириб-ичиришим керак. У бўлса, «бўпти бола, сени рейсга оламан»,— деб қолиши мумкин. Нима учундир улар кўпроқ ўз одамларини рейсга оладилар. Кеманинг жўнаб кетишига бир-икки кун қолганда, капитанга: «Битта одам етмайди»,— деб қолишади. Капитан шеф тавсия этган одамдан бошқасини ёллашга иложи қолмайди. Кемада ишлаш учун кемачилик бошқармасидан труба олиш керак. «Труба» — бу расмли гувоҳнома. Кемачилик бошқармасида бўлса, нуқул порахўрлар ишлашади. Булардан ташқари, ўртада турган одамларга ва Қасаба союз

боссе-безориларнинг қўлига ҳам у-бу нарса бериш керак. Умуман, «труба»ни олиш учун компания янги ходимга олдиндан берадиган уч ойлик маошни таркатиб чиқишга тўғри келади.

Албатта, пароходда қўшимча тушумлар ҳам бор. Денгиз сувига кир ювиб бўлмайди. Кирхона учун рейсга чучук сувдан алоҳида ғамлаб олинади ва кемада кирингни ювиб бериш учун йўл пулига уч баравар пулингни шилиб олишади. Шунинг учун йўловчилар кўпинча кир ювувчиларнинг ўзи билан келишиб қўя қолишади. Қўшимча даромадлар расамати билан бошлиқ ва оддий кир ювувчи ходимлар ўртасида тақсимланади.

Ошпазу ошпазваччаларнинг ўз даромад манбалари бор. Бир томондан, чой пули, бунинг устига улар яширин равишда у-бу озик-овқат маҳсулотларини ҳам пуллашади, бундан ҳам ёмон топишмайди. Шуниси ҳам борки, кема портга кирди дегунча қовоқхона ва борделиларга югуриб, топган пулларининг ҳаммасини совурадилар. Ошпазларнинг бошлиғини кемада инглизчасига «батлер»<sup>1</sup> деб аташади. Аммо бизда бу сўзни «ботлер»<sup>2</sup> дея ўзгартириб айтишади.

Команда устидан бошчилик қилувчини боцман деб аташади. Бутун матрослар унинг қўлида — сувда ҳам, курукда ҳам. Кўпинча боцманнинг ўзи-ўзига одам йиғади. Кема портга келди, команда ичкиликни, ўйнаб-қулишни истаб қолди, дейлик, пул эса йўқ. Шунда боцман уларга пулни катта процент билан қарзга беради, судхўрлик қилади. Кейин бўлса хоҳлайсанми-йўқми бутун маошни боцманга қайтиб беришга тўғри келади.

Матросларни ўлгудек ишлатишади, кисишади. Кўпинча вахта бутун суткагача чўзилиб кетади. Айниқса, ҳаммадан пастда печь ёнида ишловчига жуда оғир. У бир неча кун худди унутилгандай қолиб кетади, кўрсанг таниб бўлмайди, бир неча ёшга кексаяди. Ёшлар кўпинча бундай шароитга чидай олмайдилар ва кемадан қочиб кетадилар. Аммо боцманлар ҳам анойи эмас, ҳар бир портда уларнинг одамлари бор, қочоқларни кўп ҳам эркин қўймайдилар.

---

<sup>1</sup> Батлер (инглизча) — бакавул.

<sup>2</sup> Афтидан, инглизча жаранглашига кўра, boat (қайик) ёки bottle (бутилка, шиша)га яқин бўлгани учун шундай аташса керак.



Довуднинг тоғаси Хусайн кемадан шу тариқа жуфтаси ростлаган, аммо ханузгача унинг ҳақида ҳеч ким ҳеч гап эшитгани йўқ. Аммо кемага ёллашган Метебурджлик баъзи бир бичиқчилар саёҳатдан уйланиб қайтдилар.

Довуд «Би-Би-Ай» компаниясига қарашли кемада кирчиларга бошлиқ бўлиб ишларди. У кўп рейсларда бўлар, кўп мамлакатларни кўрарди. Кемага у Рангунда яшаганда биринчи бор ёлланди.

Одамлар Рангун — мангу баҳор ўлкаси, дейишади. Йигит ва қизлар бирга қайиқларда дарёда сузишади. Қандай зўр! Уйлайсизки, бизнинг йигитлар ҳеч гапдан ҳеч гап бўлмаган ҳолда, тентакка ўхшаб ўзларини Рангунга уришармиди? Йўқ, гап шунчаки аралаш никоҳ, яъни қкки миллат вакили — ҳинд йигити ва бирмалик аёлдан бўлган фарзандларни бизда «жарбози» дейишади. Улар жуда гўзал бўлишади. Шундай жарбозлардан бирини онамнинг акасиникида кўргандим. Японлар Рангунни тўпга тутганларида<sup>1</sup> бу жарбози ҳали жуда ёш бола бўлсада, пиёда юриб бизгача етиб келган ва тоғамларнинг уйида ўрнашиб қолган. Тоғамни у ота деб атарди ва ўзимизнинг мусулмон бўлиб қолди. Одамлар онамнинг акаси бир пайтлар Рангунда яшаган даврида, бирмалик аёлга уйланган бўлса керак, бу жарбози унинг ўғли бўлса ажаб эмас, дейишарди. Аммо тоғамнинг ўзи ҳеч қачон бу гапни тасдиқламаганди.

Довуд шундай ҳикоя қиларди:

Рангунда яшаган пайтимда, бир жуда қизиқ одам билан танишиб қолдим. Исми Онил ё Шунил бўлса керак, ҳамма уни муаллим деб атарди. Муаллим Бенгал брахманларидан эди. У кемада кирчиларга бошлиқ бўлиб ишларди. Мени кемага ана ўша жойлаштирганди. Муаллимда қандайдир сир мавжуд бўлиб, ҳеч ким уни тополмасди. Нега у ўқиминишли, ҳинд, боз устига брахман бўла туриб, бундай резги юмушлар билан шуғулланади, бундай ишлар-ку, мусулмонлар оламида озми? Муаллим қалбидан қандайдир сир сақлашидан қатъи назар, зоҳиран хушчақчақ, кўнгилчан, очиқ одам эди. У ичарди-ку, аммо ҳеч ким ҳеч қачон унинг маст бўлиб қолиб, бирор-

---

<sup>1</sup> Иккинчи жаҳон уруши воқеалари кўзда тутилади.

та аҳмоқона қилиқ қилганини кўрмаганди. Мусулмонлар билан у тезда тил топишиб кетарди. Уни ҳамма ҳурмат қилар ва севарди. Мен кемадаги ишни ташлаганимдан кейин кўп одамлардан муаллимнинг тақдири нима бўлганлигини суриштириб билишга ҳаракат қилдим. Муаллим ҳозир қаерда, унга нима бўлган, аммо ҳеч ким бу ҳақда ҳеч нима билмасди. Бир матрос менга: «Муаллим бенз йўқолди. У ҳақиқий свадешини<sup>1</sup> эди» деб қолди. Свадешимиди, свадешини эмасмиди, бунисини билмайману аммо ажойиб инсон эди-да у.

Мен ҳам саёҳатлар қилишни хоҳлардим, аммо айна пайтда кўркув ҳисси бу ниятимни жиловлаб турарди: қандайдир бир портга келдик, дейлик, бошқаларга ўхшаб мен ҳам лакиллаб бирор шаробхона ёки ишратхонага кириб кетарман-да, кейин ҳар хил ирганчиқ касалликлар орттириб, бир умр тирик ўлик бўлиб юрарман. Узоқ денгиз сафарларидан кейин қуруқликда бўлган кишилар, афтидан эс-хушларини йўқотиб қўйсалар керакки, портнинг серқарашма, бузук хотинларининг қурбони бўладилар.

Кейинчалик мен кема ремонт қиладиган заводда ишлашим давомида шунинг англадимки, фақат денгиздагина эмас, балки дарёларда ҳам ишлаётган матросларнинг ҳаёти ҳам ширин эмас экан. Бир куни мени катта дарё кемасини ремонт қилишга жўнатишди. Боцманнинг айби билан кема бузилган, шунинг учун ҳам компаниядан бекиткча заводимиз ёрдами хусусида келишиб олган у. Шундай қилиб, мен ўша кемада ўн уч-ўн тўрт ёшлардаги бир келишган болани кўрдим. Унинг бу ерда азоб тортаётганлиги шундоқкина юзидан кўриниб турибди. У пулгамас, ниҳоят фақат қорин тўйгазишгагина ишларди. Унинг вазифасига: боцман каютасини йиғиштириш, унга югурдаклик қилиш, кечаси эса боцманга хотин ўрнини босиш ишлари кирарди. Мен унинг аҳволига шунчалик ачиндимки, бу туйғуни сўз билан ифодалашнинг имкони йўқ!

Шунинг учун ҳам мен баъзан ишсиз қолганимда ҳам денгизга талпинмадим.

---

<sup>1</sup> С в а д е ш и — «Ўз мамлакатини севувчи», «ватанпарвар» бу ерда «Буюк Британия мустамлакачиларига қарши ҳаракат қатнашчиси» маъносида.

## ПАЙШАНБА

«Анор» сўзини эшитдим дегунча менинг калламга «Жаржилинг»<sup>1</sup> келади. Анор ва Жаржилинг — ҳар қандай ақлдан озган одам ҳам бу икки сўз ўртасида боғлиқлик топмайди. Тағин бунинг устига, мен Жаржилингда умрим бино бўлиб бўлган эмасман.

Воқеа бундай бўлганди. Мен ҳали бола пайтимда биз бир чекка шаҳарда яшардик. Бир куни у ерда қишлоқ кооператорларининг катта бир конференцияси бўлди. Бу конференцияга Жаржилингдан қандайдир бир эътиборли арбоб, непаллик келди. У билан бирга унинг ўғли ҳам келганди. Мен узоқ вақт бу боланинг отини эслаб юрдиму аммо вақт ўтгач, кейинчалик унутиб юбордим. Унинг териси ажойиб, қизғиш рангда бўлиб, юз тузилиши ҳам чиройли эди. Гўё эртақдаги шаҳзода дейсиз. У менинг тоғам билан жуда дўстлашиб қолди, баъзан мен билан ҳам гаплашишга интиларди. Аммо мен инглиз тилини билмасдим, непал бола менга яқинлашди, дегунча, ундан кочиб кетардим. У кетиб қолгандан кейин мен жуда қайғурдим. Тоғам билан улар аввалига узоқ вақтлар хат ёзишиб юрдилар, аммо охири бориб, хат алмашишлар нимагадир барҳам топиб кетди.

Конференция тамом бўлиб, жаржилинглик делегат уйига жўнаб кетди. Кетган куниёқ, бизнинг уйимизга янги пишган анор келтирилган эди. Мен ўшанда биринчи марта анор еган эдим ва хозиргача ўша ажойиб тамни унутмайман.

Мана шундай қилиб менинг хотирамда Жаржилинг—конференция — анор сўзларини бир-бирига боғловчи фикр занжири ҳосил бўлган. Кейинчалик бу занжирнинг ўрта звеноси тушиб қолиб, икки четкиси бирлашиб кетди.

Хозирги замон поэзиясида шунақаси ҳам учраб туради... Бир сўз иккинчи сўздан келиб чиқади. Бизда бу ерда, турмада ҳам шунга ўхшаш ҳодиса содир бўлди.

Турма территориясидаги кўчани биз Памела-авеню деб атаймиз. У қандайдир, расмий номлангандек туюлади, аммо масала шундаки, бу кўчанинг икки томонида

---

<sup>1</sup> Ж а р ж и л и н г — шаҳар номн.

катор пальмалар кад кўтариб турарди. Бундай ҳолатда бу кўчани пальмали кўча деб аташ мумкиндек туюлади, кишига. Аммо Памела-авеню деб аталиб ўрганиб кетилган. Памела-лорд Маунтбэттеннинг<sup>1</sup> кизи. Неру Маунтбэттен оиласи билан иннок эди. Турма кўчасига бундай ном бериб, биз хинд буржуазиясига писанда қилган бўлдик. Ҳозирда бу номни биринчи бўлиб ким ўйлаб қўйганини ҳеч ким билмайди. Бу номга ҳамма ўрганиб кетди, ҳатто унинг номи остида яширинган маънони билмаган каллакесар ва турма хизматчилари ҳам «Памела-авеню» деб юришади.

Бизнинг редакциямизда бир масъул ходим ишларди, унинг номи ўрток Чоудхури эди. Джотина Шенгупто<sup>2</sup> ёзган пальма ҳақидаги шеър нақд унинг характерига мос келарди: унинг шохи кўринишдан куруқ ва шафқатсиз, аммо ундан ҳар куни кўпгина лаззатли шарбат оқади.

Икки раҳбаримиз бор эди: Хорен-да ва Житен-да. Чоудхури ҳаммавақт улар билан ҳазиллашар эди, у шунчалик улар билан ҳазилга ўрганиб кетган эдики, бир куни муҳим, жиддий бир муҳокама пайтида, йўлакай уларнинг бирини Харен-бабу, иккинчисини Жетин-бабу<sup>3</sup> деб атагани. Мен унда ҳали жуда ҳам ёш эдим ва овозим борича қаҳ-қаҳлаб кулгандим. Кекса ўртоклардан бири Чоудхуридан жуда хафа бўлди, ва менга деди: «Сиз ёшларга кулги бўлса! Тушунмайсизларки, Чоудхури уларга бундай лақаб қўйиб, бирини-бирига гижгижлаб кўяди!»

Партияда ҳар хил фракция ва группалар борлигини биринчи марта англаганимда, мен жуда хафа бўлиб кетгандим. Бизнинг партиямиз лидерларидан бири шундай дейишни яхши кўрарди: «Агар партия хато йўлдан кетаётган бўлса, уни тўғри йўлга қайтариш учун партияннинг ичида бир хил фикрда бўлган мустаҳкам группа

---

<sup>1</sup> Лорд Маунтбэттен (1900 йилда туғилган) — Британия Ҳиндистонининг вице-кироли ва мустақил Ҳиндистоннинг биринчи генерал-губернатори. (1947—1948 й.)

<sup>2</sup> Джатиндранат Шенгупто (1887—1954) — бенгал шоири.

<sup>3</sup> Яъни, гўё «мағлуб» ва «ғолиб», «харен» сўзи — бенгалчасига «мағлубиятга учраш» маъносини, «жетен» — «ғолиб чиқади» маъноларини беради.

тузиш керак. Ленин меньшевикларга қарши худди шундай кураш олиб борганди». Бу фикрлар менга умуман тўғри бўлиб туюлар, аммо айни пайтда мен яна: «Бизнинг партиямизда нечта доҳий бўлиши мумкин деб ўйлардим».

Худди Шива ва Шакти<sup>1</sup>, Благо ва Сила биргаликда Андрогин маъбудни образида акс этгани каби партия ҳам бирликка асосланиши керак.

Қадимги ўйинчилар қиличнинг тиғига ўтириш машқларини кўрсатганлар. Партиянинг вазифаси ундан ҳам қийинроқдир: қиличнинг тиғи устида олға юриш керак. Сал чапга ё ўнга чалғисанг — тамом, ҳаммаси тугайди.

Ўртоқ Прасад коқилди ва йиқилди, унинг бахтига ёнида бошқа ўртоқлар ҳам бор эдилар. Улар байроқни эстафета сифатида ўз қўлларига олиб, яна баланд кўтардилар. Ва барча қолганлар шунинг эвазига, хавфли тебранишлардан кейин қилич тиғи устида қола олдилар.

Ростини айтганда, бу масалаларни мен нозиклик билан таҳлил қила олмайман. Сўз ҳунармандиман. Менга нимани, қачон қилишни айтишса, мен бу ишни қандай қилиш йўллари ҳақида ўйлайман.

Бадша ўзининг кадрдон пайвандлаш аппаратини соғинади. Мен эсам — партиямизнинг газетасини қўмсайман. Газета ва мен, биз бирга ўсганмиз, Газетада ишлагани менга Чоудхури ўргатди, у йўл-йўлакай менинг майда буржуача қарашларимни қайта тарбиялаб, йўқотиб борди. Мен редакция биносини супураддим ҳам, аммо бунинг ажабланидиган жойи йўқ эди, ҳатто энг олий даражадаги бошлиқ ҳам бизда супуриб-сидириб кетаверарди. Биз редакция ходимлари раҳбарлардан тортиб то оддий ходимгача, газетани тахлар, уни упаковка қилар, устига адрес ёзишиб, маркалар ёпиштиришар эдилар. Бунинг устига шунақа ишлардан яна қанчасини типографияда ҳам менга юклар эдилар-а! Корректурани ўқиш ҳам, саҳифалар макетини тайёрлаш, фотокарточка-

---

<sup>1</sup> Шива («Благой») — хнид динида бош маъбудлардан биридир. Шакти («Сила») — унинг хотинининг исмларидан бири, ўзида илохийлик қудратини ифодалайди. Тасвирлардан бирида Шива ва Шакти бир бутун гавда — ярми эркак, ярми аёл танаси сифатида мужассамланган.

ларни печатлаш ва хатто сарлавхаларни ҳам ўзим тарафдорим. У ерда нималарни ўрганмадим, дейсиз!

Шу йўсинда газета ўсиб борди. Қудратли типографияга эга бўлди. Ҳар бир ходимнинг функцияси энди аниқ белгилаб берилди. Газетамиз ихтисослашган ва салмоқлашгани сайин менинг функциям қисқариб бораверди. Мана шундай қилиб кичик, майда кустарчиликдан йирик саноат ишлаб чиқаришига ўтилди.

Турмада ўтириб партиямиз газетасини соғинаман. Мен билан Бадша ўртасидаги фарқ шундаки, озодликка чиққач у пайвандлаш аппаратининг ёнига, ўзининг севиқли ишига қайтади, мен эсам бундай қилолмайман. Чунки ҳукумат бизнинг газетамизни ман этди.

Шафқатсиз, ғайриинсоний ҳукумат бу! Қанчадан-қанча одамларни бу ҳукумат секинлик билан турмаларда ўлдириб юбормаяпти, дейсиз!

Балки бор умидларимиз — саробдир! Балки у ерда бизникилардан санокли кишиларгина қолгандир, ҳукумат тезда уларнинг ҳам уясига сув қуяр?

## **БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ**

Энг қизиқарли суҳбатларнинг бири Довуд Алининг айвонида ўтарди. У газета ва журналлар сотиб олар ва уларни мендан овоз чиқариб ўқиб беришимни илтимос қиларди.

Шу тарзда мен жуда кўп янгиликлар, айниқса, географик соҳадаги янгиликлардан хабардор бўлардим. Виктория номидаги Лондон воқеаларини билиб олдим; у ерда ғаройиб зинапоя бор: унга чиқиб олсанг, тепага ўзи олиб кетаверади; Темза дарёсини билдим. Унинг остидан туннель ўтар экан. Мен шулар ҳақида ҳикоя қилганимда ҳамсуҳбатларим ҳайратланиб бош чайқашарди. «Сен бунни қаердан биласан? — сўрашарди улар. — Биз у ерда бўлганмиз, ўз кўзимиз билан кўрганмиз, буларнинг ҳаммасини, сен ҳеч қачон бўлмагансан-ку, у ерда!» — дейишарди.

Мен Италиянинг Абиссинияга ҳужум қилгани ҳақидаги хабарни ҳам ўқигандим ўша кезлари. Муссолини, Хайле Селассие — чет эл номлари кўплигидан бошим айланиб кетарди.

Менинг отам билан муносабатим ўша кескинлигича қолганди. «Гэсткин» ресторанининг ёнида нон ва пиширилган сабзавотлар билан савдо қилувчи кичик дўконча бор эди. Мен ўша ерга ҳисоб-китоб ишлари олиб бориш ва аҳолидан маҳсулот сотиб олишга жойлашдим. Ҳеч қандай маош йўқ. Фақат қорин тўйғазиш.

Мен Фотех ва Қодир Шайхга савод ўргатиб, бир оз пул ишладим. Улардан ойига бир-икки рупий олардим. Ундан ташқари, улар мени киноларга олиб тушишар, ҳар хил давраларга ўзлари билан бирга олиб борардилар. Улар жуда яхши одамлар бўлиб, пулга зикналик қилмасдилар. Умуман, кир ювувчиларда пул ҳамиша ҳам мўл. Аммо Қодир Шайх ва Фотех ҳақиқатда яхши одамлар эдилар. Улар умуман ичишмасди. Мен эсам, уларнинг даврасига кирганим, ўзим учун кўп нарса билиб олганим билан фахрланардим.

Отамни менинг ҳеч қандай ишга ўрнашмаганим янада жаҳлини чиқарарди. Фақат еб ётаман, отамнинг йиллаб боқимандасиман. Бунақа одамни кейин ким ҳам ишга оларди? Отам мени сўккани-сўккан эди: «Қирчиларга қўшилдингми — эшакдан фарқинг қолмайди!» Миямни жойига келтириш мақсадида отам мени ўз заводига пайвандчиликка ишга жойлаштирди. Мен подрядчик Гонгорам Носкор қўлида ишлашим керак эди.

Бошлиғимдан мен шундай эшитиб ва шунга одатланиб қолган эдим; отам заводда катта киши бўлиб ишлайди, у ерда уни ҳамма ҳурмат қилади ва юқори баҳолайди. Отам билан бирга заводга келиб ҳақиқатда аҳвол қанақа эканлигининг гувоҳи бўлдим. Дарвозадан кирганимизданок ҳамма учраганларга отам таъзим билан салом бера бошлади. Кираверишда турган текширувчилардан тортиб, ўзига ярашмаган ҳарбий форма кийган калласи хум қоровулгача. Унга агар хоҳласалар калла ирғаш билангина жавоб қилган бўлишар, агар гаплашадиган бўлсалар «сенлаб» гапирардилар.

Биз цехга кирганимизда отам деди: «Шу ерда туратур! Ҳозир мен чопиб бориб карточкамни олиб келай». Карточканинг нималигини биласизми? Бу матоҳ киравериш хонасида сақланади. Эрталаб соат саккизда етиб келасан, ўз карточкангни оласан ва уни бригадирга олиб бориб берасан. Кечда заводдан қайтишингда, карточкангни тагин кираверишда қолдириб кетасан.

Карточкасига чопиб бориб келгач, цехга кираркан, отам ўзининг ихчам бетель кутисини олиб, бетель чайнай бошлади. Ва худди шу пайт отамларнинг бригадири Қхоген-бабу кириб келди. Отам у билан саломлашди ва унга бетель тутди. Аввалига Қхоген-бабунинг бир мўйи ҳам кимириб этмади, гўёки у отамни кўрмагандай. Аммо отам унга бетель кутисини тутганча тураверди. Ниҳоят, Қхоген-бабу гўё отамга катта яхшилик қилаётгандай, кутидан озроқ бетель олди, отамнинг юзи чарақлаб кетди. Қхоген-бабу жуда ёш бўла туриб унинг отамга нисбатан қилган муносабатидан жуда жаҳлим чиқди, аммо нима ҳам қила олардим. Ўзимни гўёки ҳеч нимани кўрмаган, тушунмаганга солдим. Кейин мени отам пайвандлаш бўлимига бошлаб борди. Менинг бу ерда биринчи кўрганним катта ёғоч колода, унинг устига металл листлар тахлашаркан, кейин листларга тешиклар очиларкан. Колода ёнида Гонгорам Носкор турарди. У иягигача тугмаланган пиджак кийиб олган. Қимматбаҳо материалдан тикилган подрядчиклар учун бу махсус кийим мойдан ялтираб кетганди. Атроф-теварақда ишчилар изғиб юришарди. Ким бу ёққа югурар, ким темир плитани ўрнатар, кимдир бўлажак буюмни ўлчаб, кирқарди. Соат эндигина саккизу иш жуда авж олиб кетганди.

Биз Гонгорамга яқин келдик, у ҳам бизни кўрди, аммо яна бурилиб ишчиларга кўрсатмалар бераверди, гўёки бизни кўрмаган бўлди.

Отам менга кичкирарди: «Дхотингни кўтар! Бу ер сенга идора эмас, буни завод дейдилар! Дхотингни тиззангдан баланд қилиб боғла!»

Ўн беш минутлардан кейин ниҳоят Гонгорам биз томон юз ўгирди. Отам унга маънодор қараб турарди. Гонгорам калла ирғади ва мени уста Бхула раҳбарлигида ишлашга қўйди. Бу ишлар бирор оғиз гапирмай қилинди.

Шундай қилиб, биринчи кунданок мен отамнинг заводдаги ҳақиқий обрў-эътибори қанчалик эканлигини билиб олдим.

## ЖУМА

Очлик эълон қилинган биринчи кунларданок, ўз ғамимдан Ватанини ютиб юборган Агастьени хотирладим.



Афтидан, бу эълон қилинган очлик ҳам Агастье<sup>1</sup>нинг саргузаштларига айланиб кетадиганга ўхшайпти. Наҳотки, ўшанга ўхшаб, бунинг ҳам ниҳояси бўлмаса? Эрталабдан осмон қора булутлар билан қопланиб, этни жунжиктирувчи совуқ шамол эса бошлади. Ҳамма ювингани пастга тушди. Биринчидан совуқ, иккинчидан ёмғир ёғпти.

Мурарининг камерасидан эшитилаётган сеторнинг овози менга кутилмаганда Калидаса<sup>2</sup>нинг «Булут-хабарчи» поэмасини эслатди. Бугун осмонни булут қоплаганлиги учун эмас, балки ҳаво очик кунлари ҳам мен бу поэма ҳақида кўп ўйлайман. Мурари менга бахти қаро Якша<sup>3</sup>ни эслатади. Мурарининг ҳам, Якшанинг ҳам уйида ёш хотинлари қолишган. Гап булутда эмас, балки ёш оиланинг жудолигида. «Булут-хабарчи»ни жуда узоқ вақтлар, бурун, колледжда ўқигандим. Ҳозир ундан бирор қаторини ҳам билмайман, ҳатто умумий сюжетини ҳам хира тасаввур қиламан. Шуниси ёдимдаки, поэма қахрамонини қаёққадир жўнатишарди, у турмада ўтирдими — йўкми, бунисини унутганман.

Бу поэмадан хотирамда фақат биргина сўз миҳланиб қолган. Бизнинг ўқитувчимиз, биз уни исми, отасининг исми ва фамилиясининг бош харфлари билан НКБ деб атардик, бизларга «Булут-хабар»чини ўқиб бераркан, бир куни шундай деб қолди: «мана, масалан, санскритча сўз «Хармья» — «Сарой». Бошда бу сўз «хармья» тарзида жаранглаган ва «гхарма» сўзининг маъноси, яъни — «илик» сўзи билан алоқадор бўлган. Қадим орийларнинг яшаш жойлари «гхармья» деб аталган. Кейинчалик умуман яхши уйларнинг ҳаммаси шу сўз билан атала бошлаган. «Илик» сўзи билан боғлиқ тушунча унутилган. Вақт ўтиши билан бу сўз «энг зўрнинг уйи», «сарой» маъноларида қўлланила бошлаган. Бу сўзнинг жаранглаши ҳам ўзгариб, бошдаги «г» харфи түшиб қолган.

---

<sup>1</sup> Яъни жуда узоқ, ниҳоятсиз саёҳат.

<sup>2</sup> К а л и д а с а — тахминан эрамингача бўлган IV—V асрларда яшган санскрит адабиётининг классиги, шоир ва драматург.

<sup>3</sup> Ҳинд мифологиясида қарийб худога тенг мавжудот. Бу ерда Калидасанинг «Булут-хабарчи» поэмасининг қахрамони. Қандайдир айблари учун Якша бир йилга туғилган шаҳаридан чиқариб юборилган. Поэмада Якшанинг ёш хотинидан жудоликдаги азоблари тасвир этилади.

«гхармья» ўрнида «хармья» деб айтиладиган бўлган. Аммо одатий санскрит нахвчилари — жуда ўжар ҳарф-хўрлар бўлишади. Улар сўз маъноси ўзгаришининг тарихий эволюцияси билан ишлари йўқ. Улар учун сўз бу ўзгармасдир. Улар мен сизга ҳикоя қилиб берган гапларга қўшилишмайди, «хармья» сўзининг маъносини улар «ҳар» ўзагига боғлаб, «босиб олмоқ», тарзида шарҳлашади. Ҳеч қанақа «жой», «ўрин» маъноси йўқ бунда, дейишади.

НКБ ҳинд анъаналарининг ҳаммасига ҳам қўшилавермасди. Европача кийинарди, жуда замонавий одам эди. Аммо афсуски, маросимга ишонмасди. Қачондир бир пайт у менга шундай деганди: «Инсон учун энг муҳими, бу еб-ичиш деб ўйлайсанми? Бу сизнинг тарихни иктисодий жиҳатдан тушунтирадиган ва сизларнинг чекланган материализмингиз ниҳоятда жонимни чиқаради-да».

Нозик жойим шундаки, биров билан тортишолмайман. Мантиқли асослар билан кишини ишонтиролмайман. Шахсиятим ҳам шунақа: «кўпроқ фикр-мулоҳазаларга эмас, ҳис-туйғуларга бериламан».

Трамвайларда, кўчада, одамлар окимида, чойхоналарда, одамларни кузатиб, уларнинг қандай юришлари, гапиришлари, еб-ичишларини кўриб, улар қандай яшаётганликларини, нималар ҳақида қайғуришларини, нима билан банд эканликларини билиб оламан, уларнинг кайфиятларини англайман. Партия раҳбарлари кўпинча мени беқарор характерликда айблашади: мен бирда руҳан тетик ва хушчақчак, яна бирда сержаҳл, қайсарман. Аммо бу кайфиятлар менга эмас, балки менинг атроф-теварегимдагиларга боғлиқ. Партия раҳбарлари мендан ўзига хос барометр сифатида фойдаланишлари мумкин. Менга қараб кўчада юрган одамлар кайфиятини, улар бугун нима ҳақида ўйлаётганини билиб олавериш мумкин.

НКБнинг филологик қарашларини ҳам ҳиссиётим билан идрок қилардим. Унинг фикрлари менга жамият юкори ва майда табақадан, бой ва камбағаллардан иборат эканлигини англашимга ёрдам берди. Бутун жамият сўзларда ўз аксини топади.

Ҳозир бўлганда мен НКБнинг ўша гапларига «диалектика» сўзини қўшардим.

Бу ерда, турмада, Хиндистоннинг қадим тарихи тўғрисидаги китобларни ўқиб, мен санскрит сўзларидан «ху-

лоса чиқариш», «фикр юритиш», «масаланинг моҳиятини англаш» сўз бирикмаларини тўпладим. Қадимги греклар «диалектика» деб икки томоннинг хулоса ва қарши хулосаларини аташган экан. «Хулоса чиқариш» сўзининг ўзи ҳам худди ўша мазмунни ифодалайди.

Бизда «диалектика» сўзини кўпинча санскритчасига «двандва» — яъни «икки қарама-қарши кутбнинг тўқнашуви», деб таржима қилинади. Шунинг учун ҳам НКБ ўзининг масхараомуз «чекланган материализми» деган иборасини ўйлаб чиқарган. Агарда «диалектика»ни «хулосалаш» сўзи билан таржима қилинганда, «диалектик материализм» сўзи биз учун, «фикрлаш материализми» маъносини берган бўларди. Бундай ном бизга масаланинг моҳиятини англашимизга сабаб бўларди.

Ҳозир бўлганда НКБга мен: «Сэр! Сизга бизнинг иқтисод култи ташкил қилганимизни писанда қилиш осон. Чунки сизнинг ўзингиз ҳар куни уйингизда кўнглингиз хушлаган нарсани ейсиз, биз бўлсак бу ерда ҳамма нарсасига муҳтожмиз, ейишга нарсамиз йўқ. Сиз ҳар ўн бир кунда ой календари бўйича рўза тутасиз, кейин эса мева кунлари, яна нима бало кунлари, кўнглингизга келганини қиласиз. Биз бўлсак бу ерда тушлик овқат ўрнига сувга бир чимдим туз солиб ичамиз. Сиз Бостон ёки Йель университетига бориб, сўзнинг ўзаги ҳақида ва формалари ҳақида лекция ўқийсиз, бунинг учун сизга доллар тўлашади. Масалан, «қалбни поклаш» ибораси бор. Агар уни бир сўзга айлантирилса «пок қалб» бўлади. Аммо сизга сэр, унақасига ҳам, бунақасига ҳам доллар тўлашаверади». Очиғини айтганда мен фақат НКБнигина ёқтирмайман, мен бутун дунёдан норозиман, ҳаммадан, кимки шу дунёда яшаётган бўлса. Ахир менинг ўз бобом, менинг очлик азобини тортаётганимни билиб турса ҳам, ўзи ҳам овқатланмай ўтирибдими? Йўқ, менинг аҳволимга йиғлайди-ю, аммо овқатланади! Бутун дунёнинг ҳам биз билан неча пуллик иши қолибди. Ҳеч ким биз ҳақимизда ўйламайди.

Шунинг учун ҳам мен ҳаммадан нафратланаман. Фақат бир киши, ўртоқ Сталин бундан мустасно.

## **БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ**

Энди биз учаламиз ҳам: отам, акам ва мен заводда бирга ишлар эдик. Биринчи кун шунчалик қувончли бўл-

дики! Бирга уйкудан турдик, бирга нонушта килдик, бир-галикда ишга бордик, кейин уйга ҳам бирга қайтдик.

Мени разметкага қўйишди. Акам қўшни цехда шогирд бўлиб ишлайди: ўша биринчи тонгда уч-тўрт марта мени кўргани келганди у. Соат ўнларга бориб эса, чой ичиб олишга чақирган. Омбор ишчилари чой, шакар, сут сотиб олишар ва одатда, соат ўнда чойхўрликка йиғилишар эди. Ишга берилиб кетиб тушликка кўнғироқ бўлганини ҳам пайқамай қолибман.

Разметка қилиш менга жуда ёқиб қолди. Аста-секинлик билан чизмаларни ҳам тушуниб кела бошладим. Аммо у ерда мен узоқ ишлаб қололмадим. Уста Бхуло шафқатсиз одам эди. «Менга бунақа тирмизаклар керак эмас, буларга ҳамма нарсани ўргатиш керак,— дерди у.— Иш деганни ишдай қилиш керак-да. Мен ади-бади айтишишни ёқтирмайман».

Шундан кейин Гонгорам Носкор мени уста Тинкорининг қўлига тутқазди. У эса мени монтаж ишларига қўйди. Бу ишда роса терлашга тўғри келди-да! Қизиб кетган металл плитанинг устида тик турганча, болғалаш талаб қилинар эди. Икки кундан кейин менинг рангимда ранг қолмади.

Мен ахир ўшанда эндигина ўн беш ёшга кирган эдим-да. Ярим соат болғалайман — кўз ўнгим қоронғилашиб кетади. Вақт топсам, бир бурчакка тиқилиб, яшириниб олардим-да, алаимдан йиғлардим. Уста Бходу ва уста Тинкори мени ҳар қадамда қойир эдилар. Гап шундаки, ҳар бир уста ишга ўз одамларини олгиси келади. Мен бўлсам уларнинг ҳеч кими эмас эдим. Шунинг учун ҳам улар мени ҳайдаб юборишнинг йўлларини кидиришар, монтаж ишини ўргансанг разметкага ишга оламиз, дея қўйнимни пуч ёнғокка тўлғазмоқчи бўлишардилар. Мен эсам шу тешик очишдан бутунлай кетиб, бошқа ишга ўтсам, ҳеч бўлмаса, қора ишчи бўлсам бўлмайдим, деб ўйлар эдим. Заводда доимий ишлаб келганларни подрядчиклардан кўра кўпроқ ҳурмат қилишарди.

Менга, отамнинг цехига кириб қолишга тўғри келган кезлари уятдан ёниб кетардим. Баъзан мени бирор темирни арралашга юборишарди. Мен темирни тешик очиш цехидан отамларнинг цехига елкамда кўтариб боришимга тўғри келарди. Бошқа бўлимларда ташиш учун махсус ишчилар бор эди, бизда эса ҳаммасини ўзимиз та-

шишимизга тўғри келарди. Кўзим отамнинг нигоҳига тушиб қолган кезлари ичимдан қиринди ўтиб кетарди. Мен шундай кезлари отам мени бошқаларга кўз-кўз қилиб мақтанганларини эслардим: менинг ўртанчам савод ўрганияпти! Одам бўлади!

Алам ва хўрлик менинг қалбимда шунчалик кўп тўпланиб бораётган эдики, мен бир вақти келиб портламаслигим мумкин эмас эди. Шундай бўлди ҳам. Бўлганда ҳам арзимаган нарса юзасидан портлавордим.

... Болға қўлимдан полга дўкирлаб тушиб кетди. Гонгорам Носкор менинг ёнимда эди. Яна бир оз яқин турганида болға нақд унинг оёғига тушар, албатта янчарди ҳам. Албатта Гонгорам Носкор мени дунёда бор ҳақоратлар билан болохонадор қилиб сўқди. Менга ўша зумда нимадир бўлди ўзи. Болғани ердан олди му подрядчикка қараб отдим. У базўр ўзини четга олишга улгуриб қолди. Болға металл деворга урилди-да, қайтиб келиб подрядчикнинг елкасига тегди. Аммо бу воқеалар бўлиб ўтгунча, мен қочиб қолишга улгурган эдим: ўша заҳотиёқ ўзимни зинага урдим, коридор бўйлаб югурдим ва дарвозага етган жойимда мени тутиб олишди. Катта шовқин кўтарилди. Гонгорам Носкор менинг қўлимдан маҳкам ушлаб, отамнинг олдига олиб борди.

Уйда шундай талаб қўйдим: мени хоҳлаган ишларингга қўйсанглар қўйинглару аммо тешик очиш ишини қилмайман! Отам мутлақо кўнмади. Бир неча кун ўтгач, у яна Гонгорам Носкорни кўндириб, мени ишга қайта олди. Ушанда менга кунига беш андан тўлай бошлашганди.

Менга ҳаммадан кўра уста Хуру ёқарди. У менга нисбатан жуда эътиборли эди. Мен билан бирга тағин Бирен Шоркор ҳам шогирдлик қиларди. У ҳам камбағалчилигидан ўкишни тамомлай олмаган, тўққизинчи синфгача ўқиган эди. Яна биз билан Аббос деган бола ҳам хунар ўрганаётган эди. У барча тешик очиш бўлимларининг бошлиқларига қариндош эди. Аббос, бангал, трипурилик эди. У хамиша бош чайқаб, норози бўлиб юрар ва: «Тоғам-ку — катта бошлиқ, мени бўлса шунчалик бемаъни ишга жойлаштирди-я». Бирен Шоркор ва Аббосга қараб, мен ўзимча, унчалик ҳам хўрлигим келмаса ҳам бўлаверар экану дердим.

Заводда бир қанча муддат ишлаб, мен бир нарсани яхши англадим: ишчиларни бир-бирига боғлаб турган

Ўзига хос дўстлик мавжуд экан, ҳатто қариндошлик туйғуларига ўхшаш, аммо улар ўртасида ҳам тез-тез бир-бирига ҳасад қилиш, рақобат, кўролмаслик каби иллатлар ҳам кўзга ташланиб турарди.

Вақт ўтиб борар, биз ишлардик — бирдан кутилмаганда, очик ҳавода момақалдиروق гулдураганидек, подрядчик Гонгорам Носкор йўқолиб қолди. Хотини ўлгандан кейин Гонгорам илгаригидан ҳам кўп ичадиган бўлиб қолди, турмуш қийинчиликлари олдида бўйин эгди. Ўзининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш учун у ишчиларнинг беш-олти ойлаб ойлик маошларини тўламасди. Қанча кишилардан бир қанча рупийлаб қарзлар ҳам олганди у.

Шунинг учун Гонгорам Носкорнинг йўқолиб қолиши кўпларга зиён келтирди. Бир қанча ишчилар бошликларга шикоят қилиб бордилар. Аммо у ерда бакириб-чақирришди, холос. Бошқа касб беришни талаб қилганларнинг талаби ҳам қондирилмади. Қайтага заводдан ҳайдаб юборишди. Жабр кўрганлар тўпланишиб нима қилиш лозимлиги ҳақида бош котиришди. Бир ишчи: «Келинлар, судга мурожаат қиламиз!» — деб қолди. Иккинчиси: «Яхшиси, Гонгорамнинг уйига борайлик!» — деди. Уникига келишди. Уй бўм-бўш эди. Ҳатто Гонгорамнинг ўғилларининг ҳам излари ўчган эди.

Шундан кейин судга мурожаат қилдик. У ерда бизга: «Меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича ишлар билан Шринатх Боғчи шуғулланади, ўшанга учрашинглар», — дейишди.

Қун ярмида Шринатх Боғчининг уйига бордик, аммо уни тополмадик. Хотини: «Яхши, мен ҳамма гапларингизни унга етказаман. Сизлар эса эртага эрталаб келинлар ва ўзларинг келишинглар», — дея бизни жўнатди.

## ШАНБА

Эрталаб мен камералар очилмагунча уйқудан турмадим. Кеча ёмғир оз-мозгина севалаб ўтган эди, аммо бизнинг «заводимизда» кичири пиширувчи уста ошпазлар кам эмасди. Мен илгарилари кичири бунчалик ўйлов талаб қиладиган овқат эканлигини билмасдим. Болалигимда эшитардимки, «озроқ гуруч ва мош солсанг, тамом-

вассалом, кичири деганинг — тайёр!» — маълум бўлишича бу анча мураккаб иш экан.

Менинг кичик тоғам кичирини жуда яхши кўрарди. Осмонда булут пайдо бўлди дегунча тоғам кичқираверарди: «Бугун кичири ейм-ез!» Ўша куни ҳақиқатан ҳам ўша овқатни тайёрлашарди. Шундай бўлиб қолгандики, кичири буюриб пиширтириш фақат тоғамнинг хукуки эди.

Тоғамга ҳасадим келганидан бир куни мен ҳаммадан олдин туриб, осмонда булут бор-йўқлигини текширдим. Аммо шошилганимдан зинага қоқилиб, шундай йиқилдимки, ҳар бир суягим оғриғидан дод деб юборай дедим, осмон билан ҳазиллашиб бўлмас экан. Шунинг учун ҳам кичири буюриш тоғамнинг монополияси бўлиб қолаверди. У Европага жўнаб кетганидан кейин бизнинг уйимизда бутунлай кичири қилмай қўйишди.

Менинг янги холам, тоғамнинг Европалик хотини унга кичири қилиб берармиди, дейсиз.

Тоғам ўз ҳаёти саҳифасидан сеvimли кичирисини бутунлай ўчириб ташлади, аммо бунинг эвазига ўз ҳаётини кичирига айлантирди у. Мен ҳали ҳам бувимнинг гапини такрорлаб, тоғамни ўлди, деётганим йўқ, аммо ишонч билан у тирик, дейишга ҳам ботинолмайман. Агар тоғам хотини билан ватанига қайтса, бу гапга балки ишониш мумкинмиди? Аммо у албатта қайтиб келмайди. Бу ердан у Европалик хотинини таъминлаш учун етарли маблағ берадиган иш топа олармиди? Бундай деб ўйлаш хато. Фақат биргина умид бор: мана шу буржуазия жамиятини афдариб ташлаб, ўрнига социализм жамияти қурилгач, шунда тоғам қайтадан яна инсонга ўхшаб яшай олади.

Мана шу эълон қилган очлигимиз ҳам социализм учун курашнинг бир қисмидир.

Бундан чикдики, мен шу турмада, фақат тоғамнинг келажаги учун очлик эълон қилиб, ўтирган эканман-да. Шундай тасаввур қиламанки, тоғам худди етти денгиз, юзлаб дарёлар нарғидан туриб менга: «Buck up or, buck up!»<sup>1</sup> деб қичқираётгандек.

Очликни фақат кичик тоғам учун давом эттиришим

---

<sup>1</sup> Тушқунликка тушма, Ору, маҳкам бўл! (Инглизча.)

керакми? Гап аслида кичик тоғамда ҳам эмас. У ўлиб кетганми, ёки ҳали ҳаётми, бундан менга на иссиғу на совуқ. Мен учун энг оғири — бу бобом.

Бобом ҳар хил баландпарвоз гаплар килиб юради. Ўзи бўлса, инглиз ҳукуматига хизмат қилган. Бобом ҳеч бўлмаса бирор пайт инглизлардан кутулиш учун қўл силтаган бўлса ҳам майлийди! Икки гапнинг бирида менга Багха Жотинни мисол келтиради<sup>1</sup>.

Бобогинам, мен сенинг носамимийлигингни неча марта талаб фош этганман-а! Ёш пайтларимда бир куни сен менинг қўлимдан ушлаб, кўчадан олиб кетаётганингда бир гадоё ёнингга келиб пул сўради. Сен: «Пул йўқ, эди, кечирасан!» дединг.— Мен бўлсам, бармоғим билан сенинг чўнтагингга нуқиб: «Хамёнингни оч, унда пул бор!» — дедим. Сенинг «пул йўқ эди» деганинг «пул беришни ҳохламайман» деганинг эканлигини билмаган эдим. Мен сенинг ёлғончи бўлиб, ўсал бўлиб қолишингни сира истамасдим. Мен бобом адашяпти, билмай бор дейиш ўрнига йўқ деб қўйди, деб ўйлабман. Болаларча соддадиллик билан сенинг хатоингни тузатмоқчи бўлибман.

Тагин бир марта сени кизаришга мажбур қилганман. Унда сен ўз укангнинг хизматга кириши учун топшириши лозим бўлган имтиҳонларига қарашгандинг. Ўз ўртоғинг воситасида олдиндан топширилажак имтиҳонларнинг саволлари рўйхатини келтириб, укангни бу саволларга жавоблар ёзишга мажбур қилгандинг. Сен кейин имтиҳон саволлари қоғозларини ёқиб юборгандинг-да, мен ҳеч нарсени англамай сендан сўрагандим: «Шона тоға энди қандай килиб имтиҳон топширади?» Сен албатта мени ўшанда роса қойишгандинг. Аммо мен сенинг ўша ҳолатдаги юз ифодангни унутолмайман.

Яна бир ҳодиса хотиримда турибди. Сенинг танишинг ҳукумат адвокати Тарок-бабу бизнинг айвонимизда ўтирар ва ёддан бир террорист кундалик дафтаридан саҳифаларини ўқирди. У оҳ ва уҳ, дея бу террористнинг бошқача одамлигини таъкидлар, мен эсам, парда орқа-

---

<sup>1</sup> Багха Джотин (*Йўлбарс Джотин*) — Джотиндронатх Мукарджий (1879—1915) — хинд (бенгал) революционер, Германиянинг ёрдамида Хиндистонда Буюк Британия ҳукмронлигига қарши кураш қўзғолон ташкил этиш ҳаракатининг қатнашчиси. Полиция билан бўлган отишмаларда ҳалок бўлган.



сидан ҳеч кимга билдирмасдан сизларни тинглаб, ўтирардим. Кейин ўшанда мен сендан «Нимага адвокат уни мақтаб ўтирибди-ю; яна ўзи қамаб юборяпти?»—деб сўрадим. Бобогинам, ўша куни сен менга ҳеч нима деб жавоб қилмадинг.

Мени қамоққа олган кунлари ички ишлар министрлигининг секретари сенга: «Сиз ўз набирангиз билан фахрлансангиз арзийди» — деганди. Сен фахрландинг ҳам. Мен ҳозир очликни тўхтатиб кўрай-чи, сенинг у фахрланишларинг чиппакка чиқади.

Майлига, мен ўз-ўзимни фош қилайин, аммо мен айна пайт қолган ҳаммаларингнинг ниқобларингни олиб ташлаб, ўзимни ҳам, сизларни ҳам фош қиламан.

Бобо, сенга тўғриси айтман, у ёқда неча кун ўтганидан қатъи назар,— мен бўлсам кунларни санашни аллақачон унутиб юборганман,— сенга тўғриси айтманки, сен бу ҳақда ортиқ ўйламаслигинг учун, мен яна уч кун кутаман. Уч кундан кейин очликка барҳам бераман. Ортиқ чидаёлмайман.

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Эртаси куни биз бутун комитетимиз билан яна Шринатху Богчиникига келдик. У бизни ҳовлисига чиқиб кутиб олди ва қолганларни ташқарида туришини сўраб, Бирен ва мени ичкарига таклиф қилди. Бизнинг гапимизни тинглаб бўлгач у: «Яхши, мен бу пулларни суд орқали ундириб беришга ҳаракат қиламан, аммо сизларнинг ҳар бирларингиз менга бир рупийдан беришларингизга тўғри келади»,— деди. Ҳаммамиз бу гапга кўндик. Тўғри-да, суд ишлари ҳаражат талаб қилади.

Орадан бир неча кун ўтгач, мен Бирен ва яна бир неча ўртоқларни эргаштириб, Шринатху Богчи суд идорасининг ичкарисига, ҳақни ундириб олиш масаласида кириб кетди. Биз эсак уни ташқарида, скамейкада кутиб ўтирдик. Икки соатлардан кейин Шринатху Богчи идорадан чиқди ва мен билан Биренга эртага эрталаб унинг уйига етиб боришимизни буюрди. Қолганларга ҳам вақти-вақти билан келиб туришларига ижозат берди.

Ҳар сафар биз уникига келганимизда у бизга янги бир гап толиб кўярди. Гап шундаки, баъзан у ҳақиқатан ҳам жуда қизиқарли гапларни гапирарди. Бир куни у

бизга, кўряписизларми, ишчиларнинг камомадларнинг ўрнини тўлдириш масаласи бизнинг асосий мақсадимиз эмас. Бу фақат масаланинг ташки кўриниши холос. Асосий вазифа — мамлакатимизнинг мустақиллигига эришиш ва ишчилар ҳокимиятини ўрнатиш,— деб қолди. Бошқа сафар бўлса: «Мен сиз иккалангизни ўзим билан бирга Россияга олиб бораман. Менинг ўзим у ерда бир марта бўлганман. Биз у ёққа яширинча кетамиз. Ҳеч ким билмай ҳам қолади. Ана у ерда мустақилликнинг нима эканлигини кўрасизлар!»

Бошқалардан заводнинг тартиблари хақида, ишчиларнинг нимага муҳтож эканликлари ва нималардан шикоят қилаётганликларини бирма-бир сўраб оларди. Бу маълумотларни тўплаганидан кейин, у завод дарвозаси олдида митинг ташкил қилди ва завод ишчиларининг Қасаба союзини ташкил қилишга чақирди. Ишнинг бошланиши учун Қасаба союз фондига аввал олти юз, етти юзлар рупий чамаси тўпланди. Бу пулларни йиғиб олгач, Шринатху Боғчи кўзга кўринмай қолди. Шундан кейин биз уни ҳеч қачон ҳеч қаерда қайтиб кўрмадик. Қасаба союзидан эса ҳечвақо қолмади.

Бир неча кундан кейин Биренни, мени ва Аббосни компания доимий ишга қабул қилди. Шринатху Боғчи афтидан, мустақиллик, ишчилар ҳокимиятини ўрнатиш учун кураш билан шунчалик банд эдики, бизнинг тўланмай қолган пулимизни қайтаришга ҳеч ҳам вақт ортиролмади. Биз, ўз навбатида шундай қарорга келдикки, унга ўз кўлларимиз билан тўлаган ва тўлаб берган пулларимиз аҳмоқчилигимиз учун тўлаган солигимиз, дедигу суддан ҳам кўлимизни ювиб, кўлтигимизга артиб кўя қолдик.

Бундан кўп ҳам ўтмай, мен яна ишимни алмаштирдим. «Эндрюль» компаниясига қарашли заводга ишга ўтдим.

Мен кўпдан бери пайвандловчилик касбини ҳавас қилардим. Пайвандловчиларнинг заводда обрўйи баланд эди. Болаи Боғ бизнинг маҳалламиздан, ишга худди инглиз-соҳиб сингари кийимда бориб-келарди. Тўғри, пайвандловчилик иши хавфли ҳам. Сал эҳтиётсизлик қилинса, кўздан ажраш ёки газдан заҳарланиш ҳеч гап эмас.

Пхотик Кунда «Эндрюль»да пайвандловчи бўлиб ишларди. У ўта кетган ичкиликбоз ва хотинбоз эди. Отам

уни яхшилаб ичириб, қўлига бир неча рупий тутқазди! Шунда отам таниш усталари орқали бошликларга яқинлашиш йўлини топди. Шу йўсин мен расман ишга жойлашдим.

Мен отам ва акамнинг аҳволини кузатиб, у-бу нарсага тушуниб қолгандим. Бизнинг оиламиздақа камбағаллар ғурурли ва баландпарвоз бўлиши унчалик ҳам лозим эмас эди. Бунақада узоққа бориб бўлмайди. Акам аёллар шляпаси ишлаб чиқариладиган фабрикада ўзига ёқмас ва озмунча қаноат қилмадими?! Отам ниҳоят уни ўз заводига ишга ўтказишга эришди. Шунинг ўзи ҳам худо билан қанчалик бахт экан.

Акам уста Ғани қўлида электрикликка шогирд тушганди. Ғани ҳиндий бўлиб, аммо бенгал тилида жуда яхши гаплашарди, чунки унинг икки хотини бўлиб, бири бенгал эди. Ғанининг бенгал хотини Ғанг дарёсининг ўнг қирғоғида, ҳиндийси эса Ғангнинг чап қирғоғида яшар эди. Акам ҳам ўз мураббийсининг иккала оиласида ишлашига тўғри келарди: озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиб бориш, кўтликларни ювиш ва бошқа барча уй-рўзғор ишлари унинг елкасида эди. Уста Ғани эса акамга жуда арзимас ҳақ тўларди. Мен неча марталаб онамга: «у ёқда хотин, бу ёқда хотин, ўртада акам овора, уни бошқа ишга ўтказиш керак» деганман. Онам фақат оғир хўрсиниб қўярди, холос.

Бир куни уста Ғани акамни шундай тепибдики, у зинапоядан учиб кетибди, отам ниҳоят энди чидай олмади ва таниш усталарини ишга солиб, акамни ўз цехига ишга олди.

Онамга ҳам осон бўлмади. Отам ҳар куни ўз устасининг мойга ботган кийим-бошини келтирар, онам эса, уни ювиб оқартиргунча она сути оғзига келарди.

Аччиқ сабоқлардан маълум бир хулосага келганим учун ҳам мен ўз устам Шибеннинг кўнглини топишга ҳаракат қилардим. Унга эрталаблари бир қутида нонушта келтирар, елиб-югуриб, унинг хизматини қилар ва ҳаммавақт бу ишларни илжайиб бажарардим. Аслида уста Шибен яхши одам бўлиб чиқди. Бир ой ўтмасданок у менга мустақил равишда электрод ушлаб пайвандчиликни бошлашимга оқ фотиҳа берди. Мен пайвандчилик санъатини тез ва осон ўзлаштириб олдим. Лекин ўша кезлари, аксига олгандай уста Шибен ишдан бўшаб кетди.

Шундан қарийб бир ойлар ўтгач, «Танар-Моршон» заводида бундай воқеа бўлиб ўтди. У ердаги Канаи исмли пайвандчи бир қизни олиб, Татананурга қочиб кетди.

Уста Шибен брахман эди. Шунинг учун ҳам биз уни «тхакурда<sup>1</sup>» деб чакирардик. Мен унинг ёнига бориб шундай дедим: «тхакурда, «Танар Моршон»га киришга ҳаракат қилиб бир бахтингизни синаб кўринг-чи!»

Уста Шибен ҳеч бир қарорга келолмай юрди, ниҳоят менинг ўзим зўрламоқдан бери қилиб, уни «Танар-Моршон» заводига олиб бордим. Уни аввалига синовга олдилар ва албатта уларга маъқул тушди. «Эндрюль»да уста Шибен шогирдликдан иш бошлаган эди, шунинг учун ҳам, гарчи энди у уста бўлиб кетган бўлса-да, унга кунига бир рупийдан ортик тўлашмасди. «Танар-Моршон»да бўлса, унга бирданига, кирганиданок кунига икки ярим рупийдан берадиган бўлишди.

Уста Шибен ўз ишини топиб олганидан мен ҳам жуда хурсанд эдим.

## ЯЖШАНБА

Бугун мен иккита рус эртагини ўқиб чиқдим. Бири кўрқинч нималигини билмаган савдогарнинг ўғли ҳақида. У дунё бўйлаб кўрқинч қидириб, йўлга чиқибди. Кечаси даҳшатли ўрмонда қарасаки, дарахтда бир ўлик осилиб ётибди. У жасадни осойишталик билан дарахтдан олиб ўзининг аравасига солибди-да, яна йўлида давом этибди. Йўлда унга қароқчилар маишат қилиб ётган уй учраб қолибди. Савдогарнинг ўғли тап тортмай қароқчиларнинг инига кириб борибди ва уларнинг таклифисиз овқатларидан еб-ичиб, кейин дебди: «Йўқ жаноблар, сизларнинг бу зиёфатларингиз ҳеч нимага ярамайди! Қани, меникни ҳам бир кўрайлик-чи!» Шундай деб у бояги ўликни уйга олиб кирибди, жасаднинг бир пәрчасини кесиб хидлаб кўрибди ва яна кичқирибди: «Йўқ, менинг жамғармам ҳам бузилиб қолибди, энди сизлардан бирортангизни ейишимга тўғри келади!» Қароқчилар даҳшат ичида қочиб қолишибди. Савдогарнинг ўғли бўлса улар столга кўйган нарсаларини тўйиб ебди, ичибди ва

---

<sup>1</sup> Т х а к у р — жаноб маъносида.

яна йўлига равона бўлибди. Кабрстонда тунабди. Бир кабрдан ўлик жасад чиқиб уни бўғиб ўлдирмоқчи бўлибди. Савдогарнинг ўғли ўзини йўқотмабди, жасадни енгиб уни уч бўлакка бўлиб ташлабди. Шундан сўнг у ўзини бир оз шафқатли қилиш мақсадида подшонинг кизига уйланибди.

Кунлардан бир куни у ухлаб ётганида кўйнига питирлаб турган ифлос балиқчаларни тиқиб юборишмаганида савдогарнинг ўғли дунёдан кўрқув нималигини билмасдан ўтиб кетарди.

Иккинчи эртак — малика ва тентак тўғрисида. Малика халққа шундай эълон қилади: «Кимнинг айтган топишмоқларига жавоб тополмасам ўшанга эрга чиқаман, топишмоғининг жавобини айтсам у ҳолда топишмоқчининг бошини кестираман!» Кўп ботирлар маликага бош тўлаб кутулдилар. Шунда тентак Иван ҳам маликага оғиз солишни таваккал қилди. Шоҳ саройига равона бўларкан, йўлда шундай манзаранинг гувоҳи бўлди: от далада юриб буғдой янчяпти. У бир чўп олиб, отни даладан ҳайдаб чиқарди ва «мана битта топишмоқ!» деб кўйди. Кейин у йўлда бир илон кўрди, уни найзаси билан санчиб ўлдирди ва: «Бу ҳам бир топишмоқ!» ўйлади у.

Биринчи топишмоқни малика тополмади. Уятдан қутулишнинг йўлини қилиб, малика тентак Ивандан кечаси топишмоқнинг жавобини сўраб билиб олди ва эрталаб ҳамманинг олдида гўёки ўзи ўйлай-ўйлай топганини айтди. Шунда тентак маликага иккинчи топишмоқни ҳам айтди. Малика яна жавобини тополмади кечаги воқеани такрорлаб эртаси айтди. Учинчи кун Иван маликанинг топишмоқ жавобини тополмай, ундан топишга ёрдам беришни сўраб илтимос қилганлари ҳақида яна бир топишмоқ тўқиб, кўйди. Малика энди ноилож аҳволда қолган эди. Агар бу топишмоқнинг жавобини топиб айтса, ҳамма унинг илгариги топишмоқларнинг жавобини ўзи ўйлаб топмаганини билиб қолишади. Ва шунинг билан у Иван тентакка турмушга чиқишга мажбур бўлган экан.

Унинг топишмоқлари ҳақиқатан ҳам жуда ажойиб-ғаройиб эди.

Биринчиси мана бундай:

Ғоятда айёрсан мен — содда албат,  
Сахийлик ичра мен кўрдим саховат,

Хайрни хайр-ла шатталаб ўтдим,  
Саховат топибон — хайр йўқотдим.

Жавоби: «Мен отни қамчи билан буғдойзордан хайдаб чиқардим».

Сен эсликсан, мен тентак,  
Гап бу қулок бер, анда  
Бад ётар қулча бўлиб  
Олдим-да, бадни бад-ла  
Урдим кудратга тўлиб.  
Кетди у гумдон бўлиб!

Жавоби: «Мен илонни найза санчиб ўлдирдим».  
Мен бу эртақларни ўқидим-да, қалбан жилмайиб кўйдим.

### БАДШАНИНГ ҲИҚОЯСИ

Шундай қилиб, уста Шибен «Танар-Моршон»га ишга кетди, мен бўлсам, «Эндроль»да ишлаб қолавердим.

«Эндроль»да пайвандчи усталар етишмасди. Уларни ташқаридан олишнинг ҳам иложи йўқ эди. Чунки пайвандчилар кўчада қолишмаган эди-да. Заводда пайванд ишларини фақат мену (пайвандчига шогирд, кунига тўрт ан билан ишлаймиз) ва пайвандни қўлда қиладиган Говинд, тушунамиз холос. Мана, бир куни Брэдшоу-соҳиб Картик-бабуга мени кўрсатиб: «Мана бу бола иш биладими? Уни синаб кўр-чи, удалай олармикан?» деб қолди. Мен уларнинг гапини эшитиб: «Удалайман!» деб кўйдим.

Биринчи кун Брэдшоу-соҳиб мени моторли қайиқнинг тешилган жойини пайвандлаб ямашга юборди. Бу менинг учун имтиҳон ҳисобланарди: удаласам — пайвандчи қилиб доимий ишга олишади. Иш анчайин мураккаб экан. Аммо мен бу ишни удаладим.

Шундан кейин Брэдшоу-соҳиб менга пайвандлаш апарати бериб, Раджгондж<sup>1</sup>га юборди. У ердаги иш жуда кўп вақт талаб қиларкан. Менга ўн беш кунда удаласанг ҳам жуда катта гап дейишди. Аммо мен ишга

---

<sup>1</sup> Раджгондж — Калькуттага яқин жой.

шунчалик жон-жаҳдим билан киришиб ишладимки, бор-йўғи беш кун деганда ишни тамомладим.

Мен Раджгонждан қайтишим билан Брэдшоу-соҳиб менга: «Сенга кунига етти андан ҳақ тўлашга келишиб кўйдик. Яхши ишляяпсан!»— деди. У пайтларда маошни узок суриштириш-ўрганишлардан, илтимослардан кейингина оширилди... Менга ўз меҳнатим туфайли. Мен бирор кун ҳам ишдан қолмадим. Заводга гудок билан минут-минутига барабар келаман. Отам мени доимий ишга, тагин бунақа маош билан ўтказишганини эшитиб, юзида табассум пайдо бўлди.

Олти-етти ой мен кунига етти андан ҳақ олиб ишладим. Кунлардан бир куни биз Говинд иккаламиз «Скотленд» кемасининг қозони тешигини пайвандлаб ямадик. Брэдшоу-соҳиб бизлардан шунчалик хурсанд бўлдики, оқибатда у менинг маошимни яна икки анга кўлайтирди. Говинд заводда узок вақтлардан бери ишларди — шунинг учун унинг кунлик маошини бирданига бир рупий қилиб кўтаришди.

Брэдшоу-соҳиб ҳаммани «аҳмоқлар» деб сўкаверар, аммо бошқалардан ўзига нисбатан ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишни талаб қиларди. Мени у яхши кўрар, кўпинча «дўстим» деб сийлар, чунки бизнинг отларимиз — Бадша ва Брэдшоу бир-бирига оҳангдош эди. Аммо Брэдшоу-соҳиб ўн беш сўмни фирибгарлик билан ўз чўнтагига, қандайдир йўллар билан урган эканми, заводдан кетишига тўғри келди. Унинг ўрнига Заҳар-соҳиб ишга келди. Аслида унинг ҳақиқий номи Рече эди. Заҳар-соҳиб деб биз уни орқадан шундай атардик, ҳақиқатан ҳам у жуда заҳар одам эди. У бизга бир минут ҳам дам бермасди. Кунларнинг бирида мен у билан жанжаллашиб қолдим ва заводдан кетдим.

«Танар-Моршон»да ўшанда кунига бир ярим рупийлик маош билан бир ўрин бўшаганди. Отам Кҳолил-соҳиб билан келишиб, мени ўша ерга ишга олдиртирди. Бир неча кун синаб кўришди. Улар менга қандай иш бермасинлар, ҳаммасини удаладим. Шунда Кҳолил-соҳиб: «Бўпти, ишлайвер! Биз сенга маош ажратамиз»,— деди. Орадан ўн, ўн беш кун ўтгач, Кҳолил-соҳиб менга кунига бир рупийдан тайинлаганини билдим.

Мен жуда ҳам хафа бўлдим. Аммо нима ҳам қила олардим? «Эндрюль»га қайтишнинг иложи йўқ эди. Туфлаган тупугингни қайтиб оғизга олиб бўлмайди. Шу-

нинг учун мен «Танар-Моршон»да ёрдамчи ишчи бўлиб қолдим. Қхолил-соҳиб ўзининг одами Аббоснинг маошини тезда оширди. Меникини бўлса, номард, ҳеч оширгиси келмасди.

Уруш бошланганда бизнинг докимизга «Хэрисон» компаниясига қарашли «Хантсмен» кемаси келди. Шорот Бала бир кечанинг ўзида менга газ пайвандни ўргатди. Мен бу кемани шундай яхши ремонт қилдимки, бирданига заводга номим таралди. Аммо бирибир кушга бир рупий олардим. Шу ҳақ билан охиргача қолдим ҳам. Ҳатто кўпгина тажрибасиз ишчилар ҳам мендан юқорироқ иш ҳақи олишарди.

Илгарилари мен оғзим очилганича тажрибали пайвандчиларнинг катта кемаларни қандай ремонт қилганликлари ҳақидаги ҳикояларини тинглардим. Уларнинг ҳаммаси ҳикоя қилишни жуда севишарди: хитой Ай Чин ҳам, уста Монам ҳам, уста Инсон, уста Болаи ҳам. Масалан, бир ойлаб кеманинг руль системасини пайванд қилганликлари ҳақида ҳикоя қилардилар.

Энди мен уларнинг ҳикояларини кўп ҳам эшитмас, ўзим ишлар эдим.. Кейинги кунларда «Би-Ай-Эс-Эн» компаниясига қарашли, ўша кунлари Ганг дарёсига лапгар ташлаган катта кемани ремонт қилишимга тўғри келди.

Ремонт охирлашиб қолганди. Кеманинг ички қисми билан ташки ён томонларини улаб, пайвандлаш қолганди. Мен гўё акробатдай ишлардим: гоҳ тик туриб, гоҳ қоринда ётиб, гоҳ ёнбошлаб. Бир кечаю бир кундуз дам олмасдан, етти ўрталиқ жойни пайвандлаб, эрталаб соат бешда юқорига, палубага кўтарилдим ва ўша ерда менинг кўзим тиниб, бошим айланиб кетди. Ҳушсизландим. Пастда роса газ ютган эканман.

Барибир, Қхолил-соҳиб менинг маошимни кўтармади.

Мени «Танар-Моршон»да ишлай бошлаганимдан бери кварталимизда алоҳида ҳурмат қила бошлашди. Масала фақат заводнинг номида эмасди. Масала менинг қанча пул топишимда эди. Менинг маошим кунига бир рупий бўлиб, бошқа тушумлар билан анчагина кўп суммани ташкил қиларди. Шундай пайтлар бўлардики, мен ойига олтмиш рупийгача топардим. Шунинг учун ҳам илгарилари барча учун шунчаки мишиқи Булу бўлсам, энди ҳурматли Бадша бўлиб қолдим. Баъзи бир танишларим ҳам



пайдо бўлди. Бизнинг уйимизга ишчилар меҳмон бўлиб кела бошлашди.

Заводда менга бунчалик ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишларини кўрган уста Монам бир кун менга шундай деб қолди: «Йиғиштир бу шалоғи чиққан дўконингни! Менинг суяк янчиш фабрикасида Отар Али деган танишим бор. Ўша ернинг бошлиғини машинасини ҳайдайди. Мен у билан гаплашдим, у сени катта маошли ишга жойлаштиради!»

## ДУШАНБА

Бугун ҳам мен жуда эрта уйғондим. Камералар эшикларини узоқ шиқирлатиб очишди. Кечаси навбатчилик қилган қоровул паст овозда ҳиндча хиргойи қиларди:

Рагхупати! Рагхава! Роджа Рам!  
Ақл, инсоф, сабр бергин бизга ҳам!<sup>1</sup>

Уни тингларканман, мен кичик тоғам билан ҳали ёш бола бўлган пайтларимни эслаб кетдим, бобом эрталаблари, ҳали ўринда ётган пайтимизда ёддан қуёш шаънига айтилган санскритча ва ҳиндча фардлар ўқир ва уларни бизга ёд олишга мажбур қиларди. Шулардан айримларини мен ҳали ҳам эслай оламан. Бобом ёд ўқир ва ўша оннинг ўзидаёқ шеърни бенгал тилига таржима қилиб ҳам кетаверарди:

Ҳаётдан азиз не бор? Ҳар муфлис ғариб уни қандок  
Олган бўлса, қайта бошдан топширадир уни шундок

Ким тариқат эгасимас — ҳисоб бермас катъиян ул,  
Боришни гар хоҳламадинг — мангу эрур санга бу йўл.

Хирадманд ва машъал тутган мудом турар кўланкада.  
Ким ҳам билиб олур эрди бўлмаса гар оловкор-да?

Қуёш нурига кўра бу товланган қум зарлари не?  
Дунёда кўп шаҳду шакар лек жимликни бол-новват де.

---

<sup>1</sup> Махатма Гандининг издошлари қуйлаган дуо кўшиқ. Рагхупати, («Рагху» уругининг оқсоқоли) Рагхава («Рагху»нинг неварачеваралари) Ҳинд худолари бўлмиш Раманинг исмлари.

Нафсингни тий, ортиқчаси гар шириндир, огулидир  
Ул олтиндан қиммат вақтни бой бермоққа доғулидир.

Хаётингни қурбон қилу аммо берма нафсга йўл  
Иродаси ожиз бирлан қасамхўрга узатма қўл.

Хар эшикка кириб чиққил, тотувликни касб айлабон  
Одамларни камситмагил, кўп ошама мисли қабон.

Хожга эшак борган бирлан хожи бўлиб қолмагай ул,  
Тоат қилма сен шунчаки сидқидилдан имонли бўл<sup>1</sup>.

Одатдаги кундалиқ ҳолларда бобом ҳеч қачон, «эшак» сўзини ишлатмас, шунинг учун мен шумлик билан худди мана шу фардни такрорлашни талаб қилардим. Аммо бобом ниҳоят менинг муғамбирлик қилаётганимни пайкаб қолди ва бу фардни қайта ўқимай қўйди.

Тағин бобом бизга аждодларимизнинг номларини бирма-бир ёдлаб олишимизни мажбур қиларди. Тоғамга у шундай дерди: «Бобомиз — Романондо Дебошормон, бобомизнинг отаси — Бхободеб. Унинг отаси — Раджарам. Унинг отаси — Шудеб. Унинг отаси — Рамотарон. Унинг отаси...» ва яна бошқалар қатор саналарди. Булар тоғамнинг ота томондан аждодлари эди. Мен билан ҳам бобом худди шу номларни ёдлатиш устида иш олиб борар, бир фарқи фақат бу аждодлар мен учун она томондан қариндош эдилар. Мен уларнинг номларини ёдлашга қаршилик қилардим, жаҳлим чиқарди. Мен тоғамнинг ва менинг боболарим турли хиллигидан аччиқланардим. Ўзимча такрорлаб юрардим: «Менинг отам — Шибокали Дебошормон. Бобом яъни отамнинг отаси...» «Бобо,— деб сўрардим мен,— менинг отамнинг отасини нима деб атардилар?»— «Гурудаш Дебошормон».— «Бобомнинг отасини-чи? Билмайсанми? Нега билмайсан?» Ушанда бобом менга нисбатан адолатсизлик қиляпти, деб ўйлардим. Шундан кейин мен бобом ҳақидаги хотираларни унутиб, кўпдан бери ўқимаган китобимни кўлимга олдим. Китоб инглиз тилида бўлиб, у «Дао дэ цзин», деб аталарди. Китобнинг автори Лао-цзи. Бу китоб хитой тилида ёзилганига икки ярим минг йил бўлган.

Мен бу китобни варақлай бошлаб, қизиқиб қолдим.

---

<sup>1</sup> Шеър таржималари Асқар Қосимовники.

Олдин бир бошдан ўкиб чикдим. Кейин ўзимга ёккан парчаларни қайтадан ўқидим:

Бир-бирини туғдирадир борлик ила йўқлик хануз,  
Бир-бирини яратадир оғир ила осон хануз.  
Муайяндир узун-киска бир-бири-ла,  
Баланд ва паст аниқланур бир-бири-ла,  
Сас томчиси ёға-ёға дарё бўлур  
Ўтган-кетган, келган билан изма-издир.  
Шунинг учун мутлако бир ўзи оқил  
Қилгуликни қилиб бўлиб лом-ним демай писиб турур  
Маърифатни бериб қўйиб, на сўзлагай, на лоф урур,  
Ижодкору молик эрмас вале ўзи хилқатга хай!  
Мўъжизавий иши бисёр раҳмат ўшал раҳматга хай!  
Одамларни билган кимса — хирадманд  
Ўз-ўзини англаб етган — билимдон.  
Тиш-тирнокли одамлардан ғолиб келган,  
Кудратлидир ўз-ўзини енгувчи ҳам...

Борди-ю, гар сарой базм бирла ғафлатнишин,  
Бугдойзорлар нобуд эрур девпечак-ла.  
Қабристондай бўм-бўш эрур дон омбори,  
Бўз ё шойи бўлсин, билмоқ керак кийинмоқни.  
Билмоқ керак ўткир тигни осмоқни-да,  
Гар кимдаки, коникмаса жўн таом-ла  
Демакки, ул бойлик орттирмоқчи осон йўл-ла.  
Бу ҳаммаси юхолик ё дабдабабозлик...  
Яралганда одам нафис ва ожиз эрди,  
Лек қазоси етганда-чи қаттик, маҳкам.  
Бор мавжудот ўсимликлар бино бўлганда  
Нафис ва ожиз эди,  
Лек қазоси етганда-чи қуриб, аста чириб битгай.  
Маҳкам, қаттик — бу демак, ўлимга маҳкум  
Нафис ва ожиз нарса — бу демак, хаёт боши.  
Шунинг учун куч-кудратли лашкар ғолиб келмагай...

Сув — энг юмшоқ ва энг ожиз хилқатдир бу дунёда  
У қаттиқлик ва маҳкамлик хислатларин олмас ўзига  
Шунинг учун мисли йўк унинг!

Мен Бадшага эртанги кундан бошлаб у билан эрта-  
лаблари учрашишимизни айтдим.

Бундан кейин энди кундуз кунлари пича-пича мизғиб  
олиш керак бўлади.

### **БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ**

Мана, мен суяк янчиш фабрикасида иш бошладим.  
Менга кунига бир ярим рупийдан ажратишди. Аммо жа-

ми бўлиб ойинга олдинги иш билан барабар тушарди. Чунки иш вақтидан ташқари иш ва унга ҳақ тўлаш йўқ эди. Мен бу фабрикада ўн беш ойлар чамаси ишладим.

Иш фабрикада эрта, чораккам саккизда бошланарди. Менинг фабрикага етиб боришим учун велосипедда икки соат йўл юришим талаб қилинар эди. Шунинг учун ҳам Отар Али орқали бошлиқлар билан ишга соат тўққизда келишга келишиб олдим. Ахир менинг ишим — ремонт иши-ку, бошқа бирор юмуш менинг ишимсиз тўхтаб қолмайди. Шунинг учун ҳам мен тўла бир соат кечикиб келаверсам ҳам бўлаверарди. Аммо менинг ишим худди илгаригидек ҳали ҳам жуда кўп, кундан-кун яна ҳам кўпайиб борарди. Биз ишни соат олтида тамомлардик. Соат ўн иккидан биргача тушлик овқат учун танаффуслар бериларди. Тагин тунги сменада ишлашга тўғри келиб турарди: баъзан соат кечки олтидан тунги ўн биргача, баъзан эса тунги ўн бирдан саҳарги соат тўртгача, тўртдан эрталабки соат саккизгача.

Сиз суяк янчиш фабрикасида ҳеч қачон бўлганмисиз? Уф! Бемаза жой! Хиндлар айтадиган ер ости дунёси, муслмонлар айтиб юрадиган дўзахнинг нақ ўзгинаси.

Тўғри, фабрикага темир йўл тармоғи киритилган. Дейлик, товар поезде — бир неча вагон кетма-кет бўлиб келиб қолди, денг. Жуда оддий, кундалик манзарадай кўринянти-я? Энди вагонларнинг эшикларини очиб, унинг ичига ишчилар киришганидан кейин шундай ишлар бўладики, сиз бунни тасаввур ҳам қила олмайсиз.

Вагонлар деворлари шунчалик ифлоски... Бр-р-р!

Йўқ, кимки бу манзарани ўз кўзи билан кўрмаган экан, унга етказиш қийин. Вагонлардан атроф-теваракка сассиқ ҳид анқийди. Бу ҳид бурунга шундай кирадики, ундан бўрилиб кетасан. Албатта, дунёдаги барча нарсага бўлгани сингари бу ифлос ҳидга ҳам кўникиб кетасан, киши. Аммо мен шундай эшитганманки, илгариги ишчилар орасида вагонларни бўшатаётганда хушидан оғиб қолганлар ҳам бўлган экан.

Бу вагонларда Чхотанагпура ва бошқа областлардан суяклар келтиришади. Ҳар хил суяклар учрайди, одам суяги, отники, бўйволники, сигир суяги, қўй суяги, ҳаммаси бир уюмда. Қандай бўлса ҳам, суяк бўлса бўлди — келтиришаверишади. Фақат суякнинг ўзи бўлганда-ку, жуда соз эди-я. Баъзан кўп ҳайвонларни шундай бутун-

лигича бор жасади билан вагонга ортиб келаверишади. То фабрикага келгунча шунчалик сасиб-бижиб кетадики, қочиб қолсанг ҳам ҳидидан кутулолмайсан. Бир вақт мен умуман бу фабрикадан кетишга қарор ҳам қилдим.

Сасиши тугул, бу вагонларда семиз, кизил, ҳар бири қарийб ярим метр келадиган қирқоёқлар бўлади. Илгарилари, эшитишимча, вагонлардан заҳарли плонлар чиқаркан! Суякнинг ўзи-чи — суяк ҳам заҳарли аслида. Агар биров билмасдан бирор ерини ўткир суякка уриб олгудек бўлса, жасад заҳри билан заҳарланади. Илгари шундай ҳодисалар бўлгандики, ҳатто заҳарланиб ўлган ишчилар ҳам бўлишган. Ҳозир-ку, албатта фабрикада медпункт бор-а, агар бирор гап бўлиб қолгудек бўлса, дарров сени эмлашади. Аммо медпункт дегани ҳам яқиндагина пайдо бўлди-да!

Суяк янчиш фабрикасида ишнинг бир неча босқичлигига мослашган ҳолда бир неча бўлимлар бор. Биринчи иш, албатта, юкни тушириб олиш. Кейин суяклар янчилади. Аммо улай-булай қилиб, қўлдан кетарга қилинмайди, албатта. Аввал муайян ҳажмда бўлақларга бўлиб чиқилади. Махсус машиналарда керакли порошоклар сепилади. Кейин суяк унини идишларга жойлашади. Суяк билан гўштнинг оралиғида турли хил юпка пардалар ва терилар бўлади. Суяклар янчилишдан олдин шу пардалар ажратиб олинади. Кейин эса уларни ўрашга ишлатишади. Яна бу парда ва терилардан қоғозга ўхшаш нарса қилинади. Фабрикада яна ремонт бўлими ҳам бор, ўз фабрикамизнинг хусусий устаҳонаси.

Кечки сменаларда иш айниқса, оғир. Бир бўлимда тиш майдаланади. Бунинг учун тишлар олдин сараги саракка, пучаги пучакка ажратилади. Мастерлар эса кечалари кун бўйи ишлатилган механизмларни ремонт қилишади. Кўпгина майда ремонтларни ишчиларнинг ўзлари қилиб кетаверишади. Айтайлик, қўл мосламалардан бирортасини ўзига ўхшаган бошқа бировига алмаштириш каби ишларни. Агар иш мураккаброқ бўлса, ишчилар мастерларни чақаришади. Аммо машинани тозалаш ва унга тикилиб қолган суякларни чиқариб олиш — бу ҳам ишчиларнинг ўзининг иши.

Фабрика бошқарувчиси панжоблик эди. Фабриканинг асл эгаси эса — яҳудий. Сал нарироқда ҳам тағин бир фабрикаси бор эди. У ерда тери порошокларди. Ҳар

замонда мени пайвандлаш аппаратим билан у ёққа ҳам жўнатиб туришарди.

Мен суяк янчиш фабрикасида ишлаб юрган кезларимда уруш ҳаммаёқда авжига минган эди. Франция таслим бўлди. Гитлерчилар Парижни олган эдилар. Бизнинг фабрикамиз суяк унини асосан Бельгияга етказиб берарди. Немислар Бельгияни оккупация қилишгач, у бизнинг маҳсулотимизни сотиб олмай қўйди. Ва умуман, денгизларда нотинчлик ҳукм сурарди. Шунинг учун ҳам фабрика ўзининг сўнгги нафасини олмоқда эди.

Хафтада уч-тўрт кун ишланар эди, у ҳам бўлса, асосан ремонт билан шуғулланишдан иборат. Фабриканинг деярли барча ишчилари ё биласпурликлар<sup>1</sup> ёки чамархиндийлар<sup>2</sup> эдилар. Иш ҳақи камайиб кетган, тагин, бунинг устига, каёққа қараманг, бомбалар портлайди, шунинг учун ҳам кўплар фабрикадан чикиб, ўз қишлоқлариға кета бошладилар.

Менинг бўлса, ўша пайтлари бошқа томондан ҳам аҳволим танг эди.

Хонадонимизга жуда катта мусибат тушди. Укам ва синглим қорин тифи билан оғриб, қарийб бир вақтда вафот этишди. Мен уларни жуда севардим. Айниқса, синглимни. Улар бир неча йилгина кейинроқ касал бўлишса, бўлмасмиди, ўшанда уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин бўларди. Ҳозир хлоролицетин чиққан, қорин тифи деганингни қўл билан сидириб ташлагандай оппа-осон даволашади.

Бу ерда, фабрикада ҳам менинг учун ёқимсиз ҳодиса юз берди. Мен сув чиқариб ташловчи трубани ремонт қилдим, ҳаммасини маромига келтириб пайвандладим. Аммо кечаси уни яна кимдир синдириб қўйибди. Ким бузганини билиб бўпсан. Бузган одам бўйнига олармиди! Кейинги кун бошқарувчи мени дунёдаги бор ҳақоратлар билан авра-астаримни ағдариб сўқди. Мен ҳам чидаб туролмадим. Тўғри, унинг башарасига қараб: «Осдим фабрикангизни! Ҳақимни тўлаб, меҳнат дафтарчамни беринг!» — деб бақирдим жоним борича.

---

<sup>1</sup> Биласпурликлар — бу ерда Марказий Ҳиндистоннинг (Биласпур) округининг номи билан юритилади, ҳозирда Мадхоя-прадеш штатида.

<sup>2</sup> Чамарлар — мустақил ҳиндий касталардан бирининг номи.

Ҳисоб-китоб қилиб, ҳақимни беришга беришди-ю, аммо меҳнат дафтарчамни беришмади.

Мен уйга қайтиб, бўлган воқеанинг ҳаммасини отамга айтдим. Отам: «Бу бўлиб турадиган гап. Фабрикага қайтиб бор, кечирим сўра, сени яна қайта қабул қилишади»,— деди.

Аммо мен буни истамадим. Нимага ҳам қайтайин? Фабриканинг ўзи зўрға ишлаб турибди, олдинда ҳеч қандай истиқбол бўлмаса. Бундан ташқари, у ерда яна бир Қалиподо исмли пайвандчи бор эди. У фабрика ташкил бўлганидан буён шу ерда ишларди. Менинг кетиб қолишимдан бир оз олдин Қалиподо хўжайин билан жуда фойдали алоқа ўрнатганди. Тўғри, у қанча ишлаб топмасин, ҳаммасини шамолга совурарди. Ҳам кўп ичарди, ҳам аёллар билан кўп юрарди.

Мана шуларнинг ҳаммаси туфайли менинг фабрикага қайтгим келмасди. Яна тўғриси, аслида булар ҳақиқий сабаблар эмасди, гапнинг рости...

Йўқ, Шонарен ҳақида эртага гапириб бераман.

## СЕШАНБА

Кеча Бадшанинг сўнги сўзлари жуда ғалати эшитилди. Шонарен ҳақида у бугун сўзлармиш. Албатта, Шонарен — бу киз... Тўғри, унинг исми бенгал хотинқизларининг барчасига хос бўлгани каби «а» билан ҳам, «и» билан ҳам тугалланмайди, аммо ҳечқиси йўқ. Ҳозир ҳамма отлар ҳам шунақа чалкашиб кетган. Масалан, кўпгина эркак номлари икки қисмдан ташкил топади: Лакшми-кант<sup>1</sup>, Тара-дас<sup>2</sup>... Аммо ҳозир исмнинг биринчи қисми ҳаммавақт ҳам паровоз вагонга боғлангандек иккинчисига боғланавермайди. Сиз «Лакшми» ёки «Тара» сўзларини эшитганингизда гап эркакми ё аёл ҳақида кетаётганини бирдан тасаввур қилолмайсиз. Айрим исмлар шундайгина ўзи ҳақида айтиб туради. Масалан, Но-

---

<sup>1</sup> Л а к ш м и — ҳинд мифологиясида бахт маъбудаси, (аёл) Вишну маъбудининг хотини. «Лакшми-кант» — «Лакшмининг севгани», яъни Вишну демакдир.

<sup>2</sup> Т а р а — ҳинд маъбуди, Шива маъбудининг хотини Уманинг номларидан бири. «Тара-дас» — «Таранинг қули», яъни Шива.

рен, Шотиш ёки Броджо — бу исмлар фақат эркакларгагина хос, Гнта, Чхая, Ароти ёки Момота, ҳар қалай, фақат аёлларники. Ҳатто, шуларга ўхшаган энг одми исмларни эшитганингиздаёқ баданингиз жизиллайди. Айниқса, Бенгалнидан бошқа жойларда. Неча марталаб мен Хаши, Була ёки Чхоби исмларини эшитганимда тасаввуримда ҳосил бўлган гўзал образлардан завқланиб турганда, ҳаётда мутлақо тескарисини кўриб, хаёлларим чилчил бўлганди. Ва аксинча, бунақа, худди эркакларникига ўхшаш Монту, Камол ёки Нилу каби исмлар эгалари ажойиб гўзаллик билан қаршимда намоён бўлишганда ожиз қолганман.

Албатта, исм фақат жинс билангина эмас, балки каста, диний, синфий жиҳатларга кўра ҳам фарқланади. Бутун мураккаблик худди мана шундан келиб чиқади. Аммо кўпинча одамнинг у ёки бу исм билан аталишига қараб унинг эркак ёки аёллиги аниқланади. Биринчисида овозда қандайдир киттиқлик эшитилади. Иккинчисида, ҳатто исмнинг ўзи аёлларникига ўхшамайдиган бўлган тақдирда ҳам у жуда нозиклик билан жаранглайди.

Шонарен деган номни мен биринчи марта эшитдим. Шундай бўлса ҳам бу ном менга жуда назокатли бўлиб туюлди. Ёки бўлмаса, Бадша уни жуда нозиклик билан тилга олди.

Мен Бадшанинг ҳикояларини шунчаки вақтни ўтказиш учунгина ёзиб олаётганим йўқ. Менда ягона бир орзу бор. Бошда мен: «менинг бир орзум бор эди», деб ёзмоқчи бўлдим, кейин бир қанча муддат «бор эди» деб ёзсаммикин ёки «бор» дебми дея иккиланиб турганимдан кейин ниҳоят «бор эди»нинг тагида қандайдир бир умидсизлик ётганини ва бу умидни сўндирмаслик учун «бор» сўзини ёздим.

Кўпдан буён бир роман ёзишни орзу қиламан. Аммо ўзимча бундан ҳеч нарса чиқмайди дея чўчиб кўяман. Умуман-ку, мен тирноғимдан то сочимгача журналист, репортерман-ку. Бирор ҳодисани билиб келиш, бирор-бир кишининг ҳикоясини эшитиш, кейин буларнинг ҳаммасини қайта ишлаб, ёзиб чиқиш — бу ишлар менинг кўлимдан келади. Аммо «калладан» тўкиб чиқариш — бунисига кечирасиз. Ожизлигим шундаки, мени хом ашё билан таъминланмаса, ҳеч қандай маҳсулот беролмайман. «Та-та» компанияси зўр-да — унда қонлар ҳам ўзлариники, заводлар ҳам ўзлариники.



Очиғини айтганда, мени ёзувчи деб аташларининг сабаби, бу менинг газеталарга ёзиб туришимдан. Менинг ўзим ҳеч қачон ёзувчи бўлишни ўйлаган эмасман. Аммо аттестатимда бенгал тилидан «харф» олдим ҳамма мени ёзувчиликдан бошқа ишга ярамайди, деган қарорга келишди. Бунинг устига мен ҳаммавакт математикадан ўзлаштира олмасдим. Шунинг учун ҳам мени гуманитар фанларга йўналтиришди. Менинг ўз истакларимни билиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмади. Чунки ҳамма менинг бенгал ўйноқи харфларини чиройли ёза олишдан бўлак қобилиятим йўқлигини билишарди. Колледжда ҳам, шу туфайли мен бенгал тилини бош предмет сифатида ўргандим. Бу «харф» деганингиз ёзувчиликдан бошқа ҳамма йўлларни мен учун беркитди. Бизларнинг вақтимизда бенгал тилидан «харф»га эришиш,  $v^1$  олиш ҳисобланарди.  $v$  харфи менинг учун ҳамиша орзуларим йўлагиди тўсиқ қилиб қўйилган ёдгорлик монументи сингари қотиб турарди. Тўғри, кейинчалик Черчилль бу харфни ғалаба тимсоли деб белгилади, аммо бу харф менинг учун барибир мағлубият рамзи сифатида қолаверди.

Худди шу «харф»им бўлгани учун ҳам партия мени газетага ишга юборди. Унғача бўлса, турли қариндошларим ва таниш-билишларим мени тўйларга атаб шеърлар ёки Сарасвати-пуджа<sup>2</sup>га таклифномалар ёзиб беришга ёдлардилар, баъзан эса бенгал тилида: айрим ҳоллардагина, одатдан ташқари ҳолат сифатида она тилимиз— бенгал тилида табрик откриткалари ёзиб беришга тўғри келарди. Газетада ишлаш мени юқоридагича илтимослардан бутунлай холос қилди.

Кейин, менинг репортажлар ёза бошлаганимни кўриб, дўстларим: «Сен бир роман ёзиб кўр-чи!» дея маслаҳат бера бошлашди. Энди мен шуни тушундимки, улар менинг яланғоч ҳақиқатга асосланган, қуруқ репортажларимни бадиий тўқима деб тушунишар экан; айни пайтда уларнинг менинг фаолиятимни мақтовчи ва маъқулловчи сўзлари орасида киноя ҳам бўларди. Улардан энг ўткирлари менга ҳозир туюлишича, роман ёзишга мени ишонтирганлари бўлса керак. Улар бир қанча сабаблар кўрса-

---

<sup>1</sup> Ўқувчиларнинг у ёки бу фандаги алоҳида муваффақиятлари махсус харфлар билан белгиланарди.

<sup>2</sup> Сарасвати — пуджа — шеърят ва нотиклик маъбудаси Сарасвати шарафига бағишланган хинд ҳайити.

тишарди: «Биринчидан, — дейишарди улар, — сен ахир ёзмайсан, сен фақат шунчаки атроф-теварагингга қарайсан ва кўрганларингни ёзиб оласан, худди имтиҳонда кўчирмачилик қилган студент сингари». Бундай гапни эшитиш албатта кишини оғринтирарди, аммо буни инкор қилишнинг ҳам имкони йўқ эди. Ҳозир ҳам инкор қилолмайман. «Иккинчидан, — дейишарди менинг танқидий мулоҳаза юритувчи дўстларим, — сен мутлако аёллар дунёсини билмайсан, сен ҳеч қачон севмагансан. Ҳатто ҳеч қачон фоҳишахонада ҳам бўлмагансан. Демак, инсон жинсининг, табиатининг жасад ва руҳдан иборат бўлган тенг ярмисини мутлако билмайсан. Сен инсонни фақат ярим биласан, шунинг учун ҳам сен ҳақиқатнинг фақат ярминигина кўра оласан. Роман учун эса бутун, яхлит ҳақиқат зарур — ярим ҳақиқат — барибир бу сохта ҳақиқатдир». Бу фикрга ҳам ҳеч нима деб қарши чиқолмасдим.

«Учинчидан, — деб давом этишарди улар, — сенинг бу барча Қасаба союзингу деҳқонлар комитетларингда, партиангу оммавий ҳаракатларда одамлар ўзларининг фақат бир жиҳатларини кўрсатишади. Улар ўзлари учун фойдали бўлган бир томонни, характерларининг яхши томонини намоиш қилишади. Тўртинчидан, сен албатта, бенгал тилидан «харф олишга эришгансан, хатинг ҳам чиройли, аммо ҳаётбахш роман ёзиш — бу сенинг қўлингдан келадиган иш эмас, йўқ. Бешинчидан...»

Одатда улар «бешинчидан»гача келмасдилар. Менинг роман ёзиш ҳақидаги орзуйимнинг барбод бўлишига ўша юқоридаги тўрт пункт ҳам кифоя қиларди.

Ва мана ҳозир Бадшанинг ҳаётида содир бўлган воқеаларни ёзиб борарканман, мен тағин роман ёзишни истаб қолдим. Тўғри, бу ҳикояларнинг ичидан кўпларини қайта тузиш ва қўшиб-чатиш талаб қилинади. Шундай ёзиш керакки, ҳеч ким ҳақиқатда гап Бадша ҳақида кетаётганлигини билмасин. Барча номларни ўзгартиришга тўғри келади. Менинг учун айниқса, мусулмонларнинг оилавий шароитларини, уларнинг исмларини, урф-одатларини тасвирлаш анчайин мураккаб бўлади. Романда мусулмон кўринишида ҳинд ҳаракат қилса, яхши бўлмайди. Икки томон ҳам мени тошбўрон қилишади.

Мен албатта ўзимнинг бўлажак романим учун Бадшани қаҳрамон қилиб олиб, хатога йўл қўйдим. Бунинг

устига у мусулмон, тагин ишчи. Мен эсам ўрта табақадан чиққан одамман, ишчилар ҳаёти хусусида ҳеч нима билмайман. Яхшиси, романга бобомнинг дўстлари Муазим тоға ёки Аҳмад тоғани (кичик тоғамга ўрганганимдан уларни «тоға» деб кетгандим, аслида улар бобом тенги кишилар эдилар) қахрамон қилиб олганим маъқул эди. Яна яхши томони — улар майда буржуазия вакиллари эдилар. Ундай десам, мен уларни очлик эълон қилиш каби сиёсий воқеага қандай тиқиштираман? Умуман-ку, ҳаммадан яхшиси, Гоурохорини олган маъқул эди. У деҳқон, ҳинд. У томондан ҳам, бу томондан ҳам менга яқин.

Энди йигит сўзидан, арслон изидан қайтмайди. Шунини яхши тушунамани, Бадша тарихини охиригача ёзиб тугатишим лозим. Фақат у менинг шубҳаларим ва иккиланишларимни билмаслиги керак. Агар сезиб қолса, бошидан ўтганларни ҳикоя қилиб бериш иштиёқи сўнади. Чунки у мени «айтганларимнинг ҳаммасини ёзиб, сўзма-сўзига кўчириб, китоб қилиб чиқаради» деб ўйлаши мумкин. У вақти соати келиб, унинг ҳақида роман ёзадиган бўлсам, бутун тарихни бошқача қилиб, ўзгартириб чиқишим талаб қилинишига ақли етмайди. Мен романи шундай ёзишим керакки, уни ўқиб Бадша ҳам, бошқалар ҳам ўзидан шубҳаланмасин. Ҳа, шундай қилиш керак! Шунинг учун мен энг олдин ёзувчилик санъатини яхшилаб ўрганишим керак.

Ҳаммадан муҳими: агар мен романимни Бадшанинг ҳикоялари асосида тузсам, бу иш ўз моҳиятига кўра тарз жимаи ҳолдан иборат бўлиб қолади. Роман автори сифатида ҳам унда Бадшани аташ керак бўлади. Мени эса худди Шри Ганеша<sup>1</sup> сингари романи ёзиб олувчи дейиш керак бўлади.

Нима бўлиб мен бунчалик орзуга берилиб кетдим? Ахир Бадша, дўстларим айтмоқчи, мен билмайдиган, ҳаётнинг иккинчи палласи ҳақида ҳам ҳеч нима ҳикоя қилгани йўқ-ку. Аёллар ҳақида у ҳеч ҳам гапирмайди. Баъзан мен бу ҳақда ундан сўрашга чоғланардим ҳам. Иккинчи томондан ўйлаганда у нима учун ҳам менга

---

<sup>1</sup> Шри Ганеша — ҳинд мифологиясида донишмандлик маъбудиди. Ўсага «Махабхарата» эпик достонини ёд айтиб ёздирган.

ундай гапларни гапириши керак. Ахир мен унинг якин дўсти бўлмасам. Агарда биз у билан олдиндан таниш бўлганимизда ҳам бошқа гап эди. Ҳозир бўлса — Бадша лидер. Лидерлар эса ҳеч қачон ўзларининг ожиз томонлари ҳақида гапиришмайди. Улар барларга ҳам, ковоқхоналарга ҳам қатнашмайди. Фоҳишахона ҳақида-ку, гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Ахир бу ишлар нафақат кишининг ўз шаънига, ҳатто бутун партиянинг шаънига қора лой чаплаши мумкин.

Партиянинг шеър ва ҳикоялар ёзувчи аъзоларининг асарларидаги қаҳрамонлар ҳам фақат революционерлар ва кристалдай тоза одамлардир. Реакционерлар, буржуазия вакиллари, ичкиликбозлар, полициячилар ва ҳатто бошқа партиялар вакиллари ҳақида ёзиш ҳам айб саналади. Ўртоқлар ундай қаҳрамонларнинг кирдикорлари сенинг ўзингга ҳам хос деб шубҳаланишади. Бундай лидерларимиз орасида шундайлар ҳам борки, уйланишни-ку катта айб деб билишади ва бунинг устига, инсониятнинг эркак бўлмаган жинсидан қаттиқ нафратланишади. Ундайларни дўзахи деб билишади.

Умуман олганда, қанчалик уринмайин, Бадшанинг ҳикояларидан мен роман тўқиёлмайман. Агар дейлик, бу иш билан қандайдир бир ишчи шуғуллангандамиди, ундан бирор нимарса чиқиши мумкин бўларди.

Аммо нима бўлса ҳам ўтган кечаси мен фикран Шонарен исмли кизнинг портретини чизишга уриниб кўрдим. Агар у роман қаҳрамонлигига мос келадиган бўлса, бу ғояга кейинчалик яна қайтишимга тўғри келади.

Дўстларим таъна қиладиган, менинг бу жинс борасидаги шахсий тажрибасизлигим масаласига келсак, турмадан чиққан заҳотиёқ уни бартараф қилишга ҳаракат қиламан. Буни ҳал қилиш албатта зарур, чунки ахир мен роман ёзишим керак-ку. Ҳали вақт қўлдан бой берилгани йўқ. Ахир мен ҳали ўттиз ёшга ҳам кирмаганман-ку.

Мана, ниҳоят, Бадша кирди, уни кекса Жамолнинг каймерасига чакиришаётганлигини айтди. Шунинг учун у менинг хонамга кечроқ, куннинг иккинчи ярмида киражагини айтди.

У ерда уларнинг қандайдир мажлиси бор. Эълон қилинган очлик масаласидан бўлак яна нима масала ҳам бўлиши мумкин? Балким ҳукумат билан музокаралар олиб борилаётгандир?

Аммо нима учун турма деворлари олдидан автомобиль гудоклари эшитилмай қолдйкин?

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Мен ҳали сизга суяк янчиш фабрикасидаги ишларим тарихидан ҳеч нима ҳикоя қилганим йўқми? Ҳикоя қилганим йўқ, тўғрими?

Шундоққина фабрика дарвозаси рўпарасида ишчилар посёлкаси жойлашган эди. У жой шунчалик ифлос эдики, кириб боришнинг ўзи дахшатли эди. Ёмғирли кунлар қулоғинггача лой, курукчилик пайтлари чангу ахлатхона. Оқшомлари у ерда чироқлар ёндирилар, аммо улар бидан бири шунчалик узоқ жойлашган эдики, ундан фойда йўқ эди.

Посёлка уйлари черепица томли. Пол ўрнида тупроқ ёки янги одатга кирган цемент эди, шунинг учун ҳам чанг-ғубордан ўлганда ҳам кутулиб бўлмасди.

Ҳар бир уй олдида — кичик айвон. Бурчакда печь, кир-чирларни қуриштириш жойи. Ҳамма уйлар бир хонали бўлиб, уларнинг барчасида — бутун бошли катта оилалар яшашарди.

Мен сизга юкорида суяк янчиш фабрикасида кечки сменалар бўларди, деб айтгандим, тўғрими? Менинг ҳам баъзан тунги сменаларда ишлашимга тўғри келарди. Шу йўсин мен Чхедилал билан танишиб қолдим.

Чхедилал — биласпуриликларнинг оқсоқоли эди. Фабрикада у смена мастери вазифасида ишларди. У бошда фабрикага оддий юк ташувчи бўлиб ишга кирганди. Ҳеч қандай қўллаб-қувватлашларсиз фақат ўз меҳнатининг кучи билан масъулият даражасига кўтарилганди. Илгарилари у ўз қишлоғида деҳқончилик билан шуғулланганди. Аммо яшаш оғир эди: ер солиғи катта эди, камбағалчилик жони-ч ўртар, бунинг устига заминдор қийин-қистовга олганди. У бундай машаққатларга охир чидай олмади ва ўзга томонларга кетишга мажбур бўлди. Қишлоқда эса унинг икки акаси ва ота-онаси қолганди.

Фабрикада аёлларга ойига ўртача ўн бир рупийдан ҳақ тўлашарди. Эркакларга бўлса — ўттиз рупий. Чхедилал мастер бўлгани учун бир оз кўпроқ ҳақ оларди.

У пайтлари уруш эндигина бошланган бўлиб, ҳали нарх-наво унчалик ҳам баландлашиб кетмаган эди. Аммо

Чхедилал оиласи билан фақат қайнатилган гуруч ер, баъзи пайтлардагина энг танқис таом сифатида дал<sup>1</sup> ейишарди. Мен унинг уйига кўп бориб турар ва буни ўз кўзим билан кўрардим. Бир ярим рупийни у уй учун тўларди. Ойига беш рупий овқатланишга кетарди. Йилига у бир жуфт дхоти ва бир жуфт майка сотиб оларди.

Чхедилалнинг икки хотини бор эди. Биринчисидан фарзанд бўлмаган, ундан кейин у иккинчисига уйланган. Афсуски, иккинчиси ҳам унга фарзанд туғиб бермаган. Улар учовлон суяк янчиш фабрикасида ишлашар, топганларини рўзгорларига учма-уч қилиб етказишарди. Учовлари бир қозондан овқатланишар, шунинг учун ҳам бошқаларникига қараганда, улар камроқ сарф-харажат қилишар, Чхедилал ҳам ойига беш-олти рупий орттириб, ота-онаси ва акаларига ёрдамга пул юбориб турарди.

Совуқ вақтлари, мен тунги сменага отланарқанман, олдиндан кўнглим равшан тортарди. Чунки ишни тугатгач, биз тахта қирқимларини тўплаб гулхан ёқардик. Ҳаммамиз гулхан атрофида сиқилишиб ўтириб, давра қурадик ва исинишардик. Ҳеч ким бизни тергамасди. Бошликлар тунда бўлишмас, мастерлар бўлса, ўз ишлари билан банд бўлишарди.

Биласпурларнинг оқсоқоли, яъни Чхедилал бизга «Рамаяна» ва «Махабхарата» тарихидан ҳикоя қилиб берарди.

У ўзига хос йўсинда ҳикоя қилар, деярли ҳар сафар ҳикоясини ўзгартириб, янгилаб айтарди. Аммо-лекин, уни тинглаш жуда ҳам мароқли эди. Баъзан мен ўзимни туютолмас, ҳикоянинг бирор жойига тузатиш киритишга уринардим. Мен гарчи камбағал оиладан бўлсам ҳам, қандайдир бўш-баёв, дунёдан беҳабар эмас, анчагина саводли, маълумотли эканлигимни кўрсатгим келарди. Шунинг учун ҳам Чхедилал Арджунанинг хотинини Читрангада<sup>2</sup> ўрнига Прамила деб атаса, мен уни дарҳол тузатардим. Қолган жойларида бўлса, асосан мен жимгина тинглар, ҳатто Чхедилал мутлақо ўзидан тўқиб кетган пайтларда ҳам ўзимнинг тузатишларимни ўртага суқиб

---

<sup>1</sup> Дал — боб маҳсулотларидан тайёрланадиган овқат.

<sup>2</sup> Арджуна — «Махабхарата»нинг қаҳрамонларидан бири, Читрангада унинг хотини, Прамила — «Рамаяна»нинг қаҳрамонларидан бири.

Ўтирмасдим. Бундай қилиш даврадагилар олдида фақат ўз обрўйимни тўкишимга олиб келиши мумкин эди, холос.

«Махабхарата» билан «Рамаяна»ни-ку мен унча-мунча тушунардим-а. Баъзи парчаларни ҳали Шибпур мактабидалигимдаёқ эшитган, айримларини опамдан тинглаган, қолганларини эса Бхупоти-бабу ва кўпинча чойхонада учрашиб турганим жатра режиссёрининг ҳикояларидан билардим.

Мен мусулмонман. Албатта, биласпурларнинг менга нисбатан бўладиган муносабатлари, энг аввало шу жиҳат билан белгиланади. Аммо «Рамаяна» ва «Махабхарата» тарихи билан бунчалик яқин танишлигим уларнинг юз фоиз мусулмонлигимга ишонмасликларига олиб келганди. Мен-ку буларнинг ҳаммасига бошқача қарардим. Менинг учун масала диний эътиқодда эмас эди. Мен ўзим фақат оддий ишчи бўлсам-да, қандайдир бир оғзи бўш, аҳмоқ эмаслигимни, инсонлигимни кўрсатишга уринардим. Ва мен бунга эришдим ҳам, улар мени қандайдир, юқори табақадан чиққан дея тасаввур қила бошладилар. Рост, уларнинг ўзлари ҳам мени давраларига олиб, ҳамманинг кўз ўнгида анча маънавий ўсиб-ривожланишди. Сиз ўзингиз биласиз-ку, ҳиндларнинг ўзи ҳам, ҳиндистонлик мусулмонлар ҳам биласпурликларни камситишади, уларни чамарлар деб атаб, одам ўрнида кўришмайди.

Ҳамма гап одамларнинг бир-бирини яқиндан билишда. Билганингиздан кейин дўстлашасиз, шундаймасми?

Суяк янчиш фабрикасида ҳамма бетель чайнар, бири чекар, вино ичарди. Эркаклар ҳам, аёллар ҳам, ёшлар ҳам, қарилар ҳам. Мен эсам унисини ҳам, бунисини ҳам, учинчисини ҳам чайнамас, чекмас, ичмас эдим, шунинг учун ҳам улар мени ҳаммадан кўп ҳурматлашарди.

Аммо сизга ростини айтаман, ичишлари учун уларни ҳеч ҳам айблаб бўлмайди... Агар сиз фабрикага бир кириб кўрсангиз эди, нақд чанг-тўзон қуюнининг гувоҳи бўлардингиз. Аммо бу чанг эмас. Бу суяк уни. Ҳатто шунчаки фабрика яқинидан ўтиб қолсангиз ҳам бутун эгни-бошингиз суяк унidan оқариб қолади. Жуда даҳшатли нарса у! Димоғингизга урилдими бас — буткул иштаҳангизни бўғиб ташлайди. Шундан сўнг бирдан-бир дори — яхшилаб отиш.

Сиз, масала, бизнинг маст ишчиларимизни кўрсан-

гиз, улардан жирканарсиз. Айниқса, маст-аласт юрган аёллардан. Аммо шуни билингки, ўртоқ, мен сизга очи-гини айтай: винони улар шунчаки кўнгил очиш учун ичишмайди. Уни дори сифатида, мажбурият юзасидан қабул қилишади.

Суяк янчиш фабрикаси ҳақидаги ҳикоямни тугатиш-шимдан олдин сизга Шонарен ҳақида гапириб бераман.

Ҳедалилал яшайдиган жинқўчада бир қиз яшарди. Уни Шонарен деб чақиришарди. Ҳамма уни посёлкадаги энг гўзал қиз деб ҳисобларди. Сиз уни бир кўрганнгизда-миди, бу фикрга ўзингиз ҳам қўшилган бўлардингиз. Бундай ифлос муҳитда, шундай гўзал қизнинг етилиши— ҳақиқатан ғаройиб ҳодиса эди... У бу ерга узоқ вақтлар бурун опасининг эри — поччаси билан келганди. Унинг ота-онаси ҳам, ака-укаси, опа-синглиси ҳам йўқ эди. Бу почча деганингиз бўлса, катта қочоқ бўлиб чиқди. Шонаренни ташлади-ю, жуфтакни ростлади.

Шу йўсин қиз алоҳида уйда ёлғиз яшай бошлади. Ўзингиз биласиз, кўплар унга кўз тика бошлади, инчу-нин ҳаммага машҳур, гўзал қиз бўлса.

Унинг атрофида гирдикапалак, парвона бўлиб юрган-лар кўп эди: Дхонпот, Бхикхуа, Манлу, Валихон... Улар-нинг ҳаммаси бир овоздан Шонаренга уйланишларини айтишарди. Ҳаммадан кўп бу ҳақда Манлу оғиз кўпир-тирарди. Кўплар унинг олдида Шонарен менинг ўйнашим, деб жонини чиқарарди.

У пайтлари мен ўзимни жуда доно ҳисоблардим. Қим-га қандай яқинлашишни, унинг кўнглини қандай топиш-ни билардим. Бир куни пулдан бир оз қийналиб қолдим. Қимга мурожаат қилишни ўйлай-ўйлай ахийри Манлудан қарз сўрадим. Манлу ўзи ҳам пулдан қийналиб юрганини айтди. «Майли,— дедим мен унга,— бўлмаса, яхшиси Ва-лихондан сўрай қоларман». Манлунинг жони чиқиб кет-ди. «У ярамаснинг олдида паст кетишининг нима ке-раги бор?! Бир кун чидаб тур-чи, эрталаб бирон-бир йўлини топармиз». Манлунинг ўғли оғир бетоб эди, шун-дай бўлса ҳам хотинининг билагузугини гаровга бериб, эртаси куни менга беш рупий келтириб берди. Мен унинг пулни қандай топиб келганини билганимдан кейин, уят-дан ёниб кетдим.

Валихон фабрикада слесарь бўлиб ишларди. Қимдир гўёки Шонареннинг у билан сайр қилиб юрганини кўр-



ганмиш. Бу тўғрида кейинчалик ҳам узоқ вақт шивир-шивирлашиб юришди.

Мен Шонарен билан танишиш ва дўстлашиш йўллари кидирардим. Нима ҳам бўлди-ю, қандайдир бир сафар мен у билан ҳовуз бўйида учрашиб қолдим. Гап-гапга уланди, бирдан мен густоҳлик қилиб унга Валихоннинг номини эслатиб қўйибман. Шонаренни ўша ҳолатида кўрганингиздамиди! У дарҳол мендан узоқлашди, юзи ғазабдан бўғриқиб кетганди, шарт бурилди-ю, кетди-қолди. Шу-шу бўлди-ю, менинг қалбимда гўёки ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетди.

Худди шу пайтлари Чхедилал кишлоқдан қайинсинглиси — кичик хотинининг синглисини уйига кўчириб келди. Чхедилалнинг кичик хотини менинг ўз синглисига уйланишимни жуда истарди. У менга: «Ёшлиқда уйланиш керак, роса иккиланиб юрилавериб, кейин вақтини ўтказиб уйлансанг, кейин қизиги бўлмайди»,— дея гап ўрғатарди.

Мен унга: «Ахир мен мусулмонман-ку, сизникилар мени ўз тўпларига қабул қилишармикин?» дердим. У эса: «Кимнинг нима иши бор?! Бизникиларга жаримасини тўлайсан, иш тамом, вассалом!»— дея мени тағин қистарди.

Биласпуриликларнинг тор кўчаларида холи байрамидан йигирма кунлар олдиноқ арафа кўнгил очишлари бошланиб кетди. Ҳар бир гуруҳда ўн беш кишидан. Маскарадларда аёллар эркаклар қиёфасида, эркаклар эса аёллар қиёфасида юрар эдилар. Одамлар уйдан-уйга ўтишар, пул тўплашар, ўйин тушишар, жўр бўлиб ашулалар айтардилар. Вақт-вақти билан: «Ҷа-ра-ра-ра!» деб каттик кичкириб қўярдилар. Дўмбирачи дейсизми, бошқа мусикачилар дейсизми, у ерда ҳаммасини топишингиз мумкин. Фабрика маъмурияти байрам муносабати билан ишчиларга икки рупийдан, мастерларга уч-тўрт рупийдан бахшиш берди.

Ҳоли байрами кунлари икки кун давомида фабрика ишламади. Бу сафар мен бу икки кунни ишчилар посёлкасида ўтказдим. Байрамдан қўл бўшамасди. Байрам бутун сутка давомида ўтарди. Ҳоли деганингиз бу нақд ғавғонинг ўзи. Аввало одамлар бир-бирларининг устларига бўёқ тўкишарди. Бўёқ тамом бўлганидан кейин, қўлларига нима илинса, шуни сепишаверишарди, сув

Зўлса — сув, ювинди бўлса — ювинди. Бутун кун давомида ичдик ва хурсандчилик қилдик. Фақат тундагина овокатланишга ўтирдик. Асосан ширинликлар едик. Албатта гунда ҳам вино ичдик.

Хўжайиннинг шофери Отар Али мендан холи байрамни ишчилар билан ўтказганим учун аччиқланди. У мени мусулмон бўла туриб, байрамни чамарлар билан ўтказиб, ўзимни бадном қилганликда айбларди. Ва яна кўпчилик ҳам мени шу таъна билан ёлчйтишмасди.

Фабрикада Бхикхуа номли ёрдамчи бор эди. У ёш, соғлом йигит эди. Мен юқорида унинг Шонареннинг кетидан юришини айтиб ўтгандим. Улар орасида коработир бўлиб учинчи одам — бир сардор турарди. Ёш жихатдан у Бхикхуадан ҳам ёшроқ, чиройли, ҳам қув эди. Уни Қайлу дейишарди. Иш пичоқбозлик билан тугади. Шу воқеадан кейин Шонарен ва Қайлу посёлкадан биргаликда қочиб кетдилар.

## ЧОРШАНБА

### БАДШАНИНГ ХИКОЯСИ

Ўша куни, мен бошқарувчи билан уришиб, суяк янчиш фабрикасидан кетиб қолганимдан кейин, Конногорда Лакш минараяннинг жут фабрикасига ишлашга ёлландим. Аммо кейин фақат ҳафтасига тўққиз рупий тўланишини билганимдан сўнг мен ўйланиб қолдим: «Шу тўққиз пул деб велосипедда юрак ютиб Шибпурдан Конногорга, Конногордан Шибпурга бўзчининг моксидек қатнаб юраманми? Аҳмогингний топибсан-а!»

Жут фабрикасини ҳам йиғиштирдим. Беш кунлар чамаси уйда уй кизи бўлиб ўтирдим. Шундан кейин бир куни бир танишим келиб: «Ҳалиги қиз билан Татанипарга қочиб кетган мастер Канаи қайтиб келди!» — деб қолди. Бу мастер менинг яна «Эндрюль»га жойлашимга ёрдам берди. Менга кунига бир ярим рупийдан маош белгиланди.

У пайтлари у ерда ҳарбий эҳтиёжлар учун кўчма, йиғма-уйчалардан ремонт устахоналари, асбоб-ускуналар ёки омборлар, госпиталлар учун фойдаланиларди. Уларда яшаса ҳам бўлаверарди. Саккиз ойлар чамаси мен шунақа уйчалар қуриш иши билан шуғулландим.

Кейин танишим Озод «Танар-Моршон»да пайвандчи бўлиб қолди. Мен тешиш бўлимида ишлаб юрган кезларим Озод дурадгорлик қиларди. Биз у билан аҳил дўст эдик, биринчи марта кечки мактабда танишган эдик. «Эндрюль»да ҳам биз у билан бир пайтда ишлаган эдик: мен шогирд бўлиб, у бўлса, монтаж бўлимида ишчи бўлиб. Кейинчалик Қхолил-соҳиб дастидан Озод у ердан кетишга мажбур бўлганди.

Озод билан дўстлигим туфайлидан мен тагин «Танар-Моршон»га ишга ўтдим. Мени Томоша-соҳиб синовдан ўтказди ва ишга қабул қилди. Унинг ҳақиқий исми Томас эди. Аммо у бенгал тилида шундай аломат сўкишлар қилардики, эшитиб ичагинг узиларди. Шунинг учун ҳам ишчилар унга Томоша-соҳиб деб лақаб қўйиб олган эдилар. Ишчилар бир-бирларига: «Томоша-соҳиб бугун бундай деди... Томоша-соҳиб фалончининг авра-астарини ағдарди...» Ҳаммаси денг хаёлга келмайдиган сўкишлар.

Менинг маошимни кунига икки ярим рупийдан белгилашди. Иш сутка бўйи давом этар ва ҳаммавақт нормадан ортиқ эди. Умумий ҳисобда ойига қарийб юз эллик рупийдан тўғри келарди. Албатта, бундан яхши пул жамғарса бўларди. Ишга душанба куни чиқиб кетиб, фақат чоршанба кунигина қайтардим. Баъзан бир-икки соат заводнинг ўзида ухлаб олиб яна ишни давом эттирардим.

Оиламиз энди бир оз эркин нафас ола бошлади. Кўплар мени Бадша-бабу деб чақирадиган бўлди. Кўшнилари-римиз баъзи-баъзида уйимиздагиларнинг айримлари билан ади-бади айтишиб қолишса-да, лекин ҳеч кимнинг мендан хафалак жойи йўқ эди, ҳамма мени яхши кўрарди, оиламизда мендан кичикларимиз эса мени ҳурматлайдиган бўлдилар.

Пул кўпая боргани сайин оилада жанжаллар ҳам камайиб борар экан! Отам ўз орзуларига эрк бера бошлади. «Мана энди, яшайдиган пайтимиз келди! Янги уй кураимиз! Ўғилларимни уйлантираман!» — дерди у.

Заводда мен дастлабки пайтлари анча ҳайиқиб юрдим. Бу ерда ишбилармон мастерлар кўп эди. Европаликлар ва хитойликлар ҳам бор эди. Мен, сал янглишсам, ишдан хайдаб юборишади, деб кўркардим. Мастерлар бир кун муддатдан ортиқ ишласалар, эртаси куни: «Бугун мен ишламайман!» дея олардилар. Мен бўлсам, янгимасманми, куну тун чурк этмай, бирдай ишлардим. Йўқ дейишга ботина олмасдим.

Пайвандчиликка шогирд бўлгани заводга кўп ёшлар келганди. Кўплар мени огоҳлантириб: «Сен бола, жуда ҳам жон куйдириб бу мишиқиларга пайвандчилик сирларининг ҳаммасини ўргатаверма! Эртага улар ҳамма нарсани билиб олишса, биринчидан, нонинг яримта бўлади, иккинчидан, улар олдида сенинг обрўйинг қолмайди»,— дейишарди. Аммо мен бу гапларга парво қилмадим. Ҳаммага, кимки менга дуч келса, бир бошдан хунаримни ўргатдим. Айниқса, агар бола камбағал оиладан бўлса, қандай ёрдам бермаслигим мумкин, ахир? Мен ўз шогирдларимни ҳеч ҳам кийин-қистовга олмас эдим. Уларни ўзимга лаганбардорлик қилишга, югурдак бўлишга мажбур қилмас эдим. Кўпинча менинг ўзим ўз пулимга уларни овқатлантираб ҳам эдим.

Яратилажак романимда то суяк янчиш фабрикасигача тасвирлаганимга қадар фантазияга зўр беришимга тўғри келади.

Мен тўғри тусмол қилган эканман, ҳақиқатан ҳам Шонарен қиз боланинг исми экан. Мен яна шундан умид қиламанки, Бадша роман учун лозим бўлган яна бир қанча ҳикоялар айтиб бериши керак. Бир томондан, мен ўзи ҳеч нима кутмасам ҳам бўлаверарди. Чунки одам турмада танишган одамига тўлик юрагини очиши мумкинми?

Хали ҳам шунча айтган қиссалари учун ҳам мен ундан минг бора миннатдор бўлсам арзийди. Мен баъзан шундай хаёл қиламан, агар мен унинг айтганларини қозғатиб тикилиб ва ёзиб эмас, кўзига тикилиб тингласам, у шунчалик эркин ҳикоя қилармиди.

Нима бўлганда ҳам Бадша мен учун катта фантазия уфқини очиб берди. Масалан, тунги сменалар ҳақидаги ҳикоялари. Тунги гулхан атрофида бир-бирларига сикилишиб ишчилар исинишяпти. Ўз уйида ёлғиз қиз — Шонарен. Ҳаммасидан қизиғи — ишчилар шаҳарчасидаги холи байрами. Роман хусусидаги муваффақиятим, асосан, менинг ана шу материаллардан қандай фойдаланишимга, Бадшанинг ҳикояларини қанчалик тўлдира олишимга боғлиқ.

Мендай, фақат репортажлар ёзишга ўрганиб қолган кишига энг оғири ҳам шу-да. Ахир репортёр сўз ва одамларнинг хатти-ҳаракатига сўянади-да. У воқеалар изидан

бориб, уни ҳақиқаткорона тасвирлайди. Нимани кўрсанг ёки эшитсанг, шуни ёзасан. Албатта бу хусусда ҳам софдил репортёр бўлсанг.

Агар ҳақиқатда мен шу ёшимда ўз хунаримни ўзгартирадиган бўлсам, ҳамма нарсани бошқатдан бошлашимга, ҳатто қайтадан ўқишимга тўғри келади. Кўп дўстларим менинг бошқа ишни эплай олмаслигимни очик айтишади. Нима бало, охир-оқибатда роман эмас, ёлғон бир сохта асар чиқармикан.

Яхши ниятли кишилардан бири орзу-мақсадимни эши тиб: «Ёшинг нечада? Йигирма еттида дейсанми? Менинг маслаҳатимга кулоқ сол, қирк ёшгача сабр қил, ҳеч қандай роман-поманга қўл урма!» — деб қолди.

Демак, мен ҳали яна ўн-ўн бир йил сабр қилсам бўларкан.

## ПАЙШАНБА

### БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Заводимиздаги кўпгина шогирдлар ишчи даражасига ўсиб ўтишди, шунинг учун ҳам ишчилардан мастерликка ўтказиш ниятига тушишди.

Ким мастер бўларкин? Болаи ва Шонатон ўрталарида қаттиқ кураш кетди. Бу худди Куру жанг майдонидаги дек ҳаёт-мамот кураши эди. Болаи аслида бу масалада ҳеч ниманинг уддасидан чиқолмасди. Аммо унинг ортида кўпол Тошнинг ўзи турарди.

Кўпол Тош ўта муғамбир ва риёкор эди. Қачонлардир у бизнинг заводимизда пайвандчи бўлиб ишлаганди. Калькуттанинг Хаурасида пўлат кўприк қурилиб бўлганидан кейин Кўпол Тош Шонатон билан жанжаллашиб қолиб, заводдан кетди ва «Би-Би-Жей» компаниясига ишга кирди, компания кўприк қурилишига ёрдам бериш керак эди. Қурилиш тугагач компания ортиб қолган қурилиш материаллари ва бошқа майда-чуйдаларни сотди. Кўпол Тош хотинининг қимматбаҳо тақинчоқларини гаровга қўйиб ва бошлиқларнинг оғзини мойлаб, неча ҳам юз рупийга металл сим ғалтаги ва пайвандлаш аппарате сотиб олди. Унга бу аппарат қарийб текинга тушганди. Кейинчалик эса у аппаратни уч минг рупийга пуллади.

Кўпол Тошнинг отасининг кичиккина металл буюмлар

дўкони бор эди. Отаси бир тушиб, нақд синаман деганда Қўпол Тош отасини ишдан узоқлаштириб, дўконни ўз кўлига олди.

Урушнинг дастлабки даврларида мих жуда топилмас матоҳга айланиб қолганди. Қўпол Тош махсус мих станоги сотиб олди ва бир уюм пўлат қийикиндиларни тўплади. Тезда у оёқ кийимлари учун керак бўлган кичик михлар ишлаб чиқаришни йўлга солиб олди. Бу кичкина михга эҳтиёж жуда катта эди, фақат бугина эмас, у ўз шахсий автомобилида, миллионерларга ўхшаб юрадиган бўлди.

Мен хикоя қилаётган даврларда Қўпол Тош ҳали ўз фаолиятини эндигина бошлаган пайтлар эди.

Шундай қилиб, Қўпол Тош Шонатонни итдан баттар ёмон кўрарди. Шунинг учун ҳам у Болаини кўллаб-қувватларди. Завод икки лагерга бўлинган эди. Ишчиларнинг бир қисми Болаининг, иккинчи қисми Шонатоннинг тарафдорлари эдилар. Бир нечагина одам, шу жумладан мен ҳам икки гуруҳга ҳам кўшилмагандик. Биз, шунчаки адолат томонида эдик.

Болаида пул бор эди, бунинг устига Қўпол Тош ҳам унга бир оз берганди. Болаининг тарафдорлари Шонатонни йўлдан супуриб ташлашга қарор қилдилар ва шу мақсадда қандайдир каллакесарларни ёлладилар.

Шонатоннинг бўлса — уйи тўла бола. Бир этак бола-си бор. Рўзгорини учма-уч қилиб, зўрға эплаб юради. Энди у Болаи ва унинг ёллаган безориларидан чўчиб, тунги сменаларга гарчи кўшимча маошдан маҳрум бўлса ҳам чиқмай кўйди.

Кейинчалик, мажбур бўлганидан кейин, тагин тунлари ишлай бошлади. Аммо заводга у ёқ-бу ёққа аланглаб, кўрқа-писа келиб-кетарди.

Бир куни Болаининг тарафдорлари муғамбирлик билан Шонатонни алдаб завод яқинидаги борделга олиб киришибди ва у ерда винога папирос кули кўшиб бериб, нақд ўлдираёзишибди. Аммо худди ўша соатда унинг бахтига борделда пичоқбозлик бўлиб, полиция келибди-ю, шу воқеа Шонатоннинг ҳаётини сақлаб қолибди.

Пировардида бу икки томоннинг қайси бири баҳсда ғолиб чиқиши, бетараф юрганларга боғлиқ бўлиб қолди. Бетарафларнинг бошлиғи мен эдим. Мени хатто Болаининг каллакесарлари ҳам хурмат қилишарди. Ҳамма ме-

нинг ҳар қандай жанжал-тўполонда ўз шаънимни асрай олишимни билишарди.

Бир куни қандайдир бир арзмаган ишдан Шонатон билан гапим қочиб қолди. Болаи шуидай пайтни кутиб юрарди. Мени чеккага чакириб олиб, ўзининг барча режаларини гапириб берди. Ўша кечаси улар Шонатонни заводга келаётганда ахлатчилар кварталлида ўлдиришлари, жасадини ифлос қаналга отиб юборишлари керак эди. У ердан кейин уни ҳеч ким топа олмаслиги аниқ эди.

Иш кунининг охирига бориб, мен бутунлай ўзимни тутолмай қолдим. Заводнинг киравериш йўлагига Шонатонни кутиб турдим. Ва у ёқ-бу ёқдан хангамалашиб, уни уйигача кузатиб қўйдим. Хайрлашишда мен унга: «Бугун кечаси заводга келма»,— дедим. Шонатон менинг қўлимни икки қўли билан чангаллаб, худди ёш боладай ўксиниб йиғлади.

Кейинги куни мен ўзимизникилардан бирига: «Биз энди Шонатон томонидамиз»,— дедим. У бу гапни бошқаларга етказди, барча бу таклифга рози бўлди.

Бошлиқларга ҳам биз Шонатоннинг мастер бўлишини исташимизни етказдик. Бошлиқларга нима фарқи бор? Шонатон бўлса, Шонатонда. Болаининг тарафдорлари албатта аччиқланишди. Аммо ҳеч нима дейишга ботиношолмади.

Шу воқеадан кейин икки йил сурункасига, ҳар эҳтимолга қарши қўлимизда ханжар, ҳар ким навбат билан велосипедда Шонатонни тунги сменаларда уйига бирга олиб бориб, бирга олиб келиб юрдик. Биз ҳаммамиз уни «Шонатон тоға», деб атардик.

Болаининг тарафдорлари эса бунинг учун бизни «мастерларнинг нохўрлари» деб аламдан масхаралаб юришди.

Қизиқ, кейинги пайтларда кўп газеталарга материализм ва идеализм ҳақида бунчалик яхши мақолалар ёзаётган Деби-бабу деган шахс ким бўлдийкин? Кимдир уни партия аъзоси, деб қолди. Мен уни партия идорасида ҳеч қачон учратмаган эканман-да. Мақолаларидан кўриниб турибдики, у жуда узоқни кўрадиган одам... Яқинда Деби-бабу ажойиб китоб ёзди, бизнинг газетамиз китобни қаттиқ тайқид қилиб чиқди. У эса ўзини

хайрон қоларли даражада шаънига муносиб тутди: бо-  
сиклик билан айрим камчиликларини тан олди — васса-  
лом. Шунн таъкидлашим керакки, Деби-бабу ўз ишларида  
биз марксистлар ҳали эътибор ҳам бермаган кўпгина  
муҳим масалаларни ўртага ташлади. Масалан, унинг  
ишора қилишича, биз кўпгина чет эл ғояларини ва проб-  
лемаларини илгари сурамизу аммо ўз халқимиз анъана-  
ларига лозим бўлган даражада эътиборни қаратмаймиз.  
Хатто Хиндистонимизнинг қадимий тарихини, биз марк-  
систлар, яқиндагина ўргана бошладик-да!

Деби-бабуни газетамизда танқид қилиб чиқишларини  
ҳам тасодифий, деб бўлмасди. Партия барча фронтлар-  
даги ишларни, жумладан, маданият соҳасидаги ишларни  
ҳам диққат билан кузатиб бормокда эди. Айниқса, зиёли-  
ларни кўздан қочирмаслик керак. Редакциямизда кимдир  
бир куни ўринли айтганидай: зиёлилар агар ишчилар  
лагерида бўлса — оёқ вазифасини, буржуазия лагерида  
бўлса — бош вазифасини бажаради. Жуда ақл билан  
ўйлаб топилган фикр-а! Аммо мен шунга ишонаманки,  
зиёли халқи ўз калласини кесиб ташламасларидан олдин,  
уни сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Бу ишни фақат  
у ишчилар синфи ва партия билан ҳамкорликда амалга  
ошира олади.

Аммо принципда Деби-бабу ҳақ. Ҳозирги партия ли-  
ниясининг ҳам ўзига хос характери шундаки, ниҳоят биз  
ўз мамлакатимиз ғояларига ҳам алоҳида эътибор бера-  
диган, унинг турли зарурий проблемаларини мустақил  
ишлаб чиқадиган бўлиб боряпмиз. Энди хатто ўлмас  
деб ҳисобланган Мао Цзе, Дун ғоялари ҳам бизнинг  
партиямиз учун кераксиз нарсага айланиб қолди. Ҳамма-  
дан олдин биз Хиндистоннинг ўзида аҳвол қандайлигини  
яхши билишимиз, ундан кейин лозим бўлган чора-тад-  
бирларни кўришимиз керак.

Бизнинг буржуазиямиз кучли ва айёр. Буржуазия по-  
мешчиклар билан тил бириктирди ва шу йўл билан дав-  
лат машинасини ўз назорати остига олди. Асл моҳияти  
билан эса буржуазия инглизлар билан тил бириктирди,  
халқни эса гўёки мустақилликка олиб чиқмоқчи, фақат  
маҳаллий халқ манфаатларини кўзлаган бўлиб кўриниш-  
га уринди. Биз катта куч билангина бу иккиюзламачи  
ҳукуматни ағдариб ташлашимиз лозим эди. «Ўртоқлар!  
Хатто турмада туриб ҳам ҳукуматга қарши курашимизни



сўндирмаслигимиз керак!» — деди «катта мажлис»ларимиздан бирида олтинчи ётоқдан Топон Шанъял.

Топон билан биз қалин дўстмиз. Унинг тўғарагида мен марксизм-ленинизмни ўрганаётирман. Топон жуда эъзоз билан Марксни «Маркош-соҳиб», Ленинни эса «Ленин-соҳиб» деб атайти. Унинг аломат бир дўсти бор. Тентак Дашу деб аташади уни. Унинг ҳақиқий исми Дашоротхи, Тентак деган лақабни эса жуда тез жаҳли чиқиши, ўзини тутолмаслиги туфайли орттирган. У илгарилари таниқли футболчи эди, ҳатто бу ерда, турмада ҳам бутсида юрар ва футбол ўйнарди. Унинг зарби ҳақиқатан ҳам даҳшатли эди. Суронли, кизикқон характери фақат футбол майдонидагина эмас, балки бу ерда, марксизм-ленинизм тўғараги машғулотларида ҳам кўрниниб турарди. Хар қандай вазиятда у тезда жангга киришарди. У футболни аъло даражада ўйнар, кейинчалик эса уни ташлади, дехқонлар ҳаракатига бошчилик қилди. Тентак Дашу дехқонлар ҳаракати масаласида ҳамиша Топон билан қаттиқ баҳслашарди. Масалан, ўрта дехқонга қандай муносабатда бўлиш керак: революция пайтида уларни жалб қилиш керакми ё аксинча, бетараф қолдириш керакми? Улар мулкдор дехқонларга ён босиб кетишмайдими? Батрақлар учун алоҳида ташкилот тузиш шартми? Ва ҳоказо, ва ҳоказо. Тентак Дашу ҳамиша бу масалаларда шиддат билан Топонга ташланар, аммо Топон ҳеч қачон қуюшқондан чиқмас, ақл билан босиқ жавоб қиларди.

Топон катта трубкада тамаки тутатар, ўзи эса кичик жуссали киши эди. Кўзлари юм-юмалок, оғзи кичик, бағбақаси осилган. Биз уни «катта трубкали кичик Топон» деб атар эдик. Мен ундан трубкада тамакини иқтисод қилиш йўлини ўргандим. Трубкини тутатгандан кейин, Топон уни банка копкиғи устида қуритар ва кулдан хали ёниб улгурмаган тамакини ажратиб олиб, бошқа копкак солар, қуритиб яна чекарди. Жуда катта иқтисод!

Бундан ташқари, Топон жуда ажойиб ҳикоячи. Бир куни мен унинг камерасига ўтириб олиб, қишлоқ ҳаёти тарихидан жуда аломат ҳикояларини тинглаганман. Топон нақ дехқон тилида ўхшатиб сўзлаб беради. Мен Топоннинг ҳикоясини тинглаб туриб, қаршимда оёқлари яра-чақа, қадди буқик, оч-яланғоч, кашшоқ дехқонлар киёфасини кўрардим ва ҳатто ҳикоя таъсиридан улар-

нинг ҳолатига тушиб қолардим. Аммо Топоннинг ўзи ўзига тўқ оиладан чиққан. Унинг отасининг ўз ери, ҳатто хусусий чой плантацияси бор. Шунинг учун ҳам Топон уйдан яхши таъминланиб турар, бунинг устига отаси унга ҳар ой майда ҳаражатлар учун пул жўнатиб турарди. Топоннинг юриши ҳам ғалати: ҳар қадамига мослаб бошини худди қушга ўхшаб, гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга буриб юради. Менинг Топондан кўнглим тўлмапти. Соғлиғи чатоқ, узоқ очликка чидай олмайди. Бир нима бўлиб қолса, нима қиламиз?

Унинг ётоқда Шубимол ўтирибди. Ҳозирда у анча чўкиб, мунғайиб қолган, аммо қачонлардир жуда чиройли йиғит бўлганлиги ҳали ҳам сезилиб туради. Шубимол узоқ пайтлар область партия газетасида редакторлик қилган. Кейин бизнинг газетамизга ўтди. Унинг калласига ҳайрон қоласан, киши. Бу ерда, турмада, биз яъни мен, Шубимол, Бонши ва Бишту биргаликда Маркснинг «Капитал»ини ўқияпмиз денг. Иккинчи томини тугатиб, учинчисини бошладик. Шу нарса маълум бўлдики, тўрт-таламиздан мен ўқилганни жуда секин қабул қиламан, Шубимол бўлса ҳаммадан олдин. Ҳатто бу масалада Бонши ҳам ундан кейинда туради. Ҳамма гап шунда бўлса керак. Шубимол узоқ пайтлардан буён ҳаммамизга кўра кўпроқ вақт давомида ишчилар ҳаракатида иштирок этган. Турмадан чиққач, тағин Касаба союзда ишламоқчи.

Шу нарса маълум бўлдики, Шубимол футбол майдонида калласи билан бундан ҳам муваффақиятли ишлар экан. Бизлар матч ўтказдик. Болаининг командаси билан Хон-соҳибнинг командаси ўйнашди. Одам кам йиғилди. Шубимол ҳужумчи сифатида ўйинга тушишга розилик билдирди. Биз ҳаммамиз спорт трусисида эдик. Тентак Дашу бўлса, ҳатто бутси ҳам кийиб олган, фақат Шубимолгина дхотисини кўкрагигача кўтариб танғиб олганча, майдонга югурарди. Ялтироқ калласи билан тўпни ҳар урганда томошабинлар ҳам, ўйинчилар ҳам ҳайратдан ёқа ушлашарди. Шубимол деганингизнинг ҳақиқатан ҳам ажойиб калласи бор-да! Умуман, саломатлиги жойида. Унинг учун ташвиш тортмаса ҳам бўлади.

Тўртинчи ётоқда икки деҳқон очликни тўхтатишибди. Олтинчи ётоқдан бир зиёли ҳам. Зиёли-ку, албатта ўз номи билан зиёли-да, аммо яхши иш бўлмабди-да.

### БАДШАНИНГ ХИКОЯСИ

Кварталимиздагилар, кўшнилари мени ҳаддан зиёд хурматлашиб юборишди-ку. Ҳар бир қадамимда бир иш: нима бўлса — Бадша. Футбол командаси тузиш керак бўлса — Бадша. Граждан мудофааси группасига — Бадша. Жатра кўйиш лозим бўлса — тағин Бадша. Таниқли одам бўлиш ҳам бу осон иш бўлмас экан. Шундоққина бизнинг уйимиз ёнида бир чойхона бор эди. Унинг хўжайини чала шол бўлиб қолган Бходжу исмли киши эди. Унинг қўл ва оёғи ҳаммавақт секин титраб турарди. Олдинлари мен унинг чойхонасига кириб қолсам борми: «Тур, йўкол!» деб бакирарди у, ҳозир бўлса-чи, бошқача, Бадша-бабу, деб атайди.

Бходжунинг чайнаясига тез-тез Баркат кириб турар ва у жатра сахналаридан айрим парчалар кўрсатарди. У жатрани ҳаддан ташқари севарди. Кунлардан бир кун Баркат мени кўшни клублардан бирига у билан бирга боришим зарурлигини айтиб ёлвора бошлади. Клуб хўжайини Жотин Баркатни, нима хусусдадир у билан жанжаллашиб қолиб, ҳайдаб юборган, шу билан уни «Тўққиз кеча» пьесасидаги ролидан маҳрум қилганди. Мен Баркат билан бирга бордим ва режиссёр Бхупотини уни қайта қабул қилиш лозимлигига ишонтирдим. Шундан сўнг мен Жотиннинг ўзини ҳам кўндирдим.

Илгарилари мен жатрага мутлақо кизикмасдим. У ерда, Жотин клубидаги репетицияга кириб қолиб, «дугоналар ракси»<sup>1</sup>ни кўрдим ва буларнинг барчаси менга жуда маъқул бўлди.

Кварталимиз йигитлари тўпланишиб, ўзимизнинг жатра клубимизни ташкил қилишга қарор қилдик. Бхупоти бизга ёрдам беришга ваъда қилди. Мен бу ишнинг ташкилий жиҳатлари билан шуғуллана бошладим.

Бходжу бизга ўз чойхонасининг ярмисини ажратди. Биз зални ўртадан бўлдик, деразалар ясадик, шунинг билан клуб учун бино тайёр бўлди. Мендан ҳамма би-

---

<sup>1</sup> «Дугоналар ракси» — анъанавий ракс, бу ерда пьеса бош қахрамонининг дугоналари кўзда тутилмоқда.

роҳ роҳни олишимни сўрай бошлашди. Мен бошда ҳеч қандай роль ололмайдим, деб тихирлик қилдим. Қаллам жуда беўхшов, дедим. Йўқ, улар ўз гапларида туриб олишди. Биз, дейишади, сени яхшилаб гримлаймиз, нимаки талаб қилинса, ўша бўлади-қўяди-да. Ниҳоят, кўндиришди-ку. Албатта, ичимдан ўзимнинг ҳам жатрада ўйнагим келиб турарди-я! Аммо нимадандир уяларди киши. Яна кўрқасан ҳам.

Постановка учун биз «Бенгалия қахрамони» пьесасини танладик. Мени клубга мудир қилиб тайинлашди. Бҳоджининг чойхонасида энди ҳамиша одам гавжум — бизнинг репетицияларимизни кўргани келишарди. Биз ҳамма ерда тиниб-тинчимасдик.

Премьерани ўзимизнинг кварталимизда кўрсатдик. Саҳнани жиҳозлаш, парда топиш, саҳнани ёруғлик билан таъминлаш — буларнинг ҳаммасига олтмиш рупий кетди. Пулнинг катта қисмини бизга Қештодхон Банержий берди.

Унинг отаси «Танар-Моршон»да бухгалтер эди. Улар ўзларига яраша ўртача ҳаёт кечирардилар. Қешто ўқини охирига етказолмади. Отаси уни пайвандчиликка шоғирдликка берди. Кейин эса отасини давлат хазинасидан етмиш мингми, саксон мингми камомад қилганликда айблашди. Шу йўсин отасини ҳам, ўғлини ҳам ишдан ҳайдашди. Кейинчалиқ уларнинг иккаласи ҳам бизнинг заводимизга ишга ўрнашишди.

Қешто уйланди ва ўша пайтнинг ўзидаёқ ўз бева қайинсинглисини севиб ҳам қолди. Тез орада қайнатаси ўлиди ва хотинининг бутун бошли катта оиласи бечора Қештонинг гарданига қолди. Унинг ўзи бўлса пайвандчиликдан орттиргани — кўзини ишдан чиқариб қўйган, яхши кўрмасди. Қечаси, устама ҳақ тўланадиган ишларга чиқа олмасди. Уларга жуда оғир эди. Оч-юпун яшашарди. Бодаи ва унинг оғайниси Роббани бўлса, Қештонинг оғир аҳволдан фойдаланиб, унинг қайинсинглисининг изидан юришарди. Қешто заводга ҳамиша эзилган, азиат чеккан ҳолатда келарди. Ўша кезлари мен у билан дўстлашдим. У Қадамтолда яшар ва ишга пиёда келарди: уйдан эрталаб соат бешда чиқиб, саккизда заводга етиб келарди. Унинг бунчалиқ секин ҳаракати ва тепсатбранмаслигини кўриб, мастерлар уни масхаралашар, устидан қулишарди. Баъзан улар кўнгилочиш учун ҳам

уни масхаралаб, заводдан кувиб юборардилар: бугун, афсуски, сенга иш йўқ, дердилар. Мен уни ҳимоя қилишга ҳаракат қилардим, уни ҳаминша иш билан таъминлашларини кузатиб борардим.

Шундай қилиб, ана шу Кешто бизнинг жатра клубимизга келиб кўшилди. Маълум бўлдики, унда катта қобилият бор экан. У гўёки ўз устидаги таҳқир тўнини ечиб ташлаб, руҳан янги одамга айланган эди. У ҳаманинг оғзида эди. Оқибатда заводда ҳам Кештони анча ҳурматлайдиган бўлиб қолишди.

Болаи бизга Абу Хусайн тарихини ҳикоя қилиб берди. Очлик эълон қилишнинг дастлабки кунларида Абу Хусайн озодликка чиқди ва хайрлашгани бизнинг олдимизга келди. Турма кийими ўрнида унинг устида янги дхоти ва панжоби эди.

Мен турмада ўтган кейинги ҳаётим давомида кўп «зиёлиларни» кўрдим: Шантипурлик Госвами — қалбаки пул ишлаб чиқаргани учун ҳукм қилинган. Шудхир Гхош — молия масалаларида олғир, фирибгар, бегона хотинни зўрлашга урингани учун ўтирган Мукунд Рай... Аммо улар шундай бўлса-да, турмада ҳам оксуякликларича қолишди. Жаноб маҳбуслар. Улар ҳеч қандай оғир иш билан шуғулланишмас, ҳатто кўлларига белкурак ушлаб кўришмади. Турма бошқармасида ўтириб олиб, ҳар хил қоғозларни қайта кўчиришар эди. Ўзларини *writer*<sup>1</sup> деб аташди. Бу сўзни энди мен эшитишни ҳам хохламай қолгандим.

Улар орасида бирдан-бир ҳақиқий зиёли Абу Хусайн эди. Самимий, юмшоқ, жуда диёнатли мусулмон эди у. Уни бутун турма яхши кўрарди.

Уни озодликка чиқариш куни келганда, кўплар худди ўзлари турмадан кутулиб чиқаётгандек хурсанд бўлишганди. У бўлса, ўзини йўқотиб қўйганди: бундан кейин турма ҳаётисиз ўз ҳаётини бошқатдан куриб кета олармикин?

Мен шуни билардимки, Абу Хусайн одам ўлдириб, турмага тушган, аммо унинг сабабини билмасдим. Уни, ҳали жуда ёшлик даврларидаёқ турмага тушган, дейи-

---

<sup>1</sup>«Writer» — сўзи одатда инглизчасига ёзувчи деган маънони беради. Аммо Ҳиндистонда XVIII—XIX асрларда Ост-Индия компаниясига қарашли қоғоз кўчириш билан шуғулланувчи майда чиновникларни шундай аташарди.

шарди, аммо мен уни анча кейин, етарлича ёш эгаси бўлган пайтида танигандим. Биз ундан: «Энди нима иш қиласиз?» — деб сўрадик. Абу Хусайн кулиб, чўнтагидан авайлаб турма штемпели босилган хатни чикарди. Конвертда хат юборилган жойнинг адреси бор эди: Кришногор. Абу Хусайннинг дўсти Бипин Чоудхури, унга, уни ёзув қоғозлари билан савдо қилувчи хусусий магазин ва бир квартира кутаётганини хабар қилган эди. Турма дарвозасида Бипин Чоудхурининг ўзи кутиб олади. Мана шу пайтга келибгина унинг нима сабабдан турмага тушганини ҳамма билди.

Бипин унинг қадрдон дўсти эди. Абу Хусайннинг ҳеч қандай қариндош-уруғи қолмаган эди. У ўзгалар қўлида катта бўлган. Кейинчалик эса ҳам ишлаб, ҳам ўқиган. Бипин унинг синфдоши бўлган, улар шунчалик дўстлашиб кетишганки, ораларидан қил ўтмайдиган бўлган.

Кейин Бипин ўқишни ташлаб хизматга кирган. Абу Хусайн эса ўқишни ҳам давом эттираверган. У ҳаммадан кўпроқ кутубхонада ўтириб китоб ўқишни яхши кўрган.

Шундан кейин Бипин бир қизни яхши кўриб қолган ва у қизни дўстига ҳам таништирган. Улар кўпинча уччаласи бирга юришган. Абу Хусайн — мусулмон — кўпларга унинг ҳинд кизи билан юргани ёқмаган.

Қиз эса шундай бўлса ҳам Бипин билан бир кастадан бўлмаган. Шунинг учун қизнинг ота-онаси уларнинг муҳаббатини маъқуллашмаган ва зимдан қизларига ўз касталаридан бошқа муносиб куёв қидиришган. Ота-онанинг қийноқ-қистовларидан кейин қиз ўз қастасига мансуб бўлган бошқа йигитга турмушга чиқишга розилик берган.

Мана шу ўринда катта гап бўлган. Бипин Абу Хусайнни олиб, бир хилват жойда қиз билан сўнгги марта учрашиб, унинг розилигини олишга ҳаракат қилган. У жойда нима гап бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Фақат бир оз ўтгач, қўлида қонли пичоғи билан кўчада чопиб бораётган Абу Хусайнни тутиб олишган. Бипин ўз дўстини қутқариб қолиш учун кўп пуллар сарфлаган. Ва қутқарган ҳам. Фақат муддатли холос. Чунки суд Абу Хусайнни бир умрга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм чиқарган.

Судда Абу Хусайн айбни ўз дўстининг бўйнидан соқит

қилган. Аммо ўз айбнини ҳам тан олмаган. Суд ундан ҳеч нимага эриша олмаган.

Биз Болаи-дадан сўрадик: «Демак қизни Абу Ҳусайн ўлдирибди-да?» Болаи-да жавоб берди: «Йўқ! Уни рашк ўтида Бипин ўлдирганди». Мен ҳали бирор марта бўлсин, бизнинг замонамизда дўсти учун ўлимга тайёр турган одам ҳақида эшитмаган эдим. Аммо Абу Ҳусайнни бир ярим йил давомида ўз кўзларим билан кўриб юрдимку. У шундай одамки, бундай одамга ишонмасдан бўлмайди. У ўз тарихини Болаи-дага қандай гапириб берган бўлса, биз унинг худди шундай бўлиб ўтганига ҳеч шубҳа қилмадик.

Аммо мен нима учун бирданига Абу Ҳусайнни эслаб қолдим?

Ўтган кеча Бхобини Дотто кўчасидаги уй тушимга кирди. Ўша иккинчи каватдаги кўримсиз уй.

Бир куни биз у ерда мажлис қилгандик. Шурешшор пачкадан сигарет чиқариб, бўш пачкани уйнинг бурчагига отиб юборди. У сигаретини тутатган ҳамоноқ, мен, Монши ва Биджит «Booked»<sup>1</sup> деб кичқирдик. Шурешшор норози қиёфада елкасини қисди. Кейин мажлис тамом бўлгани ҳамоноқ Камол ва Монши Шурешшор отиб юборган пачкага ташланиб, уни кўлга олишди. Шурешшор эса уларга ташланиб, сигарет қутисини улардан юлиб олишга интилди. Маълум бўлдики, унда ҳали сигарет бор экан! Шурешшорнинг сигарет қутисини гўёки унда ҳеч нима қолмади, деган маънода улоқтиришини олдиндан билиб қолгандик. Шуларга карамасдан, қанчалик ажойиб дўстлар эдик биз!

Қани энди менинг дўстларим? Улар қаёққа ғойиб бўлишдйкин?

## ШАНБА

### БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Жатра премьераси муваффақиятли чиқди. Балкя томошабинларнинг ҳаммаси ўз кварталимиздан бўлганлиги туфайлими, бизларни олқишлаб, роса чапаквозлик қи-

---

<sup>1</sup> «Банд қилишди», «заказ қилинди» (инглизча); бу ерда «қолганини мен чекаман» маъносиде.

лишди. Айниқса Қешто ва мени макташди. Бошқа кварталларга бориб кўрсатиш учун бир неча таклифномалар олдик.

Сабабини билмайману аммо отам бошда менинг жатрага бўлган қизиқишимни маъқулламади. Аммо кейин у ҳамма бизни мактаб, ўз кварталларига ҳам қўйиб беришимизни сўраб, илтимос қилишаётганини кўриб шаштидан тушди. Ғазаб ўрнини мулойимлик эгаллаб, у кишини ўзи ҳам бизнинг доимий томошабинларимиздан бирига айланди. Биз қаерда жатра кўрсатмайлик, отам ўша ерда ҳозир у нозир. У нафақат кўрсатувни томоша қилишга келар, ҳар сафар бир-икки ёки уч рупий пул ҳам берар, ҳатто бизни медаль билан мукофотлашни ваъда қилиб юрарди. Медаль борасида албатта у қизил гап қилар, ҳеч ким унинг гапини жиддий деб ўйламасди ҳам. Жатрадаги дугоналар ролида уч бола рақсга тушарди. Улар Нимаи, Шадху ва Чхану эди. Бунгача улар Жотиннинг клубида роль ўйнаб келган эдилар. Биз уларни фақат премьерга иштирок этишгагина таклиф қилгандик. Аммо уларга бизнинг клубимиз шунчалик ёқиб қолдики, қайтиб Жотиннинг клубига бормадилар. Бутунлай бизнинг клубимизда қолиб кетишди. Тезда уларнинг номи ажойиб ўйинчилар сифатида бутун воҳага тарқалди.

Уларнинг уччаласи ҳам жуда камбағал оиладан эдилар. Ниманинг отаси трактирда малайлик қиларди. Шадху этикдўзнинг ўғли бўлиб, ёлғиз бева онаси билан яшарди. Шундай пайтлар ҳам бўлардики, улар бир неча кун сурункасига оч қолишарди. Шадхунинг онаси латтапутталар йиғиб юрар, ёғоч сотиб олиб, ундан швабра ясар, кейин уни бозорда олганига сотарди. Чханунинг отаси ип фабрикасида ишларди. Тағин уйи тўла ука ва сингиллар денг. Бутун оила кичик икки хонадан иборат уйчада сиқилиб яшарди.

Биз бу уч ўйинчини заводимизга ишга жойлаштирдик. Нимаи бизнинг бўлимимизга, пайвандловчига шогирд бўлиб келди. Шадху менинг отамнинг қўл остида ишлай бошлади, отам уни станокка қўйди. Чхануни эса модель цехи дурадгорига шогирдликка қўйдик. Бу уччаласи орасидан фақат этикдўзнинг ўғли Шадхугина оғир синовларга чидаб берди. Кейин эса у узоқ ишлаб кетди. Менинг ўзим уни Қасаба союз ишига тавсия қилдим. Нимаи ва Чханудан бизларга йўлдош чиқмади. Уларнинг икка-



ласи ҳам кейинчалик ичкиликка берилиб кетишди.

Урушнинг учинчи йилида биз, айтиш мумкинки, ёмон яшамадик. Бўлмасам-чи — бир оилада уч боқувчи!

Оадинлари биз баъзан янги уй қуриб олсак яхши бўларди деб гаплашардик. Аммо кейинчалик бунақа маслахатлар қилмай қўйдик. Энди биз қаттиқ ишнинг кетидан тушдик. Кичкина қулбада сиқилиб ўтириш энди бизга тўғри келмас эди. Бошда отам пахса уй қуришни мўлжаллади. Аммо Шароф тоғамиз бизнинг бу фикримизни билиб қолиб: «Яхшиси, сенлар гиштан, тунука томли уй қуришлар, харажатдаги фарқи арзимаган пул бўлади», — деди.

Биз уй қурилишини бошлаб юбордик. Режасини ҳам тузиб чиқдик: уч алоҳида хона, тагин пешайвон. Фақат гиштининг каттасини, ҳажмлисини эмас, сал кичикроғини танладик. Томни ҳам гиштан қилавердик. Гиштни бир неча ой давомида, мунтазам сотиб олиб турдик. Яхшигина қарздор ҳам бўлиб олдик. Кейин эса мен ва акам уйландик. Икки тўй маросимини ўтказишимиз учун еримизнинг ҳаммасини гаровга қўйдик.

Менинг рухий аҳволим энди жуда ўзгарувчан ва қарама-қарши бўлиб қолди. Бу айниқса, маҳбусларнинг овқатланиши масаласида яққол кўзга ташланади.

Пақирнинг жаранглаган овозини эшитганимда: «Ана азоб!» деб ўйлайман. Ҳақиқатан ҳам азоб-да. Аммо энди ҳаётдан умидворлик ҳам бор-да. Овқат олдидан бўладиган бу пақир жаранглаши худди шартли рефлексдай кишига овқатни эслатар, бутун организм овқатланишга чоғланарди. Бундай даҳшатли истакка қарши туриш осон эмасди: ўзингни овқатланмасликкагина эмас, балки тирик қолишингга ишончингни ҳам сақлаб қолишинг керак. Заводимизда ҳали жуда кўп яхшиликлар, ажойиб одатлар ҳақида гап бўлади. Тўғримасми?

Бизни зўравонлик билан овқатлантиришга ҳаракат қилишларини кузатиб ўйлайманки, демак бу маъмурлар бизнинг очлик эълон қилиб, очлик азобида ўлишимиздан қўрқишади. Улар бизга шунчалик нозиклик билан муомалада бўлишадими, бу йўсинда овқатдан бўкиб ўлиш мумкин. Сутнинг ранги ўзгармаган, демак, унга ортиқ сув қўшишмаяпти. Тухумдан ўғирлаб қолишадими, йўқми, бунисини билмадим. Аммо қоньяк ҳиди анқиб турганига

нима дейсиз. Хуллас, умуман ва айтиш мумкинки бутунлай яшаш — умид қилса бўлади. Бу гап нафақат бизга, балки уларнинг ўзларига ҳам тааллуқлидир. Улар бизнинг тирик қолишимиздан биздан кам бўлмаган даражада манфаатдордирлар.

Бунинг хайрон қоладиган ери йўк! Қанчалаб одамлар бизни деб текин томоқдан маҳрум бўлиб ўтиришибди! Бизнинг ошхонамизнинг ишлаб туриши кўпларнинг рўзгорини тебратар, чўнтагини қаппайтирарди. Маҳсулотлар бозордан олинарди. Дехқондан бу маҳсулотлар бизга етиб келгунича қанчадан-қанча кўзга кўринар ва кўринмас одамларнинг қўлларидан ўтар ва албатта уларнинг барчаси ундан нимадир ўмариб қолишарди.

Биз еб-ичишдан бош тортишимиз билан улкан машинанинг ишлашини тўхтатиб қўйдик. Турма бошқармаси қарийб ишсиз қолди. У ерда албатта қоғоз-қалам тежалепти-ю, аммо бу тежамкорлик қанчалар зиёнга тушяпти. Турма ҳозир жуда кам нарса олади, демак кам нарса сарф қилади. Турманинг бош таъминоти — корхоналари бекорчилик ва пулсизликдан жабр кўраётган бўлса керак. Улар билан бирга дўкандорлар, чакана савдо хизматчилари, деҳқонлар, хаттоки ташувчи ишчилар денг. Турма хизматчилари ва маҳбуслик муддатини ўтаётганларни айтмайсизми. Турма касалхонасининг докторлари, қаровчилар, соқчилар, бизнинг хизматкорларимиз аталган каллакесарлар, врач-консультантлар, дори етказиб берувчилар... бизларни айтмай ҳам қўя қолайлик.

Хулласки, мингларча одамлар бизнинг эълон қилган очлик компаниямизнинг тугашини кутиб ётибди. Уларнинг ҳаммаси бизга захрини сочишади: «Ўзларини ҳаётдан маҳрум қилгани етмагандек, бизнинг ҳаётимизга ҳам ғов бўлишяпти!» дейишади.

Ҳукумат идорасида ҳам бизнинг очлик компаниямиз тугашига интилиб ётганлар бор деб гумон қиляпмиз. Чунки бундан зиён кўраётганларнинг кўплари шахсий ва синфий манфаатлари жиҳатидан ҳукумат одамлари билан яқин алоқадаги кишилардир. Шунинг учун ҳам ҳеч шубҳаланмасдан шуни айтиш лозимки, қачондир бир муддатда бу компания тугатилиши керак.

Шу хулосага келарканман, мен фақат вақтгагина сиғинаман. Йўк, «сиғинаман» деган сўз бобом ва бувимнинг лексиконидан, бу сўзда қандайдир фатализмга, Бхагаван ва бошқа шунга ўхшаш мистик оқимларга мойил-

лик бор. Яхшиси, вақтдан «умид қиламан» деганим маъкул.

Бу ўринда ҳам «вақт» деганда хиндларимизнинг «абадийлик» маъносидаги вақтини эмас, балки шунчаки одми «муддат» маъносидагина кўзда тутяпман.

Мен гапимнинг ташқи формасига алоҳида эътибор беришим керак. Чунки мен диний ақидалар ҳукмрон бўлган мухитдаги оилада ўсганман. Мени бу ақидалар ўзига банд қилган ҳам. Шунинг учун ҳам «сиғинаман»га ўхшаш сўзларнинг оғзимдан чиқиб кетавериши табиий ҳолдир. «Умид қиламан» деган сўз ўрнида мен «сиғинаман» деганимда гўёки қандайдир худодан тилаш маъноси жанглайди.

Менинг марксистик позицияга ўтган пайтларимда шундай воқеа бўлиб ўтганди. Автобусда кетаётгандим, бирдан қарасам, қаршимда ўша пайтлари студентларнинг лидери ҳисобланган машхур киши ўтирибди. У албатта мени танимасди, аммо мен унинг содиқ мухлиси эдим, унинг студентлар мажлисларидаги нутқларини жон қулоғим билан худди сеҳрлангандек тинглардим. Хуллас, шунга автобусда енгил таъзим қилиб, унинг қулоғига айтадиган гапим борлигига ишора қилдим. У мени тушунди ва энгашиб қулоғини тутди. Мен унинг қулоғига шивирладим: «Айтинг-чи, марксизм билан динни бирга кўшиш мумкин бўладими?» Студентлар лидери мени тентак деб ўйлади, чамаси. У менга шундай еб кўйгудек қарадики, мен ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Ўзимам тоза майишиб кетдим, кейин сал қаддимни ростладим-да, ўзимга келиб, бутун автобусга эшитиладиган қилиб: «Бундай бўлишини сира кутмагандим»,— дедим. У бўлса худди менинг елкамга туширгандек қатъият билан «Йўк!»— деди.

Кейинроқ бориб, мен сиғинган бу марксист, студентлар лидери хинд миллий конгрессига кирди. Касаба союз босси бўлди, кейинроқ бориб эса Пондитерий ҳазрат<sup>1</sup>га сиғинадиган ашаддий диндорга айланди ва вафот этди.

У ҳам, мен ҳам ўзгариб кетдик. Мен ҳозир унинг ўша пайтдаги «Йўк»ига кўшиламан. Очиғини айтганда,

---

<sup>1</sup> Бу ерда ҳаётининг катта қисмини диний марказга асос бўлган Пондишеридида ўтказган Оробиндо Гхош кўзда тutilмоқда.

мен ундан миннатдорман ҳам. Бизнинг ўша учрашувимиз биринчиси ва сўнгиси бўлганди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, менинг замондошим бўлган, ўзимнинг хилимдаги бу кишининг айтилган шу қисқагина «йўқ»и менинг фикр йўналишимни бутунлай ўзгаришига етарли бўла олган.

Хозир-ку, мен Бхагаванга мутлақо ишонмайман. Тоат-ибодатга ҳам, диний маросимларга ҳам ишонмайман.

Агар мен бундай эътиқоднинг мустаҳкамланишида кимнинг ҳиссаси катта бўлганини ҳикоя қилсам, дўстларим роса менинг устимдан кулишган бўларди. Кеча мен кутилмаганда унинг юзини ҳам эсга олдим.

Бурнида катта, қалин ойнали кўзойнак. Китобни у фақат кўзига теккизгудек қилибгина ўқий оларди. У ҳаммавақт эгнидаги ҳамиша очик рангли, қотирилган лунгисининг у ёқ-бу ёғини тўғрилайверар, гўёки кишида шу енгил кийим ҳам унинг учун оғирлик қилаётгандек таассурот қолдирарди. Бутун ҳаракатларида асабийлик ва титраб-қакшаб туриш акс этиб турарди. Бобом мени унинг олдига олиб борган кезлари у менга калла ирғаб қўйиб ёдатда шундай дерди: «Уни мен билан қолдиришгу ўзингиз бўлса, бошқа бир ерга бориб, бошингизни ерга теккизиб, худога сажда қилаверинг!» У бу билан катта диндор ҳазратларга, уларнинг оёқларига йиқилиб, ерга бош уриб сажда қилишларга ишора қиларди. Бобом биринчи кунданок менга бу мураббий унақа таъзимларни ёқтирмаслигини айтиб қўйган эди. Бобом кетиши биланок мураббий гўё қайта туғилгандек бўлар, хушчак-чак ва серкулги одамга айланарди-қоларди. У менга жуда ёқарди. У мени апельсин ва шонден<sup>1</sup> билан тез-тез меҳмон қилиб турарди. Бу ноёб нарсаларнинг ҳаммасини унинг муридлари — бхакта<sup>2</sup>лар олиб келишарди. Аммо мен шуни сезиб қолдимки, у шиддатли характер эгаси бўлганлигидан, мухлислари унчалик кўп эмас эди.

Мен коммунист бўлганимдан кейин унинг ҳузурига камдан-кам борадиган бўлиб қолдим. Мен ундан кўрқардим. Бирдан мени сўз қамчиси билан савалаб ёки баҳслашиб қолса борми, мен буларнинг иккаласига ҳам тайёр эмасдим. Бобом менинг бу истиҳоламни яхши би-

---

<sup>1</sup> Шонден — сузмадан қилинадиган ширнилик.

<sup>2</sup> Бхакт — бу ерда издош, мурид маъносига.

ларди. Умуман олганда-ку, бобом менинг коммунистик дунёқарашимга ҳеч қандай қаршилик билдирмасди, фақат унинг атенст эмаслигини ҳисобга олмаганда. Аммо унинг сал-пал бўлса ҳам мени бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилувчи умидвор кайфияти менинг кескин «йўқ!» деган жавобим билан йўқ қилинарди. Бир куни бобом қандайдир баҳона билан мени ўз «махароджа»<sup>1</sup>си, қалин кўзойнакли домлага бошлаб қолди. Бобом афтидан зимдан мени қайта тарбиялашга, ҳеч бўлмаса мураббий билан баҳсда ноқулай аҳволга солиб қўйишга ҳаракат қилаётганди. Биринчи галда у мураббийга шундай деди: «Биласизми, Ору коммунист бўлди». Мен ўз кўзларимга ишонмасдим: Мураббийнинг тунд юзларида табасум балқиди. Унинг кейинги гаплари эса менинг шубҳаларимни бутунлай тарқатиб юборди. «Жуда соз! — хитоб қилди «Махароджа». — Демак, Ору мунофиқ эмас!» Бобом олдин шошиб қолди. Аммо менинг бу гаплардан жуда хурсанд бўлганимни кўриб, унинг ҳам чехраси ёришди.

Бобомнинг бувимни «Махароджа»ликка олиб бориб юрган даврларини эслайман. У дерди: «Гўшт, баллиқ емаслик керак, тоат-ибодатни қанда қилмаслик керак, худоларнинг образларини халқалар билан тўлдириш керак, деган гапларнинг ҳаммаси бекор. Энг муҳими, кунига ҳеч бўлмаганда бир марта кўнглингда Бхагаваннинг номини эсга олсанг бўлгани!»

Фақат шугина холос! Қандай осон!

Мен баъзан шундай ўйланиб қоламан, бу бобом ва бувим учун худога ишониш — бош масала эмас. Улар учун энг муҳим масала — бу олижаноблик, очикқўнгилик, ўзгаларга нисбатан фақат яхшиликни раво кўриш, умуман, одамларнинг биргаликда яшашлари учун нимаики яхши фазилат талаб қилинса, шулардир. Дин деганингизни худди мана шундай тушунилса бўлмайдими? Аммо унда инсон учун яна нима ҳам керак? Тўғри, қалбнинг абадийлиги проблемаси, қайтадан яралиш проблемаси қолиб кетади-ку, демоқчисиз. Инсон бу ҳаётда очкўзлик ва хасислик қилиб, келгусида туғиладиган авлодлардан кўпроқ олиб қолиш мақсадида тубанликлар

---

<sup>1</sup> Махароджа — бу ерда диний мураббийга, пир, хазратга муҳаббатча муносабат, ҳурмат билан мурожаат маъносида.

қилади. Мен-ку, қалбнинг абадийлигига ишонмайман-а!  
Аммо бувим ишонарди, бобом ҳануз ишонади.

Бобом учун дин худди омонат кассасидаги жамғар-  
манинг ўзгинаси, уни кўпроқ тўплаш билан ўзининг  
келажакда туғилажак авлодларингга савоб тўплайсан.  
Ҳақиқатан шундай.

## ЯҚШАНБА

### БАДШАНИНГ ҲИҚОЯСИ

Мақтабда ўқидим, заводда ишладим, тўй қилиб уй-  
ландим — демак мен катта одам бўлиб қолдим-да. Шун-  
даймасми? Аммо сиёсатнинг, оғайни, мен яқинига ҳам  
боролганим йўқ эди. Энг муҳими шундаки, фақат баъзан  
ишчилар учун нима яхши-ю, нима ёмонлиги тўғрисида  
ўйланиб қолардим.

Аммо мен, биринчи галда, ҳаммадан олдин биз му-  
сулмонмиз, деб ўйлардим. Агар газеталарда мусулмон-  
ларнинг муваффақияти ҳақида бирор хабар ўқиб қолгу-  
дек бўлсам жуда хурсанд бўлиб кетардим. Бетараф му-  
сулмон мамлакатлари: Туркия, Миср, Эрон, Афғо-  
нистон — биз учун худди иккинчи она-Ватанимиздек гап  
эди. Ахир у ерда «мусулмон» сўзини эшитганда ҳеч ким  
бурнини жийирмайди-да. Аксинча, у ерларда одамлар  
мусулмонликларидан фахрланиб юришади.

Бенгалияда ўша пайтларда «мусулмон лигаси»<sup>1</sup> ҳуку-  
мати мавжуд эди. Демак, бундай тушунса бўлади: ро-  
жа — инглиз, унинг ҳузуридаги вазири — мусулмон. Шу-  
ниси ҳам ёмон эмас! Агар мен бирор-бир ерда мусулмон  
командаси ўйин ўйнаганини ёки қандайдир бир мусулмон  
студент Европага ўқишга кетганини эшитсам ҳам жуда  
хурсанд бўлардим. Қачонки, бизнинг севимли командамиз  
«мусулмон спортчилар» ўйнайдиган бўлиб қолса кварта-  
лимизда ҳамма мусулмонларнинг умумий намози уюшти-  
рилди.

---

<sup>1</sup> М у с у л м о н л и г а с и — Ҳиндистон мусулмонлари номидан По-  
кистоннинг ташкил этилишини талаб қилиб, 40-йилларда ҳаракат қил-  
ган партия.

Мен болалигимдан хиндлар мусулмонларни эзиб келишяпти, шунинг учун мусулмонлар руҳларини бардам қилишлари учун Ёллои-таолога сизгинишлари керак, деган гапларни кўп эшитиб, ўрганиб қолгандим. Бу менинг калламга қаттиқ ўрнашиб қолганди. Менинг отам ҳам албатта руҳни бардам қилиш, аммо бу ишни хиндийлар билан бирга қилишни истарди. Шунинг ҳам айтиш керакки, отамнинг бу нуқтаи назарини кварталдошларимиз маъқуллашмасди.

Вақт ўтиши билан мен Джинна-соҳиб<sup>1</sup> бизнинг дохйимиз, яъни мусулмонларнинг дохйиси эканлигини ҳам билиб олдим. Джинна-соҳиб мусулмонларнинг ўн тўрт пунктдан иборат талабларини олға суриб, ҳаракат қиларди. Агар шу ўн тўрт талаб бажарилмаса, Джинна-соҳиб мусулмонларни курашга бошлаб боради, дейишарди. Бундай гапларни эшитиб юриб мен ўзимни жуда паҳлавон сифатида ҳис қилардим.

Заводда мен тез-тез-ишчи ва мастер хиндийлар билан мусулмонлар лигаси ҳақида баҳслашиб қолардим. Мен қизиққонлик билан хинд динида турли оқим ва касталар кўплигини, ислом дини эса ягона бўлиб унинг софлигини ва ақл билан ўйлаб топилган дин эканлигини исботлашга ҳаракат қилардим. Мен бу гапларимни ишонч ва шиддат билан гапирар, аслида эса мен бу билан ўз-ўзимни ҳимоя қилардим. Баҳслашишга-ку, баҳслашардик-а, аммо бир жойда ишлаб, ҳаммаша бир-биримизга яхши муносабатда бўлар эдик. Бир томондан мен заводда мусулмонлар номидан гапирар, кварталимизда эса кўпинча лигага қарши, мусулмон урф-одатларининг кўпчилик ярамас жиҳатларига қарши гапирардим.

Мен шу йўсин, икки фронтда ҳаракат қиларканман, охир-оқибатда шунинг англадимки, бу томон ҳам, у томон ҳам ҳақ экан. Аста-секинлик билан мен ҳар бир нарсага кенг ва мустакил қарашни ўрганиб бордим.

Ўша пайтлари мастерларни ва ишчиларни Шибпурда бир оз ҳарбий хизматга ўргатишар эди. Шу муносабат билан бизга Шарқий Бенгалиядан бир йигит келди. Унинг номи Али эди. «Гэсткин»да ишлар эди.

---

<sup>1</sup> М. А. Джинна — мусулмон лигасининг раҳбари.

Революцион социалистик партия «Гэсткин»да аллақачонлар Касаба союзи ташкил этганди. Аммо уруш шароитида у қарийб ўз фаолиятини тўхтатиб қўйганди. Алининг бу партия билан қандайдир боғлиқлиги бор эди. У «Гэсткин»да Касаба союзини ташкил этиш учун озмунча куч-қувват сарфламади. Кейин эса партиянинг обрўсини мустаҳкамлаш учун ён-атрофдаги барча қўшни заводларга Касаба союзлари тузишга ҳаракат қилди. Али билан бирга Шибпурда ҳарбий тайёргарликдан ўтаётган дўсти Шале ҳам кўп ҳаракат қилди.

Али мени кварталимиздаги умумий танишларимиз орқали биларди. У мени партияга тортишга ҳаракат қиларди. Мен билан дўстлик алоқасини ўрнатиш учун Али бизнинг клубимизга келиб турарди. У менга кўп нарсалар гапирар, аммо жавобига мен фақат елкамни қисардим, холос. Унинг сўзлари менинг калламда ушланиб қолмасди.

Бир куни Али менга бир китоб берди. Китоб «Социализмга кириш» деб аталарди. Китобни мен ундан олишга олдим у аммо ўқишга ўқимадим.

Алининг катта бир ютуғи бор эди. Сўз мусулмон лигасига — Джиннага келиб тақалганда менинг заводдош хиндий танишларимга ўхшаб, буркитиб сўкиб қолмасди. Шунинг учун ҳам мен унинг гапларини иштиёқ билан тинглардим. Унинг мени партияга тортолмаганининг бош сабаби — менинг у пайтлари фикри хаёлим фақат жатрада эди.

Али бир неча марта мени ўзларининг Касаба союз идораларига олиб борди. Мен у ерда Шале билан ҳам танишдим. У гирдиғумдан келган, микти йигит эди. Бурнида кўзойнак, жиддий, басавлат. Мен Шалени ҳам жондилимдан тинглардим. Тинглардим у аммо унчалик ҳам кўп эмас. Кўчаларда кўриб қолганимда ҳурмат билан саломлашардим. Бизнинг танишчилигимиз шундан нарига ўтмаганди.

Бугун Бадша менга ҳукумат вакиллари бизнинг турма комитетимиз билан музокаралар олиб боришга тайёр эканликларини билдиришганини айтиб қолди... Аммо комитет уларга қилган жавобида кураш бир неча турмада бараварига олиб борилаётгани туфайли музокараларни фақат бизнинг турма билангина эмас, бошқалари билан



хам олиб борилишини шарт қилиб қўйди. Эълон қилинган бу очлик компанияси мана шуларнинг битишига боғлиқ бўлади. Бадша яна қўшиб қўйди: «Уларнинг тоқатлари тоқ бўлди. Бизнинг очлик компаниямиз уларнинг чўнтагига жуда катта зиён бўляпти». Ростини, мен ҳам кеча ўйлай-ўйлай шу хулосага келгандим. Демак, мен ҳам сиёсатни тушуна бошлайдиган бўлиб қолибман! Аммо мен Бадшага бу фикримни айтмадим. Фақат унинг фикрини давом эттирган киши бўлиб, ҳазил қилиб қўшиб қўйдим: «Чўнтакками, корингами?» Бадша қулиб қўйди.

Аммо кейин Бадша кетганидан сўнг мен биз айниқса ҳозирги пайтда жуда ҳушёр туришимиз зарурлиги ҳақида ўйланиб қолдим. Очлик тўхтатилганигача улар бизнинг қаршилигимизни сусайтиришга уринишди: бизда умид уйғотишади, кейин эса ўзлари уни тагин барбод қилишади. Шундай қилиб бизга маънавий зарба беришиб, ўзлари учун очлик компаниясини тугаллаш тўғрисидаги музокараларни олиб бориш учун қулай вазият яратишади.

Мен шундан фахрланардимки, шу даражагача ўзим мустақил ўйлаб, муҳокама юритяпман. Демак, мен сиёсий жиҳатдан етилибман. Ўз мулоҳазаларим билан бўлашиш мақсадида мен иккинчи қаватга, Боншининг ёнига тушдим. Унинг камерасига келиб қарасам, у ерда кекса Жамол ўтирибди. Албатта уларнинг менинг эшитишим лозим бўлмаган, ўзаро муҳим бир маслаҳатлари бордир. Камерага кирмасимданоқ мен изимга бурилдим. Аммо, Бонши қичқириб мени қайтарди: «Қаёққа кетяпсан? Қир, ўтир! Биз шунчаки хангамаллашиб ўтирибмиз».

Албатта, мен ўзимни таклиф этишаётганларидан хурсанд бўлдим, аммо айни пайтда мени комитетнинг икки раҳбари шундай оғир вазиятда шунчаки хангамаллашиб ўтиришгани ҳайратга солди ҳам. Агар-ку, Бонши ёлғиз бўлганида мен бу гапни тик, унинг кўзига қараб айтардим. Аммо кекса Жамолнинг олдидан менинг бу гапга тилим айланмади.

Гап йўқ, сўз йўқ кекса Жамол менидан сўраб қолди: «Шундай қилиб сизнинг бобонгиз солиқ идорасида ишлаганмиди?» У ҳаммасини билади-ку. Ва яна тагин: «Тоғангиз, демак Европада яшаб қолди-а?» — деди.

Мен шуни тушундимки, улар билан ҳозирги вазиятда

хушёрликни ошириш зарурлиги ҳақида шу минутда гаплашиш бефойда эди. Партия учун жиддий хавф тугилган ҳозирги пайтда, раҳбарларимиз бўлса ўтириб олишиб, ғийбат билан шуғулланишяпти. Мана, биз ҳанузгача ҳукуматни ўз қўлимизга ололмаганимизнинг сабаби. Шундай тушкун ўйлар билан мен камерага қайтиб кетдим.

Кутилмаганда мен ўзимда ғайритабиий бир қудрат сездим. Агарда ҳозир менга сўз беришганда мана бундай дердим: «Ўртоқлар, тиз чўкиб яшаганимиздан кўра, келинлар тик туриб ўлайлик-да, қаҳрамонлигимиз авлодларимизга мерос қолсин!»

Камерада мен бир чимдим туз ютиб, устидан икки стакан сув ичиб юбордим.

Гоуроҳори менинг эшигим яқинига келиб менга бири узатди ва жуда ёйилиб куларкан: «Ўртоқ, аллақачон гудок чалиниб бўлди!» — деди.

Мен унга жавоб қилдим: «Ҳозир етиб бораман!»

Гоуроҳори кетганидан кейин мен тезгина эрталаб ва рақлаб чиққан китобимни очдим ва бир юз ўттиз иккинчи саҳифани қайта ўқидим:

«Табиатда йиллаб озиқсиз умр кўра оладиган бирор мавжудот борми? Бор! Бу ўргимчақлар таифасидан бўлган кичик хашаротлардир. Халқ тилида уни кўпинча «сув айиғи» деб аташади. Илмий номи — Тардиграда.

Тардиграда намликда ҳаммадан аввал сув муҳитида яшайди. Аммо бирор-бир сабаб билан тардиграда қуруқликка, сувсиз ерга тушиб қолгудек бўлса, унинг танаси кичрайиб худди қуруқ ўтга айланиб қолади. Худди шу ҳолатида тардиграда жуда узок йиллар туриши мумкин. Аммо у тагин сувга кирди дегунча бир неча минут ўтгач, ўлибди деб ўйлаганимиз бу хашаротга жон битади, оёқларини силкий бошлайди ва орадан бирор соат ўтгач, тардиграда гўёки ҳеч нима кўрмагандек, ўзининг илгариги қиёфасига кириб олади».

Мен бугун «завод»имизнинг ёпилиши олдидан шу ҳақда гапираман. «Ўртоқлар! — дейман мен. — Сизлар озиқ-овқат тўғрисида кўп ҳикоялар тингладингиз. Энди, озиқ-овқатсиз қандай яшаш мумкинлиги ҳақида эшитинг.

Нима учун биз қўл ташлаб ўтириб, юқоридан кўрсатма кутишимиз керак экан! Пастнинг ўзидан туриб ташаббусни кучайтирамиз!»

## ДУШАНБА

### БАДШАНИНГ ҲИКОЯСИ

Мен у ерда нима ҳақида гапирмоқчи бўлмайин, қалбимнинг тубида маълумотсизлигимдан изтироб чекардим. Баъзан жуда ноилож аҳволда қолардим.

Аммо яна бир томони бор. Киши ўз ишини севса, бунинг ўзига яраша катта қувончи бор. Бунинг учун иш ҳақи олишлигинг муҳим эмас. Биринчидан бировга мутъелигинг йўқ, ишга берилгансан. Бундан ташқари сен ўзингни бу дунёда керакли одам сифатида ҳис қиласан. Шундай пайтлар бўлгандики: «Бу ўринда Бадшасиз бу ишни бажариб бўлмайди!» дейишарди, мен бундан қанчалик фахрланардим. Бу табиий ҳамда тўғрмасми?

Мен сизга тағин ҳозир нима ҳақда ўйлаб юрганлигимни ҳикоя қилиб бераман.

Биз бу ерда, турмада, ҳаммамиз бир-биримизни дўст, ўртоқ деб қақирамиз. Аммо ўзингиз ўйлаб кўринг-а. Мана, сиз, яхши одамлар — ўрта синфдансиз, турли университетларни тамомлагансиз, онлаларингиз ҳам яхшигина яшашади, — агар ўртада турма бўлмаганда, бизлар шунчалик яқиндан танишиб дўст бўлармидик? Мен шундан хурсандманки, сиз ва биз деҳқонлар ва ишчилар, ҳаммамиз ягона бир мақсад, бир идеал учун курашаётормиз. Очигини айтганда, биз турмада индамай қўл ташлаб ўтирганимизда шунчалик яқиндан дўстлашармидик. Ахир ҳаммамизнинг ўз ҳаётимиз, ўз интилишларимиз, ўз динимиз бор. Очлик эълон қилиш — бу мутлақо бошқа масала. Бу ўринда биз ҳаммамиз умумий душманга қарши курашяпмиз. Бизнинг ҳар биримизнинг ҳаёт қолишимиз ёки ўлиб кетишимиз, ўртоқларимиз тақдири билан боғлиқдир. Биз бир-биримиз билан шунчалик жипс бирлашганмизки, ҳар биримизнинг кучимиз ҳаммамизнинг кучимиз саналади. Агар бизнинг бирортамыз чекинадиган бўлсак, ҳамма жабр кўради. Қимнингдир бир ақлли қадамидан ҳамма бирдек фойда кўради.

Ҳар қалай бу боғлиқлик ўнчалик узоқ давом этмаса керак. Агар мендан хафа бўлмасангиз, дўстим, мен сизга яна баъзи бир ғалати гаплар айтаман...

Биз, албатта, ҳаммамиз биргаликда курашаётормиз,

аммо ҳеч қачон ҳамма бир хилда курашолмайди-ку. Ҳамма ҳаётга ўз ҳолича боғланган. Ким кўп, ким камрок. Ростини айтганда, менинг ўзим ҳам сизнинг шунчалик узок чидаб беришингизга ишонмаган эдим. Мен хашиша сизни кузатар, бошингиздан не кулфатлар ўтаётганлигини кўриб, хис қилиб турардим. Мен аллақачон сизни ҳисоблардан ўчиргандим ҳам. Аммо бу демак, мен сизни ҳурмат қилмай кўйганимдан эмас. Ҳеч қачон бундай хатога борманг!

Бу канақаси?! Сиз менинг бу сўзларимни ёзиб олаётирсизми? Тўхтаг, керакмас! Ахир мен бундай нафасимни ростлаб олайми?..

Кеча мен нимада тўхтаган эдим. Э, ха! Мен қанчалик жатрага қизиқиб қолганим ҳақида гапираётгандим. Али ва Шале мени ўз йшларига қанчалик қизиқтиришга уринмасинлар, шундай қилиб уларнинг бу уринишларидан ҳеч натижа чиқмади.

Уруш бўлса ҳамон давом этарди. Бир пайтнинг ўзида Бенгалияда ҳам катта фалокатлар юз берди... Йўк, мен бир минг тўққиз юз қирқ учинчи йилнинг очарчилигини кўзда тутяпман. Тўғри, бизни бу очарчилик четлаб ўтди. Бизнинг ҳаётимизга урушнинг ўзи катта таъсир ўтказмаган эди. Ахир бизларнинг ҳаммамиз порт билан, ҳарбий кемалар ва ҳарбий техника ремонтни билан боғлиқ кишилар эдик-да.

Калькутта аҳолиси Шибпурни қишлоқ деб ҳисоблашади. Бизнинг ўзимиз ҳам: «Бизнинг қишлоғимиз» деб юрамиз. Аслини олганда биз шаҳарликларимиз-ку. Ерга деҳқончилик иши билан бизда жуда кам одам шуғулланади, кўплар одатда у ер-бу ерда хизмат қилишади, кир ювишади ёки савдо иши билан шуғулланишади.

Ҳақиқий қишлоғу чинакам деҳқонларга бизнинг ҳеч қандай алоқамиз йўк. Шунинг учун ҳам қирқ учинчи йилдаги очарчиликни ҳам биз қарийб сезмадик.

Уруш ҳақида эса кўшни кварталимизнинг кемаларга матросликка ёлланган одамлари оғзидан кўп гаплар эшитиб юрардик. Улар шундай даҳшатли нарсалар ҳақида гапиришардики, эшитсанг сочларинг тикка бўлиб кетарди.

Сиз, албатта эсласангиз керак, японлар Кхидирпурга бомба ташлаганини? Мен худди ўша пайтда заводда эдим. Ох! Шундай каттик портлаш бўлдики! Биз ҳаммамиз адо бўлдик энди, деб ўйлагандик.

Келгуси кун мен Кхидирпурга бориб, ундан нима қолганини кўрмоқчи бўлдим. Харбий цензуранинг тазйиқи билан у пайтларда газеталарда ҳеч нима ҳақида ёзилмади. У ерда халқ деганингизнинг кўпи ўлиб кетдиёв. Кейинчалик мен ўлганлар орасида ўзимнинг ҳам бир қанча танишларим бўлганлигини билиб қолдим.

Уруш вақтида заводимиз жуда интенсив равишда ишларди. Ва мана бирдан уруш тугаб қолди. Мен жуда хурсанд эдим. Гўёки узок ва тинимсиз меҳнатдан кейин отпускаи олгандек бўлдим. Аслида-ку, агар мен касал бўлиб қолмаганимда эди, отпускаи дан умид қилмаган ҳам бўлаверардим.

Касал бўлиб қолдим — жуда сердовруқ гап. Мен аслида анча қаттиқ шамоллагандим, холос. Аммо ҳеч ким менинг кун бўйи ўринда ётишимни талаб қилаётгани йўқ эди. Мен ҳовлида айланиб юрар, у ёк-бу ёкдан лақиллашар, одамларнинг қангамасини тинглардим.

Бизнинг уйимизнинг хоналаридан биттасини уруш даври бўлганлиги учун ўт ўчириш командасига беришган эди. Кечалари у ерга қўшни болалар йиғилишар эдилар. Мен уларга қараб ўтириб ҳайрон бўлардим. Ахир кечасина улар кўчада иштончанг шаталоқ отиб юришмасмиди, бугун бўлса соқол-мўйлов кўйиб олишган, ўзларини гўёки кварталнинг хўжайинидек тутишади. Масала бу ерда менга келиб тақалганда, мен аллақачон улғайганман.

Узоқ даврлар бадалига мен биринчи бор ўзимизнинг кадрдон маҳалламизни хотирладим. Мен унинг кўчаларида кезмаганимга қанчалар узоқ вақт бўлиб кетди-я. Ахир, бир пайтлар бирор кунни ҳам унингсиз ўтказмаган эдимку!

Бизнинг уйимиз ҳам илгариги уй эмас эди. Бир вақтлар у паҳса деворли, усти пальма барглари билан ёпилган эди. Кейин тунука том пайдо бўлди, энди эса тош уй.

Менга кучли ёмғир кунлари тунука томнинг овози эшитилиб кетгандек бўлди. Агар жала ёққандами, унинг хурсандчилиги қанчалик эди! Биз синглим билан ҳовлидан отилиб чиқар, дўл доналарини ҳовучлаб терар, уларни оғзимизга солиб шимар эдик. Онам ҳам худди болага ўхшаб қувониб кетарди, у ҳам бизларга қўшилиб ҳовлига отиларди. Кейин эса биз синглим билан боққа қа-

раб чопар эдик, дарахтлар тагидан жала уриб туширган манго меваларини кидирардик.

Биз болалигимизда тишимизни кул билан ювардик. Ҳозир эса болалар учун махсус тиш порошоги сотиб олишадиган бўлишган, тиш чўткалари пайдо бўлди. Мен бу нарсалардан фойдаланишни фақат улғайганимдан кейингина бошладим. Ёнгитлар энди бири чекишмасди. Ўқимишли одамларга ўхшаб сигаретлар сотиб олишадиган бўлишган. Агар шаҳарга боришадиган бўлишса, лунги эмас, шим, костюмлар киядиган бўлишган. Илгаригидек, ёшларда тортинчоқлик йўқ, улар ўзларига катта ишонч билан ҳаракат қилишади ва ҳатто уларнинг бу ҳаракатларида бир оз сурбедлик ҳам бор.

Вақти-вақти билан ишонасизми, касал бўлиб туриш ҳам яхши нарса. Кўп нарсаларни хотирлайсан, кўп нарсалар ҳақида бемалол ўйлаб оласан.

Ёки мана, бизнинг очлик компаниямизни олинг. Ахир у ҳам гўёки бир касалликка ўхшаган гап-да. Тўғримасми? Касал бўлган одам ҳеч иш қилмайди, ўзингни билу ётавер даволаниб. Бизда ҳам ҳозир худди шундай гап.

Шунинг учун сиз менинг хикояларимни тинглашингни айтганингизда бир томондан мен бир оз тортиниб, хижолат бўлдим, бунинг сабаби маълум. Ахир мен оддий бир ишчи бўлсам, менинг ҳаётим хикоя қилиб беришга арзигулик кизиқарлимидики... Мен агар дейлик денгизда бўлганимда бу бошқа гап бўларди. Денгизчилар учун ҳаммавақт ҳам хикоя қилиб беришга арзигулик гап топилади. Меникига ўхшаган эмас. Шундай бўлса ҳам барибир сизнинг таклифингиздан хурсанд бўлдим, ўтган кунларни яна бир бор эслашимдан қувондим. Аслини олганда мен сизга хикоя қилиб бераётганим йўқ. Мен гўёки катта бир ойна олдида ўтириб олиб ўз-ўзимга хикоя қилаётирман.

Хўп, бўпти энди! Бу ҳақда бас! Яхшиси кейин лималар бўлгани ҳақида хикоя қилиб берай.

Мен демак уйда ўтирибман, касалман. Бирдан заводимиздан бир бола чошиб келиб, менга: «Ишчилар заводда забастовка қилишди! Идорада барча бошлиқларни ўраб олиб, чиқармай ўтиришибди. Уруш тугаб ғалабага эришилгани учун иш ҳақини оширишни талаб қилишяпти. Бошлиқлардан барча егулик-ичкиликни тортиб

олиб, Ганга улоктиришти. Уларга хатто ичгани сув ҳам беришмаяпти!»— деб қолди. Мен бу гапларга эътибор бермадим. Дунёда нималар бўлиб турмайди, дейсиз. Бўлган бўлса, бўлгандир-да, шундай гаплар.

Аммо эртаси кунни ҳам эшитсам, заводда ўша гаплар. Мен ҳали барибир кучсиз эдим, ҳеч қаерга бормадим, албатта. Кечқурун уйга Али, Шале ва яна бир неча киши келиб: «Сизларнинг заводингизда бошлиқлар жаҳлга минишган, ишчиларга кўрсатиб қўйишмоқчи галаба нималигини. Бирор чорасини ўйлаб топиш керак. Қасаба союзи тузинглар»,— деб қолди.

Улар кетишгандан кейин мен Мажидий тоғанинг олдига бордим. Ўша кунни унинг оёқлари қакшаб оғриб турган экан. Мен, иложи борича уни дард ҳақида ўйлашдан дэққатини бир четга тўртиб завод воқеалари ҳақида гапириб бердим.

Мажидий тоға мени тинглаб бўлгач, шундай жавоб қилди: «Ўғлим, мен сенга ҳозир Муҳаммад пайғамбарга тегишли бир воқеа тарихини ҳикоя қилиб берай. Бир кунни етимларнинг ҳақи деб ҳаммадан пул йиғишибди. Пулни олиб Яманга бориш зарур бўлиб қолибди. Муҳаммад пайғамбар у ерга ўзиниң издошларидан бири Муёзни юборадиган бўлибди. Муҳаммад пайғамбар сафар олдидан ундан сўрабди: «Э, Муёз! Сен бу ишни амалга оширишда нималарга риоя қилмоқчисан?!» «Қуръонга суянаман»,— жавоб қилибди у.— Мабодо «Қуръонда» бу ҳақда лозим бўлган кўрсатмани учратолмасанг-чи?— «Унда менга пайғамбарларнинг ҳаёти кўрсатма бўла олади»,— «Ва унинг ҳаётидан ҳам бунга яқин келадиган воқеани топа олмасанг-чи?» Бу гапга Муёз шундай жавоб қилибди: «Унда мен ўз ақлимга суянаман». Муҳаммад пайғамбар бу гапдан хурсанд бўлибди ва фотиҳага қўл очиб, хитоб қилибди: «Оллоҳнинг ўзига шукурки, бандаларини ақл-хушдан бенасиб қилмаган!» Эртаси кунни мен заводга бордим ва ишчиларимизга: «Келинглари Қасаба союзи тузамиз»,— дедим.

Бир замонлар бурун менга бобом рожа Тришанку ҳақида ҳикоя қилиб берганди.

Диёнатли ва одамларга яхшилик истовчи бу подшо Тришанку осмону фалакка арвоҳ сифатида эмас, тирик боришни истаб қолди. Бунинг учун махсус қурбонлик талаб қилинибди. Муни Васиштва Тришанку оиласи-

нинг махсус қурбонликлар қилувчи барахмани эди ва рожа ундан қурбонлик бериб юборишни илтимос қилди. Васиштва бундай иш учун қурбонлик берилмаслигини, бу билан мақсадга эришиб бўлмаслигини айтиб, таклифни мутлақо инкор қилди ва рожани хайдаб чиқарди. Рожа Васиштханинг ўғилларига, улар жанубий томонларда яшашарди, бориб худди шу илтимос билан мурोजаат қилди. Васиштханинг ўғиллари бошида рожани яхшиликча бу ишни қилиш мумкин эмас, деган маслаҳатга кўндирмоқчи бўлишди, аммо у гапга тушунмай ўжарлик қилавергач, уни қарғадилар ҳамда кимсасиз чандал<sup>1</sup> бўлсин деб дуоибад қилдилар.

Шу йўсин Тришанку даҳшатли бир махлуқ қиёфасига кириб қолди: териси тўқ кўк рангда; ҳатто кийимлари ҳам кўкариб кетибди, сочлари калта ва каттик, худди чўчқанинг тиканак юнгидай, бўйнида суяклардан маржон, жасади гулханларда қолган кулга беланган. Қўлида темирдан узуклар, қулоғида темирдан ҳалқалар. Тришанкунинг Чандалга айланиб қолганини кўришиб, унинг барча вазирлари, дўстлари ва яқинлари ундан юз ўгирдилар. Шунда Тришанку муни Вишваматра томон йўл олди.

Унинг ҳузурига келиб бундай деди: «О, донолар доноси, муни! Мен ҳеч қачон қурбонликка сотилмаган эдим. Ҳеч қачон умримда бировни алдамаган ва сарсон қилмаган эдим. Аммо менинг гурум<sup>2</sup> — Васиштва ва унинг ўғиллари мендан хафа бўлишди. Мен энди шуни яхши тушундим: тақдирда бори бўларкан: инсоннинг ўзини ўтга-чўққа уришидан фойда йўқ экан. Энди фақат сенигина ўз қудратинг билан мени бу кулфатлардан халос қилишинг мумкин».

Тришанкунинг тақдиридаги бу қайғули ҳолни кўриб Вишваматра хафа бўлди. Рожага чин кўнгилдан ачинаркан у: «Яхши, мен лозим бўлган қурбонликни бераман ва сен шу қиёфангда арши аълога чиқиб кетасан» — дебди.

Маросимга тайёргарлик бошланибди. Унга барча мунилар ва риши<sup>3</sup>лар таклиф қилинган экан. Аммо муни

---

<sup>1</sup> Чандаллар — мустақил касталардан бири.

<sup>2</sup> Гурум — диний мураббий.

<sup>3</sup> Риши — илоҳийгчи шоир ва зоҳид.



Васиштха ва унинг ўғиллари, бир чандал учун қилинадиган қурбонликка келолмасликларини, агар келишса уларнинг ўзлари учун арши аълода йўл беркилишини айтиб, жавоб қилдилар. Вишвамित्रа ғазабга минди ва Васиштханинг болаларини дуоибад қилди: у уларнинг етти юз марта қайта туғилиб, паст ва ташландиқ каста вакилларига айланиб қолишларини, ўликлардан қолган кийимларини кийиб юривчи, ҳамиша ҳайвонларни ўлдириб юривчи<sup>1</sup> кишиларга айланиб қолишларини худодан тилади.

Қурбонлик қилиш маросими тахт қилинди, аммо худолар улар таклиф қилинмаганликлари учун қурбонликни қабул қилмасликларини билдиришди. Шунда Вишвамित्रа ғазаб билан хитоб қилди: «Агар шундай бўлса, менинг ўзим сени осмону фалакка кўтариб чиқариб қўяман!»

У шундай деди-ю, Тришанку шиддат билан осмонга кўтарила бошлади. Аммо унинг қаршисидан кесиб чиққан Индра<sup>2</sup> қичқирди: «Ерга қайт! Сен арши аълога муносиб эмассан!» Тришанку ҳавода муаллақ ҳолда ўгирилиб, бошини қуйи томон туширди ва шиддат билан энди ерга туша бошлади. У шу йўсин ҳаракат қилгани қуйи Вишвамитрадан ёрдам сўраб қичқириб келарди. Вишвамित्रа ғазаби туғён уриб бақирди: «Тўхта! Коинотда қотиб тур!» Вишвамित्रа коинотда янги осмон жиёмини бунёд этди ва рожа Тришанкуни унинг устига ўтиргизди. Боши ерга осилган ҳолда рожа бошқа юлдузлар орасида хануз нур сочиб турибди. Ўшанда ўзининг гапига кирмаган худолардан жаҳли чиққан Вишвамित्रа, бошқа янги худолар яратишга қарор қилди. Тришанкунинг коинотда яшашига розилик бериш билан олдинги худолар аранг уни бу фикридан қайтардилар.

Болалигимда бу ҳикояни эшитарканман, ҳаяжон билан хасис бўлиш қанчалик ярамас-а, жуда кўп бойликка интилиш қанчалик ёмон-а, деб ўйлардим.

Демак, Бадша мени ҳисобдан чиқариб ташлабди-да.

---

<sup>1</sup> Ҳиндий тасаввурларига кўра ҳайвонларни ўлдириш катта гуноҳ ҳисоблашиб, бу гуноҳ туфайли кишининг ўзигина эмас, балки унинг келажак авлодлари ҳам, олдинги авлодлари ҳам гуноҳкор бўлиб қолади.

<sup>2</sup> И н д р а — маъбуд.

Кўнглингга тегади албатта. Аммо нима ҳам қила оласан. Ҳамма иш ҳам инсоннинг иродасига буйсунавермайди-ку. Энг муҳими, биз кўпинча ўз хатти-ҳаракатларимизнинг оқимига ўз таъсиримизни ўтказишга ҳаракат қилсак-да, барибир бир эмас, бир ўзинг бунга эришолмай доғда қоласан.

Аммо нима учун мен ўзимнинг ижтимоий келиб чиқишим учун уялишим керак экан. Айтайликки, агарда менинг отам темир йўлда, бобом эса солиқ бошқармасида ишлашмасдан ҳатто улар помешчиклар ва капиталистлар бўлишганда ҳам менга нима, нима, мен унда ўзимни ўзим осишим керакмиди? Шундайми?

Йўқ, мен бу фикрга қўшилолмайман. Масалан, Энгельс жуда бадавлат одамнинг ўғли бўлган. Ҳатто Ленин ҳам ўрта синфга мансуб оиладан чиққан.

Тафаккур ҳар қандай рамкани бузиши мумкин, шу жумладан, ижтимоий келиб чиқиш ҳақидаги рамкани ҳам. «Йўқ» сўзи «ҳа»га, аксинча «ҳа» сўзи «йўқ» сўзига айланиши қийин эмас. Моддий жиҳатдан кимга, нимага боғлиқлик бу унчалик муҳим эмас, инсонда, унинг қалбида бошқа муҳим қудрат яшириниб ётадики, ана шу муҳим албатта. Бу қудрат бутун ижтимоий синфга нисбатан кучсизлик қилиб қолару лекин ўз синфини ёриб, ажралиб чиққан алоҳида шахс учун катта кучдир.

Ва яна: Бадшанинг гапига қараганда бизнинг ҳозирги бирлигимиз ажралиш арафасида турибди ва биз тезда бир умр кўришмайдиган бўлиб ажралишамиз. Ахир ҳали очлик компаниямиз тугамаган экан, бу ҳақда гапиришга эрта эмасми?

Ёки балки, бу хусусда муайян бир битимга келингану Бадша ўзи билса-да мenden сир тутаётганмикин?

Бугун кўп кунлардан бери биринчи марта ўзимнинг очлигимни ҳис қилдим. Эрталаб мажбурий емакдан кейин мен шундай ўйладим, афтидан улар менга овқатни кам қуйди-ёв. Яна озроқ бўлсамиди, яна бир чашка сут беришгандайди.

Вақт ўтиши билан менинг Бадшадан жаҳлим чиқяпти. Унинг сўзларини қаранг: «Мен сизни ҳисобдан чиқариб ташлаган эдим» эмиш. Ўзига хос хўрлаш эмасми бу? У ўзининг ишчилигидан фахрланади. Аммо революция отадан болага бериладиган мерос эмас-ку.

Хўш, хафа бўлишдан нима ҳожат? Ахир Бадша мен-

га нисбатан барибир хурматсизлик қилаётгани йўқ-ку. У менинг учун қанчалик оғирлик бўлаётганини яхши тушунади, шунчалик чидаб турганимдан ҳам хурсанд у. Шунинг учун у менга: «Ишонманки, охиригача чидаб берасиз» деди-да. Агар у менга шунчалик яқин муносабатда бўлар экан, ўзи ҳақида хоҳлаганини ўйламайдими.

Бадшанинг бу сўздан менда яна бир фикр тугилди. Агарда одамлар ягона бир схема асосида бирдай яшашганда, ҳаётнинг мазмуни ҳам, қизиғи ҳам қолмасди. Қураш деганингизга ҳам ҳамма бирдай кўшилса, бунинг қандай қизиғи қолсин. Балки менда курашдан бўлак бошқа бирор бир мақсад бордир. Нима учун мен у ниятдан воз кечишим керак экан? Нимани деб? Фақат мақсад — ўз ўртоқларимни қўллаётганимни намоёиш қилиш учунми? Кейинчалик бориб, одамлар мени қахрамон, заҳматкаш деб, олқишлашлари учунми?

Мана энди менга шу нарса маълум бўлиб қолдики, энди мен ўлмайман. Аммо ўлишим ҳам мумкин, қутилмаганда, исталган куни. Фақат ҳаётнинг нималигини билмай. Агар мен инсоннинг қайта туғилишига ишонганимда, ҳеч иккиланмай умид билан ўлардим. Ҳозир ўлиб кетаверсам, ортимда ҳеч қандай ёдгорлик, хотира қолмайди. На ўғил, на қиз ва на ҳатто тугалланган роман ҳам.

Бобо, мендан воз кеч энди, унут мени! Ахир сен менинг отамни яхши кўрмас эдинг-ку. Ва сен ҳам бувижон, сен ҳам кеч! Мен тез орада ўламан. Мен тез орада ўламан. Мен ҳеч нима емайман, ҳеч нима... Мен ўлишни истайман.

## СЕШАНБА

Бугун эрталаб Бадша менинг камерамга кирди-да, кулимсираб: «Ўртоқ, қутилмаган ишлар. Ҳикоя қилиш бугундан қолдирилади», — деди.

Мен эсам кечаси билан ундан аччиқланиб чиққандим. Аммо афсуски, кайфиятларнинг бунчалик тез алмашишиб туриши яхшиликдан дарак бермайди.

Ниҳоят, бизни жанубдан олинган хабарлар хурсанд қилди. Бир ярим минг кишлоқ заминдорлар ва жағир-

дор<sup>1</sup>лардан озод қилинган. Бир ярим минг кишлоқ — бу жуда катта территория демак. Кўзимни юмаман-да, гўёки кўриб тураман. Дарахтзорларнинг тепасида, юксак чўққилар устларида, ўнгирларда кип-қизил байроқ хил-пирайди.

Рақамлар мени жуда ҳам қониқтирмайди. Ўз вақтида ўртоқ Чоудхори бизга таълим берган эди: «Оралик майдон, ҳажм, оғирлик — буларнинг ҳаммасини ўлчаш, рақамларда ифодалаш мумкин. Аммо мана шу рақамларни кўрсатмали ифодалай олмасангиз, улар ўқувчида лозим бўлган, тасаввурни ҳосил қилолмайди. Масалан, шундай дейлик: «Чуқурлиги ўн беш фут». Ўрта савиядаги одам бу гапга парво қилмайди. Аммо биз: «чуқурлиги уч одам бўйи», десак, бу чуқурлик ўқувчи учун кўриш имконини, кифасини беради ва буни тўлиқ тасаввур қила олади».

Мана ҳозир ҳам уларга хабар қилганда, жанубда озод қилинган кишлоқларнинг территорияси қарийб, дейлик, Бурдван<sup>2</sup> дистриктига тенгдир, дейиш керак эди. Бу яна орзуларнинг ҳам янада қанот ёзишига ёрдам берган бўлар, минг ёки ўн минг бўлсин — бу рақамлар ўз-ўзича аниқ бир тасаввур бермасди-да.

Иккинчи томондан, мен ўз тажрибамдан биламанки, агар озод қилинган районни Бурдван дистриктига тенглаштириб айтиладиган бўлса, унда ҳам кўпгина ўртоқлар каттиқ қаршилик билдирган бўлардилар. Уларга бу кичрайтиб кўрсатиш бўлиб туюларди.

Бизнинг газетамизда, ҳаммавақт, одатда майдонда ўтадиган навбатдаги митинг учун қандай рақамларни эълон қилиш лозимлиги тўғрисида шовқинли баҳслар бўлиб ўтарди. Баъзан журналистларнинг гарчи митингда ҳақиқатда ўн беш, йигирма киши иштирок этган бўлса-да, митингда ўн минг одам қатнашди, демаса, кўнгли жойига тушмасди. Охир-оқибатда бундай ҳолларда эллик рақами жуда харидорбоп бўларди.

Албатта, бу тажриба аҳмоқона иш эканлигини тан олиш керак ва умуман олганда ҳам, бўлган воқеаларнинг ҳаммасини ҳам рақамларда ифодалашнинг иложи бўлавермайди-ку.

---

<sup>1</sup> Жагирдор — бу ерда катта ер эгаси кўзда тутилади.

<sup>2</sup> Бурдван — Бенгалиянинг Калькутта шимолида жойлашган райони.

Мен ўз билгимча бир ярим минг кишлокни кўз олдига келтиришга уриниб кўряпман. Бир марта газетанинг топшириғи билан мен Трипурнинг тоғли районларини яёв кезиб чикқанман. Ноябрнинг изғиринли кунлари эди. Мен азонда йўлга чиқар, тушда бирор-бир кишлокда тамадди қилиб олар ва яна қайтадан кечгача кезганим-кезган эди. Шу йўсин етти кунда мен юз милга яқин йўл босдим. Қанчалар кишлоқларда бўлдим экан? Энг кўп бўлса, олтмиш, етмишта бордир. Бир ярим минг кишлоқ дегани бу мен кезиб чикқанимдан ўттиз беш, ўттиз олти марта ортиқдир.

Аммо мазкур ҳолатда гап озод қилинган райондаги кишлокнинг сони ва территориясида ҳам эмас. Муҳими шундаки, мамлакатда аграр революция ўтказиляпти. Ва бу — кўп кишилар томонидан куйланаётган умумий куйда бизнинг партиямизнинг ҳам овози бор.

Тўққизинчи ётоқнинг томига зангори тўти келиб қунди. Ҳеч қандай кўрқув ҳиссисиз, тўр сим ичида ўтирган одамларга тикилиб турди-да, кейин учиб кетди.

Эрталаб менинг ўнг кўзим учди. Бу албатта, яхшилик аломати эмас. Бунинг устига бу тўтиси бормиди! Қизик — тўти яхшилик аломатимикин-а? Бувим: «Агар ўликни сенинг ўнг томонингдан олиб ўтишаётган бўлишса — бу яхшиликка йўйилади», — дерди.

Бир куни, ҳали мен бошланғич мактабда ўқиб юрган кезларим, мактабга имтиҳон топширгани бораётиб, мен бувимникига, яъни онамнинг бувисинига кирдим. Мен ҳурмат билан унинг оёқлари остида бошим ерга теккунча таъзим қилиб турганимда у менга шундай бир гап қилдики; мен қулоқларимгача қизариб кетдим. Мактабдан қайтиб келгач, мен бувимга: «Сенинг онанг ёмон экан», — дедим. Бувим ҳам мендан нима учун ёмон экан деб эзиланиб сўраб ўтирмади. Мен сўраганида ҳам барибир ҳамма гапни унга айтмасдим. Бувимнинг онаси мени мактабга йўлларкан, шундай деганди: «Йўлда бирор-бир фоҳишани кўрсанг, унга эгилиб, ҳозир менга қилганингдек таъзим қилгин, шунда имтиҳонларингни яхши топширасан». Фоҳишаларнинг ким эканлигини мен ҳали у пайтлар жуда хира тасаввур қилардим ва улар қандайдир аҳмоқ, ярамас аёллар деб ўйлардим. Шунинг учун ҳам бувимнинг гаплари менинг жаҳлимни чиқариб юборганди.

Мен фоҳишалар кварталига биринчи марта қандай

килиб тушиб қолганимни ҳануз эслаб юраман. Бу кварталга мени ўртоқ Твари олиб келганди. Тўғриси олиб келмади, балки кварталига борадиган йўлни қисқартириш мақсадида у ердан докерлар ўтди, холос. Мен бошда у ерга келиб қолганимни англамадим. Кейин эса атроф-теваракка разм солсам: ҳаммаёқда юзларини бўяб олган аёллар туришарди. Мени кўркув босди: бирдан уларнинг бирортаси шаппа кўлимдан ушлаб, четга тортса нима бўлади? Ёки кутилмаганда бу ерда бошқа танишбилишларни кўриб қолсам-чи? Шунга қарамасдан, менда қизиқиш кучли эди. Қалламни бурмасдан, мен кўзларим билан ҳамма нарсага разм солиб чиқаётгандим. Ҳамма нарсани иложи борича, тўлиғича кўриб олгим келарди. Мен бу ердан тезроқ қочиб кетгим келар, яна шу билан бирга қандайдир бир куч мени шу аёллар томон итарар эди.

Кейинчалик ҳам мен докерлар кварталига чиқиш йўлини қисқартириш мақсадида фоҳишалар кварталидан ўтдим. Аста-секинлик билан менинг бу қизиқишим сўнди.

Йўқ, мен касаллик, қариллик ва ўлимни кўргач «қани, аравани орқага бур<sup>1</sup>» дейдиган шахзода сингари эмасман. Ва ёки ўзимни эҳтиёт қилиш учун, сақлаш учун бу ишни қилаётганим ҳам йўқ. Шунчаки қизиқиш унчалик катта эмас эди.

Мен ҳеч қачон ўлимга қарши аскетизм ёрдамида, худди ҳиндий зоҳидларга ўхшаб курашган эмасман. Аммо мен шахзода Сиддхартх<sup>2</sup>нинг одамларга йўллаган гапига тўла қўшиламан: «Ҳамма ўлади, ўлиши табиий бўлган киши ҳам ҳаётга, фақат бахтга интилади. Қалла қалла эмас, темир парчаси. Улар йиғлаш ўрнига хурсандчилик қилишаётир».

Туф, сенга! Нимага мен ўлим ҳақида ўйлаб қолдим? Ума ҳам ўлим ҳақида ўйлармикин? У ҳам Шарқий Европанинг кулидан қайта туғилиб ҳаёт кечираётган шу киз ҳам ўлим ҳақида ўйлармикин? Албатта, йўқ.

Бугун Бадша тушдан кейин ҳам келмади. Қачон буларнинг барчаси тугаркин-а?

---

<sup>1</sup> Будда ҳаётидан бир эпизод кўзда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Сиддхартх («Мақсадга етказувчи») — Будданинг номларидан бири.

## ЧОРШАНБА

### БАДШАНИНГ ХИКОЯСИ

Хаммасига ўрток, менинг мана шу бемаза характерим айбдор. Агар бирор нимага киришдимми, охирига етказмасам кўнглим жойига тушмайди.

Жатрага кизикиб юрибману ўртага Қасаба союз масаласи тушиб қолди, денг. Клубга боришни йиғиштириб қўйдим. Мен ҳалиги, бир вақтлар Али менга берган китоб — «Социализмга кириш»ни ўқиб чиқишга қарор қилдим. Уни қидира-қидира топдим, чанқоклик билан ўқий бошладим. Қандай бошлаган бўлсам, шундай тезлик билан ўқиб туширдим. Шундан кейин мен кўплаб бундай темадаги китобларни худди роман ўқигандек ўқийдиган бўлиб қолдим.

Вақти-вақти билан мен Мажидий тоғаникига кириб турардим. Илгарилари у гапирар, мен эса тинглардим. Энди бўлса тескариси, мен гапираман у қулоқ солади. Кейинчалик менинг мутлако вақтим бўлмай қолганидан Мажидий тоғаникига кирсам ҳам, газета-журналлар қолдирар, унинг ўзи ўқиб олар эди.

Нафақат «Эндрюль»да, бошқа кўплаб заводларда ҳам ишчиларнинг ишдан ҳайдалиш ҳавфи туғилмоқда эди. Тез орада шароит жуда кескин бўлиб қолди.

Биз шуни англаб қолдик, хўжайинлар қандайдир найранг йўлига ўтишмоқчи. Уларнинг чайная ва ковоқхоналардаги гап-сўзларидан шу нарса маълум бўлаётганди: уруш тугади, энди ишлаб чиқаришни камайтириш керак бўлади, демак маҳсулот ишлаб чиқариш камайдимми, ишчилар сони ҳам кескин қисқарар, бу билан хўжайинлар ишчиларнинг кўзларини очиб қўйишмоқчи эмиш. Шунинг билан бирга хўжайинлар турли безорилар, қаллақесарлар, ярамас одамларни ҳам ишчиларга қарши ёллаганлар. Шу кунларда ана шунақа безориларнинг гоҳ унисини, гоҳ бунисини ишчиларга қарши қайраш мақсадида ошхоналарга таклиф қилишар, уларни яхшилаб едириб-ичиришар, парвариш қилишарди.

Заводда гап-сўз кўп эди. Гап деганингиз ҳам фақат бир темада: ким ишдан ҳайдалади-ю, ким қолади.

Умуман олганда, бошқа ҳеч қандай йўл топа олмай ҳамма ўзи ҳақида ўйларди. Кўплар, хўжайинлар ҳақи-

қатан ҳам оғир аҳволга тушиб қолдилар, деб ўйлашарди. Ахир ким ҳам ўзининг даромадидан кўра буромади кўп бўлишини истайди, дейсиз?

Мен отамдан шуни эшитдимки, илгарилари ҳам ишчилар кураш олиб борган эканлар. Качонки аҳвол чидаб бўлмас даражага етганда, соҳибни тутиб, қопга солиб жар-парга ёки дарёга ташлаб юборар эканлар. Кураш шунинг билан чегараланар экан. Ва албатта бу ишнинг жафосини ким ишчиларга жуда яқин бўлса, шу тортар экан. Жанжалнинг асл сабаблари ишлаб чиқариш қўлида бўлган хўжайинларга чертки ҳам тегмас эди.

Айтмоқчи, ишлаб чиқариш воситалари кимники, кимга қарашли бўлишидан қатъи назар, барибир ҳаммаси бизга боғлиқмасми? Ахир ишлаб чиқаришни биз ҳаракатлантирамиз-ку, тўғримасми? Бизнинг хизматимиз эвазига хўжайинлар фойда олишади. Биз ишни тўхтатиб қўяйлик-чи, фойда деганингиз ҳам тақа-тақ тўхтамайдами? Хўжайинлар — бу қўлсиз, оёқсиз худолардир... Ишлаб чиқариш воситалари аслида кимники? Хўжайин: «Меники», дейди. Биз бўлсак: «Унда ким ишласа ўшаники!» деймиз. Яъни ишлаб чиқариш воситаларининг ҳақиқий эгалари бизлармиз. Шунинг учун ҳам бизнинг курашимиз фақат ишдан ҳайдашларга қарши қаратилиб қолмасдан, ишчи ўринларини ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш ва шунга ўхшаш ҳаётий муҳим талабларга қаратилган. Масаланинг ўзаги ҳам — хусусий мулк масаласидир.

Мен яна шуни яхшилаб англаб олдимки, одам курашни зўр куч билан, бошидан бош шиддат билан бошлагани муваффақиятга эришиб бораверар экан. Баъзи кишиларга ўхшаб ҳар хил майда-чуйдаларга ўралишиб қолсанг, шахсий манфаатингни ўйлаб иш тутсанг ва шунга ўхшашлар бўлса, курашда ютуқ қўлдан бой берилди, деявер.

Кечкурун завод дарвдзаси олдида митинг ўтказдик. Али мени скамейка устига туртиб чиқарди-да, «Нутқ сўзла!»—деди. Мен скамейкага ўрнашиб олдим аммо ҳаяжондан оёқларим қалтирар эди. Тилим калимага келмай қолди. Мен ҳали умримда бирор марта ҳам нутқ сўзламаган эдим. Рўпарамда беш юзми-етти юзми чамасидаги ишчи менинг оғзимни пойлаб туришарди. Ҳатто биргина «оғайнилар» деган сўзни ҳам томогим хип бўғилиб, қотиб қолганидан айтишимнинг иложи бўлмаётганди. Худди шу



пайтда менинг хаёлимга опам иккаламизнинг онамдан ширинлик учун пул ундириш олдидаги ҳолатимиз тушди, опам ортимдан туриб менга шивирларди: «Нимага мик этмай турибсан, гапир!» Мен шу куни шундай нутқ сўзладимки, гўёки онамдан ширинликка пул ундиришни удалагандек бўлдим. Аммо ширинлик учун пул эмас, балки барча ишчиларнинг умумий курашга бирлашишини илтимос қилдим. Оломон кўпайиб бораверди. Мен одамлар юзидаги ифоданинг ўзгариб бораётганини кўриб турардим. Ва шуни ҳис қилдим: онам бу сафар юракдан чиқариб, кафтида менга пул тутади.

Кейин Али, Шале ва бошқалар, менинг ҳақиқатан ҳам зўр нутқ сўзлаганимни таъкидлашди. Опам ҳам ҳаммавақт менинг онамни жуда яхши эрита олишимни айтиб юрарди.

Уша куни мен қайта-қайта опамни эсладим ва уникига бир кириб ўтишга қарор қилдим.

Опам каттагина хотин, яхши уй бекаси бўлиб қолибди. У мени яхшилаб меҳмон қилди, кетаётганимда дарвоза олдида сариси учини ечиб, «Мана, бу, Булу, сенинг партиянг учун!» деб ўн рупий пул тутказди. Менинг кўнглим тўлганидан йиғлаб юборишимга оз қолди. Опам менга худди онамнинг узоқ йиллар олдинги сурагини эслатди. Мен унга: «Ахир мен сендан пул сўраганим йўқ-ку»,—дедим. Биласизми ўртоқ, опам менга нима деб жавоб қилганини? «Сен сўзсиз ҳам жуда яхши эрита оласан», дейди денг.

Шундан кейин биз варақа босиб чиқаришга қарор қилдик. Шале менга: «Бадша-соҳиб, сиз шу варақани ёзиб беринг!» деб қолди. Мен унга кўлимни пахса қилдим. Мен варақа ёзишим керак? Мен бунақа ишни қила оларканманми? Ҳатто мактабни ҳам тамомламаган одам бўлсам!

Жаҳлим чикди. Мана, қанча кунлар ўтиб кетдики, бирор марта бўлсин ўзимизнинг жатра клубимизга боролмадим. Кварталдош дўстларим билан учрашмай кетганимга ҳам қанча вақтлар бўлди. Бунинг устига мен заводга ишга ўтганимдан буён кўлимга мутлако ручка ушламадим. Яхшиси, улар Бхупотидан ёки унинг отаси Кештодхон Банержидан илтимос қилиша қолишсин.

Мен суяк янчиш фабрикасида кечалари гулхан атрофидаги ўтиришларимизни эсладим. Ҳар куни Чхедилал

«Махабхарата» ва «Рамаяна»дан бирор бир тарихни ҳикоя қилиб берарди. Аммо бир куни Шонарен ва яна бир қиз Тхогни менинг икки томонимга ўтиришаркан, мендан илтимос қилиб қолишди: «Энди сен ҳам бизга бирор бир тарих ҳақида гапириб бер. Сен ахир маълумотли одамсан-ку?..» Ва мен ўшанда уларга мана бу тарихни ҳикоя қилиб бердим:

«Бир фишт терувчининг Салим деган акаси бор эди. У камбағалдан камбағал эди. Шунчалик ночор эдики, ҳатто овқатни тўйиб емасди. Бир куни у йўлда кетиб бораётса, олдидан салобатли бир сарой чиқиб қолади. Дарвозасида қоровул. Фишт терувчининг акаси ундан сўраб қолди: «Бу данғиллама саройнинг эгаси ким?» Қоровул: «Сарой Навоб<sup>1</sup>Хон Жаҳонга қарашли. У жуда олижаноб одам»,— деди. Маълум бўлишича, Навоб-соҳиб ҳеч кимни ўз саройидан қувиб солмаган экан. Ҳамма одамга у нимаики хоҳласа, бераркан. Салим саройга кириб борди, кўрсаки Навоб-соҳиб креслода ўтирибди. Улар саломлашишди ва кейин Навоб-соҳиб меҳмонни ўтиришга таклиф қилади. Шундан сўнг сўрайди: «Қани, сенинг қандай истакларинг бор?» Салим унга жавобан: «Уэр, мен жуда очман. Агарда...» — аммо у сўзини тугатмасданоқ Навоб: «А-ҳа, демак сен кўпдан бери ҳеч нима емагансан. Шундай дегин-а. Ҳозир-ҳозир, ҳаммасини тўғрилаймиз!» ва урду<sup>2</sup> тилида қичкиради: «О, ким бор? Ошпазлар, чўрилар!» Ҳеч ким жавоб қилмади. Аммо Навоб қайсидир бир бурчакка тикилиб, буюрди: «Тушлик овқат тайёрланглар!» Кейин у Салимга ўтирилди ва: «Бошқа бирор жиҳатдан мен сенга ёрдам қилолмайман. Аммо бугундан эътиборан сен мен билан бирга тушлик қиласан, розимсан шунга?» — деди. Салим, албатта жуда хурсанд бўлди. «Қанчалик олижаноб экан-а, бу Навоб-соҳиб»,— ўйларди у ўзича. Орадан бир оз вақт ўтди. Очликнинг зўридан Салимнинг энди қорни хуштак чаларди. Бирдан Навоб тағин бир томонга қаради-ю: «Овқатни столга тортинг!»— деди ва кейин хурсанд қиё-

---

<sup>1</sup> Навоб — Деҳли императори, Буюк мўғул империясининг (Бо-бирийлар сулоласи кўзда тутилмоқда, тарж.) бошқарувчиси.

<sup>2</sup> Урду тили — Буюк мўғулларнинг сўзлашув ҳамда адабий тили ҳисобланган.

фада меҳмонни овқатдан олдин кўл ювишга таклиф этди. Улар хонанинг бир бурчагига ўтишди ва Навоб гўё кўлини совунлаб ювган каби ҳаракатлар қилди, кейин чайиб, сочиққа артган бўлди. Салим бўлса, бу ҳолатдан тош қотиб қолганди: на сув, на совун, на сочиқ аслида йўқ эди. Шундан кейин Навоб-соҳиб столга ўтирди ва меҳмонни ҳам ўз қаршисига ўтиришга таклиф қилди. Столда ҳеч нима — на овқат, на стакан, на вилка йўқ эди. Аммо Навоб-соҳиб кўлларини чўзиб, гўёки овқатдан тарелкага солиб олаётган киши бўлиб: «Ол, тортинма! Катта-катта егин, тўғри, столимиз анча камбағал, бошқа нарсам йўқ ҳам-да. Мана, қайнатилган гўшт, мана, кабоб, мана, сабзавотлар, пишириқлар. Мана, палов, ана бу оқ нон. Ёпилган нонлар, буниси шарбат, буниси эса холва ва бошқа ҳар хил ширинликлар. Нимага қараб турибсан, олсанг-чи!»

Салим, ниҳоят, Навоб-соҳибнинг одамларни уларни калака қилиш учунгина чақирлишини тушуниб қолди. Аммо у ҳеч нима сезмаган киши бўлиб, «Паловингиз жуда зўр экан-да, одамни узок тўқ тутади энди!»— деди. Навоб унга жавобан: «Бўлмасам-чи, мен ошпазга ойига икки юз рупий тўлайман, хизмати учун!» деди. Шундан кейин Навоб яна: «Шароб келтиринглар!»—деб қичқирди. Ёшт терувчининг акаси кекириб, гўёки еб-ичаверганидан қорни ёрилгудек бўлиб кетганини, энди ортиқ ҳеч нима кетмаслигини уқтирди. Аммо соҳиб ўз айтганидан қолмасди: «Ажойиб шароб-да! Ёўқ, сен албатта тотиб кўришинг шарт!» дерди. Кейин унга стаканда шароб узатган бўлди, шаробнинг таъмини тотиб кўрган бўлиб, тилини тақиллатди. Салим ўйланди: «Тўхтаб тур, мана энди мен сенга кўрсатиб кўяман!»— ва гўёки шароб ичиб анча кайф бўлган киши қилиб кўрсатди ўзини. Кўллари билан хавога мушт урди, Навобни сўқди, кейин Навобнинг тумшуғига шундай туширдикки, у креслодан учиб кетди. Шунда Салим унга деди: «Таксир, мени кечиринг! Шаробингиз шу қадар ўткир эканки, ичиб маст бўлиб қолибман». Навоб бўлса, унга жавобан хитоб қилди: «Ниҳоят, менинг калакаларимни тушуниб, унга жавоб қиладиган одам топилди!» Шундан кейин улар чинакамига еб-ичдилар. Зиёфат жуда зўр бўлди. Салим шу воқеадан кейин йигирма йил Навобникига тушлик овқатга қатнади. Ўзига тўқ яшади».

Менинг ҳикоямни эшитиб, биласпуриликларнинг кула-  
вериб ичаклари узилаёзди. Орадан канча вақтлар ўтиб  
кетди, аммо мен ҳали ҳам бу адиваси<sup>1</sup>ларни хотиримдан  
чиқаролмайман. Улар учун мен «маълумотли одам» эдим!

Аммо менинг ўзим маълумотим қай даражада эканли-  
гини яхши билардим.

Шундай бўлса ҳам бутун тун бўйи уннаб, варақани  
ёздим ҳам. Уни опам берган пулга босиб беришди. Тўғ-  
риси, қоғоз ҳам пул эди. Варақанинг бир нусхаси ҳамон  
опамнинг сандиғида сақланади. Ва у варақани опам эри  
Ҳакимга неча марта ўқиб берганининг саноғига етиш  
қийин. Ҳаким маълумотсизлигича қолиб кетаверди.

Мен ҳозир ҳам бу варақанинг қандай бошланганини  
ёздан айта оламан. Айтиб берайми?

«Заводимиздаги барча ишчи биродарларга!

Уруш даврида биз жонимизни жабборга бериб меҳ-  
нат қилдик. Аммо бизнинг меҳнатимиздан фақат компа-  
ния манфаат кўрди. Мана, уруш тугади ҳам, аммо биз-  
нинг аҳволимиз яхшилангани йўқ: аксинча энди бизни  
 заводдан ҳайдаб юборишмоқчи. Улар ишчилар сонини  
 камайтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришмоқчи. Аммо  
 биз бу хонлиққа йўл қўймаймиз. Агар қисқартиришмоқ-  
 чи бўлишса, ўзларининг олаётган фойдаларини қисқар-  
 тираверишсин, биз эсақ бирор ишчига бўлсин тегишла-  
 рига йўл қўймаймиз. Биз компанияга шундай деймиз:  
 агар бизнинг бирортамизни ҳайдайдиган бўлсангиз — бу-  
 тун завод ишдан тўхтайти!..»

Варақани босиб чиқаришгандан кейин, у менинг ўзим-  
 га жуда маъқул бўлди. Ўзингиз ёзган нарса босиб чи-  
 қарилса, албатта сизга ҳам бу иш ёкса керак, тўғри-  
 масми?

Мен варақани Мажидий тоғага ҳам ўқиб кўришга  
 бердим. У ўқиб чиқди ва: «Сен бола кўришиб турибдики,  
 ёзишга уста экансан!»— деди. Аммо аслини олганда-чи,  
 ўртоқ, мен ёзмадим. Бошда мен бу гапларни ўзимга айт-  
 дим, кейин эса шу гапларни шунчаки ёзиб олдим. Гапи-  
 риш ва ёзиш бу мутлақо бошқа-бошқа нарсалардир.

---

<sup>1</sup> Адиваси — азалдан яшаб келувчи «ерлик халқ» маъносида.  
 Ҳиндистонда энг қадимий аҳолининг вакиллари ҳисобланган кичик  
 миллатлар.

Мен идорадаги бу янги ишим отамга ёкади, деб ўйлардим; ўз идорамда ўтираман, кўп ҳурматли одамлар билан суҳбатлашаман, кўплар менга маслаҳат ёки ёрдам сўраб келишади, ахир ёмонми? Аммо тезда маълум бўлдики, бундай ўйлаб мен янглишган эканман. Бир кун отам онамга мени эшитсин деган мақсадда қаттиқ каттиқ гапирди: «Сенинг бу поллопонинг темир канот бўлди-ю, чиқарган канотларини куйдириб оламан — куйдириб оламан», деб турибди...

Гобиндо-бабу менга, полиция участкасининг бошлиғи шикоят қилиб қолганлигини айтди: «Фақир-соҳиб-ку ажойиб одам-а, нима учун унинг ўғли ўзини бундай ёмон тута бошладийкин?» — дебди у. Заводда ҳам мастерлардан айримлари: «Соҳибларга қўл кўтарди — бунни улар шундай қолдиришмайди!» — дейишпти.

Онам кейин менинг ёнимга келиб: «Булу, менга қара, шунақа ишларингни йиғиштирсанг-чи, а, болам!» — деди. Хотиним бўлса ҳеч нима дейишга журъат қилолмади. Аммо у ҳам, албатта менинг бу ишларимдан ичидан хавотирланаётган эди.

Шу йўсин мен яна ёлғизланиб қолдим.

Бугун эрталаб маълум бўлишича еттинчи ётоқдан Пронобни касалхонага олиб кетишибди. Проноб — турманинг энг зўр шахматчиси. Нафақат мен, ҳатто маршал Ворошиловнинг ўзи ҳам уни ютолмаган.

Пронобнинг «бенгал» эканлигини англаш учун «гхоти»<sup>1</sup> бўлиш шарт эмас. Унинг устма-уст олган ҳайфсанлари учун ёки ўжарлиги учун эмаску бу гаплар. Бошдан-бош унинг очлик компаниясига қатнашмаслигига келишилган эди, чунки унинг ошқозони қасал эди. Аммо Проноб, ўзига очлик компаниясига қўшилишига руҳсат берилмаса, ёлғиз ўзи очлик эълон қилишини айтиб қаттиқ туриб олди. Агар дейлик, очлик компанияси давом этаётган пайтда кимдир биров еб-ичишни давом эттираверса, турма комитети унга нисбатан қатъий чора кўриши шубҳасиз. Аммо ҳаммадан ажралган ҳолда оч яшаш

---

<sup>1</sup> Г х о т и — лақаб.

га-чи? Бу хусусда ҳеч ким ҳеч қандай чора ўйлаб тополмасди ҳам, турма комитети ҳам ниҳоят Пронобнинг компанияга қўшилиб, очлик эълон қилишига рухсат беришдан бошқа иложи қолмади.

Бугун Проноб қон қусгандан кейин ўртоқлар қаршилик кўрсатишига қарамасдан, уни госпиталга жўнатишган. Аммо Проноб хушидан кетмаганида, улар бу ишнинг уддасидан чиқолмаган бўлишарди. У ана шу даражада ўжар.

Проноб темир йўлда ишларди.

Менинг отам ҳам темир йўлда ишларди. Демак, менинг отам ҳам темир йўлчиларнинг забастовкасида иштирок этиши мумкин эди. Шунда отамни ҳам турмага ташлаган бўлишармиди?

Шунақаси ҳам учраб турадики, ота билан ўғил бир пайтда бир турмада ётишади. Масалан, Рамратон-бабу ва унинг ўғли Хиронни олинг. Буни қараингки — Хироннинг бобоси ҳам шу турмада ўтирган — бунақаси ҳеч учрамаган. Уч авлод бир турмада. Газета учун яхши материал-да.

Менинг омадсизлигим шундаки — мен мутлақо соғман. Шунинг учун ҳам менинг очликдан воз кечишим мумкинлиги ҳақида яхши ниятлар қилишим пуч нарсадир. Қачонки, очлик эълон қилинар экан, мен ҳамиша рўйхатнинг энг бошида бораман. Наҳотки бизнинг раҳбарларимиз менинг очликдан воз кечишимга сабаб бўла оладиган бирор баҳона топиша олишмасая? Менинг тоғамнинг, турмада дўстларининг манфаатларига ёт тушадиган жавоблар берган тоғамнинг тарихини айтмайсизми?..

Нима учун ва қандай ҳолатларда шундай ўртоқларига қарши тушадиган жавоб қилгани — бу бошқа масала албатта. Аммо шундай жавоб қилгани факт-ку, ахир!

Мен партияга энди кирган пайтларим, ўртоқ Чоудхури ҳар қадамда мандан: «Айт-чи, ҳалиги турмада ўртоқларимизга қарши жавоблар берган, сенга тоға бўлади-ми?» деб сўрайверарди. Мен эса ҳеч қачон сира иккиланмай унга: «Ҳа, шундай, у менинг тоғам, менинг онамнинг ўртанча укаси», деб жавоб қилардим.

Ўртоқ Чоудхури бу билан коммунистларнинг гарчи менинг кимларга алоқадорлигимни билгани ҳолда мени айбламаслигини кўрсатиш билан, партиянинг бағри кенглигини амалда исботламоқчи бўларди. Шунинг билан

бирга у, партия менга нисбатан ҳамиша хушёр позицияда туришини ҳам эслатиб турарди.

Шуниси ачинарлики, улар бу ишнинг бутун моҳиятини тушуниш учун масаланинг ичигача кириб боришолмайди, тоғамнинг ҳақиқий маънавий киёфасини билишмайди. Шу вақт худди аксига олгандек, ҳамма ишларнинг бири кетидан бирининг расвоси чиқа бошлаганди. Тоғам террористик курашдан воз кечди ва унинг барча собиқ дўстлари конгресс томонга ўтиб кетишди. Тоғамнинг қайлиғини уйдан ҳайдаб чиқардилар, ўғлининг қамалгани учун бобомни ҳам давлат ишларидан четлатишга қарор қилишди. Айни шу вақтда тоғам мажбурият юзасидан бояги машъум жавобларини берганди. У ўзларининг группалари нолегалъ газеталарни қандай чиқариб боришганини айтиб берганди. Тоғамнинг кўрсатмаларига мувофиқ бир неча собиқ террористлар қамокқа олинди. Тоғамнинг ўзини озодликка чиқаришди. Аммо илгариги террористларнинг ҳозирда илгариги гоё ва фикрларидан қайтишганини ҳисобга олишиб, уларни унчалик оғир жазога маҳкум этишмади. Мен-ку тоғамнинг бу ишини ёкламайман. Аммо юқоридаги одатдан ташқари ҳолатни ҳисобга олганда, айниқса, тоғам шўрликнинг ўзининг тортган икки ўт орасидаги маънавий азобларини ўйлаганда, унинг бу қилмишини кечириш мумкин.

Тоғамни тутолмай, ўлган опасининг жасадини кўйдириб маросимида қамокқа олишганди. Мен ҳам бу маросимда бўлган, аммо охиригача қатнашолмаган эдим. Тоғам ўшанда менинг кўлимга бир парча қоғоз тутқазиб: «Буни Шулотега бер-да, тезда уйга югур», — деди. Кейин менга, бошимдан юқорироққа тикилиб туриб, қалтироқ овозда кўшиб кўйди: «Ору, эҳтиёт бўл! Полиция ҳаммасини билиб олди. Мени ҳозир қамокқа олишса керак. Сен эсанг энди ҳамиша бобонг билан бирга бўлгин!» — деди.

Тоғамни озод қилганларидан кейин у уйда узок турмади. Уйланди ва хотини билан Читтагонгга кўчиб кетди. Ҳозир унинг хотини ўша ёқда, кишлок мактабида дарс беради, ўзи бўлса, қоғоз — канцелярия магазини очиб, шунда савдо қилади. Бувим ўлгандан кейин у бир мартагина келиб кетди. Шундан буён қайтиб келмади. Энди бошқа келмаса ҳам керагов. Унинг ёзишича ҳозир

чет эл паспорти ҳамда рухсат олиш жуда қийин эмиш!<sup>1</sup>  
Яхшиямки, Проноб хушидан кетибди. Айтишади-ку, бахт бўлавермагач, баъзан бахтсизликнинг ўзи ҳам ёрдам бериб қолади, деб. Унга албатта хушига келгандан кейин хушсиз ётганинга овқатланиб юбординг, деб айтишади-да. Агар шуниси бўлмаганда у албатта охиригача очликда юрар ва албатта ортиқ чидай олмасди. Бу йигит шўрлик, узоқ яшайдиганлардан эмас ўзи. Тагин бунинг устига «бангал».

Биз ҳозир юзимизга ёғ суртиб, учинчи қаватимиздан тушмай ювинадиган бўлиб қолдик. Эрталаблари совуқ, шунинг учун ҳам одатдагидан анча кечроқ ювинамиз. Энди таранишинг биланок мажбурий овқатни келтиришади. Бугун мен бувимнинг: «ювинишга ҳам улгурмаёк овқат талаб қилади-я бу мишиқи!» деб аччиқланган пайтларини эслаб кетдим.

Эртадан бошлаб эртароқ туришга одатланиш керак. Тезда юзга ёғ суриш керагу ювиниш лозим. Чунки ҳеч ким менинг ҳақимда нақд «нонушта» олдидан ювинди-я, деган хаёлга бормасин.

## ПАЙШАНБА

### БАДШАНИНГ ХИКОЯСИ

Мен отамнинг ҳолатини албатта тушунардим. У шундай ўйларди: «Мен бу оилани оила қилгунча неча йиллаб машаққат чекдим. Булу бўлса, оиланинг тагига болта уряпти». Отам ўзининг станокларидан бошқа, умрида ҳеч нима кўрмаган. Станоклар эса компаниянинг мулкида. Уларни отамдан айириб кўринг-чи, отам кейин ўзини кўярга жой тополмай қоларди. Заводдан ташқари дунё ҳам унинг учун шу ўзи велосипедда ҳар қуни заводга бориб-келадиган йўли эди, холос.

Гобиндо-бабу албатта отамни кўрकिлади-да. Унинг ўзи ҳам ҳар қадамидан чўчиб юради. Унинг акаси компаниядан подряд оларди, ўғли ғирт киморвоз бўлиб, қандайдир яширин, қинғир ишлар билан шуғулланарди.

---

<sup>1</sup> 1947 йилдан кейин Читтагонг Жанубий Покистон составига кириб қолди, ҳозирги Бангладеш давлати.



Тушунарлики, Гобиндо-бабу буларнинг барчасидан кўриб яшарди.

Полиция участкасининг бошлиғи, шўрликнинг тақдирини ҳам, карьерасини ҳам, компания хўжайинларига боғлиқ эди. Аслида у ҳукуматдан маош олса ҳам шу компания хўжайинларининг хизматини қиларди. Уйда тағин бир этак бола — бутун катта оилани унинг ёлғиз ўзи боқарди. Эҳтиёж албатта уни мажбур қиларди, аммо бошлиқ одамларга ўзини тўқ, жиддий, сипо қилиб кўрсатарди. Унинг менадан хафа бўлишининг сабаби, аввало ўз фаолиятим билан тинчлигини бузардим: уни бош оғриқ ишларга мажбур қилардим: агентлар ёллаш, одамларни қамаш, уларни судга бериш, албатта бошлиқни қийнади. Яна шуниси унга алам қилардики, ташвишларнинг барчаси шу бир пандавақи боладан — Тоҳирнинг ўғлидан келарди! Ўқиш-ёзишни ўрганди — мана сенга теккан фойдаси!

Менинг устимдан шикоят қилган мастерларнинг барчаси Бёлаи лагеридан эдилар. Улар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади ўзи. Бунақалар фақат жағингга туширишни билишади, холос.

Хўжайинларга куч-қудратимизни кўрсатиб қўйиш учун биз митинг ташкил этдик ва ҳаммамиз бир вақтда заводдан чиқиб кетдик. Забастовка шундай бошланди. Эҳтиёт юзасидан мен уйга қайтиб бормадим.

Отам жуда қийин вазиятга тушиб қолганди. У менга нисбатан қандай муносабатда бўлишни билмасди. Уйимизга полиция участкасидан келиб, мени қидиришибди. Отам билан улар алоҳида ҳурмат-эътибор билан гаплашишган, бу унинг иззат-нафсини яна юқорилатди. Айни пайтда менга нисбатан бир оз муҳаббатини пасайтирди. Отам бизнинг забастовка уюштиришимизга азалдан қарши эди. У бундай масалаларда хўжайинлар билан яхшиликча келишиш, уларга тушунтириш йўли билан лозим бўлган талабга эришиш мумкин, деб ўйларди. Касаба союзу, забастовкалар — бу ёшлар ўйлаб топган — бемаза ишлар, — ўйларди у. Улар кизиққон — нима қилишаётганини ўзлари ҳам билишмайди. Уларга соҳибларнинг талаблари ёқмайди. Қарангки, улар соҳиблар билан тенг бўлишиб, бир стол атрофида рўпарама-рўпара ўтириб, улар билан музокаралар олиб бормоқчи бўлишади. Бу ҳеч эшитилган гапми денг-а? Қўлда бешта панжа бор — уларнинг ҳам ҳаммаси барабар эмас!

Отам мени кўндиришга уриниб кўрди. У бошқалар орқали менга барибир заводга қатнайверишини, чунки забастовкани нотўғри нарса деб билишини етказди.

Мен шунга ишонардимки, аслида отам ҳеч қаерга бормасди. Фақат кейинроқ бориб воқеаларнинг қанчалик ўзгариб кетганини сезиб қолдим.

Забастовка бошланган куни отам жуда эрта туриб, у-бу еб олган, ўзи билан нонушталик олиб, бир кути бетель билан велосипедда ишга жўнаган. Унинг бу иши онамга маъқул бўлмаган. Ундан ҳам кўра отамнинг чиқиб кетиши билан онамнинг акаларидан бири уйда пайдо бўлади ва гўёки у қариндошларини кўришга келган бўлади. «Сингилжоним,— дейди у,— қандай яшаяпсизлар? Булу қани? Бу кеча уйда бўлмади? Унинг хотини нима дейди бу гапга?»—деб ҳол сўраган бўлади у. Кейин китобларни кўрмоқчи бўлган киши бўлиб, менинг хонамга киради ва стол яшиқларини узоқ титқилайди. Онам бу акасини умуман ёмон кўрар, уни ўта муғамбир ва касофат, деб биларди.

Ўша кечани мен бошқа кварталда, Порон бобонинг уйида ўтказдим. Мен ўринга кирганимда ҳам чол эски замонлар ҳақидаги ҳикояларини айтгани-айтган эди. Бу ҳамма кексаларга теккан касал. Менинг отам ҳам шунинг ўзи. Мана энди, менинг ўзим ҳам сизнинг қўлингиз енгил келиб, кексалар рўйхатига қарийб кириб қолдим.

Порон бобо ўша кеча мана бу ҳикояни айтиб берганди: «Ҳозир «Гесткин» жойлашган ерда илгари бутунлай чакалакзор эди. Фақат у ер, бу ердагина уйлар кўзга ташланарди. Ҳаммаси бўлиб бу жойда олти-саккиз хонадон ҳаёт кечирарди. Бу жойнинг хўжайини Иноятилла қози заминдор эди ва бу ерда кимки яшаса, унда бошқарувчи, қоровул, юк ташувчи ва бошқа ишларда ишлар эдилар. Бир қанчалари боққоллик дўкони очган эдилар. Барча йўллар — катталари бўлсин, кичиклари бўлсин, лой, ботқоқ эди. Ҳозир бўёқ фабрикаси ўрнашган жой смола қайнатиладиган ўрин эди. Ундан сал нарироқлар — қаёққа қарама — ҳаммаси шолитор далалар эди. Ерни қўлда ва омовда хайдаларди. Даладан ўтган катта йўл ҳам заминдорга тегишли эди. Кейин бу ерлар бўлиб юборилди. Ернинг бир қисмининг Бахшийнинг оиласи сотиб олди. Мен эсам ёшим ўн-ўн иккиларда бўлса керак, темир йўл депосига ишга кирдим. Шогирдларга ўша пайт-

ларда кунига икки андан тўлашарди. Уч юз, тўрт юз му-  
сулмон оиласига бир хинд оиласи тўғри келарди: улар-  
нинг ҳовлилари катта, пуллари кўп, мусулмонларни мен-  
сишмасди. Аммо кунлардан бир куни уларнинг араваси  
йўлда кетаётиб ботиб қолди, бутун қишлоқ аравани лой-  
дан кўтариб чиқишга ёрдам қилди. Хиндлар ўзлари уя-  
лишди-ю, кейин бутун қишлоқ аҳолисига беш юз рупийга  
тушиб зиёфат қилиб беришди. «Танар-Маршон»нинг бош-  
қармаси илгари Ганг дарёси қирғоғига жойлашган эди.  
Аввалига у ерда жуда кўп пасткам уйлар қурилди, кейин  
битта катта уй қад кўтарди, аммо тепасини эски удумни  
қилиб, қуруқ хас-хашак билан ёпишди. Кечалари қўл  
лампарлари ёруғида ишлашарди. Қоронғиликда мингларча  
чироқлар у ёқдан-бу ёққа юриб ҳаракат қилиб турарди.  
Мана, сизлар забастовка ташкил қиляпсизлар, биласан-  
ми, сен, бизнинг заводимизда биринчи марта қачон за-  
бастовка уюштирилганини? Қирқ йил олдин! Биз иш ҳа-  
қини оширишни талаб қилган эдик. Митингга уч юз, тўрт  
юзлар чамаси ишчи йиғилган эди. Забастовка нақд бир  
ой давом этди. Аммо хўжайинлар бизни яккалаб, бир-  
биримиздан ажратиб ташлашди, шу билан ютуқни қўл-  
дан бой бердик».

Порон бобо ҳамон гапиргани-гапирган, мен эса унинг  
ҳикояларидан мудроқ босиб ўтирардим. Порон бободан  
унинг ёшини сўрашганда нима деб жавоб қилишини бил-  
мас: «Ёлғиз оллонинг ўзи билади, олтмишми, саксонми,  
ишқилиб кам эмас», — дерди.

Забастовканинг бошланишидан бир неча кун олдин  
мен шуни англаб қолдимки, Кешто менинг ёнимдан ўта-  
ётиб, гўёки мени кўрмаган бўлди. Мен унинг кўзи анча  
хиралигини билганим туфайли бунга унчалик аҳамият  
бериб ўтирмадим.

Аммо забастовка арафасида кўрдимки, Кешто ахлат-  
хона олдида Болаи ва Роббани билан тик турганча нима-  
нидир шивирлашиб гаплашишар эди. Кешто илгарилари  
тез-тез Қасаба союз комитетимизга кириб турар, мен бун-  
дан хурсанд бўлардим. Мен ўзимча ўйлаб юрардим, за-  
бастовкани қойил қилиб ўтказиб олайлик, энгиб чиқай-  
лик, ундан кейин бир бошлаб, яна янги жатра қўямиз.  
Аммо Кештони Болаи ва Роббанининг даврасида кўриб  
қолганимдан кейин, бундан каттиқ аччиқландим. Наҳотки  
у бу одамларнинг кимлигини билмаса?!

Аmmo кейинчалик бориб, Кештонинг ўзи қанақа одам-лигини англаб қолдим. Мен ундан тўғригўй ўртоқ тайёр-лай олмаганим учун ўзимдан ҳам ўкиндим. Мен кейин Касаба союз ташкилотига бундан кейин Кештога ишон-масликлари лозимлиги ҳақида хабар бердим.

Ҳа, яна бир нарса, ўртоқ. Мен умримда биринчи мар-та англадимки, механизм деганингиз нафақат станок ёки айтайлик пайвандлаш аппарати. Партия Касаба союзлари ҳам механизмлар экан. Механизм бўлганда ҳам мурак-каб механизмлар экан. Ҳар қандай механизм ҳам у фой-да, ё зарар, ё яхшилик ва ёки ёмонлик келтириши та-бий. Ҳамма гап бу механизмни ким бошқариб турганига боғлиқ.

Менинг отам шўрлик—фақат бир механизмни—цех-даги станокни биларди. Мен эсам ҳозир анчайин мурак-каб механизм—одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни бошқарадиган механизм билан иш олиб борардим. Ва бу иш мени бутунлай ўзига ром қилиб олганди.

Бизга Болаининг одамлари завод атрофида ўралашиб, жанжал чиқаришга баҳона излаб юришганини хабар қи-лишди. Шунинг учун тунда Болаи ва Роббани Кешто-нинг олдидан қайтишаётганида бизнинг йигитлар уларни тутиб олишиб, чунонам савалашибдики, баччағарлар на тура оладиган, на ўтира оладиган бўлиб қолишибди.

Аmmo Гонгорам Носкорни бутунлай унутиб юбор-гандик, шунинг учун ҳам унинг изидан махсус одам кўймагандик.

Менинг акам бир гуруҳ ишчилар билан чайнаяда ўти-рар, заводга ҳеч ким кирмаслигини назорат қилиб турар-ди. Бир болакайни кўриқчи қилиб кўйгандик, бирданига у «Фақир-соҳибнинг самокати», деб кичкириб қолди-ку.

Акам отамнинг қаршисига чикди. У эса чайнаяга яқинлашаркан, велосипеддан тушди ва «Бходжу! Қани, тез менга бир стакан чой келтир! Қайноқ бўлсин!» деб кичкирди. Отам қайноқ чойни яхши кўрарди.

Акам кулиб кўйди ва ундан: «Ота, каёққа кетяпсан? Ва нима учун нонушта қутинг ҳам ўзинг билан бирга?»—деб сўради.

Отам унга ўта жиддийлик билан: «Наҳотки сизлар-нинг Касаба союзларингиз мени ўз ҳисобидан боқолса? Ахир унга компания пул тўламайди-ку», деб қарши савол билан жавоб қилди.

Акам: «Бизнинг ўзимиз Қасаба союзига пул ўтказамиз. Агар лозим бўлса — сени боқишимиз ҳам мумкин. Аммо қайси хизматларинг учун сени боқишимизга буюрасан?!» — деб қўйди.

Отам унга жавобан: «Агар мен кун бўйи сизларнинг идорангизда навбатчилик қиладиган бўлсам, нонуштасиз ўтиришим керакми ахир?» — деди.

Акам ҳайратдан қотиб қолди. Демак, отам, худди ишга бораётган одам бўлиб, кийиниб олган бўлса-да, бизнинг Қасаба союз идорамизга навбатчилик қилгани отланган экан-да! Акам бўлса, бошда отам ҳамма дўст ва танишлари устидан ўз велосипедида босиб ўтади, яъни ишга боради, деб қаттиқ чўчиган эди. Ахир у ҳатто дам олиш кунлари ҳам уйда ўтирмасди-да. Эрталабдан нонушта кутишини ўзи билан олволиб, бири ва бетель билан одатдаги иш кийимини кийиб олар, сўнг велосипедига ўтириб, сайр қилгани чиқиб кетарди. Тушдан кейинги ухлашлар қаёқда дейсиз! Агар отам соғ бўлса, эрталабдан то қора шомгача уни уйда кўриб бўлмасди.

Отам акамга деди: «Мен бундек ўйлаб кўрдим: Бадша яшириниб юрибди, сизлар бу ерда, йўлда навбатчилик қилаётирсизлар. Али билан Шалелар ҳам иш билан банд, у ёк-бу ёқдан кўз-қулоқ бўлиб юришибди, шунинг учун Қасаба союз идорасида ҳаммадан ҳам менинг навбатчилик қилиб турганим маъқул. Бунинг устига полиция бошлиғи мени ҳурмат қилади. Мабодо бирор-бир кори-хол бўладиган тақдирда ҳам мен полициячилар билан тил топишим мумкин». Ўша дамда ҳам отам ўзини полиция бошлиғи ҳурмат қилишини кўшиб қўйишни унутмади!

Ва худди мана шу воқеадан кейин отамнинг бошига кулфат тушди.

Одамнинг тушига нималар кирмайди дейсиз! Тушдан кейин менинг аъзойи баданим увушиб, кўзим илиниб қопти. Шунда ғалати туш кўрибман. Поездда кетаётган эмишман. Худди кинолардагидек. Ҳеч қанақа шарҳу изоҳларсиз мен нақд купенинг ўзида эмишман. Аммо купе одатдаги купеларга ўхшамас, худди меҳмонхона сингари кенг ва ёруғ эмиш. Шунга қарамасдан у меҳмонхона эмас, нақд купенинг ўзи эди, чунки мен поезднинг хара-

катини ҳис қилиб турардим, ахир. Ҳеч қандай дераза кўринмасди. Ахир, қандай қилиб поезднинг ҳаракатини деразага қараб, у ердан лип-лип ўтаётган уйлар, дала-лар ва дарахтларни кўрмай туриб тасаввур қила олиш мумкинлиги менинг хаёлимга келмасди. Менинг поездда кетаётганлигимга сира ҳам шубҳам йўқ эди. Ўзимнинг деразасиз поезд ҳақидаги ўйларимни ёзиб ўтириб ўз-ўзимдан сўрардим: «Сен поездда бошқа йўловчилар қандай ўтиришганини кўрдингми?» Ички бир овоз иккиланмасдан, шундай жавоб қиларди: «Ҳа!» Аммо аслида эса бундай бўлмаганди. Аслида, тушимда: мен поездда ёлғиз ўзим, ҳеч ким билан ишим бўлмай, ёлғиз кетаётгандим. Мен ўз ҳисобидан саёҳат қилаётган, оқибатида ҳеч ким менга билет пулим харажатини тўламаётган эди. Ҳеч ким мендан поездда саёҳат қилган-қилмаганимни тасдиқлатиб ҳам олмаётган эди. Купе жуда ажойиб-ғаройиб эди. «Биринчи класс» купеси эди деб айтолмайман, чунки ўзи ундай купени фақат деразасидангина кўрган эдим, холос. Ўшанда турадиган жойлар юмшоқми ёки қаттиқ бўлишини ҳам билмасдим. Аммо суянчиқлар ёғочдан ишланган бўлиб, қарийб ярим метрлар одам бошидан баланд қилиб ясалган эди. Худди судьялар ўтирадиган стул ясаладиган дарахтдан қилинган, хира тусда эди. Поездда тўхтатиш крани бормиди-йўқмиди, буни ҳам кўролмагандим. Купенинг олдинги қисмида ҳеч ким йўқ эди — у ерда скамейкалар ҳам қўйилмаган эди, аслида мен билан ёнма-ён ўтирганларнинг ҳаммаси яхши жамиятдан эдилар. Аёллар жуда яхши кийинган эдилар. Аммо улар шундай тикилишиб ўтирар эдиларки, уларни кўриб худди машҳур доктор ҳузурига киришга навбатда тургандек ва уларнинг ҳар бири худди мана ҳозир доктор чақириб қолишини диққат билан кутаётгандек бир-бирларига аҳамият беришмасди. Контролёр кириб мендан билетимни кўрсатишимни талаб қилди. Мен унга билетимни узатдим. Контролёр бир парча қоғозга қандайдир рақамларни ёзди-да, мени ўнг томонга ўтишимни сўради. Поездда ўтириш, йўловчиларни бирма-бир менга қарашлари, контролёрнинг келиши ва билет текшируви — буларнинг ҳаммаси жуда узоқ вақт чўзиларди — булар минутлар эмас, соатлар давомида чўзиларди. Контролёр мени олиб чиққан жой бошқа жойлардан мутлақо ажралиб қолган жой эди. Бир зина кўтарилишга тўғри кел-

ди. Баландлик-ку, унчалик эмас-а, аммо бунга ҳам жуда узок вақт сарф бўлди. Мен бу зинани босиб ўтиб, юкори чиққан пайтим менинг қаршимдан поезддан тушмоқчи бўлган бир гуруҳ йўловчилар чиқиб қолишди. Улар орасида бир неча аёл ҳам бор эди. Уларнинг бирортасининг ва умуман вагон йўловчиларининг ҳеч қайсисининг қўлида ҳеч қанақа юк йўқ эди, бирор-бир буюм бўлсин, ҳатто бир бутилка сув ҳам йўқ. Бу одамлар трамвайда юришибди-да, деб ўйлаш мумкин эди. Аммо бу трамваймас, жуда басавлат купе эди. Тўладан келган, қалин лаблари бўялган бир аёл ўтиб кетаётиб, кичиккина сумкасини қорни устида тутганича, мени бир томонга қисди. Мен ниҳоят олдинга ўтиб олдим ва скамейкалардан бирига ўтириб қолдим. Яхши эслолмайман, ўзим ўтирган скамейка номери билан билетимнинг номерини солиштирдим-ей. Аммо тезда яна контролёр келиб қолди-ю, тагин билетимни излай бошладим. Чўнтақларимни титкиларканман, устимга иссиқ, қора пиджак кийганимни пайқаб қолдим. Иккита калта ён чўнтақдан ташқари пиджақда яна кичик ички чўнтақлар ҳам бор эди. Аммо мен билетни эмас, ҳалиги биринчи контролёр берган рақамли қоғозчани излардим, гарчи уни ички чўнтақларимдан бирига солганимни аниқ билсам ҳам лекин ҳеч тополмасдим. Контролёр менинг тепамда узок турди, кейин бир уф тортди-да, нари кетди. Мен жуда хижолатда қолгандим. Бу қоғоз парчанинг ички чўнтагимда эканлигига ишонганим учун ўзимни жуда хотиржам тутиб тургандим, контролёрнинг «уф»идан кейин менинг ишончим сўна бошлади. Мен ўрнимдан туриб олиб, энди қайтадан синчиқлаб чўнтақларимни титкилай бошладим, аммо барибир бефойда. Шунда мен билетни эслаб қолдим. Билет ҳам йўқ эди. Мен аниқ эслардимки, биринчи контролёр менинг билетимни қўлига олди, аммо уни қайтардим йўқми, бун аниқ билолмасдим. Узокдан мен ҳалиги биринчи контролёрни қўриб қолдим, билетни қайтиб берган-бермаганлигини сўрашга тараддуланиб қолдим, аммо бундан олдин қайтадан чўнтақларимни титкилаб, ағдардим, титроқ босиб чўнтагимдан чиққан қоғозларни бир-бир ўқий бошладим. Мен чўнтагимдан шунча қоғоз чиққанига ҳайрон бўлардим: бултурдан олдинги йили кинога тушилган билет, яна бир парча қоғозда қандайдир китобнинг номи алоҳида ёзилиб қўйилган, учинчисида қандай-

дир цитата, яна бирида кимнингдир адреси, кандайдир, бир нотаниш одамнинг телефон номери, ёнгоқ пўчоги дейсизми-ей... Буткул бу ахлатларни бирма-бир ажратарканман, қутилмаганда уйғониб кетдим...

Эрталаб, мен Бадшанинг ҳикояларини ёзаётган пайтим, соат ўн иккиларга яқин турма дарвозаси яқинида автомобиль сигнали эшитилди. Шундан кейин тахминан ярим соатлар ўтгач, хизматкор-махбус Бадшага хатча келтирди. Бадша: «Мени Кремлга чакиришяпти»,— деди. Биз Жамол-соҳибнинг камерасини Кремль деб атардик. Мен ўзимча ўйлардим: «Тез-тез шунақа чакириб туришсин-да. Ахир энди ортиқ тоқат қилишга куч қолмади ҳам-ку. Бирор бир қарорга келишсин-да».

Яхшиямки, биз ҳаммамиз биргалашиб кураш олиб боряпмиз. Бир-биримизни қўллаб-қўлтиқлаш билан биз умумий катта қўрқув ҳиссини кичик, майда бўлақларга бўлиб юборамиз.

Ўйлаб кетаман, шундай бўларкан-да, кўп қийинчиликлар билан, узоқ вақтлардан кейин, одам бўлмаган кишидан одам чикди-я. Осмонда улкан олов шар ҳамон ҳаракатда. Ўрмон дарахтларини фавқуллодда бошланган ёнғин ўз қаърига тортади. Момақалдирокнинг тоғларни ларзага келтирувчи гумбур-гумбури кишининг кўнглига қўрқув солади. Ёки бирдан ҳаммаёқни сел босади. Агар шундай пайтда одам ёлғиз бўлса, қўрқув ва даҳшатдан ваҳимага тушиб, эс-хушидан ажралади. Дарахтлар, тоғ-тошлар-ку, ҳис-туйғусиз-а. Улар қўрқув нималигини билишмайди ҳам. Шунинг учун инсон катта даҳшатларни кичик қўрқув ҳиссига майдалаб ташлар экан, улар билан шерикчилик қилолмайди. Бу ишни инсон бошқа ўзига ўхшаш одамлар билан, инсонлар билангина қила олиши мумкин. Қўрқмас киши бўлиш — бу дегани худди дов-дарахт ёки тоғ-тош сизгари қўрқув ҳиссига бефарқ бўлиш дегани эмас. Одамлар даҳшатга қарши туриш билан ўз-ўзларини ҳимоя қилишади.

Инсон табиатнинг ўзига суянган холда табиий офатларга қарши курашади. Иссиқдан сақланиш учун ёғочдан уй кўтариб, ўт-ўлан билан устини ёпади. Ёввойи ҳайвонларнинг терилари одамларни совуқдан сақлаб қолади. Тоғларда инсон ўзига макон қуради. Тошдан қурол ясаб ҳайвонларни овлайди.

Инсон ўзининг ақлу фаросати, куч-қудрати билан



табиатни ўзига бўйсундиради. Табиат ҳам вайрон қилиб, ҳалок этади, ҳам гуллаб-яшнаиб, ҳимоя остига олади. Яъни табиат ҳам Рудра, ҳам Шива<sup>1</sup>, ҳам ёмонлик, ҳам яхшилик.

Аммо ёлғиз инсон — табиатни ўзига бўйсундириб олди. Бунинг учун одамлар ўртасида ўзаро бир-бирини тўғри тушуниши, ҳамманинг бирликдаги ҳаракати талаб қилинади.

Мен бу қалб ва атман<sup>2</sup>лар ҳақидаги гап-сўзларнинг маъносини тушунмайман. Менинг учун шу жасадимнинг ўзининг мавжудлиги етарли. Мен дунёни беш сезги билан ҳис қиламан: кўриш, там билиш, эшитиш, ҳид билиш ва туйиш. Бу беш ҳис менинг кўрикчиларим. Улар менга нима яхшию нима ёмонлигини айтиб туришади. Эшитиш сезгиси айтади: «Ана, йўлбарснинг шовури келяпти — ўзингни ҳимоя қил!» Ҳид билиш сезгиси: «Қара, қандай ширин ҳид! Яқинроғига бор!» дейди Ёки «Яқин борма, қандайдир бир сассиқ нарса бор!» дейди. Туйиш сезгиси эсимга солиб: «Иссиқроқ кийин, бугун ҳаво салқин!» деса, там билиш сезгиси маслаҳат беради: «Биляпсанми, оғзингга ачиган нарсани солдинг, туфлаб ташла — бўлмаса ичинг бузилади. Бунисидан кўпроқ еявер, бу яхши тамли нарса».

Менинг жасадимдан яхшироқ дўстим — маслаҳатчим йўқ: у қандай қилиб ҳаётни сақлаб туриш ва давом эттиришни яхши билади. Йўқолсин бу — қалб деган мавҳум тушунча!

## ЖУМА

Мен камерада ювиниб, қайта кийинганимда турма дарвозаси олдидан тагин автомобиль гудоги эшитилди. Тушундимки, Бадшани бугун ҳам иккинчи қаватга чақирди. Мен тагин унинг ҳикоясини ёзиб ололмайман.

Худди шундай бўлиб чикди. Аммо Бадша менинг ҳу-

---

<sup>1</sup> Рудра ва Шива — Ҳинд худоларидан бирининг ҳам яхшилик ҳам ёмонлик қилувчи хислати.

<sup>2</sup> А т м а н — Ҳинд фалсафасидаги муайян тушунча, «қалб» тушунчаси маъносига яқин келади

зуримдан ўша заҳоти эмас, бир оз ўтириб, сўнг чиқиб кетди. У узоқ нима ҳақдадир ўйланиб ўтирди. Пировардида шундай деди:

«Мана, мен сиз билан Бонши-бабуга қараб ўтираманда, хайрон бўламан, ахир иккалангиз қанча кунлардан бери ёзганингиз-ёзган, наҳотки қўлларингиз толиб кетмаса, а? Агар мен бирорта хат ёзадиган бўлсам, шунда ҳам қўлим толиб қолади. Йўқ, фақат ҳозирда, турма шароитида шундай деб ўйламанг. Илгарилари, тўйиб овқатланиб юрган пайтларимда ҳам шундай эди. Ҳамма гап ўрганишда, шундаймасми? Кеча мен ётиб, биласизми нима ҳақда ўйладим? Менга қиладиган ишим учун пайвандлаш аппарати керак, сизга-чи — ручка. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўртоқ, сизга яшаш қанчалар енгил. Ручка доимо сиз билан бирга бўлиши мумкин, кундузи дейсизми, кечаси дейсизми. Сиз ёзаётганингизда қаламдан ҳар томонга ўт сачрамайди, кўзимдан ажралиб қоламан, деб кўркмаса ҳам бўлади...»

Мен Бадшани охиригача гапиртирмадим, гўёки ручкани унинг кўзига тикиб оладигандек қилиб, дедим: «Ҳозир кўрамиз, менинг пером қанчалик хавфсизлигини!..»

Бадша ҳазил билан кўрққан киши бўлди, сакраб оёқка турди ва камерадан тез чопқиллаб чиқиб кетди.

Бадшанинг характерида хайрон қоларли даражада болалик хислатлари сақланиб қолган эди. Ҳозирда у лидер бўлса-да, ҳеч ким, ҳеч қачон унга бошлиққа қилинадиган муносабатда бўлмасди. Ҳамма уни яхши кўради. Унинг устидан ҳар хил ҳазил гаплар қилишади, менинг англашимча, у бундай ҳазилларга ўзи билган ҳолда йўл беради, ўртоқларини қулиб-ўйнашсин деса керак-да.

Аслида у жуда ихтисосли ишчи: буни унинг олган маошига қараб ҳам баҳолаш мумкин. Менда у ҳақида роман ёзиш иштиёқи ҳамиша сўниб қолгани-қолган. Мен тағин шуни тушундимки, фақат бировдан эшитган гапларинг билан роман ёзиб бўлмас экан. Мана, дейлик, Бадшанинг ўзи ёки унинг муҳитидаги бирор киши бу ишга қўл урса, бирор нарса чиқариши мумкин.

Яна икки киши ўзлари ҳақида менинг роман ёзишимни илтимос қилишган эди. Уларнинг иккаласи ҳам оламдан ўтди.

Биринчи мендан бувим бу ишни илтимос қилганди. У менга албатта ўзи ҳақида роман ёзишим шарт деб

айтмагану шунчаки: хинд кизи ҳақида ёзгин деганди, холос.

Хинд кизи ҳақида ёзиш? Йўқ, бу иш менинг кўлимдан келиши қийин. Болалигимда ҳамма менинг теримга қараб ҳайрон бўларди: оқимтир, жуда европаликларникидек. Кейинчалик мен албатта қорайдим, куёшда юрдим. Аммо барибир менга қараб. «Фалончининг оқлигини қаранг-а!» — дейишарди. Ҳозир, турмада яна ҳам оқарган бўлсам керак. Менинг бу рангим отамдан ўтган бўлса керак. Кичик тоғам қорамтир рангли эди, худди бобомнинг рангидек. Бобом кўзойнак тақар, унинг барча ўғиллари ҳам кўзойнак тақишар, ҳатто бувим ҳам бирор нима ўкиган пайтида кўзойнак тақарди. Мен кўзимнинг соғломлигидан жабр кўриб юрардим, чунки бизнинг оиламиздагиларнинг ҳаммаси кўзойнак тақишса-ю, мен такмасам, мени бу оилага алоқаси йўқ деб ўйлашмайдими одамлар? Менга гўёки кичик тоғамнинг кўзи туппа-тузугу фақат у менинг жонимни чиқариш учун кўзойнак тақиб юрадигандек туюлар эди. Бундан ташқари, мен эркак киши бўлсам, қиз боланинг кўнглида нима гап борлигини тушунармидим? Мен фақат шуни биламанки, қорамтир рангли қизлар оқишроқ танли қизларга ҳавас ва ҳасад қилишади.

Мендан роман ёзишни илтимос қилган иккинчи киши бу Корунани эди.

У бизнинг кварталимизда яшарди... Мен унда мактабимизнинг ҳам бенгал, ҳам инглиз тилида чиқадиган журналига шеърлар ёзардим. Корунани фисгармонияда ажойиб куйлар чалар ва яхши куйлар эди. Мен у билан ўртанча тоғам билан дўстлиги туфайли танишиб қолгандим. Унинг отаси тиш доктори бўлиб, жуда бадавлат одам эди. У хотини билан ажралишган ва Корунанининг онаси бошқа кишига турмушга чиққан эди. Қиз отаси билан қолган эди. Отаси жуда маишатпараст, ҳаётсевар киши бўлиб, яна қайта ўзини умумий никоҳ занжири билан боғлашни истамади. Корунанининг менинг ўртанчи тоғам билан бўлган дўстлиги оқибатда ҳеч нима билан тугамади. Чунки, тоғам сиёсатга калласи билан шўнгиб кетган эди. Корунани бошқани севиб қолди. У узок вақт Корунанининг бошини айлантириб юриб, кейин Европага, адвокатликка ўқишга кетди. Бечора қиз жаҳл устида урушга медицина ҳамшираси бўлиб кетворди. Орадан

бир неча йил ўтгандан кейин, биз у билан тасодифан учрашиб қолдик. Унда уруш аллақачонлар тугаган эди. Мен кўчадан кетиб бораётган эдим, кутилмаганда ёнимга машина келиб тўхтади. Рулда медицина ҳамшираси кийимида Қорунади ўтирарди. Унинг кўриниши хўрланган, аламзада беваларникидек эди. Мени «Элчин-роуд»га ташлаб ўтаркан у: «Сен менинг ҳақимда ёзсанг бўларди! Бирор вақт топиб бизникига келгин, мен сенга кўп нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бераман»,— деди ва мен машинадан тушаётганимда сўраб қолди: «Айтмоқчи, Полаш уйландими?» Менинг тоғамнинг оти Полаш эди. Мен узоқ вақтлардан бери уникига бораман деб юрдиму аммо шу бўйи боролмадим. Бир ойлар вақт ўтгач, эшитдимки, Қорунади кўп миқдорда уйқу дори қабул қилиб, ўз-ўзини ўлдирибди.

Ва ниҳоят, мана мен калавамнинг учини топиб, ўзгалар ҳаёти ҳақида ёза бошладим, демак ўз романимни яратишга киришдим. Ҳаммасига мана шу эълон қилганимиз очлик компанияси айбдор. Бунинг устига, ўзи менинг тақдирим шунақа бўлса керак: ўзгалар учун яшаш, ўзгалар тақдири юқини кўтариш. Мен роман ёзишим керакмас, репортажлар ёзишим керак холос, ижод қилишим эмас, воқеалар орасидан танлаб-танлаб олишим керак, холос.

Шундай бўлса ҳам мен яна бир марта, энди сўнги марта роман ёзишга уриниб кўраман. Бадшанинг ҳикоялари иш беради. Турмадан чиққанимдан кейин газетачилик ишини ташлайман-да Бадшанинг Қасаба союз ташкилотига ишга ўтаман! Ишчилар посёлкасида яшайман. Балким, ўшанда, менинг бу ишимдан бирор-бир натижа чиқиши мумкин.

Аммо дейлик, бу очликдан мен омон чиқмай, ўлиб кетсам-чи?

Ҳовлиқма бола! Нима бўлиб, бу ўлиш ҳаракатига тушиб қолдинг? Суф сенга-ей!

## БАДШАНИНГ ҲИКОЯИ

Мен Шадхуга, биз билан жатрада бирга ўйнайдиган этикдўзнинг ўғлига эрталаб менинг ёнимга чиқшини тайинладим. Посёлкамизнинг уйларидан бирида «Хара-

кат комитети»нинг навбатдаги мажлиси чақирилган эди. Шадху бу уйни билар эди. Эрталаб у велосипедда етиб келди. Мен Шадхуни орқага ўтказиб ўзим рулга ўтириб улгурмаган ҳам эдимки, ўз велосипедида биз томон шашт билан келаётган тоғамни кўриб қолдим. У «Тўхтаб тур, кетиб қолма!» — деб қичкирарди. Яқинлашганидан кейин у оғзини тўлдириб кулиб деди: «Мен сизларникига киргандим, топаман деб, ўйлагандим. Аммо синглим сенинг қаерда эканлигингни билмас экан. Мен шу гапдан кейин сенинг энди уйда туrolмаслигингни билиб қолдим. Мана, кўриб турибман. Сен Пороннинг уйдан чиқаётирсан. Уникида яхши ухлаб турдингми ўзи? Лозим топсанг бу оқшомни бизларникида ўтказишинг мумкин. Ҳа, мана яна: мен сен учун икки рупийни эҳтиёт қилиб юрган эдим. Забастовка фондларингга, ол».

Мен бу тоғамни унчалик ёқтирмасдим. Аммо ўша пайтда у менинг кўзимга жуда ажойиб одам бўлиб кўринди. Менга ўз уйда ётишни тавсия қиляпти, ахир менинг уникида ётишим унинг ўзи учун ҳам хавфли эканини биллади-ку! Тағин забастовка фонди учун икки рупийни айтмайсизми! Мен жуда хурсанд эдим.

Велосипедда кетяпман, ортимда Шадху, ўйлаб боряпман. Мен энди Фақир-соҳибнинг ўғли деб аталадиган Булу эмас, балки Бадшаман, мустақил Бадшаман! У ербу ерда мени чақиришар, тўхташишар, забастовка ҳақида сўраб-суриштиришарди. Ҳар сафар менинг атрофимда кутилмаганда оломон тўпланиб қоларди. Ва мен ёш болаларнинг бир-бирлари билан шивирлашиб гапиришаётганини эшитиб қолардим: «Биласанми, ким бу одам? Бу Бадша! — Забастовканинг раҳбари!»

Мени фақат отам тўғрисидаги фикр қийнади. Нима учун у бизнинг курашимизда иштирок этишни истамайди? Ахир отам кварталимизнинг барча аҳолиси мансуб бўлган қатламнинг биринчи вакили бўла олиши мумкин-ку. Нима учун у тағин бир қадам кўя олмаслиги мумкин? Тўғри, отам ўз умрида кўп заҳмат чекди. Агар мен ўзимни унга қиёслайдиган бўлсам, унинг олдида жуда бахтлиман-ку. Ҳатто акам ҳам менга нисбатан кўпроқ машаққат кўрган. Машаққату заҳмат деганингиз шундай нарсаки, уни кўп чекаверсанг, адо бўласан киши. Агар отам Мажидий тоғага ўхшаб бир оз бўлса ҳам ўқиш-ёзишни билганида ҳозиргичалик бўлмасмиди.

Биз Бходжунинг чайнаясига етиб келдик. Мен велосипеддан тушдим. Акамнинг айтишича, ўтган кечаси Болаи билан Роббанини шунчалик дўппослашибдики, ҳозир ўриндан кўзғололмай ётишган эмиш. Уларнинг иккаласи ҳам тавба-тазарру қилиб бундан буён ҳеч қачон Қасаба союзига қарши бош кўтармасликка онт ичишибди. Гонгорам Носкор ҳам тинчиганга ўхшайди.

Мен ҳам хурсанд ва айни бир пайтда ташвишда эдим. Болаи билан Роббани қандай бўлишларидан қатъи назар, ўзимизнинг заводимизда меҳнат қилишади-ку. Биз ахир ҳаммамиз бирга ишлаймиз. Агарда иш вақтида, дейлик, шу иккаласидан бирининг қўл-пўлини, станок кесиб кетса, ҳаммамиз ёрдамга чопган, қон оқишини тўхтатган, касалхонага олиб чопган, компаниядан жабр кўргани учун ундан пул ундирган бўлардик. Чунки, уларнинг ташвишлари бизнинг ташвишимиз, уларнинг қувончи бизнинг қувончимиз бўларди. Мана, ҳозир бўлса, уларни жабрдаб ўзимиз ҳам ташвиш чекиб ўтирибмиз. Аммо бу шафқатсиз сабоқ ниҳоят энди уларнинг фойдасига хизмат қилса керак.

Мен ўтириб иссиқ чой ичаётиб шундай гап эшитиб қолдимки, ундан шу зумдаёқ жиққа терга тушиб кетдим. Қимдир шундай дейди: «Завод ёнида Бхикхунинг дўкони олдида Қасаба союз нишоқлари тақиб олган бир қанча киши айланиб юрибди. Булар Гонгорам Носкорнинг сохта кийиниб олган каллакесар бандитлари».

Мен столдан ирғиб туриб акамга: «Мен ўша ерга бораман, сен шу ерда тур»,— дедим. Шадхуни тагин велосипедимнинг орқасига миндириб олдим у жўнадим.

Бхикхунинг дўкони олдида жуда катта оломон тўпланиб турарди, мен бу оломонни жуда узокдан кўрдим. Икки киши менинг ҳузуримга чопиб чиқишди.

— Нима гап? Нима бўлди?

— Сенинг отанг заводга ўтмоқчи бўлганди, шунда ўзларининг йигитларинг унинг бошига темир билан тушириб қолишди.

— Отамни? Отам ишни қайта бошламоқчи бўлибдими?

— Ҳа, у ишчилик кийимида, қўлида нонушта кутиси ҳам бор эди. Аммо барибир ҳамда, Бадша — ўзимизнинг ишчиларимизни темир билан уриш, ахир инсофданми? Мен улардан: «Отам қаерда ҳозир?»—деб сўрадим. Ай-

тишларича Бхикху қандайдир бир юк машинасини тутиб, отамни шаҳар касалхонасига жўнатиб юборибди. Отам хушсиз экан. «Уни урганлар қани?» деб сўрагандим, кимдир жавоб қилди: «Улар бизни кўришгач, қочиб, яширинишди».

Кўчада ерга ёйилган қон ёнида отамнинг велосипеди ётарди. Ундан сал нарироқда очилиб кетган понушта кутиси. Бир гала қарғалар сочилган нону нарсаларни чўкиларди.

Мен отамнинг велосипедини ердан кўтариб олиб, Шадхуга: «Мен бор тезлик билан тўппа-тўғри касалхонага бораман. Сен эсанг ўз велосипединг билан менинг орқамдан юр, фақат сен секин юр, қувламачок ўйнама!»— дедим.

Мен хотиржам эдим. Йўлда мени кўрган бир чол деди: «Бу Валосотикнинг велосипеди-ку!» Ёш бир йигит унга қарши жавоб қилди: «Йўқ! Бу Фақир-соҳибнинг велосипеди-ку!» Велосипеднинг на кўнғироғи, на тормози бор эди. Мен хотиржам эдим. Аммо ақл бовар қилмайдиган тезликда ҳайдаб бораётгандим.

Шу пайт...

## ШАНБА

Биз Бадша билан қош қорайгунча ўтирдик. Бирдан иккинчи қаватда қувноқ овозлар янграй бошлади. Мен кўп овозлар ичида Боншининг овозини ажрата олдим. Бадша хикоясини чала қолдириб, қаравотдан ирғиб турди ва қичқириб юборди: «Баста! Очлик тамом!» ва бу хушxabарни ҳаммага етказиш учун учинчи қаватга чопиб кетди.

Бундай қутилмаган воқеалар мени саросимага солиб қўйди. Мен катта интиқлик билан Бадшанинг отасининг тақдири нима билан тугаганига қизиқардим. Бадша бўлса, «шу пайт...» дея бир оз хикоясидан тўхтаб нафас ростламоқчи эди ҳамки, шу вақт иккинчи қаватда шовқин кўтарилди.

Тезда ҳамма тинчиди.

Турма комитети шунга қарор қилдики, аввало ҳар бир ётоқда компания давомида вафот этган ўртоқлар

хотирасига бағишлаб мажлислар ўтказилади ва фақат шундан кейингина очлик компанияси тугатилади.

Бизнинг ётоғимизда мажлис иккинчи қаватда бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар ҳам, тинглаганлар ҳам йиғлашди. Ҳеч ким бир нима деб дуруст гапира олмади. Ҳеч ким хатто мажлисни дуруст тинглай олмади ҳам.

Мажлис тугагандан кейин иккинчи ва учинчи қаватларда очлик компаниясидан кейинги оқибат-натижалар ҳақида докладлар бўлди. Иккинчи қаватда Бонши, учинчи қаватда эса Бадша доклад ўқишди. Менинг англашимча, ҳукумат маҳбусларни узоқ томонларга кўчириш ҳақидаги қарорини ўзгартирмабди. У фақат қандайдир майда-чуйда талабларни қондиришга ваъда берибди, холос. Шунга қарамасдан, очликни унинг иштирокчиларининг сабр-қосаси тўлгани учун ҳам барибир тугатишга қарор қилинди. Бу қарор бир овоздан маъқулланди.

Мен ўзимни ҳаддан ташқари лоҳас ҳис қилардим. Тушгача ҳали каллам равшан эди, аммо мотам маросими вақтига келиб, ким нима ҳақида гапираётганини ҳам англаёлмай қолдим. Оёқларим ҳам увушиб қолган, қанча ҳаракат қилмайин, қадам босолмас эдим. Ҳаммамиз ўтирар ва кутар эдик. Лимон шарбати келтиришди. Мен ундан ичганимдан кейин анча яхши сездим ўзимни. Биринчи қултумни ютарканман, ҳали ҳам очлик компанияси тамом бўлганига ишаноолмасдим. Шарбатнинг қолганини бирдан ичиб юбордим. Тахминан бир соатлардан кейин сули шавласи келтиришди ва бугунча бундан ортиқ ейиш мумкин эмаслигини айтишди. Эртага бизга қайнатилган гуруч беришади. У овқатни кундуз куни ёки кечаси ейиш лозимлиги врач консультациясидан кейин аниқланади.

Кеча камераларни жуда кеч ёпишди. Аммо биздан ҳеч ким пастга тушмади. Ҳеч кимга ҳаракат ёкмасди. Мен ҳам каравотда чўзилиб ётдим. Каллам бўм-бўш эди. Бирдан жуда чанқаганимни сезиб қолдим. Аммо туришга мажолим йўқ эди.

Узоқ вақт уйқум келмади, кейинроқ бориб кўзим илиниб кетибди... Аммо бу уйқу эмас, қандайдир бир ғаройиб мўъжиза эди. Мен афсонавий бир ҳолатни бошимдан кечирардим: тушимда партияга хат ёза бошлаганимман. Хат мана бундай бошланарди:



«Қадрли ўртоқлар! Бугун менинг туғилган куним бўлиб...»

Хатда мен партияга қабул қилишларини илтимос қилардим. Мен фахр билан оловли синовларни бошимдан кечирганлигимни ёзардим. Гарчи саккиз йилдан буён партия аъзоси бўлсам-да, мен у стажни ҳисобга олмасликларини, мени партияга янгидан қабул қилишларини сўрардим. Мен қасам ичиб бахтли кунларда ҳам, оғир дамларда ҳам, партиямни, ўртоқларимни ҳар қандай вазиятда ҳам ёлғиз қолдирмаслигимни айтардим.

Тушимнинг сўнггида эса гўёки мен тўққизинчи ётоқлик Шубимол-бабунинг камерасига кирган эмишман. Шубимол-бабу ўғлининг фотосуратига тикилиб ўтирар ва у билан сўзсиз суҳбатлашарди.

Бугун эрталабдан ҳаммаёкни туман қоплаб олди. Биз куруқ печенье билан чой ичдик ва бир ярим ой давомида биринчи марта ётоқлардан ташқарига, ҳовлига чиқдик. Туманнинг қалинлигидан биз бир-биримизга рўпарама-рўпара келиб, тўқнашиб кетгудек бўлганимиздагина танирдик. Олтинчи ётоқлик бир одам билан дуч келиб қолиб мен жуда кўркиб кетдим. У худди кўзойнакли скелетнинг ўзи эди. Мен ундан: «Сизга нима бўлди?»—деб сўрадим. У бўлса ўз навбатида менга тикилиб тураркан, меникидан кам бўлмаган кўркув билан деди: «Ўртоқ, сиз... Наҳотки сиз Оробиндо-бабу бўлсангиз?»

Қизиғи шундаки, бир ярим ой давомида ҳар кунни ҳамётоқларимизни кўриб борарканмиз, бирортамиз ҳам бир-биримизнинг кундан-кун ўзгариб кетаётганлигимизни сезмагандик. Кейин эса биз Шубимол-бабу билан учрашиб, иккаламиз ҳам бир-биримизни кимларга ўхшаб қолганимизни айтишга шошилдик. Мен Шубимол-бабунинг бир чеккага олиб чиқиб, унга кеча кўрган тушимни гапириб бердим. У ийманиб кулимсиради ва ҳақиқатан ҳам ўғлининг фотосурати билан ёлғиз қолган пайтлари сўзсиз суҳбатлашишини айтди. «Жуда аломат тушлар кўриб юрасиз-да, Оробиндо-бабу», деб кўшиб қўйди у.

Аммо олдиндан мени бундан ҳам ғаройиб ҳодиса кутиб турган экан.

Соат бирда газета келтиришди. Мен улардан бирини ҳаммадан олдин юлқиб олдим ва биринчи марта бугун бенгал календари бўйича нечанчи число эканлигини кўрдим.

Мен Бхагаванага ишонмайман. Илоҳиётга ҳам мутлако ишонмайман.

Аммо бу қандай бир вақтга тўғри келиб қолдйкин? Нималигини билмайман, аммо биламанки, аломат бир воқеа рўй берди. Инсон ўзини ўраб турган табиат ҳақида кўп нарса билади-ю, аммо ўз табиати ҳақида ҳали жуда кам нарса билади. Мен ўйлайманки, инсоннинг билиш қобилияти чегара билмайди. Ёки бошқача қилиб айтганда, инсон ҳамиша изланишда, илгарилашда бўлиб, ўзининг билиш доирасини кенгайтириб боради. Инсоннинг билиш фаолияти асосида ҳис қилиш тажрибаси ётади. Мана шу тажриба китобидан ҳали жуда кўп кашф қилинмаган саҳифалар ўқилади.

Бизнинг жисмимиз ва онгимизда ҳали жуда кўп кулфланиб ётган сир-асрорлар бор. Бу кулфлар ортида нималар яшириниб ётганлигини ким билади, дейсиз?

Мен мана шундай мўъжизалардан бирини фавқулодда очиб қўйдим, кеча айнан очлик компаниясининг тугалланган куни, менинг туғилган куним экан.

Бувижон! Агар сен тирик бўлганингда мени (фақат мени, чунки сен бизнинг ҳаммамизни меҳмон қилолмайсан) ширин поеш<sup>1</sup> билан сийлардинг.

Бобо! Хурсанд бўл! Менинг туғилганимга ўттиз йил тўлгани муносабати билан сули шавласи билан сийлашди!

---

<sup>1</sup> Поеш — бугдой шавласи, сутга кўп миқдорда шакар қўшиб тайёрланади. Бенгалияда жуда кенг тарқалган таом.

*На узбекском языке*

ШУБХАШ МУКЕРДЖИ

ГОЛОДОВКА

Роман

Перевод с издания издательства «Прогресс», Москва, 1977 г.

Редактор *А. Қосимов*  
Рисунг *Т. Шумская*  
Расмлар редактори *А. Бобров*  
Техн. редактор *Е. Поталова*  
Корректор *Д. Мухитдинова*

ИБ № 1499

Босмахонага берилди 19. 01. 81. Босишга рухсат этилди 18. 09. 81.  
Формати 84 × 108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. Босмахона қоғози № 3. Адабий гарнитура. Фотонабор.  
Юқори босма. Шартли босма л. 13,86. Нашр. л. 14,06. Тиражи 60000.  
Заказ № 1380. Баҳоси 1 с. 40 т.  
Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Тошкент, 700129.  
Навоний кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат  
комитетининг Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси.  
Тошкент, Навоний кўчаси, 30.

Мукержи, Шубхаш.

Ғалаён. Роман. Русчадан Э. Бойсинов ва М. Сатторов тарж.—Т.:  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.— 264 б

Машҳур ҳинд ёзувчиси қаламига мансуб бўлган бу роман 30—40 йилларда коммунист шахсининг шаклланишига оиддир. У китобхонларни тарихнинг энг оғир даври бўлмиш Ҳиндистон демократик ҳаракати билан таништиради; кейинги ўн йил мобайнида мўстамлака тартиботи ҳукм сурган бенгал жамияти ҳаётидан ранго-ранг манзаралар беради.

Мукерджи, Шубхаш. Голодовка. Роман.

И (Инд)

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти 1981 йилда қуйидаги китобларни  
нашр қилди:

*Эмиль Золя. Ҳамал. Роман.*

*Дэн Жекобсон. Оташ муҳаббат. Роман.*

*Жеймс Нгуги. Болакай нидоси. Роман.*

*Такэо Арисима. Аёл. Роман.*

*Сембен Усмон. Гармсел. Роман.*

*Виейра Луандину. Қалб жароҳати. Қисса ва  
ҳикоялар.*

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат  
нашриёти 1982 йилда қуйидаги китобларни  
нашр қилади:

*Владимир Канивец.* Ульяновлар оиласи. Р о -  
м а н . -

*Иван Стаднюк.* Уруш. Р о м а н .

*Қурбондурди Қурбонсоҳатов.* Тўйли Мерган.  
Р о м а н .

*Владимир Богомолов.* Қирқ тўртинчи йил ав-  
густиди. Р о м а н .

*Фазу Алиева.* Булоқ боши. Қ и с с а л а р .

*Сергей Баруздин.* Ойдек равшан. П о в е с т ь  
в а ҳ и к о я л а р .